ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ
УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ

# ТАРИХИЙ СИНТАКСИС

«ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИ» КУРСИ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1974

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Тарихий синтаксис» олий мактабларнинг филология факультетлари учун тарихий грамматика курси бўйича ўқув материали сифатида тавсия этилади.

Мазкур қўлланмада ўзбек тилининг қўшма гап конструкциялари тарихи ёритилади. Қўшма гап тараққиёти турли даврларга оид бўлган қўлёзмаларнинг тилини таҳлил қилиш асосида кўрсатилади. Автор ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларни тўрт даврга бўлади: қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек тили ёдномалари. Ишда қўшма гапнинг ҳар уч тури — боғловчисиз, боғланган, эргаш гапли қўшма гаплар тараққиёти алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб берилади.

Иккинчи қисмда XII аср ёдномаси «Ҳибатул ҳақойиқ», XII—XIV аср ёдномаси «Ўғузнома» ва ҳозирги замон ёдномаси «Ўтган кунлар»нинг синтактик анализи илова қилинади. Иловада қиёсий жадваллар ҳам берилиб, уларда қўшма конструкцияларнинг қўлланиш миқдорида минг йиллик давр ичида қандай ўзгаришлар бўлганлиги кўрсатиб ўтилади.

Монография олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ва студентларига мўлжалланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Бн. — З. М. Бобир, „Бобирнома".
ДЛТ — М. Кошғарий, „Девону луготит турк".
КТ, ктё. — Култегинга қўйилган катта ёднома.
КТ, кё — Култегинга қўйилган кичик ёднома.
Н., Мқ. — А. Навоий, „Маҳбубул қулуб".
Н., Мн. — А. Навоий, „Муншаот".
ПДП — С. Е. Малов, „Памятники древнетюркской письменности".
ТВГ — „Туркистон вилояти газети".
Тоқ — Тунюқуққа қўйилган ёднома.
Тф. — „Тафсир".
ШТм — Абул Ғози, „Шажараи таракима".
ҚА, қё — Рабғузий, „Қиссасул анбиё", қўлёзма.
ҚА, лит. — Рабғузий, „Қиссасул анбиё", литография.
ҚБ. Н. — Юсуф Хос Ҳожиб, „Қутадғу билик", Наманган нусхаси. (С. Е. Малов бўйича; сўнгги рақамлар ПДП нинг бетини кўрсатади)
ҚБ, Р. — „Қутадғу билик"нинг В. В. Радлов нусхаси.
ҲҲ — „Ҳибатул ҳақойиқ".
Сувр. — SUVARNAPRABHASA. Bibliotheca Budehica, AYII, вып. I—YIII, СПб., 1913—1917.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТРАНСКРИПЦИОН БЕЛГИЛАР

*а* — тил орқа, лабланмаган, кенг.
*ӑ* — тил олди, лабланмаган, ўрта-кенг.
*ā* — тил орқа, лабланмаган, кенг.
*ә* — тил олди, лабланмаган, ўрта-кенг, биринчи бўғинда учровчи специфик товуш.
*и* — тил олди, лабланмаган, тор.
*ы* — тил орқа, лабланмаган, тор.
*у* — тил орқа, лабланмаган, тор.
*ӯ* — тил олди, лабланган, тор.
*о* — тил орқа, лабланган, ўрта-кенг.
*ө* — тил олди, лабланган, ўрта-кенг.
*й* — тил ўрта, жарангли.
*жҫ* — тил олди, аффрикат.
*ж* — тил олди, аффрикат.
*w* — жарангли, в билан ф орасидаги специфик лаб-лаб ундоши—(ڤ).
*ң* — тил орқа, бурун ундоши, сонор,
*ȝ* — тил олди, жарангли, аффрикат, ўзига хос товуш (ذ).
: — чўзиқлик белгиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЗ БОШИ

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ҳали ишланмаган бир соҳадир. Бошқа туркий тиллар тарихий грамматикаси ҳам шу аҳволдадир. Ҳозиргача тарихий грамматиканинг айрим масалаларига оид баъзи бир монография ва мақолаларгина мавжуд[1]. Бу асарлар асосан тарихий морфология ва тарихий фонетика масалаларига бағишланган бўлиб, тарихий синтаксис масаласига оид асар жуда оз.

Тарихий грамматикани яратиш, маълумки, ҳозирги замон туркий тилларини қиёсан текшириш ва ҳозирги ўзбек диалект ва шеваларини назарий ва тарихий жиҳатдан ўрганиш билан ҳамда тарихий ёдномалар тилини чуқур анализ қилиш билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда ўзбек шевалари ҳали тўлиқ ўрганилган эмас ва диалектологик карталар тузилганича йўқ, ўрганилган диалект ва шеваларга оид асарлар асосан тасвирий характерда бўлиб қолмоқда. Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси ҳали ишланганн йўқ. Ўзбек халқининг бой мероси — ёзма ёдгорликлари ҳам тўлиқ нашр қилингани ва анализ қилинганича йўқ. Бу ҳолат ўзбек тили тарихий грамматикасини яратишни, албатта, қийинлаштиради.

Ўзбек тили тарихига оид юзлаб ёзма ёдгорликлар мавжуд. Бу ёзма ёдгорликлар тилини ўрганиш асосида тил тарихини даврлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала бўйича А. Н. Самой-

---

[1] Шундай ишлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз: А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961; Он же, Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962; Э. Н. Наджип, Кипчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века А. д. д., М., 1965; И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1962; Н. З. Гаджиева, Синтаксис сложноподчиненного предложения в азербайджанском языке (в историческом освещении), М., 1963; Н. Мирзэзадэ, Азэрбајчан дилинин тарихи морфолокијасы, Бакы, 1962; Р. Мэhэррэмова, М. Чаhанкиров, Азэрбајчан дилинин тарихи синтаксисинэ доир материаллар, Бакы, 1962; М. Н. Хидиров, Туркмен дилинин тарихиндан материаллар, Ашгабад, 1962; Г. А. Абдурахманов, Исследование по старотюркскому синтаксису (XI в.), М., 1967; С. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Тошкент, 1959; Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965; C. Brockelman, Osttürkische Grammatik der islamischen Litteratur sprachen Mittelastens, Leiden, Brill, 1954.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лович, А. Қ. Боровков, Н. А. Баскаков, А. М. Шчербак ва бошқа олимларнинг фикрлари маълум.

Ўзбек адабий тили тарихини қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. **Қадимги туркий тил.** Бу даврни XI асргача бўлган ёзма ёдгорликлар тили ташкил этади (Култегин ва Тунюқуқ ёдгорликлари ҳамда шу даврга оид бўлган бошқа ёзма ёдгорликлар[2]).

2. **Эски туркий тил.** Адабий тил тарихининг иккинчи даврини XI—XIII асрларда вужудга келган ёзма ёдгорликлар ташкил этади («Қутадғу билик», «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Ўғузнома», «Тафсир», «Қиссасул анбиё» ва бошқалар[3]).

Бу даврда ёзилган «Қутадғу билик», «Девону луғотит турк» «Ўғузнома» асарлари тил жиҳатдан қадимги туркий тилга яқинроқ турсалар, «Қиссасул анбиё» асари эса эски ўзбек тилига яқинлашади. Шу билан бирга давр ёзма ёдгорликлари тил жиҳатдан алоҳида бир даврни ташкил этади, қадимги туркий тилдан фарқланади.

Қадимги ва эски туркий тилда ёзилган ёдномалар кўпчилик туркий тилларнинг, шу жумладан ўзбек тилининг шаклланиши тарихи билан бевосита боғлангандир. Бу давр ёзма ёдномалари ҳақида тўхтаб С. Е. Малов шундай дейди: «Все эти памятники или языки всех этих памятников служат общим фоном, общей исторической канвой для древней истории большинства тюркских языков»[4]. В. В. Радловнинг кўрсатишича, «чагатайский язык (эски ўзбек тили — *А. F.*) представляет собой дальнейшее развитие древнеуйгурского языка (эски турк тили — *А. F.*), изменившегося под влиянием местных среднеазиатских наречий и говоров»[5].

3. **Эски ўзбек тили.** Бу давр ўзбек тилини XIV асрдан бошлаб ёзилган асарлар (Қутб, Хоразмий, Сиди Аҳмад), Навоийгача ижод этган шоирларнинг асарлари (Лутфий, Атоий, Саккокий, Яқиний, Амирий, Аҳмадий, Мир Ҳайдар, Гадоий в. б.) ташкил этиб, Навоий асарлари тилида эски ўзбек тили ўз равнақини топади, қатъий ўринни эгаллайди, ягона адабий тил нормаси сифатида қабул қилинади. Натижада бу адабий тил традицион норма сифатида Навоийдан кейин ҳам сақланади, ёзувчи ва шоирлар ана шу нормага амал қилиб ёзадилар (Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози в. б.). Эски ўзбек адабий тили нормалари шу даражада қатъийлашдики, қўшни туркий халқларнинг шоир ва ёзувчилари ҳам ана шу нормага амал қилиб ёзадилар. Эски ўзбек тили нормалари XIX асрга қадар сақланади. XIX асрга келиб Муқимий, Фурқат, Завқий асарларида ва бошқа ёзма манбаларда

---

[2] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951; Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965.

[3] А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961; А. Қ. Боровков, Очерки истории узбекского языка, Ученые записки ИВ АН СССР, М., 1958.

[4] С. Е. Малов, Кўрсатилган асар, 3-бет.

[5] В. В. Радлов, Ярлыки Тохтамыша и Темур кутлуга, Записки Восточного отделения ИРАО, том III, вып. 1, стр. 2.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу традицион тил нормаларидан узоқлашиш ва жонли халқ тилига яқинлашиш тенденцияси аниқ сезилади.

4. **Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.**

Қўлингиздаги бу асар ўзбек тилининг қўшма гап синтаксиси тарихига бағишлангандир. Қўшма гап тараққиёти ҳақида гап борар экан, икки факторни ҳисобга олиш лозим:

1. Туркий тилларнинг тарихига оид илк ёзма ёдгорликлар VII—VIII асрдан бошланади. Шундай экан, тил тараққиёти учун кичик бир давр ҳисобланган бу вақт ичида қандайдир катта ўзгаришлар, янги сифатлар, тамоман янги конструкцияларнинг пайдо бўлиши мумкин эмас. Тилнинг синтактик структураси, тилнинг бошқа соҳаларига қараганда, жуда секинлик билан тараққий этади. Ўзбек тили ҳозир ҳам агглютинатив структурадаги тил бўлиб қолади. Демак, қўшма гап тараққиётида айрим ўзгаришлар, бойишлар, такомиллашишлар ҳақидагина сўз бориши мумкин, холос.

2. Ўзбек тилининг тарихини ўрганиш маълум даврлардаги ёзма адабиётларни таҳлил қилиш орқали бўлар экан, бу ёзма адабий тилга ташқи факторларнинг таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ёзма адабий тил тараққиётининг дастлабки босқичларида уйғур, араб, форс-тожик тилининг роли катта бўлди. Бу таъсир адабий тилни халқ тилидан маълум даражада узоқлаштирди, ҳатто А. М. Шчербак сўзи билан айтганда, адабий тилни консервация қилди.

Шундай қилиб, тил тарихи ёзма адабий тил тарихи бўлиб қолади.

Қўшма гап тараққиётини ўрганишда асосан насрий асарлар танлаб олинди (бундан «Қутадғу билик» асари мустасно). Бунинг сабаби шуки, насрий асарлар кўпроқ жонли тилга яқин бўлади, назмий асарлар эса ўзига хос услубга эгадир. Ўрганилган манбалар: Урхун ёдномалари (Култегин ва Тунюқуқ ёдномалари)[6]; «Девону луғотит турк»[7], «Қутадғу билик»[8], «Ҳибатул ҳақойиқ»[9], «Тафсир»[10], «Қиссасул анбиё»[11], «Маҳбубул қулуб»[12], «Муншаот»[13], «Бобирнома»[14], «Шажараи тарокима»[15], «Туркистон вилоятининг газети» ва «Тараққий» газетаси.

---

[6] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951.

[7] С. Муталлибов томонидан таржима қилинган ва нашрга тайёрланган, Тошкент, 1960, 1962, 1963 йиллар (I, II, III томлар).

[8] ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади: Наманган нусхаси (инв. № 1809), Қоҳира нусхаси (инв. № 6091—6094), W. Radloff, Das Kuctatku Bilik des Jusuf-chass Hadschib aus Balasagun. Theil 1, 11, 111, 1891—1910. St. Petersburg.

[9] Edib Ahmed Jukneki, Atebetul Hakayik, Istanbul 1951. Стамбул, 1915—1916.
هبة الحقايق احمد يوكناكى

[10] ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 2008.

[11] ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 1334 (қўлёзма), № 9318 (литография).

[12] А. Н. Кононов томонидан нашрга тайёрланган, М.—Л., 1948.

[13] ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 287.

[14] Тошкент, 1948.

[15] А. Н. Кононов томонидан нашрга тайёрланган, М.—Л., 1958.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

Ибтидоий тилнинг структураси қандай бўлганлигини ҳозир аниқ айтиб бериш мумкин эмас. Бизгача етиб келган туркий обидалар кичик даврни — бундан минг-бир ярим минг йил олдинги даврни акслантиради, холос. Маълумки, тараққиётнинг бу даврида тил анча шаклланган, ишланган, бир қолипга туширилган эди. Шунинг учун ҳам ибтидоий тилнинг қандай шаклда бўлганини тафаккур тараққиёт қонуниятларига нисбат бериб, тенглаштириб эмас, мантиқан тахмин этишга тўғри келади.

Мураккаб фикрнинг вужудга келиши қўшма гаплар шаклланишидан олдин рўй берган. Биз бу ўринда, албатта, ҳозирги замон тушунчамиздаги қўшма гапларни кўзда тутамиз. Ибтидоий гап эса структура жиҳатдан содда бўлиб, мураккаб фикрни ифодалаган, бундай гаплар ҳозирги замон тилидаги атов гапларни эслатади.

Бизгача етиб келган қадимги туркий обидаларда (тошга ўйиб ёзилган ёзма ёдгорликларда) ҳозирги замон тилидаги каби боғловчили ва боғловчисиз қўшма гап конструкциялари билан бир қаторда, қадимги тил намунаси бўлмиш жумлалар ҳам қўлланади. Бундай жумлалар кетма-кет келиб, шаклан мустақил бўлади: *Тоқуз оғуз будун кәнтӱ будуним эрти, йағы болты, бир йылқа биш йолы сӱңушдимиз...* (КТ, ктё, 44)4 — тўққиз ўғуз халқи ўз халқим эди, душман болди, бир йилда беш марта урушдик. Бундай конструкциялар XI аср ёдномаси «Қутадғу билик»да ҳам кўп учрайди: *Тәрӓрсан ҳарамығ барырсан қалыр* (ҚБ, XLII 197/3) — ҳаромни тўплайсан, (аммо) сен ўтиб кетасан, (терган нарсаларинг) қолиб кетади.

Бу типдаги жумлалар шаклан мустақил бўлса-да, улар орасида логик алоқа мавжуд: бир гап олдин, иккинчи гап кейин рўй бериши, бири иккинчисининг мазмунини изоҳлаш ёки тўлдириши мумкин. Бундай қатор келган жумлалар ўзаро бирор грамматик восита билан боғланмайди, бундай воситага эҳтиёж ҳам йўқ. Бу хил жумлалар умумий бир фикрни, бирор мақсадни ифодалайди. Уларни боғланган ёки эргаш гапли қўшма гапга ҳам ажратиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмайди — бундай гаплар орасида ҳар икки хил қўшма гап мазмуни ҳам ифодаланади. Кўпинча қўшма ва содда гапларнинг чегарасини ҳам топиб бўлмайди. Ўзаро умумий мазмун муносабатида бўлган бундай ибтидоий жумлалар орасида семантик муносабатлар маълум даражада конкретроқ ифодаланиши (паратаксис ва гипотаксис шаклга кириши) билан бундай мазмун муносабати даставвал интонацияда кўринади — гаплар орасидаги интонация турлилашади (санаш ва изоҳ интонациясига ўхшаш). Тараққиётнинг кейинги босқичида гаплар орасидаги семантик муносабатнинг турлича ифодаланиши кесимларнинг турли шаклланиши билан ифодаланади: одатда гапларнинг бири (одатда биринчиси)-нинг кесими феълнинг турли формалари (сифатдош, равишдош, шарт феъли, буйруқ-истак майли формалари, ҳаракат номи) орқали ифодаланади.

Қадимги қўшма гаплар орасидаги семантик муносабатлар тобора дифференциаллашади. Бу ҳол маълум бир воситалар орқали рўёбга чиқарилади. Бундай воситалар сифатида аввало шу гаплар таркибидаги гап бўлакларининг мазмуни ва уларнинг жойланиши хизмат қилади: 1) айрим гап бўлакларининг мазмуни (одатда биринчи гапда мазмуни конкретлаштирилиши зарур бўлган гап бўлаклари келади, бундай гап бўлаклари одатда олмошлар ёки жамловчи отлар орқали ифодаланади). 2) айрим гап бўлакларининг қатор келган гаплар орасида такрорланиши (...ғор бор эрди, бу ғор...). Бу ҳолда бир гап иккинчисини изоҳлайди. 3) умумий бўлакларнинг мавжуд бўлиши. 4) айрим, лексик элементларнинг келтирилиши (к е й и н, о л д и н, а л қ и с с а, айрим кириш сўзлар в. б.).

Кўрсатиб ўтилган воситалар орқали ибтидоий қўшма гаплар логик жиҳатдан дифференциаллашади, бундай гапларнинг шаклан бўлиниши учун нисбий сўзларнинг, боғловчиларнинг ва бошқа ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиши шарт. Бу воситалар боғланган ва эргаш гапли қўшма гап турларини келтириб чиқарувчи грамматик воситалардир.

Қўшма гапнинг турли типларининг қўлланиши нутқ стили ва жанрга боғлиқ бўлади: ҳикоя-тасвирий асарларда кўпроқ содда гаплар қўлланса[1–2], дидактик асарларда узун ва чигал жумлалар кўпроқ учрайди (кўчирма ва ўзлаштирма гапларни аралаш қўллаш, бир жумла ичида бошқа изоҳ жумлаларни келтириш в. б.). Бунга ҳали гапларнинг тартиби қатъийлашмагани ва гапларни чегараловчи формал белгиларнинг камлиги ҳам сабаб бўлган, албатта.

Қўшма гапларнинг тараққиётини, бир томондан, она тилининг ички тараққиёт қонуниятлари белгилаб берса, иккинчи томондан, бу тараққиётда бошқа тилларнинг таъсири ҳам катта роль ўйнай-

---

[1–2] «Шажараи тарокима», А. Н. К о н о н о в томонидан нашрга тайёрланган, 1958, 116-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди[3]. Айниқса, рус тили синтаксис қурилишининг ўзбек тилига таъсири билан янги ва янги конструкциялар келиб чиқди ва айрим пассив конструкцияларнинг қўлланиши активлашди.

Қўшма гапларнинг тараққиёти масаласи бўйича ҳозиргача А. Рифтиннинг фикри муҳокама қилиб келинади. Унинг фикрига кўра, қўшма гаплар икки хил йўл билан келиб чиқади: 1) Икки содда гапнинг бирикиш йўли билан (бу йўл билан боғланган қўшма гап тузилади; бундай боғланган қўшма гаплардан эргаш гапли қўшма гаплар ҳам ажралиб чиқади).

2) Содда гап таркибидаги сифатдош, равишдош, шарт феъли каби оборотларининг кенгайиб, алоҳида гап ташкил этиши йўли билан. Флектик тиллар учун биринчи йўл асос бўлса, агглютинатив тиллар учун қўшма гап келиб чиқишининг иккинчи йўли асосдир[4]. Айрим олимлар туркий тилларда қўшма гапларнинг шаклланиши содда гапнинг бирикиши йўли билан бўлади, десалар[5], айрим олимлар қўшма гап тараққиётининг иккинчи йўлини тан оладилар[6]. Кўп олимлар А. Рифтиннинг фикрига шубҳа билан қарайдилар ва қўшма гап тараққиётида ҳар икки йўл ҳам қўлланиши мумкин эканини кўрсатадилар[7]. Ҳақиқатан ҳам қўшма гап тараққиётини кўрсатиб ўтилган икки йўлгагина боғлаш маълум даражада ҳозирги замон қўшма ва содда гаплар конструкциясини ибтидоий тилга кўчириш, ўзига хос структурага эга бўлганлигини назарга олмасликдир. Сифатдош, равишдош, шарт феълли конструкциялар қадимда мазмунан ва грамматик жиҳатдан мустақил бўлганлар, тобеланиш ҳодисаси кейинроқ рўй беради. Демак, бундай феъл конструкциялари алоҳида гапга — қўшма гапнинг алоҳида бир қисмига (эргаш гапга) томон эмас, аксинча, тобеликка — гапдан сўз бирикмасига томон тараққий этганини кўрамиз. Шунингдек, эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклланишини боғланган қўшма гаплардан келтириб чиқариш тўғри бўлмас, эргаш гапли қўшма гаплар бевосита боғловчисиз қўшма гаплардан шаклланиши ҳам мумкин. Боғланган қўшма

---

[3] «Для классического чагатайского языка характерны сложные построения в которых искусно... используются особенности тюркского, таджикско-персидского и, в меньшей мере, арабского синтаксического строя» (А. Н. Кононов, ўша асар, ўша бет).

[4] А. Рифтин, О двух путях развития сложного предложения в аккадском языке, Советское востоковедение, том III, Л., 1937, 66-бет.

[5] М. Ш. Ширалиев, Сложноподчинённые предложения в азербайджанском языке, Журнал «Вопросы языкознания», № 1, 1956, 95-бет.

[6] С. Жиенбаев, О классификации сложноподчинённого предложения в казахском языке, Изв. ФАН КазССР, вып. 1, 1944, 113-бет; Э. А. Грунина, Сложноподчинённые предложения в современном узбекском языке, Канд. диссертация, М., 1952.

[7] Г. С. Кнабе, Еще раз о двух путях развития сложного предложения, Вопросы языкознания, № 1, 1955; К. К. Сартбаев, Основные вопросы сложного предложения в современном киргизском языке, автореф. докторской дисс., М., 1953; Н. З. Гаджиева, Типы придаточных предложений в современном азербайджанском литературном языке, М., 1951.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гаплар ҳам ўз навбатида боғловчисиз қўшма гаплардан келиб чиқиши мумкин.

Қўшма гаплар тузилиши ва мазмунига кўра уч хил бўлади: 1) боғловчисиз қўшма гаплар, 2) боғланган қўшма гаплар, 3) эргаш гапли қўшма гаплар.

**Боғловчисиз қўшма гаплар** бирор грамматик восита ёрдамисиз ўзаро бириккан содда гаплардан иборат бўлади. Боғловчисиз қўшма гапларда мураккаб мазмун ифодаланади, уларни ташкил этган содда гаплар мазмунан тенг муносабатни ҳам, тобе муносабатни ҳам ифодалайдилар. Қадимги тилда бундай қўшма гапларнинг мазмуни янада мураккаб, қоришиқ бўлган, мазмунан бирбиридан анча узоқ бўлган гаплар ҳам ёнма-ён кела олган. Ҳозирги замон тилида бу хил қўшма гаплар мазмунан анча дифференциаллашган, янги ва янги турлари келиб чиққан[8].

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ибтидоий формаси бўлиб, қўшма гапнинг бошқа турлари учун асос бўлган.

**Боғланган қўшма гаплар** тенг боғловчилар ёрдами билан туғилган қўшма гап турларидир. Бу хил қўшма гап турлари боғловчисиз қўшма гаплардан кейинроқ шаклланади. Боғланган қўшма гапларнинг эргаш гапли қўшма гаплардан олдинроқ шаклланишининг сабаби — эргаш гапли қўшма гапнинг тузувчи тобе боғловчиларнинг тенг боғловчилардан кейин шаклланишидир.

**Эргаш гапли қўшма гапни** тузган сифатдош, равишдош, шарт феъллари ҳам аввало мустақил гап кесимларини ташкил этиб, кейинроқ бундай гаплар тобелашади, эргаш гапга айланади. Эргаш гапли қўшма гаплар ёлғиз боғланган қўшма гаплардан шаклланган эмас, чунки тобе боғловчилар тенг боғловчилардан келиб чиқмайди, тобе боғловчилар тобелик семантикаси бўлган алоҳида сўзлардан келиб чиқади. Эргаш гапли қўшма гапларнинг ибтидоий формаси — боғловчисиз қўшма гаплардир. Ўзаро изоҳлаш, тўлдириш, аниқлаш муносабатида бўлган боғловчисиз қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гаплар учун асос бўладилар. Шунингдек, кесими сифатдош, равишдош, шарт феъли формасида бўлган эргаш гаплар ҳам даставвал мустақил бўлганлар, чунки бу феъл формаларининг ўзи мазмунан ва шаклан мустақил бўлган эди.

---

[8] Бу ҳақда қаранг: Ғ. Абдураҳмонов, Қўшма гап синтаксиси, Тошкент, 1964, 20—59-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## I Боб

# БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ибтидоий формасидир[1]. Бунинг сабаби шуки, боғловчи иштирокисиз, ёлғиз интонация ёрдами билан боғланиш қўшма гап тузишнинг энг оддий усулидир, бундан ташқари, фольклор ва қадимги ёзма ёдномаларнинг тил хусусияти ҳам бу фикрни исботлайди.

Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид бўлган урхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган. Логик жиҳатдан алоқадор бўлган, шаклан мустақил бўлган содда гапларни ёнма-ён келтириш йўли билан мураккаб фикрнинг ифодаланиши кейинги давр тилига ҳам тааллуқлидир.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзилари ҳозирги замон боғланган қўшма гаплари учун, баъзилари ҳозирги замон эргашли қўшма гаплари учун асос бўлади, айримлари эса, маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади. Боғловчисиз қўшма гаплар ўз хусусиятларига, ўз тараққиёт йўлига эга бўлган махсус конструкциядир, бу конструкция тарихий тараққиёт процессида янада такомиллашган ва ҳозирги замон тилида, қўшма гапнинг бошқа турлари билан баробар қўлланади, ҳатто унинг баъзи турлари кейинги даврда вужудга келади[2].

Проф. Н. К. Дмитриевнинг фикрича, қумиқ ва бошқирд тилидаги ***нимага индамайди, билмайман; уйида нимаси бор, ким билади***[3]; ***айтингиз, у келадими?***[4] типидаги конструкциялар кейинги йилларда рус тили таъсири билан келиб чиқади. Бу фикр ўзбек тилига ҳам тааллуқлидир.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи турлари кейинги даврларда активроқ қўлланади, баъзи бирлари эса боғловчили конст-

---

[1] Қаранг: Ф. Е. Корш, Способы относительного подчинения, М., 1877, 16.

[2] А. М. Щербак, ...бессоюзность — характерная и типичная черта агглютинативных языков, Сказание об Огузе, канд. дисс., Л., 1961, стр. 119.

[3] Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, 271-бет.

[4] Н. К. Дмитриев, Грамматика кумыкского языка, М.—Л., 1940, 194-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

рукцияларнинг ўрнини ҳам эгаллайди. Бунинг сабаби шуки, боғловчисиз қўшма гаплар фикрни ифодали ва ихчам ифодаловчи халқ тилига яқин бўлган нутқ конструкциясидир[5].

Боғловчисиз қўшма гаплар боғланган ва эргаш гаплар ратилишида асос бўлиши билан бирга[6], ўз тараққиёт йўлига ҳам эга бўлгани учун қўшма гапнинг бошқа турлари билан баробар қўлланган.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг ишлатилиши албатта нутқ стилига ҳам боғлиқдир: халқ тилига яқин бўлган «Девону луғотит турк»да асосан боғловчисиз қўшма гаплар ишлатилади.

Боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабат қуйидаги йўллар билан ифодаланган:

1) турли интонация, пауза;

2) гап бўлаклари ва гапларнинг ўринлашиши;

3) айрим гап бўлаклари (асосан, олмош ва феълдан ифодаланувчи)нинг семантикаси;

4) айрим гап бўлакларининг такрори; бу такрор айнан бўлиши ёки бошқа хил сўз туркуми орқали бўлиши мумкин. Бунда олмошларнинг роли каттадир (такрорланган бўлак гапларни семантик жиҳатдан боғлайди);

5) сифатдош, равишдош ва буйруқ феъллари;

6) кўчирма гап конструкцияси орқали;

7) қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатни конкретлаштириш учун айрим лексик элементлар (***анда, аны ул фурсатда; ул жиҳатдын*** в. б.) қўлланади. Шуниси характерлики, ҳозирги замонга келиб бундай лексик элементларнинг қўлланиши чегараланади, камаяди.

Бу воситалар асосан ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади; бу воситаларнинг қайси бири ибтидоийроқ эканини фақат назарий жиҳатдан тахмин этиш мумкин, холос; бизгача етиб келган ёдномаларда бу воситаларнинг ҳаммаси, турли даражада бўлса ҳам, асосан қўллангандир.

Қадимги ёдномаларда боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар ҳам, кўп ўринларда, ҳозирги замон тилига яқин туради.

1. Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар маълум ***бир пайтда*** ёки ***кетма-кет*** рўй берган воқеа, ҳодиса, хусусиятларни ифодалайди:

*Қар, буз қамуғ әрӱшди, Тағлар сӱви анышды, Кӧкшин булыт ӧрӱшди, Қайғуқ болуб әгришӱр* — Қор ва музлар ҳаммаси эриди, тоғларнинг суви оқди, осмонда кўк булутлар пайдо бўлди, улар қайиқ бўлиб сузишади (ДЛТ, I, 195, 1—4). *Ӧлӱм отун ичӱрдӱм,*

---

[5] М. В. Ломоносов боғловчисиз қўшма гапларни мих ва елимсиз бириктирилган бежирим нарсага ўхшатади. Қаранг: М. В. Ломоносов, Краткое руководство к красноречию, Книга 1, 325-бет; Полное собр. соч., т. VII, М.—Л., 1952, 376—377-бет.

[6] Боғланган ва эргаш гапларнинг шаклланишини фақат боғловчисиз қўшма гапга боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас, албатта.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ичти болуб йӱзи тарын* — Ўлим шарбатин ичирдим, юзи буришиб ичди (ДЛТ, 1, 82/3—Б).

Бу типдаги боғловчисиз қўшма гапларнинг кесимлари, кўпинча сифатдош орқали ифодаланади ёки от кесим бўлади:

*Қақлар қамуғ кӱлäрди, Тағлар башы илäрди, Ажун таны йилирди, Туту чəчäк жəркäшӱр* — Қоқ ерлар ҳаммаси кўлга айланди, тоғ бошлари илиди, дунё иссиқ нафас олди, турли-турли чечаклар бош кўтариб тизилишди (ДЛТ, 1, 189, 10—13). *Əликä кирӱ ҳам чықа тӱрчӱдӱ, Əлик əзгӱ көзӱн бақа тӱрчӱдӱ* — Эликнинг олдига кирган ва чиққанда, Элик эзгу кўзлари билан боқиб саломлашади (ҚБ, Р., Н., 54).

Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабат анча узоқ бўлади, ҳаракат, ҳолатларнинг кимга, нимага тааллуқли эканлиги ва гаплар орасидаги семантик муносабат контекстдангина англашилиб туради: *Адашлық ӱзä турмады, Қалын əран тиркäшӱр* — Дўстликка риоя қилмади, ҳозир кўп аскарни бириктириб (менга қасд қилмоқчи) (ДЛТ, 1, 165, 6—9). Маълумки, Урхун ёдномалари проза йўлида ёзилгандир. Унда бу типдаги қўшма гап от кесимларининг боғламалари умумлашиб, бир ўринда келганини ҳам кўрамиз:

(50) (10) *...көрӱр көзим көрмäз тəг, Билир билигим билмäз тəг болты...*—Кўрар кўзим кўрмасдек, билар ақлим билмасдек бўлди (39). *Бизиң сӱ аты туруқ, азуқы йоқ əрти...* — Бизнинг қўшин отлари ориқ, озуғи йўқ эди (КТ, ктё).

Маълум пайт муносабатида бўлган қўшма гап қисмларини бир-бирига боғлашда, юқорида кўрсатиб ўтилган воситалардан ташқари, айрим лексик элементлар ҳам бўлган. Бу лексик элементлар қўшма гап қисмларидан англашилган мазмунларнинг бир вақтда ёки кетма-кет бўлишини кўрсатган (ДЛТ, ҚБда—*əмди*): ...*Нəгӱ тəр əшит **əмди** билги тəңиз* — ...энди билими денгиздек бўлган нима дейди — эшит (ҚБ, Н., 45; 248). *Öзлäк öчин алдыму, **əмди** йӱрäк йыртылур* — Замона ундан ўчини олдими, энди унинг учун юраклар яраланаётир (ДЛТ, 1, 77, 12—13).

Урхун ёдномаларида бу типдаги қўшма гапларнинг биринчи қисмида умумий иккинчи даражали бўлак ҳам қўлланганини кўрамиз, бундай бўлак қисмларни мазмунан бирлаштирган:

(21) ***Ол öдкä** қул қуллығ болмыс əрты күң күңлиг болмыс əрти, иниси äчисин билмäз əрти, оғлы қаңын билмаз əрти* — у вақтларда қул қуллик бўлмиш эди, канизаклар канизаклик бўлмиш эди, укаси акасини билмас эди, ўғли отасини билмас эди (КТ, ктё).

Урхун ёдномаларида қўшма гап қисмларини бириктириш учун қуйидаги лексик элементлар ҳам қўлланади:

1) ***анта кисрä*** (***анта***—ундан, ***кисрä***—кейин):

(6) *Анча сақунтум. **Анта кисрä** тäңри билик бэртӱк ӱчӱн öзӱм өк қаған қусдум*—Ундан кейин шундай ўйладим: тангри (менга) билим бергани учун, (унинг хон бўлишини) ўзим истадим (Тон).

2) ***амты***—энди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

(9) ... *илиг эртим; илим* ***амты*** *қани?* — Давлатли (С. Е. Малов: племенной союз) халқ эдим, энди давлатим қани?... (КТ, ктё).

Сўнгги давр адабиётида—„Қиссасул анбиё“ ва „Тафсир“да—***анда, ул вақтда, эмди, андин кейин, андин сўнгра*** лексик элементлари қўлланади:

...***эмди*** *учмаҳқа кирдим* (ҚА, лит., 39) ...***Андын*** *соңра төри кэңэшиб қудуққа салур болуб* (ҚА, Қё, 214). *Ашра жанимизни бэрдиң,* ***эмди*** *йана öз йразиң — раҳматиң бирлä жäнимизни кäшўркил* (ТФ. XVIII сура, 78). *Тäңри таълақа бутмышлар,* ***анда*** *кэзин Дақйäнус мäликдин қачмышлар* (ТФ., XVIII сура, 78).

Кейинчалик қўшма гап қисмлари орасидаги пайт муносабатини кўрсатувчи юқоридаги лексик воситалар кенг қўлланади.

„Шажараи тарокима“ асарида пайт муносабатида бўлган қўшма гап қисмларини бириктириш учун ***андан сўнг, эмди, ул вақтда, андоқ вақтда*** каби лексик элементлар кўп ўринларда ишлатилади:

...*Пāдшāлық қылыб вафāт табды,* ***андын соң,*** *Тағурмышның, кичик оғлы Арсланни хāн қылдылар* (Штм, 62)....*келди,* ***ул вақтда*** *Алакант ва Карақаш теган йэрдä қанғлы халқ олтуруб эрди* (ШТм, 65).

Шуниси характерлики, гапларни бириктирувчи бундай лексик элементлар ҳозирги замон тилида камроқ қўлланади.

Боғловчисиз қўшма гап қисмларидан англашилган мазмун бир-бирига қиёсланади. Қиёслаш орқали воқеа, ҳодиса, предметлар ўртасидаги фарқлар, улар орасидаги қарама-каршилик, номувофиқлик очилади.

XI аср тилида қиёслаш мазмуни кесимларнинг маъносини, ҳар бир гап мазмунини ёки гап таркибидаги бошқа бирор бўлак ё бўлакларнинг маъносини бир-бирига қиёслаш орқали ифодаланади: *Тағ тағқа қавушмас, Киши кишигä қавушур* — Тоғ тоққа қовушмас, киши кишига қовушур (ДЛТ, II, 113, 11). *Тутар эрдим сўсин тарыб, Болуғ барча мэңä йығды* — Ўзини тутар эдим, аскарларини тарқатиб, (аммо) кўп нарса тўплаб топширдим (ДЛТ, I, 380, 9—11). *Орун бэрдиң, ашну мэн олтурмадум* — Аввало ўрин бердинг, мен ўлтирмадим (ҚБ, Н., 57; 265).

«Девон»дан келтирилган иккинчи мисол ҳозирги замон ўзбек тилида «аммо» боғловчиси билан қўлланган бўлар эди. Лекин бундай конструкция ўз даври учун норма бўлган. Шу билан бирга, ҳозирги замон халқ ва адабий тилида қўлланадиган кўп конструкциялар XI аср тилида ҳам мавжуд эди:

*Қуш қанатын, эр атын* — Қуш қаноти билан, эр оти билан (ДЛТ, I, 70).

Қиёслаш муносабатини ифодалаган қўшма гапларнинг бири иккинчисига қиёсланади, кўпинча бу қиёсланаётган қисм мақол, матал, бирор ҳаракат-ҳолат бўлади:

*Оғлум öгит алғыл биликсизлик кэтäр, Талқан кимиң болса аңар бэкмäс қатар* — Ўғлим, ўгит-кенгашимни қулоғингга ол, би-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лимсизлик кетар, кимнинг талқони бўлса, шиннига қоради (ДЛТ, I, 412, 30—31).

Қиёслаш муносабатини ифодалаган қўшма гапларда қиёсланаётган мазмунли гап биринчи ёки иккинчи ўринда бўлади. Ҳозирги замон тилида ҳам шундайдир. Бу типдаги қўшма гапларда тўсиқсизлик муносабати ҳам ифодаланади, бундай мазмун ифодалаган гап XI аср тилида иккинчи ўринда ҳам кела олганки, бу ҳолат ҳозирги замон тилида қўлланмайди:

*Қачар тутса болмас ану ким болур* — У қочар, ким бўлса ҳам, уни тута олмас (ҚБ, Н., 60; 268). *Сўси қалын ким ӧтӓр* — Одам ўтолмас даражада аскари қалин эди (ДЛТ, I, 351, 2).

Бу хил конструкцияда ўзига хос мазмун ифодаланади.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар кейинги асрларга оид ёдномаларда кенг қўлланади, унинг ички мазмун муносабати янада дифференциаллашади, маълум мазмун муносабатини ифодаловчи лексик, грамматик воситалар янада конкретлашади. Қуйидаги мисолда тўлдирувчи ва ҳоллар қиёсланади: *Сәндин айтмақ мәндин әшитиб тўрмäк* (ҚА, лит., 44), *Ҳāлā кичик турур тақла улғайса йолға киргäй* (ҚА, лит., 62).

«Қутадғу билик» ва «Қиссасул анбиё»да қисмларни бириктириш, ўзаро семантик муносабатини кўрсатиш учун *йоқ әрсä* бирикмасининг қўлланганини кўрамиз:

...***Йоқ әрса*** *бу сөзни өзум кизлäйин* (ҚБ, Н., 247)...*Биз нә тәсäмиз андаг оқ турур тәб айғыл* ***йоқ әрса*** *сәни алыб ӧлтўргäймиз* (ҚА, қё, 223).

***Йоқ әрса*** бирикмаси ҳозирги замон тилида ***йўқса*** шаклида қўлланади ёки ***бўлмаса*** феъли билан алмашади, ҳар икки форма ҳам қўшма гап таркибида боғловчи саналади.

Қиёслаш муносабатини ифодалаган қўшма гап конструкцияларининг шаклланишида буйруқ феълининг ҳам роли каттадир. Қўшма гап қисмларидан бирининг (одатда биринчисининг) кесими буйруқ феъли формасида бўлганда, тўсиқсизлик мазмуни англашилади: ...*Бу тәшикни тāпса ҳар нә тилäги болмасин аңа бәрäйин* (ҚА, лит., 49).

Пайт ва қиёслаш муносабатини ифодалаган қўшма гап қисмлари грамматик жиҳатдан ҳам, шаклан ҳам анча мустақилликка эга. Бу хил конструкциялар ҳозирги замон тилидаги боғланган қўшма гаплар учун асос бўлган бўлиши мумкин. Аммо, шу билан бирга, бу хил конструкциялар тамом боғланган қўшма гапларга айланиб кетмаганлар, улар маълум грамматик ва семантик ўзгаришлар билан ҳозирги замон тилида ҳам кенг қўлланади.

Пайт ва қиёслаш муносабатидан ташқари, семантик жиҳатдан бири иккинчисига тобе бўлган, бири иккинчисини аниқлаган, тўлдирган қисмлардан таркиб топган конструкциялар ҳам қўлланган. Бундай конструкциялар қадимги ёдномаларда камроқ, сўнгги давр ёдномаларида кўпроқ учрайди:

Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни, иккинчи қисми ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тутғыл қонуқ ағырлығ, Йазсун жашың бузунқа* — Меҳмондўст бўл, шуҳратинг оламга ёйилсин (ДЛТ, I, 80, 17).

Ҳозирги замон тилида келтирилган сабаб ва натижа ифодаловчи гаплар орасида ***-ки*** ёки ***-токи*** боғловчиси қўлланган бўлар эди: *меҳмондўст бўл,* ***токи*** *шуҳратинг оламга ёйилсин. Меҳмондўст* ***бўлгинки,*** *шуҳратинг оламга ёйилсин.*

Қуйидаги конструкция ҳам ҳозирги замон тилида ***-ки*** ёки ***токи*** боғловчисини талаб этади:

*Қықрыб атығ кәмшәлим, Қалқан сөңүн чөмшәлим, Қайнаб йана йүмшәлим, Катғы йағы йүшилсүн* — Шовқин-сурон билан от чоптирайлик, қалқон ва найзалар билан курашайлик. Қайнайлик, сўнг тинчланайлик, қаттиқ ёв юмшасин (ДЛТ, I, 413, 12—15).

Баъзи ҳолларда конструкция қисмлари орасидаги сабаб ва натижа оттенкасини пайқаш анча қийин, қисмларда семантик мустақиллик кучли бўлади:

*Әртыш сушын кәчсәди, Будун анның үркүшүр* — (у) Эртиш сувини кечаёзди, (шунинг учун) халқ ҳуркаётир (ДЛТ, I, 170, 20—21) *Узүк мәни кумытты, Сақынч мәңә йумытты, Көңлүм аңар әмитти, Йүзүм мәниң сарғарур* — Севиклимга бўлган шавқ ва муҳаббат мени ҳаяжонга солди, қайғулар менга тўпланди, кўнглим унга мойил бўлди, юзим сарғаймоқда. (ДЛТ, I, 99, 12—15).

Сабаб-натижа (хулоса) муносабатининг ифодаланиши асосан гаплар орасидаги семантик муносабатдан келиб чиқиши билан бирга, айрим грамматик ва лексик белгилар ҳам бўлган, чунончи, гап кесимларининг буйруқ феъли формасида бўлиши ёки натижа ифодаловчи қисмнинг *әмди* сўзи билан бошланиши в. б.

*Қачты сақынч сәвнәлим* — Қайғу кўтарилди — севинайлик. (ДЛТ, I, 160, 8). *Барды көзүм йаруқы, Алды өзүм қонуқы, Қанда әринч қанықы,* ***әмди*** *узин узғурур* — Кўз қорачиғим кетди, менинг руҳимни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. У қаерда экан, энди унинг йўқлиги мени уйқудан уйғотади, ухлатмайди (ДЛТ, I, 81, 12—15).

Сабаб-натижа муносабатини ифодалаган гапларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, айрим ҳолларда сабаб билдирувчи гап сўроқ гап шаклида бўлади:

*Көрүб нәчүк қачмадың, Йамар сушын кәчмәдиң, Ташарыңны сачмадың, Йәсүн сәни а:р бөри* — Нега мени кўриш биланоқ қочмадинг, нега Ямар сувини кечмадинг? Нега бошингни қутқариш учун молларингни сочмадинг? Энди сени сиртлонлар есин (ДЛТ, I, 108, 14—20). *Мундāқ хабар нәчүк йашуруқлық болур, филҳāл бāри шаҳр элига хабар йāйилди* (Бн. 46). *Ибрāҳимбекниң āти заиф әдиму йā йāралықму әди, мәнгā дәдиким, āтим харāбтур* (Бн., 135).

Ҳозирги замон тилида «Девон»дан келтирилган конструкция қўлланмайди.

XI асрдан сўнгги ёзма ёдгорликларда бу типдаги боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари орасидаги семантик муносабатнинг ифодаланиши конкрет воситалар билан боғлана бошлайди. «Қис-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сасул анбиё» ва Навоий тилида, «Шажараи тарокима»да натижа ифодаловчи қисм ***аниң ўчўн, бу жиҳатдан, ул сабабдан, бу сабабдан. ул жиҳатдан*** лексик элементи билан боғланганини кўрамиз:

*Тāвус малāикā тәр әрдилäр,* ***аның ўчўн*** *Жабрāилниң қанаты көрклўк әрди* (ҚА, қё, 66)....***ул сабабдин*** *ул вилāйатда тәвā бисйāр көб болур* (ҚА, қё, 141), *Кäрäм башар табъида нāйāб ва нāбуддур,* ***бу сабабдин*** *кäрäм аҳли нāпайдā ва нā—мавжуд* (Н., Мқ., 55).

Сабаб ва натижа ифодаловчи гапларнинг кесимлари ўз семантик маъноларига кўра шундай муносабатни ифодаловчи сўзлардан ташкил топади:

*Қыш әрди кўнлäр йамāн сāвуқ әрди* (ШТм, 21). *Ўриштилäр худайи таълā Оғуз хāнны ғалыб қылды Қāрахāн қāчты* (ШТм, 17). *Ман аны бичāк бирлäн сäнчтим ул киши шул замāн өлди* (ШТм., 76).

Қўшма гап конструкциясида биринчи қисм натижани, иккинчи қисм уни келтириб чиқарган сабабни ифодалаши ҳам мумкин:

*Ықылачым әрик болды, Әрик болғу йәри көрди, Булыт өрўб көк өртўлди, Тўмäн тўрўб жолы йағды* — Ўйноқи отим кишнаб, пишқириб шўхлик қила бошлади, кўкни булут қоплаб жала қуйиши, баҳор ҳавоси унда шўхлик ҳавасини қўзғатди. (ДЛТ, I, 157, 13—16). *Йўрир да учар тарк азақу тайуғ* — юради ва учади тез: оёқлари тайғончоқ (ҚБ., Н., 59; 266).

Келтирилган конструкцияларда қисмлар орасидаги семантик муносабат анча узоқ, бу хил конструкциялар ҳозирги замон тилида боғловчили конструкция билан ифодаланади. Шу билан бирга, XI аср тилида ҳозирги замон тили учун ҳам характерли бўлган конструкциялар бўлган:

*Сани сäнмат өггўл кәсилди сөзўм* — Сен ўзингни мақта: сўзим кесилди (ҚБ., Н., 15; 240). *Оғлум өгит алғыл, биликсизлик кәтäр*— Уғлим, ўгит-кенгашимни қулоғингга ол, билимсизлик ўтади. (ДЛТ, I, 412, 30).

Натижа-сабаб муносабатини ифодалаш фақат гапларнинг мазмунига кўра бўлиб қолмай, махсус лексик элементлар орқали ҳам бўлади; бундай элементлар даврлар ўтиши билан кўпаяди ва қўлланиш доираси кенгаяди. Масалан, «Қиссасул анбиё»да шу вазифада ***аниң ўчўн ким*** бирикмаси қўлланади (бу бирикма, ҳозирги замон тилида ишлатилмайди);

*Оғул жувāнмардрāқ әрди* ***аның ўчўн ким*** *āта оғулдын кәчти әрсā оғул жāндин кәчти* (ҚА, қё, 152)....***аның ўчўн ким*** *оғул аччығы қамуғдын артуқрāқ турур* (ҚА, қё, 152).

Бу типдаги конструкцияни ташкил этган қисмларнинг бири сўроқ гап шаклида бўлиши ҳам натижа-сабаб муносабатини келтириб чиқаради (бу усул ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади):

*Нәтäк йығламайын атадын айрылдым* (ҚА, қё, 24). *Иш ҳам қыла āлмады. Андāқ қалын чәрикка на иш қила āлғай эди* (Бн., 46). *На қилсун, ҳақ аның тарафи әкандур* (Бн., 59).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Натижа-сабаб муносабатида бўлган қўшма гапларнинг баъзи турларида иккинчи қисм мақсадни ифодалайди, бу ҳолда мақсад ифодаловчи гапнинг кесими буйруқ феъли орқали ифодаланади: *Таим тартиб қылың мәҳмāнлар йāсўнлāр* (ҚА, қё, 179). *Мәни әвгä әлтгил āнам көрäйин* (ҚА, лит., 74). *Аш сув әткил қаб қадашымны маҳмāн оқыгайын анларқа пäнд бәрäйин* (ТФ, XVIII сура).

Бу хил конструкциялар ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади, аммо кесими аниқлик феъли шаклида бўлган қуйидаги каби конструкциялар ишлатилмайди:

*Әмди йаѓмур шақты йоқ аны тәгäйин* (Тф., 71, 14).

Қўшма гап қисмлари ўртасида шартлик муносабати ифодаланади: қўшма гапнинг биринчи қисми шартни, иккинчи қисми биринчи қисмдан англашилган мазмун рўй берса ёки мавжуд бўлса, нималар бўлишини кўрсатади:

*Чәригиң бāр кўчиң бāр* (ҚА, қё, 191).

Одатда, бу хил қўшма гап қисмларининг кесимлари бир хил формада, бир хил замонга оид бўлади. Лекин «Девон»да бу хил гап қисмлари турли форма ва замонга оид бўлганини ҳам кўрамиз:

*Айды өкўш өгўтлар, Көңлим болур аңар саг* — Улар кўп-кўп насиҳатлар сўзлар эдилар, Кўнгилга улар ором берди (ДЛТ, I, 116, 3—4).

Навоий тилида қўлланувчи, шарт муносабатини ифодалаган қуйидаги конструкциялар ҳам ҳозирги замон тилида ишлатилмайди:

*Нәъмат дәгäн нимäики тамāм йоқ болды — аларның көңли сәндин сынуқ болды* (Н., Мқ., 32).

«Девон» ва сўнгги давр адабиётларида, айниқса, поэзияда ўхшатиш муносабатини ифодалаган қўшма гапларни кўплаб учратамиз:

*Тўрлўк чәчäк йарылды, Барчын йазым кәрилди* — Гулдор ипак гилам ёзилгандай, (ерларни) турли чечаклар безади (ДЛТ, I, 141, 6—7).

Қўшма гап қисмлари орасида пайт муносабати ҳам ифодаланади: биринчи қисм пайтни, иккинчи қисм шу пайтда нима рўй берганини кўрсатади:

(42) (2) *Қара көлтä сўңўшдимиз Култәгин бир қырқ йашайур әрты...* (КТ, ктё) — Қоракўлда уруш қилганимизда, Култегин ўттиз бир яшар эди (42). *Ўт кўн болды биздин қачыб турур* (ҚА, қё, 21). *Анлар қачтылар әрды мäлик Дақйанус, Йāрини билди* (Тф., XVIII сура). *Бу муддатга қишлāқта ва Андижāнда әдўк, Танбалниң кишиси тинмай хāн қāшыга Тāшканд(га) бāрур әди ва кәлўр әди* (Бн., 91). *Ширим тагāйи чāпкунчыниң кәйинигä бāриб әди, бир афгāн Ширим тагāйи билä рубару болуб, Ширим тагāйиниң шаҳāдат бармāгыны тушура чāпты* (Бн., 174).

Пайт муносабатини ифодалаган қўшма гап қисмлари орасидаги муносабатни янада конкретлаштириш учун айрим лексик эле-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ментлар (***унда, у вақтда, у фурсатда*** в. б.) қўлланади: (20) *Барс бәк әрты, қаған ат **бунта** биз, биртимиз*...(КТ, ктё)— *Барс бег эди, бу ерда (унга) хоқон унвонини биз бердик*...(38) ..*Шайбāнийхāн Самарқандни йақинда āлыб, ҳануз әл анга ва ул әлгä көңүл тохтамайдурлар **ушбу фурсатга** бир иш қила āлсак, хуб қылғайбыз* (Бн., 102).

Ҳозирги замон тилида ҳам пайт муносабатини ифодаловчи бу хил конструкциялар қўлланади, аммо фарқ шу ердаки, пайт англатувчи биринчи гапнинг кесими ***эмоқ*** феъли билан бириккан сифатдош формасида бўлади. Бу хил конструкциялар ҳам сўнгги давр ёзма адабиётларида учрайди:

*Бир қатла худ āтланыб, тәбрäгäн эди, баъзи бәклäрни йубāриб ташвишлäр билä йāндурдук* (Бн., 93). *Сувāрының ҳайбатыны хāнға нәчÿк айтурларыны билä билмäй туруб әрдилäр бир маърақада хāн* (ШТм, 55).

Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги айрим бўлакларни и з о ҳ л а ш и, а н и қ л а ш и ёки т ў л д и р и ш и мумкин.

1) Қўшма гап конструкциясининг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги айрим б ў л а к л а р н и а н и қ л а й д и:

а) қўшма гапнинг биринчи қисми таркибидаги б и р о р о т аниқланади:

*Муңар әр кәрäк бир билир иш башун* — Бунга ишнинг бошини (кўзини) яхши биладиган одам керак (ҚБ, Н., 42; 242). *Нәгÿ тәк нушан ол сани бәрклäгÿ* — сени ўйлантирган ғам қандай (ҚБ, Н., 61; 268).

Бу хил конструкцияларнинг баъзиларининг иккинчи қисми тўлиқсиз гап шаклидадир (Бу маълум даражада поэзия стили билан ҳам боғланади, аммо ҳозирги замон тилида бу хил конструкция поэзияда ҳам учрамайди).

«Қиссасул анбиё»да бу типдаги конструкцияларни аниқловчи иккинчи қисми, ҳозирги замон тилидаги каби, тўлиқ ёки тўлиқсиз формада учрайди:

***Ибрāҳим ÿч иш қылғыл бири ул ким бизни әл йоқ киши йоқ йәрдä қойғыл, иккинчи тәшäдин тÿшÿрмäгил ,ÿчÿнчи***... (ҚА, қё, 137) ***Ул сарāйға төрт әшик қылдурды: бири қызыл сандалдын, бири āқ сандалдын, бири қызыл āлтундын***... (ҚА, қё, 188).

Бу типдаги конструкцияларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда аниқловчи гапни ажратиш, жумлани охирида беришга интилиш сезилади. Ҳозирги замон тили учун норма ҳисобланган «фалон отлиқ қариндоши бор эди» конструкцияси қуйидагича берилган[7]:

***Āнасы қарындашлары бāр әрди бану Фаҳзум атлық*** (ҚА, қё, 144). ***Ибрāҳымның бир досты бāр әрди Қалб āтлық*** (ҚА, қё, 161).

---

[7] Бу типдаги конструкцияларнинг ички муносабатини проф. А. Н. Кононов «объяснительные отношения» деб ҳисоблайди, агар «отлиқ» ўрнида «дерлар» келса, — аниқловчини эргаш гап ҳисоблайди. Қаранг: А. Н. К о н о н о в, «Шажарайи тарокима», 171-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай конструкциялар сўнгги давр адабиётларида ҳам кенг қўлланади:

*...бир чаҳāрбāғ сāлдим, Бāғи Вафāға мавсум, рудка муширф, руд корған билā бāғниң арасыдадир,...* (Бн., 156). *... бāғниң тўбидā чашма вāқи бўлубтур, Ҳāжа Саййāрāн дәрлāр* (Бн, 161). *Тобулғу бир йāғāчедур, посты қызыл, асā қылурлар, қамчы дāстāси ҳам қылурлар, қушларға қафас қылурлар, тарāш қылыб йана тиргāз қылурлар, хили йахши йāғāчтур* (Бн., 21).

«Шажараи тарокима»да «фалон āтлық» ўрнида, ҳозирги замон тилидаги каби «фалон деган» конструкцияси ҳам учрайди:

*...бир уруғы болур моғулчықлар тәгāн, анлар...* (ШТм, 75).

Бу хил қўшма гапларнинг иккинчи қисми ***ани, анлāр*** олмошлари билан бошланиб, бу олмошлар биринчи қисм таркибидаги маъноси изоҳланаётган бўлакка тенг бўлади.

Одатда, аниқлаш функциясида бўлган гап иккинчи ўринда бўлади. Баъзан аниқловчи гап биринчи ўринда бўлиши ҳам мумкин. Бунда қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчи қисми таркибидаги айрим бўлакнинг маъносини аниқлайди:

*Нуҳ, ул сāксāн киши мусулмāн әрди, уларны йығыб кәмāгā кәкўрди* (ҚА, лит., 46). *Тāшканд билā Сайрāмлар бāр, Ибрāҳим ата ва Исҳақ атаниң қабри андадур, бу кәнтлāргāчā бāрылди* (Бн., 123).

Бу хил конструкция ҳозирги замон тилида ишлатилмайди, аммо қуйидаги конструкциялар қўлланади.

*...Хāтын әрди аңа киши йыбардылар* (ҚА, қё, 144).

Бу типдаги конструкциянинг қисмлари орасидаги ички муносабат *аны, анга, анлар* олмошлари орқали рўёбга чиқарилади.

Бундан ташқари маъноси изоҳланиши зарур бўлган бўлак кўпинча ўз аниқловчисига эга бўлади. Бу ҳолат қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатни янада яқинлаштиради. Семантик муносабати унча жипс бўлмаган, маълум семантик мустақилликка эга бўлган қўшма гап таркибида юқоридаги лексик белгиларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин;

б) қўшма гапнинг аниқлаш функциясида келган қисми иккинчи ўринда бўлиб, биринчи қисмнинг олмош орқали ифодаланган кесимини изоҳлайди:

*Өгрўйўги мундағ оқ, Мунда азын тәңдағ оқ, Атса ажун оғраб оқ, Тағлар башы кәртилўр* — Замонанинг ўрганган одати шундай, бундан бошқа баҳоналари ҳам бор, агар у дунёга мўлжаллаб ўқ отса, тоғлар боши кертилади (ДЛТ, I, 174, 17—20). *Мунум бу маны йаңлық әрсāл тәйў* — Камчилигим шу — одамлар мени беқарор дейишади (ҚБ, Н., 60). *Аймыйлар араб āдаты ул турур — тәвāлāригā, қойларыға қотан қылурлар* (ҚА, лит., 28).

Баъзан бу хил конструкцияларнинг биринчи қисмининг кесими туширилади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йана бир жавāб; Исмāъилин қурбāн қылурда...* (ҚА, қё, 152). *Улуғ пāдшāҳларның āдатлары турур: Узақ шаҳарға бāрғанда көчлäрин... āлыб бāрурлар* (ШТм, 18).

Урхун ёдномаларида қисмларнинг бири аниқловчи функциясида бўлган қўшма гап конструкцияларининг ҳар икки тури ишлатилар эди:

(33) (34) *Сабуғ йана кәлти: олуруң тийин тәмиш — Қайта жаваб билан келди: — ўтириң, — дебди* (Тоқ.) (24). *...бардуқ йәрдä әзгӱг ол әринч: қаның, субча йӱгӱрти, сӧңӱкӱң тағча йатды...* — ...борганерингда яхши нарса шу эди: қонинг сувдек оқди, суякларинг тоғдек ётди, уюлди (КТ, ктё).

Ҳозирги замон тилида ҳам қисмларининг бири аниқлаш функциясида бўлган қўшма гаплар кенг қўлланади.

Қўшма гап қисмларидан бири иккинчисининг мазмунини тўлдиради. Тўлдиришни талаб этган бўлак одатда феъл — кесим бўлади.

Тўлдириш функциясида бўлган қисм иккинчи ўринда келади. Бу ҳолда тўлдириш функциясидаги гап асосан кўчирма гап ва бошқа шаклда бўлади:

(5) (6) *Сақунтум: туруқ буқалу, сәмиз буқалу арқада билсäр, сәмиз буқа туруқ буқа... билмäз әрти* — уйладим: орқадан (хон) ориқ буқа, семиз буқани билса ҳам, (қайсиниси) семиз буқа, (қайсиниси) ориқ буқа, билмайди (Тоқ.), *Айур: ай билигсиз киши мундузу, Өзиңä бақа көр ким әрдиң маңа* — дейди: эй биликсиз, фаросатсиз, ўзингга қара, сен мен учун ким эдинг (ҚБ, Н., 57; 263). *Айғыл Сāраға Ҳāжарға кӱч қылмасун* (ҚА, қё, 136). *Оғланларыңга айғыл қорқмасунлар* (ҚА, кё, 162).

Қўшма гапнинг тўлдирувчи қисми сўроқ гап шаклида бўлиши ҳам мумкин (ҳозирги замон тилида сўроқ гапнинг бу типи ана шундай конструкцияда қўлланмайди):

*Сән билӱрсäн булар мәндин нә тилäйур* (ҚА, қё, 68).

Биринчи гап кесими такрорланиши ҳам мумкин: (ҚА, лит., 27). *Идрис айды кәлиң таъāм йәң тәди* (ҚА, лит., 27). *Дақйанус анларны ускунда уқыды айды: Сизлäр кимкä табынурсызлар, қайудын тутарсызлар,* — *тәб* (Тф., XVIII сура).

Тўлдириш функциясида бўлган гап биринчи ўринда бўлиши ҳам мумкин:

(10) *ол әки киши бар әрсäр сәни Табғачуғ өлӱртäчи* — У ерда икки киши бор экан, сени — Табғачларни улар ўлдиради (—дейман) (Тоқ.). *Сән мәниң жāнымны āлғыл көрäйин* (ҚА, лит., 38).

Бу типдаги қўшма гапларнинг биринчи қисми кўпинча сўроқ гап шаклида бўлади:

*Нәгӱ тәр әшит бу сунамуш киши* — Бу (дунёни) билган киши нима дер — эшит (ҚБ., Н., 24; 243). *Йазуқуч нә әрки — билӱмäз өзӱм* — Гуноҳим нима экан — ўзим билмайман (ҚБ, Н., 56; 262). *Сәни āтаң қанда әлтадур билӱрмӱсäн* (ҚА, қё, 169). *Нәчӱк қарāр қылайын өгрäтä бәргил* (ҚА, қё, 243).



www.ziyouz.com kutubxonasi

„Қутадғу билик“ да ***көр (кўргин)*** феъли кириш сўз функциясида кўп қўлланади, уни мазмуни изоҳланувчи гапнинг кесими билан аралаштирмаслик керак:

*Бу бир қач нәң ол көр бәрайин сайу* — Бу бир қанча нарса, қара, сенга ҳар қайсисини санаб берайин (ҚБ., Н., 61; 268).

Бир қисми тўлдириш функциясида бўлган қўшма гаплар сўнгги давр ёзма адабиётларида ҳам кенг қўлланади. Ҳозирги замон тилида, бир томондан, бир хил конструкцияларнинг баъзи бирлари ***-ки*** боғловчили конструкция билан алмашган, иккинчи томондан, бу типдаги конструкциялар билан баробар тўлдирувчи функцияли гапларнинг бошқа тури кенг ишлатила бошлади; бу тур тўлдирувчи функциясидаги гап бош гапнинг кесиминигина эмас, у орқали шу гап таркибидаги тўлдирувчи вазифасидаги олмошни ҳам изоҳлайди (мен *шуни билдим:*).

Ёзма адабиётларда қисмларининг бири аниқловчи ва тўлдирувчи функциясида бўлган қўшма гаплардан ташқари қисмларининг бири э г а ёки ҳ о л функциясида бўлган қўшма гаплар ҳам қўлланади, аммо уларнинг қўлланиш доираси жуда тор:

*Бу оғул мәниң пуштумдын кәлди саңа маълум болсун* (ҚА, қё, 60). *...андāғ охшар эрди* — (ҚА, қё, лит., 66). *...ичкäриги чығның қуйығы ичкäриги āғзыны андāқ қылыбтурлар, йуқāрығы āғзыдын балық ким кирäр, ичкäриги āғзыдын бирäр-бирäр этäр* (Бн., 169).

Келтирилган мисоллардан кўринадики, ҳол функциясида бўлган қисм қўшма гапнинг иккинчи қисми бўлиб келади. Бунда кўпинча биринчи гап таркибида ҳол функциясидаги олмошлар бўлади ёки ҳар икки қисм муносабатини кўрсатиш учун ***ул ҳолда*** бирикмаси келтирилади.

Ёзма адабиётларда қўшма гапнинг шундай турлари кўп учрайдики, унда қўшма гап конструкциясининг иккинчи қисми биринчисига умумий изоҳ беради:

*Ики эшиклик сарāй көрдӱм — бир эшикдин кирдим йана биридин чықа турурман* (ҚА, лит., 54) *...Өзгäлар āлмасун уруғум болсун* (ҚА, қё, 239). *...Султāн Аҳмад мирзā өз эшигиниң ихтийарини мунга бәриб эди, муны эшик āға қылыб эди* (Бн., 36). *Ҳар йәрдин тушуб болмас, бу аҗабтур* (Бн., 166).

Бу типдаги конструкцияни ташкил этган қисмларнинг баъзилари ўзаро ***яъни*** сўзи билан боғланиши ҳам мумкин.

Ибтидоий боғловчисиз қўшма гаплар структура ва мазмунан ўзига хос хусусиятга эга бўлган жумлалардир: (39) *...нә басуналум тәгäлим тәдим тәгдимиз йайудумуз экинти кӱн кәлти ортгä қузуп кәлти* (Тоң.) — нега топталамиз, (ёвга) ҳужум қилайлик, дедим; (ёвга) ҳужум қилдик, (уларни) тарқатиб юбордик; иккинчи куни (ўтдек) ёниб (яна ёв) келди.

Кўринадики, қўшма гапларнинг ўринлашиши ҳам, айрим гап бўлакларининг ифодаланмаслиги ҳам ҳозирги замон тили нуқтаи назаридан анормал ҳол ҳисобланади. Аммо бундай конструкциялар ўз даври учун норма ҳисобланган. Кейинги даврларда боғловчисиз қўшма гап қисмларини боғлаш учун махсус лексик эле-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мент — олмошлардан фойдаланилади: қўшма гапнинг иккинчи қисмида ***ул, оша, анлар, ани*** каби олмошлар қўлланиб, бу олмошлар қўшма гапнинг биринчи қисмини ёки шу қисм таркибидаги айрим бўлакларнинг маъносини эслатади ва кейинги мулоҳаза учун асос бўлади, шу йўл билан биринчи ва сўнгги гапни боғлаб, қўшма гап тузади: *...ики улуғ сув бāр əрди* ***ул*** *ики сувниң арасында бир нәчä кўн туруб қалған лäшкäрниң āлдын āртын йығды* (ШТм, 17-бет).

Кейинги даврларга келиб, боғловчисиз қўшма гапнинг айримларининг қисмлари махсус грамматик воситалар — боғловчилар орқали боғланади.

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг энг қадимги туридир. Улар боғланган қўшма гаплар учун ҳам, эргаш гапли қўшма гаплар учун ҳам асос — манба бўлдилар. Шу билан бирга боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапнинг алоҳида тури сифатида ўз тараққиёт йўлига ҳам эга. Бундай қўшма гаплар тобора дифференциаллашади, янги ва янги турлари келиб чиқади, ҳатто баъзи боғловчили қўшма гапларнинг ўрнини ҳам эгаллайди, боғловчисиз қўшма гапнинг баъзи турларининг (масалан, шарт, сабаб, изоҳ) қўлланиши торайди, баъзилариники кенгаяди. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қўлланиш доираси ёзма нутққа нисбатан оғзаки нутқда кўпроқ бўлади, чунки бу хил қўшма гапларни оғзаки ифодалаш учун кенг воситаларга эгамиз (турли интонация, мимика, қўл ҳаракат в. б.). Ёзма нутқда эса ранг-баранг интонация ва бошқа воситаларни ифодаловчи белгилар (тиниш белгилари) ва боғловчилар етарли эмас. Махсус тиниш белгилари бўлмаган ва боғловчиларга камбағал бўлган қадимги тилда ёзилган ёзма ёдгорликларда боғловчисиз қўшма гапларнинг ранг-баранг турларини ифодалаш имконияти янада камроқ бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II Боб

# БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

## (БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ҚИСМЛАРНИНГ УЗАРО БОҒЛАНИШ УСУЛИ ТАРИХИ)

Боғланган қўшма гапни ташкил этишда *тенг боғловчилар* хизмат қилади, шу билан бирга бу вазифада айрим *юкламаларнинг* ҳам роли каттадир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тенг боғловчиларнинг бутун турлари ва юкламалар кенг қўлланади. Аммо тил тараққиётининг илк даврларида ёрдамчи сўзлар жуда кам бўлиб, борлари ҳам ўзига хос функцияга эга бўлган.

Қадимги ёзма ёдгорликларда (биринчи навбатда урхун ёдномаларида) тенг боғловчилар бўлмаган. Бу вазифада турли элементлар(***йäмä, йäнä, тақы*** / ***дағы*** каби лексик элементлар) қўлланган. Бу элементлар қўшма гап қисмларини бир-бирига мазмунан бириктирган, боғланган қўшма гапга яқин бўлган, аммо ўз семантик мустақиллиги анча кучли бўлган конструкцияларни яратган. Кейинчалик кўрсатиб ўтилган элементлар ўз лексик маъноларидан тобора узоқлашадилар ва қўшма гап қисмларини бириктирувчи воситага айланадилар, шу ўриндагина улар ҳақиқий боғланган қўшма гапни тузадилар.

***Йәмä***, ***йäнä*** Қадимги, бизга маълум бўлган дастлабки ёзма ёдномалардан Урхун ёзувларида боғланган қўшма гапни ташкил этишда фақат ***йәмä*** ёрдамчиси учрайди. ***Йәма*** сўзи ***яна***, ***ҳам***[1] ёрдамчилари функцияда қўлланган. Унинг ҳам боғловчилик, ҳам юкламалик вазифаси бўлган: ***йәмä*** бир-бирига мазмунан қўшилувчи воқеа. ҳодиса, хусусиятларни таъкидлаб кўрсатади: (22) *Турк будун йәмä булғанч, Оғузу йәмä тарқанч*— турк халқи ҳам қўзғолган (С. Е. Малов: в смятении), оғуз (халқи) ҳам, тарқалган (Тоң).

---

[1] С. Е. Маловда — *еще, также;* В. Радлов, П. Мелиоранскийда — *все.*

[2] Баъзи бир ёрдамчи сўзларнинг хусусияти ҳақида мурожаат: С. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Т., 1959, 119—126-бетлар.

[3] Қаранг: А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, III, Уч. зап. ИВ АН, XVI, М.—Л., 1958.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йәмä* ёрдамчиси қўшма гапнинг ҳар икки қисмида такрорланади. Айрим ҳолларда *йәмä* ёрдамчиси қўшма гапнинг сўнгги қисми таркибидагина келади. Бу ҳолда қўшма гапнинг сўнгги қисмидан англашилган мазмун қўшимча маълумот эканлиги англашилади[2].

(3) *Бил(г)ä қаған әрмис алп қаған әрмис, буйруқы йәмä билгä әринч* — Улар доно хоқон эдилар, баҳодир хоқон эдилар, уларнинг гумашталари ҳам доно эдилар (КТ, ктё).

XI аср ёдномалари — Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарида ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида, шунингдек XII—XIII аср ёдномаси «Тафсир»[3]да ҳам *йәмä* ёрдамчиси қўшма гапни тузишда иштирок этади. Бу ёдномаларда *йәмä* ўзининг иккинчи функциясида қўлланади, яъни *йәмä* қўшма гапнинг иккинчи қисмида ишлатиб, у қисмдан англашилган мазмуннинг қўшимча воқеа, ҳодиса, хусусият эканини кўрсатади:

а) *Аның ишин кәчүрдүм, әшин йәмä қачурдум* — Унинг ишини бартараф қилдим, дўстини ҳам қочирдим (ДЛТ, 82, 2—3);

б) *Отағ тутту өзгä йаруду кўлä, йәмä тутту әш туш йақун тутту өз-ä* — Уй қилди, кулиб очилди, яна дўст орттириб, уларни ўзига яқин тутти (ҚБ, Н., 47; 250);

в) *Ул тәңригä ким, сизлäр бутмиш турур сизлäр, ман йәма бутмиш турурман аңар* (Тф., XVIII сура, 75).

*Йäнä* ёрдамчиси ҳам маълум семантик муносабатда бўлган гапларни бириктириб, қўшма гап ҳосил қилишда хизмат қилади. Бу ёрдамчи ёлғиз қўлланади, қўшма гапнинг иккинчи қисми бошида келади ва сўнгги қисмдан англашилган мазмуннинг олдинги қисмдан англашилган мазмунга қўшилишини кўрсатади:

*Йäнä* ёрдамчиси ДЛТ ва ҚБ да учрайди (КТ ва Тоң да учрамайди). Масалан: а) *Йäнä ма айутту: тилäгиң нә ол, Нәгӱ иш қылурсан кәрäгиң нә ол* — Яна айтди: тилагинг нима? Нима иш қиласан? Нимага муҳтожсан? (ҚБ, Н., 49; 252). ... *Йäнä айду мундун барурман туруп* — Яна деди: туриб, бу ердан кетаман (ҚБ, Н., 45; 248). *Қудруқ қатығ тӱгдӱмиз, Тәнриг өгӱш öгдӱмиз Кәмшиб атығ тәкдимиз, Алдаб йäнä қачтымыз* — Отлар думини қаттиқ қилиб тугдик, тангрига кўп ҳамд ўқидик, узангига қаттиқ босиб ҳужум қилдик, алдаб яна қочдик (ДЛТ, 438, 11—14).

Айрим қўшма гапларда ҳам *йäнä, ҳам йәмä* элементлари иштирок этади:

*Йäнä сөзлäдиң сан, йәмä сөзлäдим* — Яна сен сўзладинг, яна мен сўзладим (ҚБ, Н., 58, 265). *Йäнä* XIII аср ёзма ёдгорлиги Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асарида кенг қўлланади: ..,*бу турар йäнä ағырлығыны қадамға берди* (ҚА, қё, 155). ...*йäнä айтти ай*...(ҚА, қё, 148)....*йäнä қырқ қары сачрады урды*...(ҚА, лит., 21).

---

[4] С. Е. Малов йана ни равишдош деб билади ва «снова, опять» деб таржима қилади: С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, 384-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида *йәма* элементи қўлланмайди; *йана* ёрдамчисининг эса қўшма гап тузишдаги функцияси чегараланган.

***Тақы-дағы.*** Тақы аслида равишдош формаси бўлиб, қадимги ва сўнгги даврларга оид ёдномаларда қўлланади.

XI аср ёдномаларида *тақы* элементи қуйидаги семантик муносабатда бўлган гапларни бириктиради:

1) бир мазмуннинг иккинчисига қўшилиши, сўнгги қисмдан англашилган мазмуннинг қўшимча маълумот эканлиги; бу ҳолда ***тақы*** ёрдамчиси ***йана*** элементига тенг келади: *Әзи әзгў бәклик, **тақы** әзгўрәк, Төру ол, ану тўз йўритгў кәрәк* — Беглик мансаби яхши, яна яхшироқ қонундир; уни тўғри юритиш (амалга ошириш) керак (ҚБ, Н., 44; 246). *Тириклик кәрәк, бир тушу игсизин, **тақы** бир саш алтун кәрәк, ай тәтик* — Биринчидан, соғлом (киши керак) яна тоза олтин керак, эй доно! (ҚБ, Н., 46, 248—249). *Әрди сәни қыз буды аның тал, Йайлир аның артучы бурны **тақы** фишал* — Сени юмшоқ баданли қиз алдади, (унинг) бадани аръар навдалари каби эгилар эди. Бурни ҳам қирра бурун эди (ДЛТ, I, 391, 1—2).

2) қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун таъкидланади. Бу ҳолда ***тақы*** ёрдамчиси ҳәм элементига яқин келади[5];

*Аңар сөзләдим ман сөзўңни сача, **Тақы** манда йәгрәк сан айғул ача* — Мен сўзладим унга сўзингни танлаб, Сен ҳам менга (сўзларни) танлаб яхшилаб айтгин (ҚБ, Н., 48; 251).

«Қиссасул анбиё»да تقى (*тақы*) боғловчиси юқорида кўрсатиб ўтилган маънолардан ташқари, қуйидаги семантик муносабатда бўлган гапларни бириктиради:

1. Иккинчи қисм мақсадни ифодалайди:

*Қызыны итини әшәгини бир әшгә салсун **тақы** қудратымны көрсўн* (ҚА, лит., 53). *Тавбаға муңлуғ болғунча ул йазуқны кылмағыл **тақы** тавбаға муңлуғ болмағыл* (ҚА, қё, 245).

2. Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни, иккинчи қисми ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди:

*...ғайыб болур әрмиш бу тақы маңа кәрәкмәс* (ҚА, лит., 75). *Қаҳатлик сиздин кәткәй **тақы** кәңлик көргәй сиз анда* (Тф., л. 108 *б*, 6). *Йашуды қыйамат **тақы** йарилды ай* — Қиёмат яқинлашди, ҳамда ой ёрилди (Тф., л. 61 *б*. 13).

„Тафсир“да ***тақы*** элементи ***ҳам, ҳамда*** ёрдамчиси функциясини адо этиб, қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун қўшимча маълумот эканлигини кўрсатади:

*Зина қылга(н)нуң нишанаси болур **тақы** хамир ичкә(н) **нўң** нишанаси болур* (Тф., 106; 18).

---

[5] Қадимги туркий тилда ҳам тақы, дағы сўзлари қўлланиб, кўрсатиб ўтилган икки функцияда келади. Қаранг: Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 148-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тақы* элементи билан тузилган қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун ва ундаги айрим бўлакларнинг маъноси таъкидланади:

*Атасы йигит эркāн өлди, ол **тақы** Йигит эркāн өлгāй* (Тф., 57; 6) — Отаси йигитлигида ўлди, бу ҳам йигитлигида ўлади. — *Өнкўркā кирдилар. Ул (ит) **тақы** бирлā кирди* (Тф., XVIII сура).

***Тақы*** ёрдамчиси ***йāнā*** элементининг функциясига яқинлашади:

*Бири Исā йалаwач дини ўзā мусулмāн эрдилāр, **тақы** бир гуруҳи кафир эрдилāр* (Тф., VIII сура).

***Тақы*** элементи ***ва*** боғловчиси билан бирга қўлланиши мумкин:

*Йаъны дāнāлар ким аның йапрақы болур, Āдами ва йылқы йэйāси болур **ва тақы**, Ол ким йэллāр аны айтурлар ким райҳāн өзи болур ва айтурлар* (Тф., Л. 64 *б*, 9).

Боғланган қўшма гапни тузишда хизмат қилган бу элемент Навоийда, «Бобирнома»да ва XVIII аср ёдномаси «Шажараи тарокима»да ҳам учрайди:

***Дағы*** *дāдҳāҳ сорарда өзлўк билā машғул қылылса* (Н., Мн., 21). *Бир-икки гиридин сөң ман āтланиб ордуға кэлдим, ул **дағы** тўшгāн йэригā бāрды* (Бн., 147). *...йача бир бөлāк Йўсўф Аййуб ва Баҳмул Аййуб эди, алар **дағы** бир йуртта мулāзыматқа кэлдилāр* (Бн., 149).

«Шажараи тарокима»да ***тақы*** элементи кенг ва турли функцияларда қўлланади:

Қўшимча маълумот ифодаланади:

*...бир āлтун йāй бирлāн коб āвны хāн āлдыға кэлтўрдилāр, ўч кичик оғланлары **тақы** ўч āлтун оқ бирлāн коб āвны кэлтўрдилāр* (ШТм, 27). *Ушбу айтған тэк улашыб āлсунлар, **тақы** ҳар қайсысы өзиниң оғланлары бирлāн ва навкарлары бирлāн йэсўнлāр **ва тақы** айтдылар...* (ШТм, 37).

Сабаб-натижа муносабатини ифодалайди:

*Жӧжи хāн бāсты **тақы** қыпчāқның қолға тўшгāнини өлтўрдилāр* (ШТм, 20). *Хāн бир куни ав авлаб йури турғанда āтдын йықылыб йāн сөңгāги синди, **тақы** андын өлди* (ШТм, 39). *Қāра хāн тўркмāнāнд тэб айта билмāди, **тақы** тўркмāн тэдилāр* (ШТм, 42).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ***тақы*** элементи қўлланмайди.

***Ва*** (و) **боғловчиси.** *Ва* (و) боғловчиси аслида араб тилидан олинган бўлиб, дастлаб XI аср ёдномаси ҚБ да, ДЛТ да ишлатилмайди, сўнгги давр қўлёзмаларида қўшма ва содда гап таркибида жуда кенг қўлланади, аммо ҳозирги замон ўзбек адабий тилида унинг қўлланиши анча чегаралангандир[6].

---

[6] Баъзи тилларда *ва* боғловчиси жуда янги ҳодисадир. Проф. М. М. Гаджиев *ва* боғловчиси лезгин тилида 20-йиллардан сўнггина қўллана бошлаганини кўрсатади. Қаранг: М. М. Гаджиев, Синтаксис лезгинского языка, докт. дисс., 91.



www.ziyouz.com kutubxonasi

XI аср машҳур филологи Маҳмуд Кошғарий бу боғловчини و (вови ӓтфа) деб номлайди ва унинг туркча эмаслигини кўрсатиб, у ҳақда *«Девон»*да тўхталмаслигини айтади[7] («Девон»га, маълумки, туркча сўз ва элементлар киритилган, холос).

ҚБ асарида *ва* боғловчиси жуда кам қўлланади. Айрим ҳолларда у *лекин* зидловчи боғловчиси билан бирга ишлатилади ва бир-бирига мазмунан қарама-қарши ёки номувофиқ бўлган қисмларни ўзаро бириктиришда хизмат қилади:

*Бу Ай Толду айду: маңа йас қилур, Мунум йоқ ва* ***лəкин*** *кишилар айур*—Бу Ой—Толди айтди: менга оғир, камчилигим йўқ ва лекин кишилар (камчилигим) ҳақида гапиришади (ҚБ, Н., 59; 267).

***Ва*** ҳамда ***лекин*** боғловчиларининг бириккан ҳолда келиши сўнгги давр ёзма адабиётларида, ҳатто ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ҳам учрайди. („Қиссасул анбиё", Навоий, „Бобирнома"да бу икки боғловчининг бирикиб қисқарган формаси ***валə*** ولی шаклида ҳам учрайди):

а)...*бу иш сиз аймыш тəк əрмäс* ***валə*** *бу сизниң нäфсиңизсиз нə бу ишга кəтўрди* (ҚА, қё, 22). *Уларның ӓрасыда ики көрклўк хӓтун бӓр əрди* ***валə*** *арығсыз хӓтунлар əрди* (ҚА, лит., 69)...*бӓр* ***валəкин*** *бəрмäсмäн* (ҚА, лит., 21);

б) *Өлдўки ўчўн йығлашмазуз* ***ва лəкин*** *билмäзмиз...—Ўлгани учун йиғламаймиз ва лекин билмасмиз...*(Тф., 71 *б*, 16);

в) *хрӓдмäнд чӓн сөздин өзгӓ дəмäс,* ***валə*** *бӓры чин ҳäм дəгўлўк əмäс* (Н., Мқ., 193). *Ӓгäрчи ышққа фақыр аҳлини расвӓ қылурда булардын фарӓғдур* ***ва лəкин*** *ул отны йӓрутурға нäйдäми йəл ва мäйдин йағдур* (Н., Мқ., 39);

г) „Бобирнома"да асосан ***валə*** формаси қўлланади:

*Мўсмир дарахтиси бисъйӓр,* ***валə*** *бӓғчаларида ӓксäр бӓдӓм дарахтидур* (Бн., I т., 19). *Анӓри йахшилиққа машҳурдир, нəчўкким, „сəби Самарқанд" дəрлäр, ва „анӓри Хожанд" дəрлäр.* ***Валə*** *бу тарихда Марғинӓн анӓри коп ӓртиқтур* (Бн., I т., 20 б.). *Табъ нäзми бӓр эди,* ***валə*** *шəърға парвӓ қилмас эди* (Бн., I т., 23). *Табъ нäзми бӓр эди, дəвӓн тäркиб қилиб эди,* ***валə*** *шəъри бисъйӓр паст ва бəмäзӓ эди* (Бн., I т., 48).

***Ва*** боғловчиси ёлғиз келганда, ўзаро маълум пайт муносабатида бўлган гапларни бириктиради:

а) *Ӓгäр сөзўң чин болса сəни тäрбийäт қылайын* ***ва*** *ӓгäр йалғӓн болса сəни пӓрчӓ-пӓрчӓ қылайын* (ҚА, лит., 40);

б) *Ман билўрман аны ким кизлäйўрсиз* ***ва*** *аны ким ашкӓра қылурсыз*—Мен нимани бекитиб, нимани ошкора қилаётганингизни биламан (Тф., 83 *б*, 10).

---

[7] ДЛТ, III, т. 60/26; С. Е. Малов ҚБ. да *ва* боғловчисига функциядош бўлган *баса* ва *ли ли* боғловчиси қўлланганини кўрсатади (қаранг: С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, 369), аммо бу боғловчининг қўшма гапни тузиш функцияси учратилмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий давридан бошлаб ***ва*** боғловчисининг функцияси жуда кенгаяди[8]:

1. Маълум бир пайтда мавжуд бўлган ёки бўлмаган бир хил воқеа, ҳодиса, хусусиятларнинг тасвири:

а) *Āқ уйда анжуман асбāби муҳāййā* ***ва*** *ул āқ уйда анжуман аҳлы мажмаъ* (Н., Мқ., 6). *Ҳāр на матлуб эрди ҳāсыл* ***ва*** *ҳāр марғуб эрди вāсил болды* (Н., Мн., 19). *...ул хāтни мабразға ташлағалы йахшы* ***ва*** *эйāсин мāлики дозах жаҳаннамға бāшлағалы йахшы* (Н., Мқ., 31);

б) *Āтим болдуруб эди* ***ва*** *тāғ ҳāм бир қуруҳга йāвуқ бāр эди, бир саң тода учрāди. Бир хайāл қилдим ким, āт ҳāрибтур* ***ва*** *тāғ ҳам йирāқрāқ, қайāн бāрай* (Бн. I т., 137). *Вилайат āраси, тāнг йāвуқ* ***ва*** *мақсад йирāқ* (Бн., I., 138). *Ушбу Тāшканд атрāфига эккāн амыркāн пахтаның ҳāсылāты хоб йахшы* ***ва*** *сāвуқдын āмāн...тāзāлиги āввāлги тэримдэк...* (ТВГ, № 48, 1896).

2. Қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчисига нисбатан изоҳ бўлади, изоҳ биринчи қисмнинг умумий мазмунига ёки ундаги айрим бўлакларнинг маъносига нисбатан бўлиши мумкин:

*Мэниң ва давлатхāналаримниң бу йараштын (аслā) илм ва хабарлари йоқ эди* ***ва*** *бизлāр бу суратқа аслā ризā бэрмāс эдӱк* (Бн, I, т., 98). *Мардāн тэгāнни пāдшāҳ қылдылар* ***ва*** *Мардāн илдāм йигит эрди* (ШТм, 24—25).

3. Қўшма гап қисмларидан англашилган мазмун бир-бирига қиёсланади:

*Ҳāзм нэчā ҳақыр болса кѳңӱл қозғатур* ***ва*** *хāс нэчā ушāқ болса кѳз булғатур* (Н., Мн., 58). *Чупāрā гӱзāри билā ѳткāнлāр āгāр Фармал билā кэлсāлāр, Ғазны кэлӱрлāр* ***ва*** *āгāр дāшт билā бāрсалар, Қандаҳāр бāрурлар* (Бн., I, т., 155). *...бир болса эл тӱзāлӱр* ***ва*** *икки болса эл бӱзӱлӱр* (ШТм., 37). *...ғāлыб болубдур* ***ва*** *уруш вақтыда инглислāр коб āбāд бѳрилāрни бāнд қылыбдурлар* (ТВГ, № 1, 1900).

4. Қўшма гап таркибидаги қисмлардан англашилган мазмун бир-бирига зид бўлади:

*...ул кишидин болмады* ***ва*** *тэңридин болды* (ШТм, 28).

5. Қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни кўрсатади:

*Уруш, туруш болмай, āжрāштилāр* ***ва*** *Султāн Маҳмудхāн уруш кишиси эмāс эди* (Бн., I т., 113).

6. Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни, иккинчи қисмидан англашилган мазмун ундан келиб чиқадиган натижани кўрсатади:

*Жāнибэк хāн ҳам раҳматыға бāрды* ***ва*** *оғлы Бэрди бэк хāн болды* (ШТм, 77). *Жѳжи хāн ѳлди* ***ва*** *йӱрт оғлы Сайын хāнға қалды* (ШТм, 20) *...ташлаб кэттилāр* ***ва*** *фāрзāндлāри сѳлға āқы-*

---

[8] Бу кенгайиш вов (و) ишорасининг *ва* дебгина эмас, *-у//-ю* деб ўқилиши билан ҳам боғлиқ; бу вазифадаги *-у* (و) юкламасининг қўшма гап тузишдаги роли жуда чегаралидир, шунинг учун бу ҳолатга тўхталиб ўтирмаймиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*зыб йубардылар* (ТВГ, № 8, 1895). *Мазкур забутдä ҳäр кӱн бир миңгä йақын мäрдыкāр иш қыладур* ***ва*** *тәз фурсатда мазкур забутдä қанд қылмāққа иш бāшланадур* (ТВГ, № 1, 1896).

Баъзи ҳолларда ***ва*** боғловчиси таркиби анча мураккаб бўлган ёки мазмунан ўзига анча мустақиллиги бўлган қўшма гап қисмлари орасида қўлланади:

*Йана бир қыз Маҳмуда Султāн бәгим эди. Султāнали Мирзāниң бир туққан әгäчиси эди. Ҳāлā Бадаҳшāн вилāйатидадур.* ***Ва*** *йана икки қыз ғунчачыдын болуб әди. Бириниң āты Рäжäб Султāн, йана бириниң āты Муҳиб Султāндур* (Бн., I т., 44). *Ҳäзрäт Нуҳ пайғамбарның āтаси Мәҳтäр Лāмчиң қабры Алишäң тӱмäнидäдӱр* ***ва*** *баъзи тарихта Мәҳтäр Лāмни Мäлик Лāмкāн дәбтӱрлäр* (Бн., I т., 157). *...таъзым қылдурды* ***ва*** *бир кӱн бир дāдхāҳ йӱкӱниб айтди* (ШТм, 25). *Мäзкӱр кäссä пошта ва тилиграфхāналäрдä боладур* ***ва*** *бäъзи қышлāқлардä дағы пошта ва тилиграфхāналäрдä мäзкӱр кäссäлäр болуб...,* (ТВГ, № 1, 1900).

***Ва*** боғловчиси айрим ҳолларда содда гапларни бириктириб, қўшма гапни тузиш учун хизмат қилмайди; бу боғловчи маълум бир янги фикрни ифодаловчи гапнинг бошланиши ва олдинги фикрнинг тугалланганини кўрсатиш учун қўлланади. Бу ҳолатда ***ва*** боғловчиси абзац бошида қўлланади (***Ва*** боғловчисининг бундай функцияси айниқса Навоий тили учун характерлидир):

***Ва*** *ҳäр нәчä қāн төккäн сайы анга усанмāқ йоқ* ***ва*** *ҳäр нәчä қōн қылған сайы анга қāнмāқ йоқ* (Н., Мқ., 91). ***Ва*** *йäрны ағйāрдын айырурға коб тäжрибä кәрäк* ***ва*** *сайāсат* (Н., Мқ., 121). ***Ва*** *бäъзи ким рäфъи* ***ва*** *нäфъи* ***ва*** *фäлäк жанāб дәбдурлар* (Н., Мқ., 130).

***Ва*** боғловчисининг, тўғрироғи و ишорасининг уюшиб келган гаплар ёки уюшиб келган бўлаклар орасида бириктирувчи пауза вазифасида (ҳозирги вергулга тенг келадиган функцияда) келиш ўринлари ҳам бор:

а) *Нäнгинäҳāрға йәтгäч. өзгä āлами назарға кәлди: гийāҳлар өзгäчä* ***ва*** *йāғāчлар өзгäчä,* ***ва*** *вуҳуш өзгäчä,* ***ва*** *тӱйур өзгäчä, әл* ***ва*** *ӱлӱсиниң рāҳ* ***ва*** *рāсми өзгäчā, ҳäйрäтә болды, филвāқи жäйы ҳäйрäттур* (Бн., I т., 170)*...тәңрини ӱнӱтдилäр* ***ва*** *берча әл кāфир болдылар* ***ва*** *Қарāхāн замāнида кāфирликдä андағ мäҳкäм әрдилäрким...*(ШТм, 13);

б) *Кāбул* ***ва*** *кәнтлäридā сäрәсәрий мәвäлäрдан ӱзӱм* ***ва*** *анāр* ***ва*** *өрӱк* ***ва*** *āлма* ***ва*** *биҳи* ***ва*** *амруд* ***ва*** *шафтāлу* ***ва*** *āлу* ***ва*** *сäнжид* ***ва*** *бāдāм* ***ва*** *йанғāқ көптур* (Бн., I т., 153);

в) *Кәтдилäр ва бир нәчä әллäр Оқлы әли* ***ва*** *Кӧкли әли* ***ва*** *Агāр әли* ***ва*** *Султāнлы әли Абулхāн тāғына кәтдилäр* (ШТм, 61).

***Ва*** боғловчиси (و ишораси)нинг бундай функцияси XX аср бошларигача ҳам етиб келган:

*Бухāрā шäҳридä отун коб қыймат* ***ва*** *йаңи Бухāрāда ҳар хил*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*āвқатлари нāрҳи ҳāм баланддур* ***ва*** *мазкур шāҳāрдā коб ҳавлыларны дәвāрлары йықылыбдур* (ТВГ, № 1, 1903).

***Ва*** боғловчиси ҳозирги замон ёзма адабий тилида қўлланади, аммо унинг қўлланиш доираси чекланган; оғзаки нутқда ***ва*** боғловчиси бутунлай қўлланмайди. Баъзи туркий тилларда (масалан, турк тилида) *ва* боғловчисининг кенг функцияси маълум даражада сақланган[9].

Ҳ а м (هم). *Ҳāм* ёрдамчиси боғловчилик вазифасида ҳам, юкламалик вазифасида ҳам қўлланади ва ҳар икки функцияда ҳам бу ёрдамчи қўшма гап тузишда хизмат қилиши мумкин. Аслида ***ҳам*** ёрдамчиси форс-тожик тилидан қабул қилинган бўлиб, ўзбек тилида қадимдан қўлланади. Бу ёрдамчини дастлаб ҚБда учратамиз.

*Ҳāм* ёрдамчиси икки хил семантик муносабатни ифодалаш учун қўлланади:

1. Қўшма гапнинг иккинчи қисмида қўшимча маълумот ифодаланади; бу иккинчи даражали маълумот бўлиши ёки автор уни алоҳида ажратиб кўрсатиши мумкин:

*Тили чин бӱтӱн* ***ҳāм*** *кӧзи кѳңли бай* — Тили чин, тўғри ҳам кўзи, кўнгли тўқ (ҚБ, Н., 43; 241). *Әлик қулса сақлан ажунчу киши, Бу сақлуқ әрӱр* ***ҳāм*** *шариат иши* — Дунё орқасидан қувган киши, (бирор нарса) сўраса, сақлан; бу эҳтиётлик — доноли́к эрур ҳам шариат ишидир (ҚБ, Н., 43; 245). *Сӱчитти сөзи* ***ҳāм*** *сәвитти өзи* — Сўзини ширин қилди ҳам ўзини севдирди (ҚБ, Н., 52; 257).

2. Ҳāм ёрдамчисининг иккинчи функцияси кенгроқ қўлланган:

*Кӱчи барынча тāртты пычāқ кәсмāди қайта тартты* ***ҳāм*** *кәсмāди ӱчӱнчи йана тāртты* ***ҳāм*** *кәсмāди* (ҚА, қё, 149). *Сән кӱндā йалғузсан Исмāъил* ***ҳāм*** *йалғуз турур* (ҚА, қё, 159). *Аймышлар хāтынсыз тириклик йоқ, хāтын бирлā* ***ҳāм*** *тинчлик йоқ* (ҚА, қё, 151). *...сиз* ***ҳāм*** *ойнайурсыз* (Тф., 61 *б*, 2). *Бāғда ӱзӱми қалын болур. Ҳар жинс мәвāси* ***ҳāм*** *бисъйор болур* (Бн., I т., 161). *...атрāфи тамāм нāрунж дāрāхтлāридӱр, анāр дāрāхтлāри* ***ҳāм*** *бāр* (Бн., I т., 156). *...Аймāқ әлинā қошула турурлар Хурāсан ва Арабда* ***ҳāм*** *коб болур* (ШТм, 23). *...барлықны āлыб бāшыға сачды халқ* ***ҳāм*** *қорқунчдын ҳәч нимāрсā айта билмāдилāр* (ШТм, 25). *Хāнниң āлдында қойдылар* ***ҳāм*** *ким хāн болса ӱлӱшлāри бу болсун тәдилāр* (ШТм, 32).

Қўшма гап таркибидаги ҳар икки қисмдан англашилган мазмунни алоҳида таъкидлаш учун *ҳāм* ёрдамчиси ҳар икки қисм таркибида келади (биринчи ёки иккинчи қисмда *ҳāм* нинг тенгдоши ***тақы*** келиши ҳам мумкин):

---

[9] Deny, Grammaire la langue turgue (dialecte osmanli), Pariş, 1920, § 958, 668.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Лот хабарын* ***тақы*** *билмāди мэҳмāн* ***ҳāм*** *кэлмāди* (ҚА, қē, 176). *Төртинчи буким, мэниң ғанымным қорғāнда эди* ***ҳāм*** *қорғāнны āлылды* ***ҳāм*** *ғанымны қāчурулди* (Бн., I т., 104). ... ***Ҳāм*** *āтаң турур* ***ҳāм*** *āнаң* (ШТм, 49).

*Ҳāм* бошқа боғловчилар билан келади:

*Ақл чиндин өзгā дэмāс, аммā бāрчā чични* ***ҳāм*** *дэмāк ақл иши эмāс* (Н., Мқ., 163). *Шāҳдын* ***ҳāм*** *лутф марғубдур* ***ҳāм*** *сийāсат матлубдур, аммā ҳāр бири өз мāҳāллидā хобдур* (Н., Мқ., 130—131).

**Зидловчи боғловчилар.** Зидловчи боғловчилар ҳам қўшма гап тузишда катта хизмат қилади. Уларга ***лэкин, аммā бāлки*** боғловчилари киради (***Лэкин, аммā*** боғловчилари араб тилидан, ***бāлки*** эса араб-тожик тилидан қабул қилинган).

«Қутадғу билик» асарида ва «Тафсир»да ***лэкин*** боғловчиси қўлланиб, у асосан ***ва*** боғловчиси билан бирга ишлатилади:

а)...***Ва лэкин*** *уларсыз йэмā болмас иш*—Аммо буларсиз ҳам иш бўлмайди (ҚБ, Р,*L*, 124/9);

б) *өлдүки үчүн йығлашмазуз* ***ва лэкин*** *билмāзмиз*...(Тф., 71 б, 16).

«Қиссасул анбиё» асаридан асосан ***аммā*** боғловчиси қўлланган; бу боғловчи бир-бирига мувофиқ келмаган ҳаракат, ҳолат хусусиятни ифодаловчи гапларни бириктириб, боғланган қўшма гап ҳосил қилади:

*Мāлым таварым бāр,* ***аммā*** *оғланым йоқ* (ҚА, қē, 239). *Өзгāлāрниң айбыларын йапар,* ***аммā*** *өзи йалың қалур* (ҚА, қē, 235).

***Аммā*** боғловчиси иккинчи қисмида қўшимча маълумот, изоҳ ифодаланган қўшма гапларда ҳам қўлланади:

*Бу түшлāриң бағāйат хоб турур,* ***аммā*** *қарындāшларыңға айтмағыл* (ҚА, қē, 205).

***Аммā*** боғловчисининг маъно ва функцияси бошқа даврларга оид асар тилида ҳам сақланади. Навоийда ***аммā*** билан баробар ***лэкин*** боғловчиси ҳам қўлланади. Аммо ***лэкин*** боғловчиси камроқ қўлланади ва, кўпинча, ***ва*** боғловчиси билан бирга ишлатилади:

*Анга қылмаған азāб қалмады,* ***аммā*** *ул маҳфий сырын көңүлдин тилгā салмади* (Н., Мқ., 79). *Хырадман улдурким йалғāн дэмāс,* ***аммā*** *бāрчā чин дэгүлүк ҳāм эмāс* (Н., Мқ., 57). ***Аммā*** *бу тāифаниң саири ҳāм āгāрчи тараб āин мэҳнāт зуддадурлар* ***ва лэкин*** *филҳақиқат лāим сифāт ва гадāдурлар* (Н., Мқ., 37).

*Аммā* боғловчиси кўпинча тўсиқсиз эргаш гап билан бош гапни боғлаш учун хизмат қилади:

*Агāрчи тилни асрамақ көңлүңдā мэҳнāтдүр,* ***аммā*** *сөзни сэпмāқ бāшқа āфатдур* (Н., Мқ., 163).

«Бобирнома»да ***лэкин*** боғловчиси асосан ***ва*** билан бирикиб, ***валэ*** формасига айланган шакли қўлланади:

...*гāҳи бир киши билā, гāҳи икки киши билā бāрур эдим,* ***валэ***



www.ziyouz.com kutubxonasi

*йахшылыгы бу эдиким, йат эмäс эдилäр, туққан эдилäр.* (Бн., I т., 112).

БНда ***аммā*** боғловчиси кам учрайди:

*Сэни жон дэрлäр,* ***аммā*** *бэтäкäллуф жāндын артуқсан* (Бн, I т., 119).

«Бобирнома»да ***бäлки*** боғловчисининг қўшма гап тузишда кенг қўлланганини кўрамиз.

***Бäлки*** боғловчиси иштирок этган қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисмдан англашилган мазмунни янада бўрттиради, таъкидлайди (ҳозирги замон тилидаги ***ҳатто*** юкламасига тенг келади):

*Ҳäзрäти Хāжа Убäйдуллāниң мутааллиқларыгаким, бурун харж ва тāмиллäрдä кєп фақир ва мискин аларниң ҳимайати билä зулм ва таадидни халāс болурлар эди, нэ жāй улким, аларга мундāқ тäклифлäри болгай, кєп тääди ва ташаддуд қыла бāшлады.* ***Бäлки*** *бу тääди ва ташаддуд Хāжаның авлāдыга дагы сирāйат қылды* (Бн., I т., 39). *Мундай улуг дарйā аслā зирāаттин ва имāраттин āртмас,* ***бäлки*** *йāзлар ўч-тєрт āй Бухāрāга сув йэтмäс* (Бн., I, 63).

***Бäлки*** гумон маъносида ҳам қўлланади:

*Бу раъйдин Абдуйусуф аргунның хäбäри бāр экäндур,* ***бäлки*** *бу райъни кєрсäтгўчи ошал гаддāр экäндур* (Бн., I т., 98).

«Шажараи тарокима»да асосан ***аммā*** боғловчиси қўлланади:

*Огланларының āтларыны айталың,* ***аммā*** *қайсы огландын болганы маълум эрмäс* (ШТм, 31).

Баъзан ***аммā*** боғловчиси бир-биридан мазмунан анча узоқ бўлган қўшма гап қисмларини бириктиради; бу ҳолда ***аммā*** боғловчиси янги бир гап бошланишини кўрсатиш учун бир ишора бўлади:

*Огланлары Йавмут ва Қалтақ* (قلتاق) *эли турур,* ***аммā*** *Йавмутның ики оглы бāр эрди* (ШТм., 69). *Бириниң āты Єзли Тэмўр эрди, бириниң āты Қутлы Тэмўр,* ***аммā*** *Єзли Тэмўрниң ўч оглы бāр эрди* (ШТм, 69).

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ***аммā, лэкин*** боғловчилари баробар қўлланади, шу билан бирга, уларнинг эски стилистик традициялари ҳам сақланади:

*Қāзāқийаның ушбу газэтыда йазган кєб сєзлäри дарҳақиқат сартыйаларни āрасыдагы бāр сєзлäрдўр,* ***лэкин*** *äксäрлäридā хатā бāр* (ТВГ, № 1,1900). *...бу ишлäр таъжуб эмиш ва* ***бäлки*** *бäъзи қушлар бāрдур ким, масалан, қызыл иштāндэк...* (ТВГ, № 1,1903).

Зидловчи боғловчи ***бирāқ*** ёзма адабиётларда қўшма гапларни тузишда кам қўлланади. „Кутадғу билик"да бу боғловчи ўзининг асли составида кўринади (***„бирāқ)*** < ***бир*** + ***оқ)***[10].

[10] *Оқ* — юкламадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бир оқ эрсä душман миң ол йаслығы* (ҚБ, Н., 357).

Йā (⅃) боғловчиси тожик тилидан ўтган бўлиб, қадимги даврлардан бошлаб тилимизда қўлланади. Уни дастлаб, «Қутадғу билик» асарида учратамиз. Бу ўринда *йā* боғловчиси бир-бирини инкор этувчи, бири рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодиса, ҳолатларни ифодаловчи гапларни бириктиради:

*Татуғ ол бу давлäт этäр ҳäм бузар, **йа** эрсäл турур, тэрк эриксä тэзäр* — Бахт — бу давлат (С. Е. Малов: приятность), у яратади ҳам йўқотади, Ё у ёмондир: тезда совуб қочар (ҚБ, Н., 50, 254).

ҚБда ***йā*** боғловчиси ***ва, ҳäм*** боғловчисига функциядош ҳам бўлиб, қисмларидаги ҳаракат, ҳолат, хусусиятнинг ҳар иккиси мавжуд эканлигини кўрсатади:

*Айутту Ҳаҗуп эмди көңлүң нэтäг, Кэлип қайда тўштўнйā орнуң нэтäг* — Айттирди: ҳозир кўнглинг қалай, Келиб қаерга тушдинг ва ўрнинг қалай? (ҚБ, Н., 48; 252).

М. Кошғарийнинг «Девон»ида ***йā*** боғловчиси ишлатилмайди, унинг ўрнида ***азу*** элементи худди шу функцияда ишлатилади[11]:

*Ўзўм йэгил, **азу** қағын йэгил — Узум ёки қовун егин* (ДЛТ, I, 15).

Урхун ёзувларида ҳам ***азу*** формаси қўлланади[12]:

(10) *...аз будунығ өкўш қылтым. **Азу** бу сабымда игид барғу?...* — Оз халқни кўп қилдим. Ёки бу сўзимнинг ёлғони борми? (КТ, кё).

«Тафсир»да ***йā*** боғловчиси таркибидаги қисмлардан бири рўй бериши мумкин бўлган қўшма гапларда қўлланади:

*Аны сизмў битрўрсиз **йā** бизмў битрўрмиз аны* — Уни сиз ўстирасизми, ё уни биз ўстирамизми? (Тф., 29—37).

Навоийда ***йā*** боғловчиси юқоридаги функцияда ишлатилади:

*Илм оқуб äмäл қылмаған карыз қазыб тухум салмағанға охшар **йа** тухум салыб маҳсулыдыч баҳра алмағанға* (Н., Мқ., 141). *Өктä ҳукми бирāвны қылса нāбуд ул замāн пушаймāн болмāқ нэ суд **йā** мäҳäлсиз бирāвны қылса āлий шāн билгäндин сөң пäст этсä өз шаънығадур зийāн* (Н., Мқ., 121).

Навоий асарлари тилида ***йā*** боғловчисидан ташқари, ***гāҳ*** || ***гäҳи***,[13] > ***гāҳи, гāҳики, гāҳиким*** боғловчиси ҳам қўлланади. Бу айирувчи боғловчи бирин-кетин рўй берадиган воқеа, ҳодиса, ҳолатларни ифодаловчи гапларни бириктиради,

—***Гäҳи** тāптим фäлäктин нāтавāнлиғ, **Гäҳи** көрдим замāндин камрāнлиғ.*

---

[11] А. М. Шчербак *азу* ва *аб...аб* боғловчиларини уйғур тили билан боғлайди (бу фикр ҚБнинг уйғур ёдномаси деб тушуниб, ҳозирги замон уйғурларига нисбат беришдан келиб чиқса керак) ва бу боғловчиларнинг келиб чиқишини нима учундир «чиғатой» адабиёти давридангина бошлайди. Қаранг: А. М. Щербак, Сказание об Огузе, Канд. дисс., Л., 1951, 116.

[12] С. Е. Малов, «Азу-или» (ПДП, 362).

[13] ***Гāҳи*** аслида тожикча бўлиб, икки элементдан иборат: ***гāҳ*** — «пайт» ва ***и*** — ноаниқлик аффикси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

***Гāҳ*** боғловчиси ***йā*** боғловчисига ўхшаб ёлғиз ёки такрорланиб келади.

„Бобирнома"да ҳам ***йā*** ва ***гāҳ*** боғловчилари баробар қўлланади:

*Ҳāтирға бу кэчтиким, ҳāр тāвр қылыб өзимизни, Ахсыға сāлсак,* ***йā*** *Шайх Байāзид Тāнбāлдин қат қылыб бизниң сāри болғай,* ***йā*** *бир нақшы ўйрўлгāйким, мунāсиби давлāт болғай* (Бн., I т., 132). ***Гāҳики*** *ичкўлўккā тушар эди, йигирмā-отуз кўн пайā-пай ичāр эди.* ***Гāҳиким,*** *чағырдан чықар эди йана йигирмā-оттуз кўн ичмāс эди* (Бн., I т., 35).

„Шажараи тарокима"да қўшма гапни тузишда ***гāҳ*** боғловчиси қўлланади, бу функцияда ***йā*** боғловчиси учрамайди:

*...көтариб өз уруғлар анға қошулиб* ***гāҳ,*** *алты-йэтти туб болурлар эрди.* ***гāҳ*** *ўч-төрт туб болурлар эрди* (ШТм, 41);

„Қиссасул анбиё"да ***йāҳуд*** (یاخود) боғловчиси ҳам учрайди. ***Йāҳуд*** боғловчиси айирув боғловчиси бўлиб, таркибидаги қисмларнинг бири рўй бериши мумкин бўлган қўшма гапларда қўлланади:

*Қарындашны āч қойғаймыз* ***йāҳуд*** *сўвсизмў қойғайбиз* (ҚА, қё, 211).

***Нā* || *нэ*** (نی) **боғловчиси**. ***Нā*** || ***нэ*** (тожикча) ёрдамчиси ҳам боғланган қўшма гап тузишда хизмат қилади. У инкор мазмунидаги гапларни бириктиради ва улардаги инкор мазмунини кучайтиради.

***Нэ*** ёрдамчиси билан тузилган қўшма гаплар дастлаб «Қутадғу билик»да учрайди:

*Нэ бэккā қылур йўз* ***нэ*** *қулны сэвāр* (ҚБ, Р., 411).

«Девāну луғāтит турк»да бу ёрдамчи ишлатилмайди, *нэ* ўрнида унга функциядош бўлган *аб* ёрдамчиси ишлатилади[14].

***Нэ*** ёрдамчиси «Қиссасул анбиё»да кўпроқ қўлланади:

*Иэл эстит тāң āтқунча* ***нэ*** *мулк қалды,* ***нэ*** *чэрик қāлды* (ҚА, Рқ, 197).

***Нā(нэ)*** ёрдамчиси инкор мазмунидаги гапларни бириктиради ва улардаги инкор мазмунини янада қабартиради:

***Нэ*** *сөздинки йэткāй бырāвға ғубар,* ***нэ*** *лāзымки сэн қылғансан āшкāр* (Н., Мқ., 136). ***Нэ*** *эътибāр...,* ***нэ*** *эҳтийāр* (Н., Мқ., 29).

***Нэ*** ёрдамчиси ***ва*** боғловчиси билан бирга қўлланади ва яхлит, ихчам конструкцияни ташкил этади:

*Шāҳ эшигидā йармāқны зāъи қылғучы жамāат ким, алардын* ***нэ*** *тэңриға тāатдур* ***ва нэ*** *шāҳға итāатдир* (Н., Мқ., 16). ***Нэ*** *шāирāна тāркиблāри аҳсāн* ***ва нэ*** *āшықāна сөзлāри шуъла афғāн* (Н., Мқ., 48).

«Бобирнома»да ҳар икки ҳолатни ҳам учратамиз:

*Уйāққа эткāн (чāғда) Хусрāвшāҳ, бадбāхт кāфири сāлтāнāт дағдағаси билāким, сāлтāнāт андāғ нāкас, бэҳўнāрлāргā*

---

[14] *Аб бу, аб ол* — 'на бу, на у' (ДЛТ, I, 70).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*нэ навъ этгäй. Нэ äсил, нэ насаб, нэ инсоф, нэ адāлат! Бāйсунғур мирзāни бэклäри билä тутуб, Байсунғур мирзāға кэриш сāлиб, мукäррäм äйиниң онидаким, мундāқ хуштäб ва пурфä зилäт ва ҳасаб ва нäсäб билä āраста пàдшāҳзāдани шäҳид қилди* (Бн., I т., 88). ...*йигирмä төрт-йигирмä бэш йāғач йолыны кэлдўк, нэ āтта мäжäл қäлыбтур ва нэ кишидä* (Бн., I т., 80).

Шундай қилиб, боғланган қўшма гапларнинг тараққиёти бевосита тенг боғловчиларнинг шаклланишига боғлиқдир. VII—VIII аср ёдномаларида тенг боғловчилар учрамайди. Аммо тенг боғловчиларнинг функциясига яқин бўлган функцияда *йэма*, XI аср ёдномаларида *йäнä, тақы*//*дағы* элементлари ишлатилган. Улар бир-бирига мазмунан яқин, аммо маълум мустақиллиги бўлган гапларни бириктирган. Бу хил конструкциялар боғловчисиз қўшма гаплар билан боғланган қўшма гаплар ўртасида туради. Шуниси характерлики, даврлар ўтиши билан, сўнгги давр ёзма адабиётларида бу элементлар ўз лексик маъноларидан узоқлашиб, ёрдамчи сўзга яқинлашадилар. Бу ҳолда улар бириктирган гапларнинг боғланган қўшма гаплик хусусияти ортади, XV аср ёдномаларида *йэмä* учрамайди, *тақы* XVIII асртача қўлланади, *йäнä* ҳозирги замон ўзбек тилида қўлланса-да, қўшма гап тузмайди.

Тенг боғловчи ёрдамчи билан тузилган боғланган қўшма гаплар XI асрдан бошланади. Бу даврда *ва, ҳäм, лэкин, аммā, йā, азу, нэ* боғловчилари содда гапларни бириктириб, қўшма гап тузишда хизмат қилган. Аммо XI аср ёзма ёдгорликларида бу боғловчилар ёрдами билан тузилган қўшма гап қисмлари анча ўзига мустақилдир. Даврлар ўтиши билан бу боғловчиларнинг баъзи бирларининг функция доираси жуда кенгаяди ва кейин торайди (*ва* нинг Навоий тилида ва ҳозирги кунда ишлатилиши), баъзиларининг функцияси кенгайиб боради (*ҳäм, лэкин, йā, нэ* ёрдамчилари), баъзилари ишлатилмай қолиб кетади (*азу*). Ҳозирги замонга келиб, янги тенг боғловчилар ва шу вазифадаги воситалар келиб чиқади (*бўлса, эса, бўлмаса*).

Боғланган қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг бир-бирига бўлган семантик яқинлиги тобора орта боради.

Шундай қилиб, боғланган қўшма гаплар мазмунан ибтидоий тилда мавжуд бўлса ҳам, унинг грамматик жиҳатдан шаклланиши учун тенг боғловчиларнинг бўлиши шарт. Тенг боғловчилар эса тил тараққиётининг кейинги даврларида шаклланадилар. Қадимги ёзма адабиётларни анализ қилиш асосида даставвал тенг боғловчилар вазифасида ярим мустақил сўзлар (*йана, тақы, йэмä* каби) қўлланганини кўрамиз, шу билан бирга қадимги турк тилида алоҳида тенг боғловчилар ҳам бўлган (*азу, абам, ара, та, ли-ли*)[15]. Эски турк тилида тенг боғловчиларнинг қўлланиш

[15] Қаранг: Г. Абдурахманов, Исследование по старотюркскому синтаксису, 131—144-бетлар; Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 145—147-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

доираси кенгаяди (масалан, ***баса, қалы, тут, аб-аб, да),*** бу асосан араб ва форс-тожик тилидан ўтган ***ва, лэкин, ҳäм, нэ, йā, гōҳ, бäлки*** боғловчилари ҳисобига бўлади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, кўрсатиб ўтилган боғловчилар асосан уюшиқ бўлакларни боғлаш учун хизмат қилади. Баъзи мисоллар: *Аб бу аб ол* (ДЛТ, I, 70/73) — на у на бу. *Ўзўм йэгил азу қағун йэгил* (ДЛТ, I, 115/82) — Узум ёки қовун егин. *Узунлуқ тиляса өзўң ма сөзўң* (ҚБ, XVIX, 123/22) — Ўзинг (умринг) ва сўзинг узун бўлишини истасанг ... *қаралы өрўңли азырды көзўң* (ҚБ, XXXI, 83/31) — Кўзинг оқу қорани айирди. *Аны сэшди бузны улуғ тут кичик* (ҚБ, Наманган нусхаси, 118 (10).

Шуниси характерлики, қадимги турк тилида мустақил сўзлар гаплар орасида боғловчи вазыфасида кенг қўлланганини кўрамиз. Булар: ***ума*** (ва), ***өтрў*** (кейин), ***өткўрў*** (шундан кейин), ***уҙу*** (кейин), ***улайы*** (ва), ***улаты*** (ва); ***инчип*** (лекин); баъзи жуфт сўзлар боғловчи вазифасида: ***ийэ, баса*** (кейин), ***азу йана*** (ёки), ***тақы ўмä*** (кейин), ***анта баса*** (кейин), ***турум ара*** (лекин), ***апам бирөк*** (лекин энди)[16]. Боғловчи вазифасида „Ўғузнома"да (XIII аср охири XIV аср боши) ***кэнä*** сўзи (кейин) ва ***андан соң*** қўлланади: *ўчўнчўсўгä йўлдўзрат қойдылар, кэнä бир кўн Оғуз қаған авға кэтти*[17]. *Ўчўнчўсўгä тэқизат қойдилар, **андан соң** Оғуз қаған бэзўк той бэрди*[18].

Эски турк тили намунаси бўлмиш „Ҳибатул ҳақойиқ"да гапларни боғлаш учун ***ҳам, ма, йā, да, нэ, валэкин*** боғловчиларининг кенг қўлланганини кўрамиз[19]. „Тафсир"да бу боғловчилардан ташқари ***ли-ли*** ва ***гаҳ*** боғловчилари ишлатилади: *гāҳиāқ, **гāҳи** қузул, **гāҳи** сару, **гāхи** көкзил* (Тф., л. 59).

Эски ўзбек тилига тожик, қисман араб тилининг таъсири жуда кучли бўлди, шу сабабли бу давр тилида ***ва, йā, йāҳуд, гāҳ, ва лэкин (валэ), аммо, нэ, ҳам*** боғловчиларининг жуда кенг қўлланишини кўрамиз[20]. „Шайбонийнома"да (XVI аср) асл ўзбекча ***йоқса*** боғловчисини биринчи марта учратамиз (182-бет) ***йоқ*** *эрсä* ***йоқ*** *эсä* билан баробар). Ҳозирги замон тилида бундай янги боғловчиларга ***болса, болмаса, эса*** феъл формалари ишлатилади, тенг боғловчиларнинг қўлланиш даражаси тораяди, уларнинг ўрнини боғловчисиз қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гаплар ташкил этади.

Тарихда боғланган қўшма гапларнинг жонли тилда қанчалик тарқалганини айтиб бериш қийин. Ёзма адабиёт қанча кенг тарқалган бўлса, боғланган қўшма гапларни жонли тилда ишлатиш шунчалик кенг бўлади Халқнинг кўпчилиги саводсиз бўлган

---

[16] Қаранг: A. von Gabein Altürkische Grammatik, §415, §416, §418.
[17] А. М. Щербак, Огуз-наме. Мухаббат-наме, М., 1959, стр. 29.
[18] А. М. Щербак, Ўша асар, стр. 31.
[19] К. Махмудов, Фонетические и морфологические особенности языка «Хибатул хакайик», Автореферат канд. диссертации, Ташкент, 1964, 26-бет.
[20] А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка, 204—207.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир муҳитда боғловчили қўшма гаплар халқ орасида кенг қўлланган, деб ҳукм чиқариб бўлмайди, албатта. Ёзма адабиётда боғланган қўшма гапларнинг турли шаклларини ишлатиш маълум даражада оғзаки тилнинг турли бой мазмун оттенкаларини ёзувда ифодалашга интилиш истаги билан изоҳланади.

Тенг боғловчиларнинг тараққиётида қуйидаги тенденциялар кўзга ташланади:

1) мустақил сўзларни боғловчи вазифасида қўлланиши,

2) боғловчи вазифасидаги мустақил сўзларнинг ўз лексик маънолари ва грамматик функцияларидан узоқлашиб, боғловчига ўтиши,

3) тенг боғловчиларнинг тобе боғловчилардан олдин келиб чиқиши,

4) тенг боғловчилар функциясининг тобора кенгайиши, мураккаблашиши (баъзан тобе боғловчи вазифасида ҳам қўлланиши),

5) тенг боғловчилар функциясининг чегараланиши, баъзан семантик функцияларининг тамоман ўзгариши,

6) баъзи боғловчилар қўлланишининг чегараланиши ва баъзисининг ишлатилмай қолиб кетиши,

7) янги боғловчиларнинг келиб чиқиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III Боб

# ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

Эргаш гапли қўшма гаплар тил тараққиётининг кейинги даврларида шаклланиб етган қўшма гапнинг алоҳида бир туридир. Эргаш гапли қўшма гаплар кетма-кет келиб, шаклан мустақил бўлган, аммо мазмунан қисмларининг бири иккинчисини изоҳловчи гипотаксис типидаги ибтидоий жумлалардан шаклланади: бундай гапларнинг бири шаклан тобелашади, тобелашиш бу хил гаплар кесимларининг маъноси ва функциясидаги ўзгариш билан ёки тобелаштирувчи грамматик воситаларнинг келиб чиқиши йўли билан рўй беради. Мазмуний тобелик кетма-кет келган ибтидоий боғловчисиз гап конструкциялари орасида ҳам мавжуд эди, бундай гапларнинг бири иккинчисини мазмунан изоҳлайди: *Өзлäк өчин алдыму әмди йӱрäк йиртилӱр* — Замона (ундан) ўчини олди (олгани сабабли), энди юрак(лар) парчаланяпти (ДЛТ, I, 77/44). Тараққиётнинг кейинги босқичида бундай изоҳловчи гаплар эргаш гапга айланади. Демак, бундай дифференциация олдин логикада бўлиб, шаклан бу тобелик кейинроқ кўринади. Шаклан мустақил бўлган бу хил гапларнинг эргаш гапга айланиши қуйидаги йўллар билан рўй беради:

1) изоҳловчи гапларнинг кесимлари маъносида ўзгариш рўй бериши. Одатда, сифатдош, равишдош, шарт феъли мазмунан тобелашади. Ибтидоий даврда қадимги туркий тил обидаларида, XI аср ёзма ёдгорликларида ҳам бу феъл формалари мустақиллигини сақлайди, мустақил содда гап кесими функциясида қўлланади, шарт феълининг мустақиллиги ҳозир ҳам сақланади. Феъл формаларининг семантикасидаги тобелик қадимги туркий тилдаёқ кўринади. Бундай позицияда феъл формалари тобе гап кесимини ташкил этади, эргаш гапни шакллантиради[21].

2) Кўчирма гапли конструкциялар ҳамда модаль гап формалари (сўроқ, буйруқ в. б. хил гаплар) бошқа гаплар билан бирга

[21] Қиёсланг: А. Рифтин, Кўрсатиб ўтилган мақола; Г. С. Кнабе, Еще раз о двух путях развития сложного предложения, журнал «Вопросы языкознания», № 1, 1955.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланганда, эргаш гапга айланиш тенденцияси кучли бўлади (Анга кашмир йуртини берди: ҳукмронлик қилсин. Билмадим — у қаёққа кетди каби).

3) Гап таркибидаги кўрсатиш ва сўроқ олмошларининг, шунингдек равишларнинг нисбий олмошга ўтиши шундай гапларни эргаш гапларга айланишига сабаб бўлади.

4) Тобе боғловчиларнинг келиб чиқиши эргаш гапларнинг шаклланишига олиб келади. Тобе боғловчилар олмошлардан, равишлардан, юкламалардан ёки уларнинг кўмакчилар билан бирикиши билан ифодаланади. Демак, тобе боғловчилар тенг боғловчилардан келиб чиқмайди, шундай экан эргаш гапли қўшма гаплар боғланган қўшма гапдан келиб чиқади, деган фикрларга қўшилиб бўлмайди.

Тобе боғловчиларнинг келиб чиқиши ва қўлланиши бош ва эргаш гап таркибида турли коррелятив сўзларнинг қўлланишини чегаралайди ёки ана шундай сўзларни қўллашга эҳтиёж қолмайди. Маълумки, тобе боғловчиларга қадар коррелятив сўзлар бир гапни иккинчисига мазмунан боғлаб турувчи лексик-грамматик восита эди (бу вазифада олмош, от, равишлар хизмат қилади). Корреляция эргаш гапли қўшма гапларнинг келиб чиқишида роль ўйнаган асосий омиллардан бири эди.

5. Келишик қўшимчалари (асосан ўрин ва пайт келишиклари) ҳамда кўмакчилар функциясининг маълум ўринда ўзгариши уларни эргаш гапни бош гапга боғловчи воситага айланишига сабаб бўлди.

Демак, эргаш гапли қўшма гаплар икки содда гапнинг механик равишда бирлашишидан эмас, балки боғловчисиз қўшма гапнинг ички ўзгариши, қисмларининг таркибидаги морфологик, синтактик ўзгариш асосида рўй беради.

Қадимги туркий тилда шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзига хос хусусияти бор (шаклдаги ўзига хослик, мураккаб, қоришиқ мазмун ифодаланиши в. б.). Шунинг учун ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг пайдо бўлиш davridan пайдо бўлган даврини фарқламоқ керак.

Эргаш гапларнинг шаклланишида қатъий бир чегара йўқ: тилда архаик конструкциялар параллель қўлланиши мумкин.

Қадимги туркий тилнинг ўзидаёқ гипотаксис ва паратаксис типидаги гаплар билан баробар, эргаш гапли қўшма гаплар ҳам қўлланади. Бундай гаплар бош гапга сифатдош, равишдошлар шарт феъли орқали, кўмакчилар, боғловчилар ҳамда келишик қўшимчалари орқали боғланади, бу давр тилида баъзи нисбий олмошлар ҳам шаклланган эди.

С и ф а т д о ш орқали (19) *Әчүмиз анамиз тутмыс йәр суғ идисиз болмазун тәйин* (КТ, ктё) — Авлодларимиз ҳукм сурган мамлакат эгасиз қолмасин деб... (12, 13). *Табғач, оғуз, қутаң бу ўчәгу қабусур, қалтачу баз өз ичи тасун тутмус тәг биз* (Тон.) — Табғач, ўғуз, қидан — бу учови бирлашса, биз ёлғиз қоламиз.

Р а в и ш д о ш орқали: *Оза кәлмис сўсин Күлтәгин ағытип,—*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тоңра бир оғуш алпағу он эриг, Тоңа тэгин йоғынра эгирип өлўртимиз*[22] (КТ, ктё) — Олдин келган қўшинни Култегин ҳайдаб юборгандан сўнг, Тонгра қабиласига мансуб ўн паҳлавонни, Тонгра тегинни кўмишда, қувлаб ўлдирдик.

Шарт феъли орқали: (51/11) *көздä йаш кэлсäр, эти да көңўлта сығит кэлсäр, йантуру сақынтым* (КТ, ктё) — *Кўзда ёш келса,* юракдан кучли фарёд чиқса, яна қайғурдим.

***бирлä, ўзä, ўчўн*** кўмакчилари орқали; *Қутым бар **ўчўн**, ўлўгим бар **ўчўн** өлтäчи будунығ тиригрў игитим* (КТ, ктё)— Бахтим бор учун, омадим келгани учун, ўлаётган халқни тирилтирдим.

***аны ўчўн, антағыңын ўчўн, тэп || тэйин*** боғловчилари орқали: (3) *Билгä қаған эрмис...**аны ўчўн** илиг анча тутмыс* (КТ, ктё)—Улар билимдан хоқон эдилар, шунинг учун улар элларини узоқ вақтларгача бошқариб келдилар. (39). *Соғдақ будун итäйин **тэйин** Йинчў өгўзўг кэчä Тэмир қабығқа тэги сўлäдимиз.* (КТ, ктё)—Суғдок халқини бирлаштирайин деб, Енчу дарёсини кечиб, Темир қапиғгача юриш қилдик.

Ўрин-пайт-чиқиш келишигининг қўшимчаси -*та*[/]-*да* воситаси билан: (17) *Эчим қаған олуртуқда, өзим тардуш будун ўзä шад эртим* (КТ, ктё) — Тоғам — хоқон (тахтга) ўтирганда, ўзим тардуш халқи устидан шод эдим.

Урхун ёзма ёдгорлиги тилида ***нэ (нэң), кач, ким*** сўроқ олмошларининг нисбий олмош функциясида қўлланганини кўрамиз: (11) *нэң нэң сабым эрсäр баңгу ташқа уртым* (КТ, ктё)— Нима сўзим бўлса, (уни) мангу тошга ўйдим. (21) *Қач нэң эрсäр өлўртäчи кўк* (Тоқ)—Қандай бўлмасин, у бизни ўлдириши мумкин. *Йэмä бу тө**рт арығ дындарлар ким** тавғач йиринтэ эрўрлўр* (Турфон текстидан. w, Ванд und A. von Gabain. Turkische Turfantexte. II. SRAW, Berlin, 1929, 12—13)—бу тўрт пок диндорки, Табғач еридандирлар...

Мисоллардан кўринадики, қадимги турк тилининг ўзидаёқ эргаш гапли қўшма гаплар ажралиб чиқа бошлаган эди. Тараққиётнинг кейинги босқичларида эргаш гапларнинг тури ва боғланиш воситалари кенгая боради. Эргаш гапли қўшма гапларнинг тараққиёти ёзма адабиётнинг ривожланиши ва турли-туман жанрларининг келиб чиқиши билан ҳамда ёзма адабиётнинг тарқалиши билан боғлиқдир. Бу ўринда бошқа тил, адабиётнинг таъсири ҳам жуда катта роль ўйнайди: тожик ва рус тилининг таъсири билан ўзбек тили эргаш гаплари тараққий этди. Эргаш гаплар ўз тараққиётида турлича ўзгаришларга учраши мумкин. Эргаш гаплар 1) оддий гап бўлаклари ёки идиомага ўтиши мумкин: *қош қорайганда, ўпкаси тўлиб, кун чиқишда, кун ботарда, ҳа деганда, қандай бўлмасин, нима бўлмасин* в. б.

---

[22] Қаранг: Ғ. Абдураҳмонов. Урхун ёдномалари тилида қўшма гап конструкциялари; Исследования по грамматике тюркских языков, Изд-во «Наука» УзССР, Ташкент, 1965, 172—199-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2) кириш гаплар ёки кириш сўзга ўтади: *мен сизга айтсам, қолаверса, билсангиз* в. б.

3) боғловчига ўтади: *бўлса, бўлмаса, йўқса.*

Иккинчи томондан бош гап мазмунининг сусайиши, иккинчи планга ўтиши туфайли, бош гап эргаш гап билан киришиб кетади. Бундай ҳол бош гаплар ***кифоя*** (ўқиса кифоя), ***бас*** (ўқиса бас) каби сўзлардан ташкил топганда кўпроқ рўй беради. Бош гаплар кириш сўз ёки кириш гап бўлиб кетиши мумкин. Бундай бош гапларга ***биласизми, айтайлик*** каби гаплар мисол бўлади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, эргаш гапларнинг шаклланиши сифатдош, равишдош, шарт феъли, феъл формаларининг, нисбий олмошларнинг, тобе боғловчиларнинг шаклланишига боғлиқдир. Қуйида бу категорияларнинг ҳар қайсисига алоҳида тўхталамиз.

## СИФАТДОШ

Сифатдош эргаш гапларнинг шаклланишида туркий тилларда (хусусан, ўзбек тилида) жуда катта роль ўйнаган категориядир. Сифатдошнинг турли-туман формалари ибтидоий тилда мустақил бўлиб, мустақил гапларни ташкил этади. Унинг бундай функцияси қадимги ва эски туркий тилларда ҳам айрим ўринларда сақланади. Масалан, *оғлын кишисин утузмадуқ* — ўғлини, хотинини ютқизмади[23–24]. (9) *антағыңын ӱчӱн алқынтығ, арылтығ* — шунинг учун оврулдинг — соврулдинг (КТ, кё).

Бу хусусият XI аср ёдномасида ҳам сақланади[25].

Сифатдош қадимги турк тилида турли формага эга эди:— ***-тӱқ*** || ***дуқ, мыш*** || ***миш*** || ***мис, -ур*** || ***ӱр, -ыр, -ма*** || ***мä, -чы*** || ***-чи, -ты*** || ***-ди, -тачы*** || ***-дачы, -ғма*** || ***-гмä.*** Бу сифатдош формалари от характерида эдилар. Улар мазмунан предметни ҳаракат томондан изоҳлар эдилар ва бошқа гаплар билан паратаксис типидаги мураккаб конструкцияларни ташкил этар эдилар. Сифатдошнинг бу формалари ҳам от, ҳам сифатдош, ҳам ҳаракат номи, айримлари (асосан, ***-ти*** || ***ди*** ва ***-мыш*** || ***миш*** || ***-мис*** формалари)[26] шахсли феъл (Verbum finitum) вазифаларида қўлланади. Бу сифатдош формалари келишик қўшимчаларини олади, кўмакчи билан бирикади, бош келишик формасида мустақил ёки эргаш гапнинг кесими бўлиб келади.

Тараққиётнинг кейинги даврларида сифатдош формаларининг сони камаяди, баъзи бир формалар айрим туркий тилларда қўлланса, бошқаларида айни шу форма қўлланмайди ёки жуда кам ишлатилади, масалан, озарбайжон тилидаги ***-дыг//-диг*** ва ўзбек тилидаги ***-ган*** сифатдош формаларини қиёсланг. Сифатдош тараққиётидаги иккинчи ҳодиса — сифатдошдаги феъллик хусу-

---

[23–24] Мисол В. М. Насиловнинг «Язык Орхоно-Енисейских памятников» асаридан олинди (Москва, 1960, 54-бет).

[25] Қаранг: Г. Абдурахманов, Исследование..., 55—56-бетлар.

[26] Сифатдошнинг *-ган* формаси Култэгин ва Тунюқуқ ёдномаларида учрамайди, фақат *Алтын йаруқ* асарида эр-тўлиқсиз феъли таркибида (*Эркан* шаклида) қўлланади. Қаранг: С. Е. Малов. ПДП, 191-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сиятининг орта бориши, кесимлик функциясида кўпроқ қўлланишидир.

Қадимги турк тилида қўлланган сифатдош формалари XI аср ёдномалари тилида ҳам қўлланади, аммо баъзи бир формаларнинг қўлланиш доираси анча торайди *-дуқ* || *-дўк*, *-ма* || *-мä*, *-ғма* || *-гмä)*[27], „Ҳибатул ҳақойиқ“ тилида *-ган* ва *-р* формали сифатдош кўпроқ қўлланади, *-дук* сифатдоши мустақил қўлланмайди, албатта бирор қўшимчани олади. „Тафсир“ да *-миш* ва *ган* суффикслари аналогик функцияни бажара бошлайди (*-миш* шакли камроқ қўлланади) *дук* сифатдош формаси одатда аниқловчи позициясида келади, *-гу* формасининг қўлланиши эса ортади, *-ғлы*, *-дачы* формалари кам учрайди[28]. Эски ўзбек тилида *-миш* сифатдош формаси бош келишик формасида, ёлғиз деярли қўлланмайди, унинг ўрнини асосан *-ган* формаси эгаллайди, *-гу* формаси ҳам кам учрайди (бу форма асосан эгалик билан қўлланади, *-гулук*, *-гусиз*, *-гучи*, *-гудек* шакллари кўпроқ учрайди), сифатдошнинг *-(а)р* формаси кенг ишлатилади[29]. „Шажараи тарокима“ асарида асосий қўлланувчи сифатдош формалари *-ган*, *(а)р* лардир[30].

Ҳозирги замон туркий тилларда сифатдошнинг *-(а)р*, *-ган*, *-миш*, *-гу* формалари қўлланади.

Сифатдошнинг феъллашиш хусусияти баъзи формаларида тугалланган бўлса ҳам (*-ди*), айримларида -(*ар*) ҳозир ҳам тугалланган эмас[31].

Сифатдош маълум сўзларни бошқариб, сифатдош оборотини ташкил этади. Бу оборот таркибида эга бўлса, бундай оборот алоҳида бир гапни ташкил этади. Сифатдош кесим бўлиб келган гаплар бошқа гаплар билан бирикканда, эргаш гапни ташкил этади. Бу ҳолда сифатдошнинг ўзи эргаш гапни бош гапга тобелаштирувчи ва боғловчи восита бўлади. Эргаш гапни бош гапга боғлаш учун келишик (одатда, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги) қўшимчаси ёки кўмакчи ҳам хизмат қилиши мумкин, аммо бу воситалар тил тараққиётининг кейинги босқичларида шаклланади.

Сифатдош кесимли гапларнинг эгаси қандай формада бўлганлиги ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик олимлар бу хил гапнинг кесимлари аслида қаратқич келишигида бўлиб, кейинги тараққиёт натижасида бош келишикка кўчган деб биладилар, уларнинг мулоҳазасига кўра, атрибутив бирикмалардан предика-

---

[27] Қаранг: Г. Абдурахманов, Исследования..., 47—79-бетлар.

[28] Қаранг: А. К. Боровков, Очерки по истории узбекского языка, Советское востоковедение, V, М.—Л., 1948.

[29] Қаранг: Г. Ф. Благова, Соотносительные глагольные формы и их развитие в узбекском литературном языке, журнал «Вопросы языкознания», № 4, 1958.

[30] Қаранг: А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима». 162—167-бетлар.

[31] Н. А. Баскаков, Система спряжения..., сб. Исследование по грамматике тюркских языков, II, М., 1956, стр. 283.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тив бирикмалар вужудга келади[32]. М. Б. Балакаев кўрсатишича, сифатдош кесимнинг таркибидаги эгалик суффиксининг (мен келганимда) пассивлашиши субъект таркибидаги қаратқич келишиги қўшимчасининг қўлланмаслигига олиб келади[33]. Бу назарияга кўра ибтидоий (қадимги туркий) тилда сифатдош кесимли гапларнинг эгаси асосан қаратқичда қўлланиши керак эди. Аммо қадимги туркий тилда бундай конструкцияларнинг эгаси ҳеч вақт қаратқичда қўлланмай, доим бош келишик формасида бўлади. Демак, сифатдош кесимли конструкцияларнинг тараққиёти атрибутив бирикмадан предикатив бирикмага томон эмас, балки аксинча бўлган[34]. Ҳозирги замон тилида сифатдош конструкциясининг эгасини қаратқич келишигида, кесимини эгалик қўшимчаси билан қўллаш тенденцияси қадимги тилга нисбатан кўпроқ учрайди. Бу ҳолда эгалик «принадлежности лицу он не выражает, а выражает лицо подлежащего определительного предложения»[35].

## Сифатдош — эргаш гап кесими сифатида

Сифатдош қадимги туркий тилда кенг қўлланади. Сифатдош ёлғиз, бош келишикда ёки бошқа грамматик воситалар билан бирикиб эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олади:

1. Ўтган ва ҳозирги замон сифатдош формалари (*-мыс* ва *-ма*) аниқловчи эргаш гапни ташкил этади; бу ҳолда сифатдош конструкцияси бош гапдаги аниқланмиш сўздан олдин келади:

(19) *Әчўмиз апамыз тутмыс йәр суб идисиз болмазуң тәйин...* — Авлодларимиз эгаллаган ер эгасиз бўлмасин деб. (КТ, ктё) (44/45). *Тинәси оғлу йатуғма Бәңглигäк тāғуғ... иртимиз* — Тинэсининг ўғли турадиган Банглигак тоғигача қувладик (Топ.).

2. Ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси *-(у)р* шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган[36]:

(12) (13) *Табғач, Оғуз, Қутаң, бу ўчäгў қабушсар, қалтачу биз өз ичи ташун тутмуш тәг биз* — ...табғач, ўгуз, қидан — бу учови бирлашса, биз ёлғиз қоламиз (ичи-тошимизни ушлаб қола берамиз) (Топ.).

Бу ўринда келтирилган сифатдош конструкцияларни шартли равишда эргаш гапнинг бир турига киритдик. Ҳақиқатда эса —

[32] С. А. Соколов, О некоторых отглагольных именах в турецком языке, Канд. диссертация, М., 1952, стр. 190; З. К. Косьяненко, К вопросу о сложноподчиненном предложении в современном монгольском языке, Л., 1953.

[33] М. Б. Балакаев. Активизация субъекта в казахском языке, Изв. АН КазССР, вып. 5, 1948, стр. 26—27.

[34] Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948, 207-бет; Э. А. Грунина, Сложноподчиненное предложение в современном узбекском языке, канд. диссертация, М., 1952, 50-бет.

[35] Е. И. Убрятова, Исследование по синтаксису якутского языка, М.—Л., 1950, 46-бет.

[36] Сабаб муносабати ҳам ёлғиз сифатдош кесимли гап орқали ифодаланиши «Урқ битиг» да учрайди: (57. XXXVIII)... *Тәңри унамадуқ абунчу хатун болзун...* — Тангри марҳамат қилмагани учун, малика овунчи бўлсин (С. Е. Малов: пусть рассудить?).



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу конструкцияларнинг ўзига мустақиллиги бўлиб, мустақил гап тарзида ҳам қўлланган.

Шаклан мустақил бўлиб, бутунича бошқа бир гап таркибидаги бирор бўлакни изоҳлаб, унга нисбатан эргаш гап бўлган бу хил конструкцияларнинг кесими сифат ёки ***бор, йўқ*** сўзларидан ҳам ифодаланиши мумкин бўлган:

(3) *Ол амты* ***аныг йоқ*** *түрк қаған Өтүкән йыш олурсарилта буң йоқ*—Энди ёмонлиги йўқ турк хоқони Отукан фуқароси устига ўтирса, элда камчилик бўлмайди (КТ, ктё).

Бу типдаги эргаш гапларнинг эгаси эгалик қўшимчасини олади ёки олмайди. Проф. А. К. Дмитриев бу хил эгалик қўшимчасини эргаш ва бош гапни бириктирувчи (рус. тилидаги «который» боғловчисига ўхшаш) боғловчи деб билади[37].

(26) *Нәң йылсыг будунқа олурмадым, ичрә ашсыз, ташра тонсыз йабыз йаблақ будунта үзә олуртым* — Мен бой халқ устига ўтирмадим (халққа хон бўлмадим), мен ичи ошсиз (қорни оч), таши тўнсиз, ночор халқ устига ўтирдим (КТ, ктё).

Таркибида ўз эгаси бўлган сифатдош конструкциялари бирор ёрдамчиси сўз орқали ҳам бошқа гаплар билан алоқага кирган, алоқанинг характерини ҳам ана шу ёрдамчилар белгилаган. Ёрдамчи сўз орқали боғланиш бу хил конструкцияларнинг эргаш гапга томон тараққиётининг кейинги босқичидир:

1. ***Эринч. Эринч*** сифатдош конструкциясини бошқариб, семантикасига кўра (***шекилли***) сабаб муносабатини ифодалаш учун хизмат қилган:

(5) *Анта кисрә иниси әчисин тәг кылынмадуқ* ***еринч*** *..., билигсиз қаған олурмыс* ***әринч*** *...* — Ундан кейин укаси акасидек иш қилмагани учун шекилли, билимсиз хоқонлар (подшоликка) ўтирган экан (КТ, ктё).

Бу хил конструкцияларда пайт оттенкаси ҳам бўлади[38].

2. *Тәп.* Боғловчи вазифасидаги ***тәп*** орқали сифатдош конструкцияси тўлдирувчилик функциясида қўлланган:

(51) (11) *...бәкларим будуным көзи қашы йаблақ болтачы* ***тәп***, *сақынтым* — Бекларимнинг, халқимнинг кўзлари ва қошлари хароб бўлади, деб қайғурдим (КТ, ктё).

3. ***Учүн***. Бу даврда ***үчүн*** кўмакчиси мавжуд бўлиб, у сифатдош билан бирикиб сабаб муносабатини ифодалаш учун ишлатилган:

---

[37] «Такого рода предложения типичны для башкирского и всех тюркских языков. Они вскрывают процесс создания относительных придаточных из независимого простого, которое ставится перед главным в качестве его логического определения...» (А. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, 225-бет).

[38] «Покаянная молитва манихейцев» асарида бу вазифада *эркан* кўмакчи феъли қўлланади: (72) (73)...*йәр тәңри йог әркән өңрә нә бар әрмис тәпән билтимиз...* — Ер ва осмон йўқ вақтида, нималар бўлганини гаплашдик. эркан пайт муносабатини ифодалаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(9) *Тәңри йарлықадуқын ӱчӱн..., қаған олуртым* — Тангри ёрлақагани учун... ҳоқон бўлдим (КТ, ктё).

(40) (41) *Тәңри йарулқадуқ* ***учун***, *...биз қорқмадуқ сӱңӱшдӱмӱз* — Тангри ёрлақагани учун..., биз қўрқмадик, урушдик (Тоң).

Сифатдош конструкциялари к е л и ш и к қ ў ш и м ч а с и ёрдами билан ҳам бошқа бир гапга боғланган. Урхун ёзувларида ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-да/-та* ўтган замон сифатдошига қўшилган. Бу хил сифатдош конструкциялари пайт эргаш гапни ташкил этади:

(1) *Ӱзä көк тәңри исрä йағыз йәр* ***қылынтуқда***, *әкин ара киси оғлы қылынмыс*—Тепада кўк осмон, пастда қора ер яратилгандан кейин, иккисининг орасида одам ўғлонлари яратилди (КТ, ктё).

Бу типдаги баъзи бир эргаш гаплар ўша даврдаёқ лексикализация процессини бошидан кечирган: (4) ***Өңрä, кӱн тоғсықда***...(КТ, ктё)—бу бирикма ***шарқни, кун батсығда***—ғарбни ифодалаган[39].

Шундай қилиб, Урхун ёдномаларида сифатдош ва сифатдош конструкциясининг қуйидаги асосий хусусиятлари бўлган:

1) сифатдош шахс қўшимчасини олмаган. Бу хусусият унинг эргаш гап кесими вазифасидаги ҳолатигагина эмас, мустақил гапларнинг кесими бўлиб келган ҳолатига ҳам таллуқлидир.

2) ўтган замон сифатдоши фақат айрим ўринлардагина 3-шахс галик қ ўшимчасини олади (*дуқ* + ***ы -н***).

3) сифатдош конструкциясининг эгаси ҳар вақт бош келишикда келади.

4) сифатдош формасининг вазифаси кенг бўлган ва бундай (от кесимли) конструкциялар асосий ўринни эгаллаган.

Бу давр сифатдошининг феъллик хусусиятига кўра, унинг сифатлик хусусияти устунроқ бўлган.

5) шаклан гап ҳукмидаги сифатдош конструкцияларнинг мустақиллиги анча кучли бўлган. Айниқса, сифатдоши бош келишик формасида бўлган конструкцияларда бу хусусият аниқ кўринади. Айрим ҳолларда уларнинг мустақил гапми ёки эргаш гапми эканини аниқлаш анча қийинлашади.

М. Кошғарийнинг «Девон»ида ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарида сифатдошнинг ***-ган*** формаси кенг қўлланади. «Девон»да сифатдошнинг ***ичӱргäн*** типидаги формаси ***ичди*** формаси билан баробар берилади, ҳар икки форма орасида семантик фарқ бўлса ҳам, иккиси тилда актив қўлланган[40]. Бундан

---

[39] Бу ҳолат „Қутадгу билик" да ҳам учрайди. Унда ***ғарб*** учун ***кун ботар*** ибораси қўлланган. Қаранг: С. **М у т а л л и б о в**, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, ЎзФА нашр., Т., 1959, 151. Бу ҳолат „Тафсир" ва ҚАда ҳам учрайди: ***кун батышинға*** (Л. 7, 7) — ғарбга ***кӱн тоғушынқа*** (л. *7б*, 3) —шарққа; ***Кӱн туғардын кӱн батарға барур әрди*** (ҚА, лит., 44)

[40] Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, *-дук* формали сифатдош бу даврда сифатдош ва ўтган замон феъли (*-ди*) га бўлиниш процессини бошидан кечираётган эди. Қаранг: Н. А. Б а с к а к о в, Алтайский язык, М., 1958, 46. ДЛТ 1-том.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шундай хулоса келиб чиқадики бу даврга келиб, *-ган* формаси сифатдошнинг феъллик хусусияти кучайган ва мустақил гап кесими сифатида кенг ишлатилган. Лекин бу сифатдош, ҳозирги замон тилидаги каби, ўтган замон феъли сифатида ишлатилмайди — тамоман феълга ўтмайди. М. Қошғарий *-ган* формали сифатдошни предметдаги доимий хусусият, ҳолатни кўрсатувчи феъл формаси сифатида изоҳлайди ва таржима қилади. Бу давр сифатдошининг иккинчи хусусияти шундаки, сифатдош шахс қўшимчаларини олмайди — тусланмайди.

ДЛТ да ва ҚБ да сифатдош эргаш гап кесими вазифасида ҳам кенг қўлланади:

1. Бош келишикдаги сифатдош аниқловчи эргаш гапнинг кесими:

*Бир анча йуруйу, бир анча туру, Ахыр тәгди* ***Әлик турур*** *ордуқа* — Бир қанча юриб, бир қанча туриб, Элик турган ўрдага ахир етди (ҚБ, Н., 46; 249). ***Киши турмäдўк элкä қирса қалы*** — Агар (кимда ким) киши кўрмаган элга кирса (ҚБ, Н., 47; 250).

2. Сифатдош *әркäн* ёрдамчи феъли билан бирикиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади:

*Аичик эркäн өгрäт оғулқа билик* — Ўғилга кичиклигида билим ўргат (ҚБ, 118; 3).

ДЛТ ва ҚБ да сифатдош конструкциянинг эгаси асосан бош келишикда келади ва қаратқич келишигини олмайди (сифатдош кесим таркибида эгалик қўшимчаси бўлса ҳам):

*Адам оғлы ағырлығы билик бирлä әрдугин... айур* (бу боб) одам зотининг қиммати билимда эканлигини баён этади (ҚБ, 6—7).

Сўнгги давр ёдномаларида сифатдошнинг кенг қўлланганини кўрамиз. Сифатдошнинг айниқса *-ган* формали тури активлашади. Сифатдошнинг турли кўмакчилар ва ёрдамчи сўз вазифасидаги лексик элементлар билан, келишик формантлари билан бириккан формалари тилда кенг қўлланади.

### 1. Бош келишикдаги сифатдош

Бош келишикдаги сифатдош бошқарган конструкция аниқловчи эргаш гап бўлиб келади:

*Мәккä ачылдуқ кўн болди* (Тф., 86; 6).

«Тафсир»да *тә* феъли сифатдош формасида аниқловчи эргаш гапни ташкил этган (бу хил гап одатда бир составли бўлади):

*Манат тәдўки тақы бут турур* (Тф., 36 *б*, 5) — Манат деган яна бир бут бор.

Сифатдошнинг *-дук* формаси Навоий ва Бобир асарларида учрамайди, «Шажараи тарокима»да бир ўриндагина учраб, уни проф. А. Н. Кононов қотган бирикма деб ҳисоблайди[41]. ҚА, БН,

---

[41] А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 164-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ШТм да *-ған, -(а)р, -(у)р* формали сифатдошлар аниқловчи эргаш гап кесими вазифасида кенг қўлланишини кўрамиз[42].

*Йӯсӯф тӯшгӓн қузуқ башынға кәлиб тӯштиләр* (ҚА, қё, 218). *Көзи көрмӓс тили сөзлӓмӓс әлиги тутмас айағы йӯримӓс нӓрсаны алғучы барму* (ҚА, лит., 76). *Чархининг* ***мен тӓртмаган*** *дарду баласи қӓлдиму...(Бӓбир) Уруқ талатиб ӓлдуруб* ***биз өтгӓн,*** *қипчақ йоли балӓ ӓшиб Або қорығыда кәлиб бизгӓ қошылдылар* (Бн., 150). *...бирлӓн Тибәтниң арасы атлық киши бир йатыб* ***баратурған*** *йәр болур* (ШТм, 24).

Шуниси характерлики, аниқловчи эргаш гапларнинг бу тури борган сари кенг қўллана боради. Бу хил конструкцияларнинг эгаси урхун ёдномалари, ДЛТ, ҚБ, Тф. да бош келишикда келади, сифатдош кесим таркибидаги эгалик қўшимчаси ҳам ишлатилади. Сўнгги ва ҳозирги замон ёзма адабиётида эса, аниқловчи эргаш гапнинг эгаси — айрим ҳолларда қаратқич келишигида келади (Бу ҳол эга ва кесим орасидаги муносабатни янада конкретлаш, таъкидлаш учун ишлатилади).

## 2. Ёрдамчи сўз ва шу вазифадаги сўзлар билан бириккан сифатдош

Сифатдош кўмакчилар ва шу вазифасида келган сўзлар билан бирикиб, турли эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади.

1) ***Учӯн*** кўмакчиси билан бириккан сифатдош сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келган. Сифатдош-кесим кўпинча эгалик қўшимчасини олмаган:

*Коб* ***нуҳа қылған ӯчӯн*** Нуҳ атанды (ҚА, қё 43). ***Қорқутку ӯчӯн***...,(Тф., 28; 24)[43]. ***...әшитмӓзлик ӯчӯн***...(Тф.. Л. 108;18). *Атасы вилӓйатқа кириб нәчӓ маҳал саллӓҳлик* ***қилғӓн ӯчӯн*** *Қанбар Али саллаҳ дәр әдиләр* (Бн., 31).

Бундан ташқари, ***ӯчӯн*** кўмакчиси сифатдошнинг ***-дуқ*** (Тф.), ***-р, -миш*** формаси билан ҳам бирика олганки, бу ҳолат ҳозирги замон ўзбек тилида қўлланмайди:

*Өлдӯки* ***ӯчӯн*** *йығлашмазуз ъа ләкин билмӓзмиз*...(Тф., 71 *б*, 16). *Анд бәрдӯкӯң* ***ӯчӯн...,*** (Тф., л. 145,2). ***Йӓзлар чыбыны коп болур ӯчӯн,*** *бу өлӓңни кӓм көрӯрлӓр...* (Бн., 154). *Бу от бөтӓ-бөтӓ* ***чықар ӯчӯн*** *бөтӓкӓ дәрлӓр әмиш* (Бн., 165)[44]:

„Шажараи тарокима“да ***ӯчӯн*** кўмакчиси билан тузилган эргаш гапли қўшма гап конструкцияси учратилмайди, ***ӯчӯн*** ўрнида ***сабабдын*** ишлатилади:

---

[42] Уша асар, 163—165-бетлар.

[43] А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, II, Советское востоковедение, VI, М.—Л., 1949, 43.

[44] „Бобирнома“да ***ӯчӯн*** кўмакчиси аниқлик феълининг ***-ғай*** формаси билан ҳам бирика олган:

*Валә сафӓлиқ бӓғчалары тамӓм сӓй йӓқасыда вӓқы* ***болғай ӯчӯн*** *пустыны пәш бӓррӓ дәбтӯрлӓр* (Бн., 21).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ӧз қарындашлары йуртында йағы болған* ***сабабдын*** *тура билмӓй қайтыб кәтди* (ШТм, 51).

XIX—XX асрга келиб, **-ган** формали сифатдошнинг ***ӱчӱн*** кўмакчиси (ёки ***сабабли*** сўзи) билан бириккан шакли кенг қўллана бошлайди.

2) ***билӓн*** кўмакчиси билан бириккан сифатдош ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди:

*Āз āғлāқ чықғāн кишиси урушқа турмай* ***қāчқāн билӓ*** *қорғāнға кирдилӓр* (Би, 151).

***Бирлӓ*** кўмакчиси бу иборада пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Бундай конструкция ҳозирги замон тилида тўсиқсиз эргаш гап бўлар эди. Пайт эргаш гапнинг ***билӓн*** кўмакчиси билан бош гапга боғланган турининг кесими ҳозирги замон тилида ҳаракат номи орқали ифодаланади — бундай конструкция ёзма ёдгорликларда ҳам қўлланган:

*Ибрāҳимниң қутлуқ әлиги тәкмӓги* ***бирлӓ*** *қамуғ зуҳҳāм болур әрди* (ҚА, қё, 154).

3) *Сөң (сөңрӓ), кәйин)* кўмакчилари сифатдош билан бирикиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади:

*Мундāқ нӓрсӓ өлӱб нāжāйиз* ***болғандын кәйин*** *қайдын тиргӱзӱр дәб*...ҚА, қё, 165). *Қырқ тӱн кӱн тамāм* ***болғандын сөң*** *Йаъқуб йалағачқа уйқу ғалаба қылды* (ҚА, қё, 210). *Бу сура* ***айындуқдын сөңра*** (Тф., 145; 4). ***Дирилдӱқдин соң***... (Тф., л. 96 б, 9). *Әрāнлӓрдин мӓрдāнӓ гунāҳ вужудқа кәлсӓ, бойныға* ***йӱклӓнгӓндин сөң*** *бойнын урарлар* (Н., Мқ., 54). *Мәниң вӓлидӓлӓрим ва көч ва уруқларым мен* ***Андыжāндин чықғандын сөңрӓ*** *йӱз тӓшвиш ва машаққатлар била Оратәпа кәлиб әдилӓр*...(Би., 105). ***Өлгӓндин сӧң*** *иниси Сāрнāкни пāдшāх қылдылар* (ШТм, 63).

Сифатдошнинг ***-ган*** формасидан ташқари бошқа формаларининг ***сөң, кәйин*** ёрдамчилари билан бирикиши сўнгги давр ёдномаларида ҳам учрайди, „Шажараи тарокима“ ва ундан сўнгги адабиётларда бутунлай учрамайди. „Қиссасул анбиё“да ***кәйин*** кўмакчиси сифатдошнинг ***-миш*** формаси билан бирикиши нормал ҳол бўлган:

*Тāқāн тәшикдин* ***урылмыштан кәйин*** *йāрлық кәлди* (ҚА, Рқ, 217).

***Сөң, кәйин*** кўмакчилари одатда чиқиш келишигини бошқаради. Аммо бу қонун қадимги ёдномаларда қатъий бўлган эмас. „Қиссасул анбиё“да у бош келишикни ҳам бошқариб кела олган:

*Исмāъил āвдын* ***кәлгӓн сөң*** *Саййыдā сӓлāм йәткӱрди* (ҚА, Рқ, 142).

4) Сифатдош ***бӱрӱн***[45] кўмакчиси билан бирикиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келган:

---

[45] А. Н. Кононов *бӱрӱн* кўмакчисини «бурун» («нос») билан боғлайди. А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 156-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тāң āтмасдын бўрўн әлдин чықсунлар* (ҚА, қё, 178). *Қарынташлары хабардāр болмасдын бўрўн...* (ШТм., 76).

**Бўрўн** кўмакчиси одатда чиқиш келишигини бошқаради. Аммо „Қиссасул анбиё"да унинг ўрин келишиги билан бириккапини ҳам кўрамиз:

*Йўсўф...қуйуқ тўбигā йәтмāсда бўрўн*...(ҚА, қё, 214). *Олқāн йергā йәтмāсда бўрўн*...(ҚА, қё, 217).

5) **әркāн** кумакчи феъли ҳам сифатдош билан бирикиб, пайт эргаш гапни ташкил этган:

*Уруғаты уйур әркāн сачы бирлā бағлады* (Тф., 13—9б, 21). *Фаръāун қызының башын тарар әркāн әрклу тўшди* (Тф., 133, 11)[46].

*Әркāн* кўмакчи феъли худди шу функцияда ҚБ ва ҚА да ҳам қўлланган:

*Сән оғлан кичик әркāн өлди дадаң* (ҚБ, Н, 483). *Бу сөзни сөзлāшўр әркāн...* (ҚА, лит., 65).

6) ***вақт, маҳал, фурсат, ҳāлат*** каби лексик элементлар сифатдош билан бирикиб, ўзининг лексик маъноси ва функциясини қисман йўқотиб, эргаш гапни бош гапга боғловчи восита вазифасида келади. Бу сўзларнинг ёрдамчилик вазифаси асосан „Бобирнома" „Шажараи тарокима" асарларидан бошланади. Уларга қадар бўлган ёзма адабиётларда бундай конструкциялар жуда кам учрайди:

*Аңа минāси вақтын* (Тф., 68 б, 2) *Мир Алишәр Навāий Ҳиридин Самарқанд(ға) кәлгāн **фурсатлар(да)** Аҳмад Ҳāжибәк билā болур әди, Султāн Ҳусайн Мирзā пāдшāҳ **болғандын сөң** Ҳиригā кәлди* (Бн., 37). *Абдулкāримни āтини Маҳди Султан (чәркāсий) қылыч билā чāпқāч оқ āти йықылди. Өзи **қопар ҳāлатда** Маҳди Султāн иликини бāндидин тушура чāпти* (Бн., 56). *Султāн Ҳусайн мирзā **алған маҳалда** йāдгāр Муҳаммад мирзā ва тавāбин андāқ ичкўликкā тушган экāндўрлāрким...* (Бн., 104).

Бу хил конструкциялар ҳозирги замон тилида кенг қўлланади.

### 3. Келишиклар билан бириккан сифатдош

Урин-пайт ва чиқиш келишиги сифатдош кесимга боғланиб, эргаш гапни бош гапга боғловчи восита сифатида қўлланган (Урхун ёдномаларида фақат *-да//-та* қўшимчаси шу вазифада ишлатилган эди).

**Урин-пайт келишиги** пайт эргаш гапни боғлаш учун хизмат қилади (эргаш гап кесими от кесим бўлганда, келишик қўшимчаси *әркāн* кўмакчи феълига қўшилади).

[46] А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, II, Советское востоковедение, VI, М.—Л., 46. Бу кўмакчи феъл сифатдош билангина эмас, от билан бирикиши мумкин: *атасы йигит әркāн олди, ол тақы йигит әркāн өлгāй* (Тф., 57, 6).



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қиссасул анбиё»да ўрин-пайт келишиги асосан *-р,-миш* формали сифатдошга қўшиладики, бу ҳолат ҳозирги замон ўзбек тилида учрамайди:

*Тамāшāдын кәлӱрдӓ Йӱсӱфқа йолуқты* (ҚА, қё, 234). *Йӱсӱф кичик әркӓндӓ Рāҳил вафāт қылды* (ҚА, қё, 203). *Вафāты болмышта йӱз йигирми йашайур әрди* (ҚА, қё, 216).

Сўнгги давр ёдномаларида ўрин келишиги *-ган* || *-кан* сифатдош формасига қўшилади (*-р* формали сифатдошга қўшилиши кам учрайди): *Бу қулның жāны* ***кӱйгӓндӓ*** *өзгӓлӓрниң этӓги куймӓс* (Н., МН., 21). ***Хāн йӱртидӓ*** *әкӓндӓ* ***қорғāндагилар*** *фириб билӓ кищи йубāриб, дәдилӓрким...*(Бн., 58). ***Мән көргӓндӓ*** *бу бāғ бӱзӱлиб еди* (Бн., 64). *Ирāқ бузуғлығыда Султāн Маҳмуд мирзāға қошулуб, йолда* ***кәлӱрдā*** *шāйиста хизмат қилғāн ӱчӱн Султāн Маҳмуд мирзā риāйат қилиб әди* (Бн., 45). *Сөзлāшиб* ***олтурғанда*** *хатуныдын сорды ким буниң сāбāби нә турур* (ШТм., 15). *Рабочийлар... сөз айта* ***бāшлағанда***...*тәмир йол хизматчылары...бизлӓрдин узāқ тӱшдилӓр* (ТВГ, № 10, 1895).

**Чиқиш келишиги** ўрин-пайт келишигига нисбатан камроқ қўлланган. Бу келишик пайт ёки сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилган.

*Кӱн* ***батмасдан***...(Тф., л. 26; 2). *Қāра халқның тили* ***кәлмӓсликдин*** *қāфни жым оқуйтурур* (ШТм., 19). ...*фуқарāны асир* ***этгӓнлӓридин*** *фуқарā ...муҳтāж болуб қāлмышлар* (ТВГ., № 85, 1913).

Сифатдош кесим юқорида кўрсатиб ўтилган воситалардан ташқари бошқа воситалар билан ҳам бирикиши мумкин.

*-дәк* || *-дай*[17] билан равиш ёки аниқловчи эргаш гап бош гапга боғланади:

*бир...туғурды улар* ***тилӓгӓндӓк*** (ҚА, лит., 68). *Бу иш сиз* ***аймыш тәк*** *әрмӓс* (ҚА, қё, 220).

Шундай қилиб, кесим функциясида келиб, турли грамматик ва лексик воситалар билан бириккан сифатдошнинг қуйидаги хусусиятларини кўрамиз;

1) сифатдош кесим шахс билан тусланмайди, ҳар уч шахсда бир хил форма сақланади.

2) сифатдош кесим асосан эгалик қўшимчасиз қўлланади.

3) бу хил конструкцияларнинг эгаси бош келишик формасида келади. Аммо тушум, жўналиш келишигида келган сифатдош бошқарган конструкциянинг субъекти қаратқич келишигида келади, шунинг учун ҳам бу хил конструкциялар эргаш гап эмас, сўз бирикмаси саналади[48]:

---

[17] *-Тәк*||*дӓк* элементини А. Н. Кононов *тенг* («равный», «одинаковый») сўзидан келтириб чиқаради: А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 154-бет.

[48] А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 163-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йақуб оғланларын*[49] *тәwä бирлä кәлүрин көрди* (ҚА, қё, 188). *...ичкү арасында қойуб рақслық қылыб буларның кәч қāлганларын айта бәргил* (ҚА, лит., 58). *...қайсынын хоб әкäнин аҳлы хрäд билгäй хоб* (Н., Мқ., 133). *Кичик хāн дадамның бу замāн кәлүрини таҳқиқ билмäй ҳāлидин суръат билä āтлаṅиб әдим* (Бн., 123). *Әлниң нә қылғаныи айталы* (ШТм, 59). *Барчаның бāратурған йүртыға кәтди*[50] (ШТм, 12).

Кесими сифат ёки *бор, йўқ* сўзларидан ифодаланган конструкциялар ҳам қадимги ёдномалардан тортиб ҳозирги замон тилигача (ҳозирги замон тилида ҳам) кенг қўлланувчи конструкция бўлганлар. Уларнинг таркибида ўз эгалари бўлиб, у бош келишикда қўлланган. Проф. А. Н. Кононов бу турдаги конструкцияларни эргаш гап деб таърифлайди ва «Шажараи тарокима»дан мисол келтиради[51].

*Аты Муҳаммад лақабы Бахтийāр бир паҳливан йигит* ***бāр*** *әрди* (375—376-бетлар).

Эргаш гапларнинг бу тури «Қиссасул анбиё»да, сўнгра, Навоий[52] асарларида ва бошка манбаларда хам кўп учрайди:

*Ҳажарны ал* ***йоқ киши йоқ*** *йәрдä қойғыл* (ҚА, қё, 137). *Йүзи көрклүк Йүсүфни...* (ҚА, қё, 184).

## Баъзи хулосалар

Сифатдош ва сифатдош конструкциясининг тараққиёти қуйидаги умумий хулосаларга олиб келади:

1. Қадимги ва эски туркий тилда[53] сифатдошнинг турли формалари (***-дук*** || ***тук, -(у)р, -мыш*** || ***-мис, -чи*** || ***-чы,*** *-ма* || *-ма-* *-ған* || *-кан* каби) бўлиб[54], сўнгги даврларга келиб, ўзбек ёзма ёдгорликларида, бу формаларнинг ичида *-ған* || ***-кан*** сифатдош формаси асосий ва етакчи ўрнини эгаллайди.

2. Қадимги туркий тилда сифатдошнинг маъно ва функцияси кенг бўлган. У ҳам сифатдош, ҳам равишдош, ҳам verbum finitum ҳам verbum infinitum вазифаларида келади. Кейинроқ унинг маъно ва функция доираси торайди (бунга ўзбек тилида сифатдошнинг ***-ган*** шакли асос бўлиб қолиши ҳам сабаб бўлди): ҳозирги замон тилида эса ***-ган//-кан*** сифатдоши фақат икки вазифада — сифатдош ва ўтган замон феъли сифатида қўл-

---

[49] ***-ин*** аффикси қаратқич келишиги форманти сифатида ҳам қўлланган.

[50] Эски ёдномаларда бир хил конструкцияларнинг ҳам субъекти бош келишик формасида бўлган: *Билдилäр ким, асҳаб-алкаҳф кишилари өлмүшүни, ул өнкüр қабуғыны саҗадилар* (Тф., XVIII сура)... *Чирик кәлмишин көрди* (ҚА, қё, 192).

[51] А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 171-бет.

[52] Қаранг: «Маҳбубул қулуб», 10, 17, 31, 46-бетлар.

[53] Урхун ёдномалари, «Қутадғу билик», «Девону луғотит турк» асарларида.

[54] *-ди* формали сифатдош XI асрда ҳам сифатдошлик, ҳам феъллик вазифасида қўлланган, аммо у феъл вазифасида кўпроқ ишлатилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ланади, холос (ўтган замон феъли вазифаси унинг синтактик функцияси ва контекстдан аён бўлади).

3. Қадимги туркий тилда сифатдошнинг мустақиллиги кучли бўлган, у мустақил гап кесими сифатида қўллана олган.

Ҳозирги замон тилида ҳам сифатдош мустақил гап кесими сифатида қўллана олади. Аммо фарқ шу ердаки, мустақил гап кесими вазифасида қўлланган сифатдош формаси сифатдош эмас, у ўтган замон феълидир. Шунинг учун ҳам М. Кошғарий: (ДЛТ, I) *бу от (дори) ол кишини уўытған* иборасидаги *уўытған* сифатдош формасини предметдаги доимий, мавжуд хусусият сифатида таржима этади. Бу сифатдошни ҳозирги замон тилида *ухлатган* сифатида таржима этиш тўғри бўлмас эди. Чунки *ухлатган* ўтган замон феъли бўлиб, ўтган замонда рўй берган бир ҳолатни ифодалайди. Бу формани *ухлатадиган* шаклида таржима этиш тўғри бўлар эди. Чунки бу форма сифатдошлик хусусиятини сақлайди—предметдаги доимий, мавжуд бўлган хусусиятни кўрсатади.

Демак, сифатдошнинг шакли ҳозирги замон тилида ҳам сақланса-да, унинг ички мазмунида силжиш, ўзгариш рўй берган. Қадимги туркий тилдаги сифатдош кўпроқ сифатга яқин (учала шахс учун ҳам бир хил шакл қўлланади); кейинроқ сифатдошда феъллик хусусияти орта боради ва ўтган замон феъли учун ҳам асос бўлади.

Қадимги туркий тилдаги сифатдошда сифатлик белгисининг устун бўлиши сифатдош бошқарган конструкциянинг бошқа бир гапга тобеланишига асос бўлди — эргаш гапнинг яратилишига замин туғдирди.

4. Қадимги туркий тилда сифатдош шахс билан тусланмаган ва асосан эгалик қўшимчасини олмаган.

Сифатдошнинг шахс билан тусланмаслиги сўнгги давр ёзма ёдгорликларида («Бобирнома»дан келтирилган мисолларга қаранг), ҳатто ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи бир шеваларида (масалан, Жиззах шевасида) ҳам учрайди. Фақат сўнгги давр ёдномаларида сифатдош мустақил гап кесими бўлгандагина шахс қўшимчаси билан тусланганн кўринади. Эргаш гап кесими вазифасидаги сифатдош шахс билан тусланмайди.

Сифатдошнинг эгалик билан турланиши ҳам қадимги турк тилида жуда чегарали бўлган. Сўнгги давр ёзма адабиётида, айрим ўринлардагина қўлланган, фақат ҳозирги замон ўзбек тилидагина сифатдош эгалик қўшимчаси билан кўпроқ қўллана бошлади. Лекин унинг ишлатилиши ҳали ҳам жуда чегаралидир.

5. Сифатдош конструкциясининг эгаси қадимги туркий тилда бош келишикда қўлланган. Сўнгги давр ёзма адабиётида ҳам бу ҳолат асосан сақланади. Ҳозирги замон тилида эса айрим ҳолларда эга ва сифатдош кесим орасидаги муносабатни янада конкретлаштириш, таъкидлаш учун сифатдош конструкциянинг эгасини қаратқич келишигида ва сифатдош кесимни эгалик билан турлашга мойиллик сезилмоқда. Шунинг учун ҳам таркибида ўз эгаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган сифатдош конструкцияси қаратқич ва қаралмиш (изофа) муносабатининг ўзгаришидан келиб чиққан деб тушуниш тўғри бўлмайди.

Сифатдош конструкциясининг таркибидаги эга ва кесимнинг шаклланиши бу хил конструкцияларнинг ҳаммасида ҳам бир хил эмас ва тарихий тараққиётида ҳам бир хилда бўлмаган.

а) ҳол функциясида бўлган сифатдош конструкцияларнинг эгаси бош келишик формасида бўлганда, сифатдош кесим таркибида эгалик қўшимчаси жуда кам қўлланилган. Ҳозирги замон адабий тилида бу хил сифатдош конструкцияларнинг эгаси асосан бош келишик формасида бўлиб, сифатдош кесим эгалик қўшимчаси билан кам ишлатилади. Аммо эганинг қаратқич келишигида келиши ва сифатдош кесимнинг эгалик қўшимчаси билан ишлатилиши ҳам мумкин. Сифатдош конструкциянинг эга ва кесимнинг шаклланган ҳолда қўлланиши бу хил конструкциялар тараққиётининг кейинги босқичини ташкил этади;

б) сифатдош конструкцияларнинг тўлдирувчи функциясида келувчи турининг таркибидаги субъект қадимги туркий ёдномаларда бош келишик формасида бўлиб, предикат эгалик қўшимчасини олади. Кейинги давр ёзма адабиётида («Қиссасул анбиё», Навоий, Бобир асарлари) бу хил конструкциянинг субъекти асосан қаратқич формасида бўлиб, предикат эгалик билан шаклланади. Ҳозирги замон тилида ҳам тўлдирувчи функциясидаги сифатдош конструкцияларнинг субъект ва предикати ана шундай шаклланади;

в) сифатдош конструкциянинг аниқловчи функциясидаги турининг эгаси ва кесими тарихий ёдномаларда асосан бош келишик формасида бўлган. Ҳозирги замон тилида бу хил конструкцияларнинг эгаси айрим ҳолларда (конкретлик учун) қаратқич келишигида қўлланмоқда.

Шундай қилиб, сифатдош конструкцияларнинг тарихий тараққиёти унинг таркибидаги бош бўлакларнинг шаклланишга томон тараққий этиб борганини кўрсатади.

д) қадимги туркий ёдномаларда эргаш гап кесими вазифасидаги сифатдош айрим грамматик ва лексик воситалар билангина бирика олган[55]. Тарихий тараққиёт натижасида сифатдошнинг турли келишиклар, кўмакчилар ва айрим лексик элементлар билан қўлланиш имконияти орта борди. Бу эса унинг маъно ва функция доирасини ҳам кенгайтира борди.

---

[55] Ҳеч қандай қўшимчасиз сифатдошнинг ўзи бир гапни иккинчисига боғлашда восита бўлади. Бу ҳолат кўп тиллар учун умумий бўлган бўлса керак (Қаранг: Н. А. Борковский, автореферат докт. дисс., М., 1949, 31); А. Потебня қадимги рус тили ҳақида шундай дейди: «...Личный глагол есть в древнем языке непременное условие лишь полносильного, первостепенного сказуемого, и сказуемых второстепенных, зависимых, причастие, само по себе именно средство обозначения их зависимости...» (Қаранг: А. Потебня, Из зап..., I—II изд., 1874, 116—117).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Тил тараққиёти сифатдош конструкцияларининг тобора қўлланиш доираси кенгайиб борганини кўрсатади. Ҳозирги замон тилида сифатдош конструкцияси эргаш гапларнинг асосини ташкил этади.

## РАВИШДОШ

Равишдош аслида сифатдошдан келиб чиқади. Унинг шаклланa бориши тил тараққиётининг илк даврларида бўлиб, бизга маълум бўлган қадимги ёдномаларда (урхун ёзувларида) унинг анча шаклланган типлари мавжуд эди[56]. Бу шаклланиш кейинги даврларда ҳам давом этади.

Равишдош ўзининг феъллик хусусиятига кўра, маълум сўзларни бошқариб келиши ва алоҳида конструкцияни ташкил этиши мумкин[57]. Бундай конструкциянинг айримлари таркибида ўз эгаси ҳам бўлади. Бу хил равишдош конструкцияси гапни ташкил этади.

Урхун ёдномаларида *-ып* формали равишдош конструкциясининг бошқа бир гап билан бирикиб, қўшма гап ташкил этганини кўрамиз:

(47) (7) ...*оза кәлмис сӱсин Кӱлтә (гиич)* ***ағытып, Тоңра бир оғуш алпағу он әриг,*** *Тоңа тәгин йогынта, әгирин өлӱртимиз* — Култегин қўшинларини ҳайдаб юборгандан кейин, Тонга—тегин — ни кўмиш маросимида тонгра уруғидан ўн баҳодирни ўлдирдик (КТ, ктё).

Келтирилган қўшма гап таркибидаги равишдош конструкцияси мазмунан пайт эргаш гапга ўхшаса ҳам, унда сабаб оттенкаси ҳам бор; шу билан бирга, бу конструкция ўзаро яқин муносабатда бўлган боғланган қўшма гапни ҳам ташкил этади.

С. Е. Малов «Памятники древнетюркской письменности» асарида «сложные предложения» сарлавҳаси остида равишдош конструкцияли бир қанча мисолларни келтиради. Бу конструкцияларни *-ып* (КТ, кё, 4—5), *-ү* (КТ, ктё), ***матын*** (КТ, кё) формали равишдошлар бошқаради[58]. Келтирилган равишдош конструкцияларнинг таркибида ўз эгаси йўқ, шу сабабдан бу хил конструкцияларни қўшма гап ҳисоблаб бўлмайди. Аммо С. Е. Малов «сложное предложение» термини остида бизнинг тушунчамиздаги «қўшма гап»ни тушунмай, таркиби кенг, ёйиқ бўлган «мураккаб гап»ни тушунган бўлса керак. «Сложное предложение» («Мураккаб гап») остида таркиби кенг бўлган содда гапни ҳам тушуниш мумкин[59].

Эргаш гапларнинг шаклланишида *-(и)б* формали равишдошнинг роли каттадир. Бу формали равишдош конструкцияси турли мазмун муносабатларини ифодалаган, унинг мазмун ва

---

[56] Қаранг: С. Е. Малов, ПДП, 47-бет.

[57] Равишдош мустақил гап кесими вазифасида ҳозирги замон татар ва озарбайжон каби тилларда ҳам қўлланади.

[58] С. Е. Малов, ПДП, 49.

[59] Бундай тушунча бошқа туркологларда ҳам учрайди. Қаранг: Н. П. Дыренкова, Грамматика шорского языка, М.—Л., 1941.



www.ziyouz.com kutubxonasi

функция доираси, ҳозирги замон тилида қўлланишига қараганда ҳам, кенгроқ бўлган.

1. Равишдош конструкцияси ҳолат-пайт муносабатини ифодалайди — бош гапдан англашилган мазмуннинг рўй бериш ҳолати ва пайтини кўрсатади:

*Ай қопуб* ***эшлӓнӱб,*** *Ақ булит* ***өрлӓнӱб,*** *Бир-бир ӱзӓ* ***өклӱнӱб*** *Сачлуб суѡы эңрӓшӱр*—Ой чиқиб, атрофини булут доираси—ўтови ўраганда, булутлар бир-бирининг устига мингашиб гулдурос билан сувларни тўкади (ДЛТ, I, 258, 1—4). *Абӓбакр мирзӓға Мазидбэк арғун ва қарақойлик тӱркмӓн бэклӓри* ***қошулуб*** *султан, Маҳмуд мирзӓниң ӱстигӓ Ҳисӓрда кэлгӓндӓ султӓн Маҳмуд мирзӓ ӓғасиға Самарқандға бӓрди* (Бн., 46). *Атаң өлӱб мэн бу тахтда* ***олтуруб*** *элни сорӓйтурғалы оттуз бэш йил турур* (ШТм, 48).

Келтирилган мисоллардан кўринадики, - *(и)б* формали равишдош конструкцияси ҳам пайт, ҳам ҳолат муносабатини ифодалаб қолмай, улар баъзан боғланган қўшма гапга яқин бўлиб, қўшма гап қисмлари мазмунан анча мустақил бўлади («Шажараи тарокима»дан келтирилган мисол), баъзиларида пайт-ҳолат мазмунидан ташқари сабаб маъноси ҳам бўлади, айрим ҳолларда пайт маъноси устун бўлса, бошқа ҳолларда ҳолат муносабати устун бўлади. Масалан: *Ичти* ***болуб*** *йӱзи тэрин* — Юзи буришиб, ичди (ДЛТ, I, 82; 6).

Равишдош конструкциясининг бу маъно муносабатини ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам қўлланади.

2. Равишдош конструкцияси шарт муносабатини ифодалайди:

*Йаңшақ тэлым* ***сайраб*** *аны тамғақ қатар*—Беҳуда сўзлар кўпайиб кетса, оғиз қуриб, жағ қайишади (ДЛТ, I, 434; 11). *Ҳар дирам ким* ***тӱгӱб,*** *ғассалдын өзгӓ киши ӓчмӓқ маҳал, ҳар симким* ***кӧмӱб*** *туфрӓғдын өзгӓ бирӓв аны йэмӓккӓ йоқ эҳтимӓл* (Н., Мқ., 50—51). *Бир кӱн фармӓн болдиким, ғул, блӓнғӓр, жвӓнғӓр тамӓм тэбӓ кийиб ӓтлариға кэжим сӓлиб йӓвуқрӓқ* ***бӓрыб,*** *ҳам йарӓқ көрӱлгӓй, ҳӓм ичкӓриги элгӓ сийӓсӓти болғай* (Бн., 150).

Келтирилган равишдош конструкцияларини ҳозирги замон тилида шарт феъли билан алмаштириш мумкин.

Равишдош конструкциянинг бу хил маъно муносабат ифодалаган тури ҳозирги замон тилида қўлланмайди; бундай конструкция «Бобирнома»дан сўнг ёзилган асарларда ҳам жуда оз учрайди, «Шажараи тарокима»да бутунлай учрамайди.

3. Равишдош конструкцияси сабабни, бош гап ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди:

*Мэни* ***көрӱб*** *йэси ағды* (ДЛТ, I, 179; 18). *Башы* ***йарылыб,*** *өлди* (ҚА, қё, 183). ***Қорқуб*** *йӱрӓклари тытрағай* (Тф., 123, б, 11). *Ҳӓсик ӓйының йигирмӓ ӓлтысыда душанба кӱни ижӓзат* ***болуб,*** *Марвдын Астрабадға ӓзимӓт этқаны тушти* (Н., МН., 9). *Бу сөзни эшитгӓч мэнгӓ изтирӓб копрақ* ***болуб*** *қылур ишимни билмӓдим* (Бн., 141). *Ул бадбахтниң көңлигӓ*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*бу сөз йахшы кәлиб йўз миң тāнгā инъāм қылды* (ШТм, 25). *Ушбу кўндā йанадын ҳавā āчылыб мусаффā болуб дәҳқāнлар хирмāнларын...көтāриб āлдилар* (ТВГ, № 43, 1896).

Бу хил равишдош конструкцияларида сабабдан ташқари, пайт муносабати ҳам ифодаланади.

Сабаб-натижа муносабатни ифодалаган бу хил конструкциялар ҳозирги замон тилида кенг қўлланади.

4. Равишдош конструкцияси мазмунан анча мустақил бўлиши ва сўнгги гап билан бирикиб, боғланган қўшма гапни ташкил этиши мумкин. Равишдош конструкциясининг бу тури, айниқса тарихий ёдномаларда кўпроқ қўлланган. Бу ҳол равишдошнинг мустақил бўлганлиги, алоҳида гапни ташкил эта олишлик хусусиятидан дарак беради.

Ҳозирги замон тилида ҳам равишдош конструкциянинг бу тури қўлланади, аммо равишдош конструкция кўпинча мазмунан сўнгги гапга кўпроқ боғланади, бу билан унинг эргаш гапга мойиллиги сезилади.

«Девон»да бу хил равишдош конструкциялар кенг қўлланади: равишдош конструкцияси ўзаро тенг боғланган қўшма гапни ташкил этади:

*Қызыл, сарығ аркашыб, Йәлкин, йашыл йўзкāшиб, Бирбир кәрў йўркāшиб, Йалыңуқ анн таңлашур*—Қизил, сариқ гуллар бир-бирига суяниниб, яшил райҳонлар бир-бири билан ўралашиб кўринади. Уларни кўрган киши танг қолади, ҳайрон қолади (ДЛТ, I, 375; 17—20).

Бундай конструкция Навоийда ҳам анча кенг қўлланади:

*Бу даъвā бошыға йәткўнчā нәчāсини май өлтўрўб, нәчāсин өзгā фисқ дозахға йәткуруб, йўздин бири ки маъракаға йәтиб ва йортағ чаныш билā өзин зайиъ әтиб* (Н., Мқ., 18). *Тўрлўк-тўрлўк иллāтлāр бāдāни уйида өкўб, әжāб мāрāз кāсрāтидин ҳайāтдын тонгулуб* (Н., Мқ., 149—150).

Равишдош конструкциясининг бу тури Навоийдан кейинги ёдномаларда асосан қўлланмайди, баъзи ўринларда традицион стилга мувофиқ ишлатилиши учраб қолади:

*Исмāъил афандычың шāгирдларындын бири* (11) *йашар бāла орныдын туруб ушбу тубандағы нутқны сөзлāб аҳли мāжлисни ҳәм ким мундағ тааҗубға коймыш* («Тараққий», № 17, 1906).

Айрим ҳолларда равишдош конструкциянинг ва сўнгги гап кесимининг составидаги бир хил бўлак умумлашиб келади:

*Ақлқа Өгдўлмиш ат бәриб, вазир оғли өзиңā тутмиш турур*—Ақлга Ўгдулмиш от бериб, уни вазир ўғли деб олди (ҚБ, сўз боши). *Мудбир такаббур нāтиҗāсидин шāҳāр гөлҳāныда мақāм тутуб Мұқбил адаб ва тавāзъ фāйдасыдын гāвҳāр мақсуд тāпиб шāҳ гулшаныда āрāм тāпды* (Н., Мқ., 83).

Мазмунан ўзига анча мустақил бўлган равишдош конструкциянинг бошқа бир турида равишдош конструкциянинг мазмуни билан сўнгги гап мазмуни орасида маълум даражада боғлиқлик бўлади; қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун



www.ziyouz.com kutubxonasi

равишдош конструкциясида ифодаланган мазмунга озми-кўпми боғланганн англашилади:

*Өги кеңли ачлуп, йаруду йула*—Фикри, кўнгли очилиб, мағрурланадилар (ҚБ, Н., 53; 259). *Тоқлуқ хирсин кеңүлдин йоқ қыл өзүң āч болуб, бир āчны тоқ қыл* (Н., Мқ., 161). *Өлүм дағдағасы хāтырдан раф болуб āчлық шиддāти элдин даф болды* (Бн., 115). *Торттāвсы ҳам эвли ва коб мāллы кадхидāйлар ҳāр қайсы бир йэрдā олтурдылар.* (ШТм, 47)...*дэгāн бāйы өлүб аның бир йāш хāтыны...бāр экан.* (ТВГ, № 1,1900). *Мактабда бир китāбхāна болуб дарс китāбларыны сāтыб фāйдасы мактаб қылынур* (Тараққий, № 9, 1906).

Мисоллардан кўринадики, қўшма гапнинг биринчи қисми от кесим бўлганда, равишдош формасидаги *бўлмоқ* феълини қабул қилади. Ҳозирги замон тилида равишдош конструкциясининг бу тури қўлланади.

-(*и*) *б* формали равишдош билан бирга -(*и*)*бāн* формали равишдош ҳам равишдош конструкциясини ташкил этган; бу хил равишдош конструкциялари сабаб, пайт, ҳолат, муносабатларини ифодалаган:

*Йай барубан эркӱзи, Ақты ақын мундузы, туғды йаруғ йӱлдӱзи, Тиңлā сөзӱм кӱлгӱсӱз* — Баҳор келиб, музлар суви эриб, селдай оқа бошлади. Ёруғ юлдуз туғди. Сўзимни кулмай тингла (ДЛТ, I, 121, 20—23).

Эргаш гапни ташкил этувчи равишдош формасининг иккинчиси -*гунчā* дир. Бу формали равишдош қуйидаги мазмун муносабатларини ифодалаган:

1. Бош гапдан англашилган мазмуннинг пайтини кўрсатади:

*Табуғ сиңмāгӱнчā тилāг ким булур*—Иш (хизмат) кўнгилга тўғри келмагунча, ким тилагига етади? (ҚБ, Н., 54; 58). *Тэтик болмағынча қалы адрар иш* (ҚБ, Р., 242).

Бу хил қўшма гап таркибида равишдаш конструкцияси шарт мазмунини ҳам ифодалайди:

*Ол кэлгӱнчā тӱшӱң аш боғуз этāйин* (ҚА, қё, 148). -*гӱнчā* формали равишдош баъзан *тā* боғловчиси билан бирга қўлланади, бу боғловчи пайт мазмунини янада таъкидлайди: *Тā ҳалāллық қилмағынча*...(Тф., Л. 45 *б*., XLII сура).

Маълумки, -*гӱнчā* аффикси икки элементдан иборат: -*гӱн гāн* + *чā* (*чāқ*>)[60]; биринчи элемент асосан -*гун* шаклида қўлланади. „Қиссасул анбиё“да асли -*ган* формаси ҳам учрайди: *Сāра тирик эркāнчā аның ҳақын сақлады* (ҚА, қё, 165).

Баъзан -*гун* || -*ган* элементининг -*н* товуши тушиб ҳам қолади:

*Қамуғын кӱн йаруғыча халāк қылды* (ҚА, қё, 183)....*қызлары āш этгичā лот йалафач*...(ҚА, қё, 185).

---

[60] „Аффикс -*гунча* ( *гӱн* , *чā*) имеет общее происхождение с аффиксом -*ганча* (<*гāн*+*чā*)...“ (А. Н. Кононов Грам. узб. яз., 214). Бу форманинг биринчи элементи -*гун* сифатдошнинг -*ган* формаси билан, иккинчи элементи -*ча* мустақил ўзак-*чоқ* дан келиб чиқади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу равишдошнинг биринчи элементи сифатдош формаси бўлгани учун ҳам «Қиссасул анбиё»да *-ган* ўрнида сифатдошнинг ***-дук*** ёки ***-миш*** формалари қўлланади:

*...баҳа қылдылар кун* ***кәлдўгичӓ*** *баҳӓсын артурдылар* (ҚА, қё, 229). *Йўсуф бир қапуғдын* ***кирмишчӓ*** *ул қапуғны бәркиттылар* (ҚА, қё, 247),

„Тафсир“да ***-гўнчӓ*** || ***-ғинча*** формаси билан баробар ***-инчӓ*** шакли қўлланади:

*Булар* ***барынчӓ*** *ашын сушын растқылғай тәйў*...(Тф., 47;6).

Равишдош конструкциясининг бу тури сўнгги давр ёдномаларида ва ҳозирги замон тилида кенг қўлланади:

*Тӓ сӓчқан дӓна* ***көкӓргўнчӓ*** *оруб хирмӓн кылыб маҳсулын кетӓргўнча, қурту қуш андын баҳраманд, дашт ваҳшийси аның билӓ хурсанд* (Н., Мқ., 46). *Моғулның рӓсми андағ әрдиким, тӓ оғлӓн бир йашыға* ***йәтмӓгўнча*** *анға ӓт қоймаслар әрди* (ШТм, 13).

2. ***-гинчӓ*** || ***-гўнчӓ*** равишдош формали конструкция қиёслаш муносабатини ифодалайди:

*Өкўз aйақы* ***болғынча,*** *бузағу башы болса йик*—Ҳўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхши (ДЛТ, I, 91; 24). *Йўсуф айтты, мәни* ***сәвгўнчӓ*** *өз әриңни сәвгил* (ҚА, қё, 243). *Дәдимким, мундӓқ душвӓрлик билӓ* ***тирилгўнчӓ,*** *бӓш ӓлиб элтсӓм йахшы. Бу навъ хӓрлиқ ва зӓрлиқ билӓ әл* ***билгўнчӓ*** *ӓйӓғым йәтгӓнчӓ кәтсәм йахшы* (Бн., 112).

3. Ҳолат билдиради:

...***тилӓгӓнчӓ*** *болмас турур* (ҚБ, Н., 310).

«Тафсир»да ***-дуқча*** шакли ҳам учрайди, бу конструкция, юқорида айтиб ўтилган мазмундан ташқари, тўсиқсизлик муносабатини ҳам ифодалайди:

*Нәчӓ* ***алдуқча*** *байағы тәг болғай хәч өксилмӓгӓй*—Қанча олса ҳам, боягидай қолади, ҳеч камаймайди (Тф., Л., 69, 13).

Равишдош конструкциясининг бу тури ҳозирги замон тилида пайт ва қиёслаш муносабатини ифодалайди.

Равишдошнинг ***-гӓч*** формали конструкцияси «Девон» ва «Қутадғу билик»да учрамайди. «Қиссасул анбиё» асарида ва ундан сўнгги ёдномаларда бу форманинг қўлланиши орта боради ва ҳозирги замон тилида энг кўп қўлланувчи конструкция саналади.

***-гӓч*** формали равишдош конструкцияси пайт муносабатини ифодалайди:

*Ибрӓҳим тӓң* ***ӓтқач*** *қобти* (ҚА, қё, 145),..*ҳӓрӓмдин* ***чыққач*** *дивӓнда олтуруб дӓдхӓҳ сорулса* (Н., МН., 21). *Ҳисрӓвшӓҳ Қундуздын көчўб* ***чықғӓч-оқ*** *Қундузны Муллӓ Муҳаммад Туркистӓний ӓтлық обдӓн этимӓдлық бӓйыры кишиси Шайбӓнийхӓн ўчўн бәркитти* (Бн., 146).

*-й* формали равишдош эргаш гап кесими вазифасида қўлланиши тарихий ёдгорликларда кам учрайди:

*Андӓқ уруш ҳам* ***болмай,*** *бӓсылды* (Бн., 59). Сӓндин өтгӓч,



www.ziyouz.com kutubxonasi

кэйинмиздä йағы кишиси көрүнмäй, сäң сўйи йуқäры оқ йўрўр-дўк (Бн., 135).

Бу хил конструкциялар пайт-ҳолат ёки сабаб-натижа муносабатларини ифодалайди.

Ёдномаларда эргаш гап кесими вазифасида келган равишдошларнинг шундай формалари ҳам учрайдики, бу формалар ҳозирги замон тилида ёки бутунлай қўлланмайди, ёки қўлланса ҳам эргаш гап кесими вазифасида келмайди:

1) *-ў//-йў* формали равишдош:

*Улышыб әрäн* ***бөрлäйў, Йиртыб йақа*** ***урлайу,*** ***Сықрыб*** *ўни* ***йўрлäйу,*** *Сығтаб көзи* *өртўлўр*—Эрлар (одамлар) бўрилардек улишди, улишиб ёқа йиртишди. Чолғи товуши каби овозлар билан бақиришди, (кўз ёшидан) одамлар кўзи қонланиб қолди. (Д, I, 197; 16—19).

2) ***-мäдин*** формали равишдош:

*Тәшäни тäрта* ***билмäдин*** ... (ҚА, қё, 235).

3) ***-кäли*** формали равишдош:

*Дакйанус мäлик* ***кэчкäли*** *ики-үч йўз йил артуқ* ***болмыш*** ***турур*** (Тф., 9 *б*, 15).

***-кäли*** || ***-гäли*** формали равишдош кейинги даврларда ёзилган асарларда ҳам, традицион стил талаби билан учрайди:

*Уч-төрт йил болдыки, Шайх Исмäил бу* ***мазҳабни*** ***ихтийäр қилғали*** (Абдулғозп) («Ҳозирги замон ўзбек тили» китобидан олинди, 466-бет).

4) ***-й*** формали равишдош:

*Түн, күн кэчä алқынур өзлäк* ***билä*** *а:й*—Кеча, кундузнинг ўтиши билан ой ва замон кечади (ДЛТ, I, III, 2).

Равишдош тарихини кузатиш, биринчидан, бу грамматик категориянинг шакллари тобора ихчамлаша борганини, иккинчи томондан, равишдош бошқарган гаплар мустақилликдан тобелашиб, эргаш гапга томон тараққий этганини кўрсатади.

Қадимги туркий тил равишдош формаларига бой. Булар: ***-п, -пан, -у, -йу, -а, -и, -йин, -маты, -ғалы, -гинча*** (Ҳар қайси форма сингармония қонунига кўра турли вариантларга эга). Бу формалар мустақил гапларни ҳам, эргаш гапларни ҳам ташкил этади. Қадимги туркий тилда равишдош кесимли гаплар асосан эргаш гапга ўтган эдилар. Масалан:

*улуғ йәл* ***кәлип,*** *көл сувын* ***төкип,*** *сув йылты* (сувр, 617) *бунча ишиг күчүг бәртүкгäрү* ***сақынматы***...(Мисол А. Габендан, § 235)—ўз иши ва кучини бермагани учун.

Эски туркий тилда[61] (XI—XIII асрлар) энг актив қўлланувчи равишдош формалари ***-б*** || ***п*** ва ***-у*** || ***йу*** лардир, булардан ташқари, ***-гинчä*** || ***-гүнчä -мишичä*** равишдош эргаш гапнинг кесими сифатида кенг қўлланади. Шу билан бирга равишдош мустақил гапнинг кесими ёки боғловчисиз қўшма гапларнинг бирор қисмини ташкил этади: *Мунум бу мәни* ***йалңуқ*** *әрсäл* ***тәйў*** (К6,

---

[61] Қаранг: Г. Абдурахманов, Исследование..., 91—110-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

31 *а*)—камчилигим шу: халқ мени ёмон дейди. ***Харыслық қарымас, иэси қарыб*** (XX, 64)—Хасислик, эгаси қариса ҳам, қаримайди.

Эски ўзбек тилида равишдош формалари янада ихчамлашади: ***-у*** || ***йу***, ***-и*** || ***матин*** формалари деярли қўлланмайди, ***-бан*** формаси китобий тилгагина оид бўлиб қолади[62]. Бу давр тили учун ***-а*** равишдош формасининг кенг функцияда қўлланиши пайт ва равиш эргаш гапларнинг кесими вазифасида қўлланиши характерлидир: *Удға бир икки көч* ***қāла*** *Чин тэмур султāндын киши кэлди* (БН., 437). *Ҳāм Ҳумāйунны* ***ўзāтā*** *ва ҳāм бу йэрлāрни сайр* ***қыла*** *йэкшāнбā кўни ордуны ошул йэрдā* ***қойуб*** *ордудан āтландим* (Бн., 423).

Ҳозирги замон ўзбек тилида бу равишдошнинг функцияси жуда торайган, бошқа формалари (***-б,гач,-гунча***) эргаш гапнинг кесими сифатида кенг қўлланади.

## Баъзи хулосалар

1. Равишдошнинг шаклланиши сифатдош асосидадир, ҳар қандай равишдош формаси сифатдошдан келиб чиқади.

Равишдош ва сифатдошни чегаралашда, сўзнинг формаси, ўрни, функциясини ҳисобга олишга тўғри келади.

2. Равишдош феъллик хусусиятига кўра, маълум сўзларни бошқариб, равишдош конструкциясини ташкил этган. Бундай конструкциянинг таркибида ўз эгаси ҳам бўлган. Равишдош конструкциясининг бу хил тури маълум фикр, мақсадни ифодалаб, гапни ташкил этган.

3. Бундай гап қадимда ўзига анча мустақил бўлиб, бошқа гаплар билан баробар тенг тушунчаларни ифодалаган. Кейинроқ эса унинг тобелик хусусияти орта боради, ҳақиқий маънодаги эргаш гапга айланади.

4. Аввало равишдош конструкция шаклидаги гапнинг мазмуни мураккаб бўлиб, бир неча хил мазмун муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади. Аста-секин бу хил равишдош конструкцияси дифференциялашган мазмун муносабатларини ифодалай бошлайди, лекин ҳозирги замон тилида ҳам баъзи ўринда равишдош конструкциясидаги полисемантизм тамом йўқолмаган.

5. Гап кесими вазифасида қўлланувчи равишдошнинг шакллари ҳам тарихий тараққиёт натижасида маълум бир қолипга туша бошлади: айрим формалар ишлатилмай қолиб кетади (масалан: ***-у, -ибан, -дукча, -мишча***) ва айрим формаларнинг қўлланиши кенгайди (масалан: ***-гāч, -й***), баъзилариники торайди (***-кāли, -ā***).

6. Равишдош конструкцияси ифодалаган баъзи бир маъно турлари ҳозирги замон тилида қўлланмайди (масалан, мустақил гап ифодаловчи формалари, тўсиқсиз, шарт маънолари).

---

[62] А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка, 241-бет; Г. Ф. Благова, Характеристика грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XV века по «Бабур-намэ», автореферат канд. дисс., М., 1954.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТ ФЕЪЛИ

Шарт феъли кесим вазифасида келиши ва мазмунан бошқа бир гапни талаб этиб, қўшма гап тузиши мумкин.

Шарт феълининг функцияси бу билан чегараланмайди, унинг функцияси ва маъно доираси кенгдир. Бу ҳақда проф. Н. А. Баскаков батафсил маълумот беради[63].

Кесими шарт феъли орқали ифодаланган гап мазмунан ва грамматик жиҳатдан анча мустақилликка эга бўлган (ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам шундай хусусиятни сақлайди).

*Кӧңӱл таймаса отру бутса муны* (ҚБ, Н., 36 *б*, 8).

Келтирилган мисолларда шарт феъли формасида бўлган гаплар эргаш гап эмас, мустақил содда гаплардир.

Шарт феълининг белгиси ҳозирги замон ўзбек тилида ***-са*** дир. Урхун ёзувларида бу форма ***-сар*** тарзида учрайди.

Проф. Н. А. Баскаковнинг фикрига кўра, шарт феъли формаси «хоҳламоқ, истамоқ» маъносини ифодалаган мустақил феълдан келиб чиққандир. Сўнгра у қўшимчага айланади ва *р*-тушиб қолади[64]. Шу сабабдан ҳам, проф. С. Е. Малов *-сар* формасини феълнинг майл бобида кўрмай, сифатдошга киритади[65].

Ҳақиқатан ҳам М. Кошғарий ***-са*** қўшимчасини ***сады нәң*** иборасидаги ***сады*** феълидан олинганини кўрсатади. ***Сади*** феъли ***истамоқ*** маъносида қўлланган (ДЛТ, I, 236).

Бундан, ***-са*** формали кесимларнинг феъллик хусусияти кучли бўлганлиги хулосаси келиб чиқади.

Урхун ёзувларида шарт феълининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу феъл шахс қўшимчаларини олмайди, бошқа бир хусусияти шундаки, агар ҳозирги замон ўзбек тилида от кесимлар ***бўлмоқ*** феълининг шарт формаси билан бирикса, у даврда ***бўлмоқ*** билан баробар *эрмоқ* феълининг шарт формаси билан бирга ҳам қўлланган:

(10) *ол әки киси бар әрсäр сәни Табғач өлӱртäчи* (Тоң) — (Ҳозирги замон тилида: *у икки киши* ***бор бўлса,*** *||бор экан...*).

Урхун ёдномаларидаги шарт конструкцияларда логик мустақиллик кучли бўлган.

Урхун ёзувларида шарт феълининг ҳар уч ҳолати мавжуд бўлган:

1. **Реал ҳолат** (13, 14)., *йуйқа* ***қалун болсар*** *топлагулуқ алп эрмис,* ***йинчкä йоған болсар*** *ӱзгӱлӱк алп эрмис*—Юпқа қалин бўлса, туплагувчи баҳодир бўлади, ингичка йўғон бўлса, узувчи баҳодир бўлади (Тоң).

---

[63] Н. А. Баскаков, К вопросу о происхождении условной формы на *-са/се* в тюркских языках, сб. ак. В. А. Гордлевского, М., 1953.

[64] Уша мақола, 53, 54 бет.

[65] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, 46; Н. А. Батманов ҳам бу фикрни таъкидлайди. Қаранг: Н. А. Батманов, Язык Енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959, 89. Аммо В. Котвич шарт феъли қўшимчасини равишдош билан боғлайди. Қаранг: **В. Котвич,** Исследование по алтайским языкам, М., 1962, стр. 236.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Келтирилган мисолда доимо, умуман бўладиган ҳолат ҳақида фикр юритилади.

2. **Ирреал ҳолат:** Бу ҳолатда бош гапнинг кесими таркибида *әрти* боғламаси келтирилади:

(55) *...бән, өзүм қазганмасар, әл йәмә, будун йәмә йоқ әртачи әрти*—Мен ўзим ҳаракат қилмасам, эл ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди (Тоң,).

3. **Эҳтимоллик ҳолати:** Шарт эргаш гапли қўшма гапнинг бу турида бош гап кесими келаси замон сифатдоши формасида бўлади:

(32) ***кәлир әрсәр, кү әр өкүлүр, кәлмәз әрсәр тулуғ сабуғ алу ӧлур***—Келса (бизга қўшилса), баҳодирлар сони ортади, келмаса, турли хабарларни йиғ (Тоң,).

Шарт феъли кесим вазифасида фақат шарт мазмунини ифодалаб қолмай, бошқа мазмунларни ҳам ифодалайди. Энг аввало шарт пайт мазмуни билан яқин боғланади. Юқоридаги мисолларда шарт мазмуни билан баробар пайт оттенкаси ҳам англашилади. Қуйидаги мисолларда пайт мазмуни — асосий мазмун бўлиб қолади:

(8) *Өтүкән йыш **олурсар, бәңгү ил тута олуртачы сән, турк будун, тоқ***—Отукан ерида қолсанг, мангу давлат (эл) яратиб тўқ яшайсан, эй турк халқи (КТ, кё) (51)...*көздә **йаш кәлсәр**, йаты да көңүлтә **сығыт кәлсәр, йантуру сақынтым...***— Кўздан ёш келса, кўнгилдан нола чиқса, яна қайтадан ғамга ботдим.

**Тўсиқсизлик мазмуни:** (5,6)...*туруқ буқалу, сәмиз буқалу арқада билсәр,—сәмиз буқа туруқ буқа, тәйин, билмәс әрмис* (Тоң,).

**Қиёслаш:** (6).,*бир киси йаңылсар, оғушы будуны, бисүкиңа тәги қыдмаз әрмиш*—...агар бир киши янглишса, бутун халқ, қариндошларигача, ажралиб чиқиб кетмас экан (КТ, кё).

Бу қўшма гапда икки хил ҳаракат (икки хил шахсларнинг ҳаракати) бир-бирига таққосланади.

Бизга маълум бўлган сўнгги давр ёдномаларида шарт феълининг белгиси *-са* шаклидадир. Бу ёдномаларда ҳам шарт феъли юқорида кўрсатиб ўтилган эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади. Фақат «Қиссасул анбиё» асарида бир ўринда қўлланганн кўрсатиб ўтилади: *көзүңүз йүзүмгә **тутсар болсаң*** (LKV, V, 512, 14)[66]. Бу форма ҳозирги замон сариқ уйғурлар тилида қўлланади: ***қарасар, йорасар***[67]

Шарт феълининг шахслар билан тусланиши характерлидир. Қадимги туркий тилда шарт феъли тўлиқ шахс формалари билан тусланади:

---

[66] C. Brockelmann, Osttürkische..., § 185*a*.

[67] С. Е. Малов, Язык желтых уйгуров, Алма-Ата, 1957, 189-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

I. *барсар мән, барсар биз ёки барса (р)к*
II. *барсар сән,барсар сиз ёки барса (р)ң*
III. *барсар-, барсар (лар)*[68].

Кўп ўринларда шахс кўрсатувчи бу формалар мустақил эга вазифасидадир.

XI—XIII аср ёдномалари тилида ҳам шарт феълининг тўлиқ шахс қўшимчалари билан тусланиши сақланади: *нару барса мән, қачан барса сән, төрӱ урса биз*[69]. *болғай му ким бу әлдин азын йәргӓ барса сән* (Тф., 39)[70]. Аммо кўп ўринда шарт феълининг қисқарган формаси қўлланади (*барсам, барса-ң, барса-, барса-к//миз, барса-ңиз, барса-(лар)*.

Қадимги туркий тилда шарт феълининг аниқловчи функциясида қўлланиши характерлидир: *Ардӓм болсар будунығ әрк будунығ* — Шижоати (яхши хислати) бўлган халқ — баҳодир халқдир[71]. Бу ҳолат — *сар* формаси аслида сифатдош бўлиб, белги — хусусият ифодалаб келганини, қадимги туркий тилда айрим идиоматик ибораларда бу хусусият сақланганини кўрсатади.

XI аср машҳур ёзма ёдгорликлари (ДЛТ, ҚБ) тилида ҳам шарт феълининг формаси *-са//-сӓ* бўлиб, бу форма кўпинча мустақил гапларнинг кесими вазифасида келади: *Йәтӱрсӓ, ичӱрсӓ, тозурса қарын, қуруғ ызмаса бәрсӓ өздӓ барын* (XXXIII, 94/14 W. Radloff).

Бу форманинг аниқлик феъли функцияси ва маъносида келиши характерлидир: *Узун болса сөз тәп тызылды тилим* (LIII, 126/37. W. Radloff). Бу ҳол шарт феълининг мустақил бўлганлигидан далолат беради.

Шарт феъли бошқарган эргаш гапларнинг мазмуни мураккаб бўлиб, шарт-пайт, сабаб-натижа ва пайт мазмунларини ифодалаган. Соф шарт мазмунини ифодалаш учун *абаң* (*абам*) (қадимги туркий ва эски туркий тил), *қали, ӓгӓр* (эски туркий тил) *мӓгӓр, ӓгӓр, гӓр* (эски ўзбек тили) воситалари қўлланади: *абам бир адақын сысар* (ТТ, I, 15)—агар бир оёғини синдирса. *Абаң тәксӓ әмди сӱ әрки сәңӓ, йағы уӡуғ тур ай әрсиг тоңа* (КБ. XLVIII, 119б W. Radloff).—Агар қўшин бошлиғи бўлсанг, ҳушёр бор, ёвни топ, эй баҳодир. *Қалы болмаса әрдӓм атсыз қалыр* (ҚБ, XXXIV, 233/24; W. Radloff)—Фазилати бўлмаса, ном-нишонсиз қолур. *Ӓгӓр бәрмӓсӓң, тартыб чықарур биз* (ҚА, қё, 181)...*бу сөзлӓриндин ӓшрӓ йанғайлар, ӓгӓр йанмасалар анда кәӡин уқубат мӓгӓр қылса мӓлик әрклик турур*...(Тф., XVIII). *Ӓгӓр андāғ ишлӓрдӓ бә ихтимāмлық вақеъ*

---

[68] А. М. Щербак, Грамматический очерк..., стр. 146—147; Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 82-бет.
[69] Г. Абдурахманов, Исследование..., 123-бет.
[70] А. К. Боровков, Кўрсатилган мақола. 47-бет.
[71] С. Е. Малов, ПДП, 56-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*болса*...(Н., МН., 5). *Бу тāғларда фируза ва тәмӯр кāни болур. Фарғāна вилāйатиниң ҳāсили билä* ***äгäр*** *адл қылсалар, ӯч-төрт миң киши сақлаб болур* (Бн., 21).

Ирреаллик мазмуни бош гапнинг кесими орқали англашилади: бу ҳолда бош гап кесими ўтган замон мазмунини ифодалаб, кесими таркибида ***-әр*** феъли (баъзан бу феъл ҳам бош гап кесимига, ҳам эргаш гап кесимига боғланади) бўлади:

*Кәлип* ***бармас әрсä*** *бу давлат йана, Тӯнäрмäгäй әрди йарумуш кӯн а*—Бу давлат келиб, яна кетмаса эди, ёруғ кун қоронғу бўлмас эди (ҚБ, Н., 69; 268). *Сениң бирлä* ***чықса әрдим*** *нә болдукуңны көзӯм бирлä* ***көргäй әрдим*** (ҚА. қё, 220). *Қачмаса,* ***өлдӯрӯр әрдим*** (Тф., 28; 4). *Тӯрк* ***болсам әрдӯм*** *сәниң бирлä ғазылық* ***қылғам әрди*** (Тф.. 138 *б*, 9). *Äгäр...* ***қалсаңыз әрди***....(Н., Мн., 20). *Äгар бир тäрäфдин умидвāрлығ* ***болса әрди***, *йā зāҳирä болса, сулҳ сөзигä ким қулāқ* ***сāлур әди*** (Бн., 114). *Äгäр араб масалаларыны тӯркий таржима қылыб инāйат* ***қылсаңыз әрди*** *савāбға шәрик болур әрдиңиз* (ШТм, 73).

Шарт конструкцияли қўшма гапларда с а б а б-н а т и ж а муносабати ҳам англашилади: бунда шарт эргаш гап сабабни, бош гап натижани ифодалайди. Аммо бу хил конструкцияларда асосий муносабат — шарт мазмунидир; сабаб-натижа шу мазмун муносабатидан келиб чиқадиган қўшимча мазмун оттенкасидир. Шу сабабдан бу хил қўшма гапдаги шарт конструкциясини сабаб эргаш гапга киритиш тўғри эмас.

Кесими шарт феъли формасида бўлган эргаш гаплар шарт билан баробар пайт муносабатини ҳам ифодалайдилар, бу мазмун бир ўринда бўртиб, асосий ўринни эгалласа, бошқа ўринда у оттенка бўлиб қолади. П а й т м а з м у н и н и ифодалаш учун махсус конструкция қўлланган: эргаш гапнинг кесими ўтган замон аниқ феъли формасида бўлиб, ***әрсä*** феъл формаси билан боғланган:

*Аттын әмди сән төңӱл, Қылдың* ***әрсä*** *қылмағу* — Нолойиқ ишни қилганинг учун (қилганингдан сўнг), сен энди отдан умидингни уз (ДЛТ, I, 104). *Йағың болды әрсä усал болмағыл душманинг бўлса, бепарво бўлма* (ҚБ, XLII, 198—4). *Бурнын қулағын кәскäли көңиллäнди* ***әрсä*** *Ҳажар ғавға қылди* (ҚА, қё, 136). *Ӯнин әшитти* ***әрсä*** *йаныб кәлди* (ҚА, қё, 138). *Ол йағачқа йақын кәлди* ***әрсä*** *ӯн әшитилди* (Тф., 29; 4). ...*Өлди* ***әрсä*** *ики оғлы бар әрди* (Тф., 132; 24). *Улуқ ихтийāр киши Қаҳāт сäрини маслаҳат көрӱб, өзиниң муддаāсиниң исбāтиға нәча танық өткäрди әрсä, сув өтмāкни ва Ҳиндистāн äзимäтини фатҳ қылыб Жāмдин көчӱб Бара сӱйини өтӱб Муҳаммад Пах дāбāныға йāвуқрāқ кәлиб тушулды* (Бн., 171). *Ул вафāт тāпды* ***эрса*** *Буғрахāн улуғ аза тутты* (ШТм., 51) *Чун Оғуз йигит йәтишди* ***әрсä*** .., *қызыни āлыб бәрди* (ШТм, 14).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарт феъли орқали т ў с и қ с и з л и к м а з м у н и нинг ифодаланиши, айниқса, эски ёдномаларда кўпроқ учрайди, сўнгги ёдномаларда бу ҳолат сақланиш билан бирга, *ҳäм* ёрдамчиси ишлатилади[72] (ҳар икки ҳолатда ***ҳам нәчä, ҳäр чäнд*** каби нисбий олмошларнинг роли катта бўлади).

*Аваѓлар **нәчä қулса** бәрмäз өзин*—Қувловчилар қанча сўрасалар ҳам, у ўзини тутқизмайди (ҚБ, Н., 41; 241). ***Ҳäр тараф бақса** Зулäйҳа сураты әрди* (ҚА, қё, 246) *Өзгä сөзлäр **ҳäм болса**...болғусы әди* (Н., Мн., 15). *Сабāҳ **ҳäр қанда болса,** учратурбыз дәб филҳāл илик қошмақны салāҳ көрмäйдилäр* (Бн., 92). *Сиз **ҳäр нимäрсä** тәсäңиз ҳäр йилдä аны биз сизгä бәралы* (ШТм, 78).

Шарт феъли қиёслаш, солиштириш мазмунини ифодалаши мумкин:

*Сән Йусуфқа ата **әрсäң** биз ҳам қарындаш* (ҚА, қё, 219). *Жами тāғларның бәрк йәрлäри бäлäндилäрда **болса**, бу тāғларның бәрк йәрлäри пäстилäрдä вāқи болубтур* (Бн., 166). *Āнам тәк **болмаса** андын йигрäк болсун тәди* (ШТм, 52). *Мўнчä-мўнчä **билмäсäк** ҳам башдын айаққача сўрäтини билä турурмыз* (ШТм, 40).

Шундай қилиб, шарт феъли тарихий тараққиёт натижасида ўзининг маълум мустақиллигини йўқотади ва ўзи бошқарган конструкцияни эргаш гап сифатида бошқа гапга тобелаштиради.

Шарт феълидаги мустақиллик қадимги туркий тил ёдномаларида (урхун ёдномалари, ДЛТ, ҚБ) ҳам кўринади. Шу билан бирга шарт феъли бу даврда эргаш гапларни ҳам шакллантирган. Бу хил эргаш гаплар шарт-пайт, пайт, тўсиқсизлик муносабатларини ифодалаган. Пайт муносабатини ифодалаш учун XI аср ва сўнгги даврда (XIX асргача) аниқлик феълига *әрсä* ёрдамчи феъли қўшилган. Ёлғиз шарт формалари орқали пайт муносабатининг ифодаланиши кейинги давр адабиётларида камайиб боради (бу — пайт муносабатини ифодалаш учун янги воситаларнинг қўлланиши билан изоҳланади).

Тўсиқсизлик муносабати ҚА ва ундан сўнгги адабиётларда шарт феълидан сўнг *ҳам* ёрдамчисини келтириш йўли билан ҳам ифодаланган ва бу форма тўсиқсизликни кўрсатувчи махсус формантга айланади.

Шарт феълининг шахс билан тусланиши кейинги (XI—XIII асрлар) даврда рўй бера бошлайди. Унга қадар ҳар учала шахс учун шарт феъли бир хил формада бўлган[73].

---

[72] «Девон»да ҳам тўсиқсизлик мазмуни шарт феълидан сўнг *йәмä (ҳам)* келтириш йўли билан ифодаланади: *йäлықсä йәмä йаг эзгӱ кӱйсä йәмä кӱн эзгӱ* — Кўнгилга тегса ҳам, ёғ яхши, куйдирса ҳам, кун яхши (ДЛТ, III).

[73] Бу ҳолат фақат кесими шарт феълидан бўлган эргаш гапларга оид бўлмасдан, эргаш гапнинг бошқа турларига ҳам оиддир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Нисбий конструкциялар

Нисбий конструкцияли қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гапнинг асосий қисмини ташкил этадилар.

Нисбий конструкцияли эргаш гапларнинг асосини семантик жиҳатдан бири иккинчисини изоҳловчи боғловчисиз қўшма гаплар конструкцияси (гипотаксис) ташкил этади. Бу хил қўшма гапларни ташкил этган қисмларнинг бири (одатда, иккинчиси) бирини мазмунан изоҳлайди, аниқлайди. Бунга қуйидаги қўшма гап мисол бўлади:

*Адаш тутту Ай Толду әзгӱ киши, Көсәмиш ату әрди әзгӱ киши* — Ай Толди яхши кишиларни дўст тутди, (Уларнинг бирининг) оти Кўсамиш эди, яхши киши! (ҚБ, Н., 47; 250). *Нәгӱ тәг нушан ол сәни бәрклӓгӱ* — Сени ўраб олган ғам нимадир? (ҚБ, Н., 268).

Бу типдаги гапларда маълум бир гап бўлаги ҳақида фикр юритилади, бу бўлак аввало ҳар икки қисмда бир хил — от формасида қайтарилади ёки, кейинроқ қўшма гапнинг иккинчи қисмида олмош орқали такрорланади[74] (иккинчи мисолга қаранг).

Бундай ташқи белги сифатида маълум ўринда нисбий олмошлар хизмат қилади; бошқа ўринда эса бу хил конструкциялар боғловчисиз қўшма гапларнинг махсус тури учун асос бўладилар.

Нисбий олмошлар кўрсатиш ёки сўроқ олмошларидан келиб чиқади[75].

Нисбий олмош иштирок этган қўшма гапларнинг эргаш гапларининг кесими аввало мустақил формада (аниқли феъли ёки сифатдош) бўлиб, сўнгра ***-ким*** боғловчиси билан бирикади. Кейинроқ бу хил эргаш гапларнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланади ва сўнгги конструкция тилда кенг қўлланади.

Урхун ёдномаларида нисбий конструкциялар кам учрайди. Учраган нисбий олмошли 3—4 иборада ***қач*** ва ***нәң, анча*** олмошлари қўлланади, эргаш гап кесими шарт феъли формасидадир:

(29, 30) ***қач нәң*** *әрсӓр бизни өлӱртӓчи кӱк* — Қандай бўлганда ҳам бизни ўлдиради, шекилли (Тоң).

(56) (57) ***нәң*** *йәрдӓки қағанлуғ будунқа бӱнтӱги бар әрсӓр нә буңу бар әртӓтӓчи әрмис* — Қаердаки хоқонлиги бор халқ ичида дангаса бўлса (бу халқнинг), не кулфатлари бўлар эди (Тоң). (13) *...амтықа эриг йәртӓ әрсӓр,* ***анча*** *әриг йәртӓ таш тоқытдым, битидим* — Ҳали ҳам йўл бўйида турган бўлса, у ерда мен тош

---

[74] Ак. Ф. Е. Коршнинг кўрсатишича, бундай «...бессоюзые предполагает сильное развитие логического подчинения, которое неизбежно должно выработать для себя особенную внешнюю форму». Ф. Е. Корш, Способы относительного подчинения, глава из сравн. синт., М., 1877, 16-бет.

[75] Ф. Е. Корш, Кўрсатилган асар, 26-бет. Савол ва жавоб келтириш йўли билан аста-секин сўроқ олмоши нисбий олмошга айланади. *Ким* олмоши ҳам ана шундай процессни бошдан кечирган. Аммо *-ким//-ки* олмошида бу процесс яна давом этиб, у боғловчига ўтган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(эсдалик) ўрнатдим, хат ёздим (КТ, кё). (11) ... ***нең нäң*** *сабым äрсäр, бäңгү ташқа уртым...* — Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга урдим (КТ, кё).

Келтирилган мисолларда нисбий эргаш гаплар тўсиқсиз, ўрин, тўлдирувчи эргаш гапларни ташкил этади.

«Девон» ва «Қутадғу билик»да нисбий конструкциялар кенг қўлланади. Нисбий олмош вазифасида ***ким*, *нә*, *нәгӱ*, *қай*, (*қайу*), *қайда*, *ул*, *қач*, *қачан***, ***нәчä*, *қанча*, *нә тәг*, *ануң тәг*** каби олмошлар қўлланади[76].

Эргаш гап кесимлари шарт феъли, сифатдош ва аниқлик феъли шаклидадир. Қадимги ва эски турк тилида нисбий олмошларнинг қўлланишидаги хусусиятлар қуйидагича:

1) Нисбий олмош қўшма гапнинг ҳар икки қисмида ҳам ифодаланмайди, аммо уни аниқлаб ўрнига тиклаш мумкин:

***Қайу*** *ишқа әвäр озар кәч қалур* — қайси (киши) ишга шошилса, (у) кеч қолади (ҚБ, Н., 51; 255).

2) Нисбий олмошлар кўпинча биринчи эргаш гап таркибидагина қўлланиб, сўнгги, бош гапда унга монанд олмош ишлатилмайди:

*Йаруқ болса* ***кимиң*** *будунқа сөзи, Сӱчӱг тутсу тыл сөз йа қотқу өзи* — Кимнинг сўзи халққа ёқимли бўлса, (у) сўзини (доим) ширин, ўзини одобли тутсин (ҚБ, Н., 50; 254).

3) Нисбий олмош эргаш гапда ҳам, бош гапда ҳам қўлланади, эргаш гапдаги олмошга бош гапдаги олмош мос келади: (***Нәчä—анча, қайу—ол, қайу—ошул, нә тәг—ануң тәг***): *Ашчы* ***нәчä*** *ал билсä, аӡыг анча йол билир*—овчи қанча ҳийла билса, айиқ шунча йўл билади (ДЛТ, I, 41—13). ***Қайу*** *өдтä Ҳаҗуп тилäсä мәни ол өдтä кәлäй*—Ҳожиб мени қайси вақтга тиласа, ўша вақтга келай (ҚБ, Н., 51; 255). ***Қайу*** *нәң қуз әрсä* ***ошул*** *нәң көшӱш*—Қайси нарса ноёб бўлса, ўша нарса кўнгилга яқин (ҚБ, Н., 51).

Нисбий олмош иштирок этган биринчи қисм эргаш гап саналади. Бу эргаш гаплар қуйидаги мазмун группаларини ташкил этади:

1. Тўлдирувчи эргаш гап: *Нәни* ***ким*** *тилäди қылды* (ҚБ, Н., сўз боши). *Уқушлуғ* ***ким әрсä*** *оқуду ану, Билиглик* ***ким әрсä*** *бәдӱтти ану* — Ким ақлли бўлса, уни (ўзига) таклиф этди, ким билимли бўлса, уни кўтарди (ҚБ, Н., 41; 242).

2. Эга эргаш гап: *Мәңä ӱзнäсä* ***ким*** *ӱзäлип өлӱр, мәңä* ***ким*** *бойун әгсä арзу булур* — Ким менга гуноҳ қилса, азобланиб, ўлар, Ким менга бўйин эгса, орзусига етар (ҚБ, Н., 59; 266). ***Қанча*** *барыр бәлгӱсӱз* — Қанча боради — номаълум (ДЛТ, 261, 29).

3. Аниқловчи эргаш гап: ***Кимӱң*** *әлги болса будунқа узун, Силик болсу қулқу қулунчу тӱзӱн* — (Сенга қарашли) кимнинг қўли

---

[76] Қаранг: Г. Абдурахманов, Исследования..., 79—90-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ устида бўлса, (унинг) хулқи мулойим, иши тўғри бўлсин (ҚБ, Н., 50; 254).

4. Пайт эргаш гап: ***Қачан*** *көрсä аны тÿрк, Будун анға аның айдачы* — Турк уни қачон кўрса, халққа шундай деб айтади (ДЛТ, I, 355, 8—9).

5. Даража-миқдор эргаш гап: ***Нәчä*** *әр бәзÿсä баш ағруғ бәзÿр,* ***нәчä*** *баш бәзÿсä бәзÿк бөрк кәзÿр* — Киши қанча кўтарилса, бош оғриғи (шунча) ортади. Бош қанча катта бўлса, (у) шунча катта бўрк, кияди (ҚБ, Н., 42; 244).

6. Ўрин эргаш гап: *өзүм* ***қайда болса*** *тÿгäл арзулар* —. Ўзим қаерда бўлсам, бутун орзуларим ўша ерда! (ҚБ, Н., 59;256) *Бу қут* ***қайда болса*** *бойун бәр йараш* — Бахт қаерда бўлса, унга бўйин бер, яраш (ҚБ, Н., 59;367).

7. Равиш эргаш гап: — *бÿтÿн ÿмлик* ***қанча қолса*** *олтурур*— Иштони бутун қандай хоҳласа, (шундай) ўтираверади (ДЛТ, I, 228, 27—28).

8. Ўхшатиш эргаш гап: *Нәтäг* ***ким*** *орунсуз тобуқ туфлунур, Анұқ тәг ма давлат өзÿм тәзкинÿр* — Жойсиз кишининг тиззаси тешилгандай (қирилгандай), бахт ва мен ўзим ўзгараман (айланаман) (ҚБ, Н., 58; 265).

„Қиссасул анбиё"да нисбий олмошларнинг доираси янада кенгаяди. Айниқса, ***ҳäр*** ёрдами билан тузилган ***ҳäр ким, ҳäр нәчä, ҳäр нäрсä, ҳäр қачāн*** каби нисбий олмошлар кенг қўлланади:

***Ким..дәсä...*** *оқысун* (ҚА, қё, 200). ***Ҳäр қачāн туғурса*** — *лар аны таҳқық қылғайлар* (ҚА, лит., 74) *Әшäкни* ***ҳäр нäчä*** *судрадылар кәмäгä кирмäди* (ҚА, лит., 48).

***Ким*** олмоши ***әрсä*** феъли билан бирикиб, нисбий олмошини ташкил этади:

*Айдылар ким сәниң атыңны тутса ул* ***ким әрсä*** *каср йәткÿрмäгäй* (ҚА, лит., 48). ***Кимäрсä*** (ким әрсä) *он тÿрлÿк балāға илинсä...*(ҚА, қё, 200).

Бу даврга келиб, нисбий олмошларнинг семантикасини янада конкретлаштиришга қараб ҳаракат бўлгани сезилади. Бу эргаш гапдаги олмошга бош гапда монанд сўз келтириш йўли билан бўлади:

***нә андāғ, қачāн—ул кун*** (вақтда), ***нәчä—шул қадар, нәчÿк—андāқ, нәчä—андāқ, нә—аны, мундāқ—нә, нәким—қамуғ, ким—қамуғ*** *в. б.*

*Идрис* ***нә дәсä, андāғ*** *кыл* (ҚА, лит., 38). *Қачāн...билгÿрсä, ул кÿн...йÿбäргÿм турур* (ҚА, лит., 46). *Бир āйда* ***нәчä*** *улғайса, бу...ҳäр кÿндä шул улғайды* (ҚА, лит., 74). ***Нәчÿк әрсä*** *андāғ қыл* (ҚА, қё, 148). ***Нәчä*** *тәклик әмгäнÿр әрсä маңа андāқ әрди* (ҚА, қё, 166)... ***Кимни*** *сәвдуң әрсä, аны...*(ҚА, қё, 145) *...Жāн бәрмäк онғайлығы мундāғ болса, қаттықлығы* ***нә*** *тÿрлÿк болғай* (ҚА, қё, 166). ***Нә ким*** *халайық бāр әрсä, йығылды* (ҚА, қё, 229).



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қиссасул анбиё»да нисбий олмош иштироки билан тузилган эргаш гапларнинг кесими сифатдош, аниқлик феъли, шарт феъли орқали ифодаланади, эргаш гапларнинг мазмун турлари «Қутадғу билик» дагидек турличадир.

«Тафсир»да нисбий олмошларнинг қўлланишидаги юқоридаги ҳолатларни кўрамиз.

*Кўнигä кўн **туғса** эрди ул өнкўркä оң йäрудын кўн тушар эрди, қачан кўн **батса** сол йäрдин батар эрди* (Тф., XVIII сура) ***Нэчä ким*** *барди эрсä ҳäргиз билиши көриши тўшмäди* (Тф., XVIII сура). ***Ким*** *эрсäниң бир ҳäжäти болса анда барыб намаз қылур эрди* (Тф., XVIII сура). *Нэ йэрдä **ким** äлтун кўмўш бäр **эрсä** қамуғын жамъ қылды* (Тф., Л. 132, XXXIX сура).

«Тафсир»да ***андағ*** олмошининг нисбий олмош функциясидаги ***ким*** билан бирикиб, ўхшатиш-равиш эргаш гапни бош гапга бириктириши кўринади:

*Ит йатды, икки қолыны кэсўлди, башыны қолы ўзä урды, **андäғ ким** итлар äдäти болур* (Тф., XVIII сура).

Навоийдаги нисбий олмошлар кўпинча -***ким***, (***ки***) боғловчиси билан бирикиб, эргаш гапни бош гапга боғлайдилар; иккинчи ўзига хос хусусият шундаки, бу хил эргаш гапларнинг кесими асосан от кесим шаклида бўлади ёки сифатдош ёхуд аниқлик феъли орқали ифодаланади:

*Бу йäмäн пäдшäҳ ки болғай вазыры ҳам йäмäн, **андäғки**, Фиръавн нийäбатыда Ҳаман* (Н., Мқ., 13). ***Кимки*** *бир шиддäт арä сабру таҳаммул äйлäди бахт аныӊ нишини ношу хäрыны гул äйлäди* (Н., Мқ., 80).—*Ҳäр **нэким** көнгилдä бäр—тилгä сўрмä* (Н., Мқ.,)) *Ҳäр қайан қылсалар ҳаракат элгä ҳäм қут йэткўрўр ҳäм баракат* (Н., Мқ., 46). ***Нэчўкки*** *бäрсэн өзўңни андық көргўз* (Н., Мқ,, 143).

Навоийда нисбий олмош ёрдами билан тузилган аниқловчи эргаш гапнинг иккинчи хил конструкциясининг ҳам кенг қўлланганини кўрамиз: бу хил конструкцияда эргаш гап бош гапдан сўнг келади:

*Мундäқ киши **кэрäкки,** бухлдын муаррä болса ва казбу имсäқдын мубаррä болса* (Н., Мқ., 47).

Бу қўшма гапнинг иккинчи қисми аниқловчи эргаш гап бўлиб, бош гапнинг эгасини изоҳлайди (бу хил конструкция ҳозирги замон адабий тилида ҳам ишлатилади)[77].

Навоий тилида нисбий конструкцияли гаплар эргаш гапнинг турли типларини ташкил этадилар. Олдинги асрларда қўлланилган тўсиқсиз эргаш гап ҳам ишлатилади:

*Қайäнга **ким** йўзлäндилäр аларға йäнмäқ йоқ* (Н., Мқ., 19).

Бу типдаги гаплар «Бобирнома»да кўп учрайди:

*Мэн Ғазнида **ҳäр нэчä** тажассус қылдым, бу чашмадин ҳэч ким нишäн бэрмäди* (Бн., 164).

---

[77] Унинг аниқловчи эргаш гап эканини бош гап таркибидаги аниқловчи функциясидаги *мундäқ* нисбий олмоши ҳам кўрсатиб турибди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бобирнома»да нисбий эргаш гапларнинг биринчи тури қўлланиши билан баробар, нисбий аниқловчи эргаш гапларнинг иккинчи тури ҳам кенг ишлатилади:

*Бу мāсāл* ***бāрким,*** *қāпудағыны қāпмаса, қарығунча қайғу-* (Бн., 92). *Мəни бир йолға* ***бāшлаң ким*** *ханлар қашыға барай* (Бн., 137)....*тāшны андāқ* ***қāларларким,*** *ушбу бир эшикдин өзгā ҳəч йəрдин балық кириб чықа āлмас* (Бн., 169).

Бу типдаги эргаш гапларнинг таркибидаги нисбий олмошга бош гапда мувофиқ бошқа нисбий олмош келади, бу ҳол ифодаланаётган мазмунни янада конкретлаштиради:

***Ул мықдāр*** *улуғ тāшларким, Мāзу қорғāныда āттылар, ушмунча қорғāн уруш болуб ҳəч қорғāндын* ***мундāқ*** *тāшлар āтмадылар* (Бн., 82).

«Бобирнома»да нисбий эргаш гапларнинг кесими асосан мустақил формада бўлиб (шарт феъли кам қўлланади), *-ким* боғловчиси билан бирикади.

XVII аср ёдномаси бўлмиш «Шажараи тарокима»да нисбий олмошларнинг сони янада ортади ва шакли ҳамда ўрни ҳозирги замон тилига яқинлашади[78]. Айниқса, характерли бир томони шундаки, нисбий эргаш гапларнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланадики, бу ҳол ҳам ҳозирги замон тилига яқин томондир (ҳозирги замон тилида нисбий эргаш гапларнинг кесими шарт феъли формасида бўлади, фақат нисбий конструкциянинг иккинчи типида, кесим аниқлик феъли орқали ифодаланиши мумкин); бундан ташқари, нисбий сўзга бош гапда монанд олмош келтиришга интилиш сезилади:

*Йāй оқны қайсы тарафға тартыб* ***йибāрсā*** *анқа барур* (ШТм, 28). *Йāйны нəчўк* ***қойсаң*** *аны шундағ қойғыл* (ШТм, 26). *Ҳāр ким қāбыл* ***болса*** *аны пāдшāҳ қылсунлар* (ШТм, 28). *Сəн нə йолда* ***болсаң*** *мəн шул йолда болайын* (ШТм, 10). *Нə йол бирлāн пāдшāҳлық қылыб йўригāн* ***болсам*** *сəн ҳāм ошул бирлāн йўригāйсāн* (ШТм, 48). ***Андағ*** *маҳкам эрдилāр ким...* (ШТм., 13).

XX аср бошидаги проза тили бу жиҳатдан «Шажараи тарокима»дан кам фарқланади:

*...қайсы ықлым ва уруғ элчиң илми ва маданийати артуқ* ***болса,*** *ул ықлымның...* (ТВГ, № 1, 1903). *Намға āвāзы айығларға қандағ таъсир* ***кəлтўрсā*** *арсланларға ҳам шундāқ таъсир кəлтирўр* (ТВГ, № 1, 1903).

Шундай қилиб, нисбий конструкцияларнинг шаклланиши нисбий олмошларнинг шаклланишига боғлиқдир. Бундай олмошлар аввало жуда кам бўлиб, кейинроқ уларнинг миқдори ортади. Бу хил олмошлар жуфт ҳолда — ҳам бош гап составида, ҳам эргаш гап составида қўлланади (қисман, XI асрда ва ҚА, Тф.); ҚА да

---

[78] Қаранг: А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 150-бет. «*Ким*» широко используется в значении относительного местоимения, Ўша асар, 137.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ҳар* ёрдами билан тузилган нисбий олмошлар(*ҳäр ким,ҳäр қачäн*) кенг ишлатила бошлайди, Навоий асарларида ва ундан сўнгги ёдномаларда нисбий олмошлар *-ким* || *-ки* боғловчиси билан қўлланади; ШТм. да нисбий олмошларнинг ишлатилиши ҳозирги замон тилига ўхшайди.

Нисбий олмош иштирок этган эргаш гапларнинг тури ҳам аста-секин орта борди.

Бу хил эргаш гапларнинг кесими асосан шарт, аниқлик феъли ёки сифатдош билан ифодаланган бўлса, ҳозирги замон тилида нисбий конструкцияларнинг кесими асосан шарт феъли формасидадир.

Тарихий тараққиёт процессида нисбий олмошларнинг миқдоригина ўзгариб қолмай, уларнинг шакли, ўрни ва функцияси ўзгарди, такомиллашди.

## ТОБЕ БОҒЛОВЧИЛАР[79] ВА БОҒЛОВЧИ ВАЗИФАСИДАГИ СЎЗЛАР

Тобе боғловчилар орқали қўшма гапларнинг тузилиши тил тараққиётининг сўнгги даврларига тааллуқлидир. Тил тараққиётининг илк даврларида боғловчилар, айниқса тобе боғловчилар жуда кам қўлланган (тил тараққиёти тобе боғловчиларнинг тенг боғловчилардан сўнг келиб чиққанини кўрсатади).

### *Бирўк, абäң, қалы, äгäр* (*гäр, гäрчи...*), *мäгäр* боғловчилари

Қадимги туркий ёдномаларда қўшма гап тузишда *бирөк* боғловчисининг қўлланганини кўрамиз. Бу боғловчи ҳозирги замон тилидаги *äгäр* боғловчисининг вазифасини бажаради.

*Бирўк* ёрдами билан тузилган қўшма гап Култегин ва Тонюқуқ ёдномаларида учрамайди, уни «Олтун ёруқ» асарида учратамиз:

(10) *...с(ä)н* ***бирўк*** *ким ол с(ä)н өлўргўчи тунлуғлар ўчўн өкўнч көңўл өридип нәчўкин әрсäр...* — Агар сен чин кўнгил билан ўлдирган ҳайвонларинг учун тавба қилсанг, нима бўлса ҳам...

***Äгäр*** боғловчиси «Девон»да учрамайди, «Қутадғу билик» да эса бир неча ўриндагина учрайди:

***Äгäр*** *тутмаса сән бу аймышларым* — сен бу айтганларимга амал қилмасанг (ҚБ, XLIV, 105—14).

«Девон»да *äгäр* боғловчиси ўрнида ***абаң*** ишлатилади[80]. Бундан ташқари, ДЛТ ва ҚБ да ***қалы*** боғловчиси қўлланадики, у ***äгäр*** ва ***қандай*** маъноларини беради[81]:

*Қышқа әтин кәлсä* ***қалы*** *қутлуғ йай — Агар баракатли ёз кел-*

---

[79] Тобе боғловчилар тарихи А. Мадғозиев томонидан махсус ишланган. А. Мадғазиев, История развития подчинительных союзов в узбекском языке, Автореферат кандидат. диссертации, Ташкент, 1966.

[80] ДЛТ, I, 153.

[81] ДЛТ. III, 176.



www.ziyouz.com kutubxonasi

са, қишга тайёрлан (ДЛТ, III, 1). *Киши кирмадук элгä кирса қалы* — Агар киши кўрмаган ерга кирса... (ҚБ, 47; 2).

*Қалы* кейинги ёдномаларда ***қачāн*** олмоши билан алмашади; ***қачāн*** нисбий олмошга кўчган сўроқ олмоши бўлиб, асосан пайт муносабатини ифодалайди.

*Äгäр* боғловчиси (турли вариантда ***äгäрчи, гäр, гäрчи, гäрчäнд, гäрчäндки, мäгäр)*** кейинги ёзма ёдгорликларда кенг қўлланади.

«Қиссасул анбиё»да ***äгäр*** боғловчиси шарт, тўсиқсиз гаплар таркибида қўлланади:

*Äгäр йибармас болсаң барыб элиңни бўзäрмäн* (ҚА, лит., 190). *Äгäр қыз тилäсаң ҳам бэрäли* (ҚА, лит., 69).

Ирреал муносабат учун баъзан ***кāшки*** боғловчиси ишлатилади:

***Кāшки*** *ул кўн оқ аймыш болсаң,...алмағай эрдим* (ҚА, қё, 239).

Бу типдаги эргаш гапларнинг кесими асосан шарт феъли формасидадир. Баъзан, пайт муносабатини ифодалаш учун ***эрмäк*** феълининг шарт формаси келтирилади:

*Äгäр алдым эрсä ... көргäй эрдим* (ҚА, қё, 239).

Профессор А. Қ. Боровков «Тафсир»да тобе боғловчиларнинг камлигини қайд этиб, қўлланган боғловчилардан ***äгäр***, ***мäгäр***ларни келтиради[82]:

... *бу сөзлäриндин эшрä йанғайлар,* ***äгäр*** *йанмасалар анда кэзин уқубат* ***мäгäр*** *қылса мäлик эрклик турур...* (Тф., XVIII сура, 75).

Навоийда ***äгäр (гäр...)*** боғловчисининг ишлатилишида анча ўзига хослик бор.

***Äгäр*** иштирок этган эргаш гапнинг кесими шарт феъли орқали ифодаланиши кам учрайди.

Бу типдаги эргаш гапларнинг кесими қуйидагича мустақил формада бўлади:

1) Аниқлик феъли:

*Эрāнлар хизматидин чэкмäгил бāш,* ***Гäр*** *башыңға гардундын йāғар тāш;* ***Гäр*** *ул тāш билä бāшың ушāлғай, Саāдат хатидўр гäр зäҳми қāлғай* (Н., Мқ., 119). *Киши өзин* ***äгäрчи*** *йэлдек ҳäр йāн сары сāлғай, Асафни бу ҳакданда қайда тāпалғай* (Н., Мқ., 14). ***Äгäр*** *йиллäр рäийäт қылыбсэн ҳамхāна, бир қатлаки нэмä бэрмäдиң бэгāнадур* (Н., Мқ., 37).

2) Келаси замон сифатдоши формаси:

*Муҳаррирки таҳрири туз писандидадур,* ***äгäр*** *бир байт битир* ***äгäр*** *йўз* (Н., Мқ., 30).

---

[82] А. Қ. Боровков, Очерки истории узбекского языка. Уч. зап. ИВ, М.—Л., 1958, 197-бет



www.ziyouz.com kutubxonasi

3) буйруқ феъли формаси:

*Агäр йÿз қатла булбул чəксун афғāн, баҳāр олмай гÿл ачылмāқ нə имкāн* (Н., Мқ., 8). *Бахл биҳиштгä кирмäс* ***агäр*** *сайинди қурайший болсун ва сахий тамуғқа бāрмас* ***агäр*** бандаи ҳабаши болсун (Н., Мқ., 111).

4) От кесим:

*Агäр шурбға машғул көй ва көчä мусулманларға махуф* (Н., Мқ., 12). ***Агäрчи*** *анга коп ақсам лāзим болур, аммā бу йəрдä ихтисар ÿчÿн ÿч қысмға мунқасим болур* (Н., Мқ., 101—102).

Шундай қилиб, бу хил конструкцияларда кесими мустақил формада бўлган эргаш гапларни бош гапга боғлашдаги асосий восита ***агäр*** боғловчиси бўлиб қолади (кесими шарт феъли формасида бўлган эргаш гапларда ***агäр*** фақат мазмунни кучайтиш учун қўлланади ва унинг боғловчилик функцияси сусаяди).

Навоий асарларида ***агäр*** боғловчиси кенг қўлланади — у фақат, шарт, тўсиқсиз эргаш гапларни бириктириб қолмай, қиёслаш ва нисбий эргаш гапларни ҳам боғлаш учун хизмат қилади.

«Бобирнома» асарида ҳам ***агäр*** иштирок этган эргаш гапнинг кесими асосан мустақил формададир. Характерли томони шундаки, кўп ўринларда бош гап ***вäлə*** боғловчиси билан бошланади:

...***агäрчи*** *қāры äксäр улуғ тушар,* ***вäлə*** *муфрит сāвуғы йоқтур* (Бн., 154). ***Агäрчи*** *аълā анāр əмäс,* ***вäлə*** *ул вилāйатга, Аласāй анāридин йахшырāқ анāр болмас* (Бн., 165). *Бāшым билäн йəргä йықылдым,* ***агäрчи*** *ушул замāн қопуб āтландым,* ***вäлə*** *ақлым ахшамғача қарарыға кəлмäди* (Бн., 115).

Эргаш гапнинг бош гапдан сўнг келиш ҳолати ҳам учрайди: *(Қышы) мäҳкäм сāвуқтур, қāры* ***агäрчи*** *Қāбул қāрыча тушмас, йāзлары йахшы ҳавāси бāр,* ***агäрчи*** *Қāбулча йоқтур* (Бн., 64).

«Шажараи тарокима»да ***агäр*** боғловчиси асосан шарт феъли билан бирга қўлланади ва ҳозирги замон ўзбек адабий ва оғзаки халқ тилига яқинлашади.

***Аның (уның, шуның, ошуның) ÿчÿн.***

***Аның (уның, шуның) ÿчÿн*** кўрсатиш олмошининг ***ÿчÿн*** кўмакчиси билан бириккан кўриниши бўлиб, икки гапни боғлаб, қўшма гап тузишда хизмат қилади. Тарихий ёдномаларда бу бирикма ўз лексик маъносини (ва баъзан функциясини ҳам) сақлаб қолгани учун уни боғловчилар гуруҳига киритиб юбориш тўғри бўлмас эди. Уни боғловчи вазифасидаги сўз ҳисоблаш мумкин,[83] бу бирикма гапларни биркитиш учун, бир гапни иккинчисига тобелаштириш учун хизмат қилади.

Бу боғловчи вазифасидаги сўз дастлаб урхун ёдномаларида учрайди:

---

[83] А. Н. Кононов бу бирикмани «Союзное речение» деб номлайди (Қаранг: А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 175-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

(3) *Бил(г)ä қаған əрмис, алп қаған əрмис буйруқы йəмä билгä əрмис əринч, алп əрмис əринч, бəглäри йəмä будуны йəмä тӱз əрмис.* ***Аны ӱчӱн*** *илиг анча тутмыс əринч, илиг тутқи төрӱг итмис.*

— Улар доно хоқон эдилар, улар баҳодир хоқон эдилар, уларнинг гумашталари ҳам доно эди, баҳодир эди, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри эди, шунинг учун улар давлатни қўлларида анча тутиб турдилар, давлатни қўлларида тутиб, одиллик қилдилар (КТ, ктё). ***Аны ӱчӱн*** бирикмаси ***антағынын ӱчӱн*** формасида ҳам учрайди: (8,9)...бир тодсар, ачсық өмäзсäн, ***антағыниң ӱчӱн***...*алкынтығ, арылтығ*—...бир тўйсанг, очликни билмайсан, шунинг учун...(шундай бўлганингдан) ҳолдан тойдинг (КТ, кё).

***Аны ӱчӱн*** ёрдами билан тузилган қўшма гапнинг қисмлари орасида сабаб муносабати ифодаланади: биринчи қисм сабабни, иккинчи қисм ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди.

„Қиссасул анбиё"да бу боғловчи ***аның ӱчӱн, аның ӱчӱнким*** шаклида учрайди ва икки хил семантик муносабатни ифодалайди:

1) Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни кўрсатади, бу ҳолда ***аның ӱчӱн*** формаси ишлатилади:

Бир устунға руст бағланды, ***аның ӱчӱн*** Исраъил атанды (ҚА, қё, 186).

2) Қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалайди. Бу ҳолда ***аның ӱчӱн ким*** формаси қўлланади:

*Аймышлар Авж бинни Унық тофāнда ҳалāк болмады* ***аның ӱчӱн ким*** *тофāнда ул дийāр жумласыдын əрмäс əрди* (ҚА, лит., 45).

«Тафсир»да ёрдамчи функциядаги ***аның ӱчӱн*** формасининг учинчи бир ҳолатини кўрамиз. Бунда бу форма кўпроқ нисбий олмошга яқинлашади. Одатда бу форма қўшма гапнинг биринчи қисми таркибида келади ва иккинчи қисм мазмунан уни изоҳлайди, унга нисбатан сабаб эргаш гап бўлади:

...*Ул кимни* ***аның ӱчӱн*** *өлтӱрдимким*...(Тф., Л. II., XVIII сура).

„Тафсир"да бу бирикма ***аның ӱзä ким*** шаклида ҳам учрайди, бу ҳолатда ҳам қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалайди:

*Ҳусумäт қылурлар саңа* ***аның ӱзä ким*** *көрдӱң сəн* (Тф., Л. 53б, 12).

„Бобирнома"да бу бирикманинг ***муның ӱчӱн*** шакли ҳам қўлланади:

*Гāҳи узр кəлтӱрӱб, гāҳи йӱмшāқ сөз айтур эди.* ***Муның ӱчӱн*** *эдиким, биз Ширкäни āлғач оқ āтасиға, āғасыға киши чāптурғāндур* (Бн., 150).

***Аның ӱчӱн*** формаси „Шажараи тарокима"да жуда кенг қўлланади. Бу асарда ***аның ӱчӱн*** нинг қўлланишида ўзига хослик бор: бу форма ёрдами билан тузилган қўшма гапда икки хил муносабат ҳам ифодаланиши мумкин:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1) Биринчи қисм сабабни ифодалайди:

*Төрт миң йылғача ул йәрләрдә олтурдылар,* ***аның үчүн*** *ул йәрләрни дашт қыпчақ дәрләр* (ШТм, 19). *Бу оғул тумәндә туғды,* ***аның үчүн*** *Туман ат қойдуқ* (ШТм, 45).

2) Худди шу форма ёрдами билан тузилган қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалаши мумкин:

*...бир кишини падшаҳ қылғайлар, ики кишини котәрмәгәйләр* ***аның үчүн*** *хан бир болса әл тузәлүр ва ики болса әл бузулур* (ШТм, 38).... *әт...ағзыға бисйар маза кәлди,* ***аның үчүн*** *ол йәр тузлақ әрди* (ШТм, 11). *Кәлиб қошулмады* ***аның үчүн*** *олтурған йәри йаман әрди* (ШТм, 76).

Иккинчи хил муносабатни ифодалаш учун ***аның үчүн ким*** формаси ҳам қўлланади (бу ҳолат „Қиссасул анбиё"да ҳам кўрилган эди):

*Атамға алыб бардим* ***аның үчүн*** *күндүз атам болсаң кәчә мәниңки болғайсан* (ШТм, 53). *Бу сөз ғалат турур* ***аның үчүн*** *ким Оғуз заманиндин бу вақтқача бәш миң йил отуб турур* (ШТм, 65).

***Аның үчүн*** формаси ҳозирги замон ўзбек тилида қўлланмайди. XX аср бошидаги прозада ***аның сәбәби, шул сәбәбли*** формалари учрайди:

*Тәҳран шәҳридә бул вақтларда базарләриниң нархи коб қымматдур ва* ***аның сәбәби*** *йылдағы дәҳқанчилик ҳасылат йахшы болмаған важидиндур* (ТВГ, № 1, 1900).

## Деб ёрдамчиси

***Деб*** равишдош формасининг қўшма гап тузишдаги роли катта бўлган ва ҳозирги замон тилида ҳам шундайдир.

Бу форма қадимги урхун ёдномаларидаёқ боғловчи функциясида қўллана бошлаган.

***Деб*** орқали тузилган қўшма гапнинг биринчи қисми эргаш гап, сўнггиси бош гаплик вазифасида келади.

Урхун ёдномаларида бу равишдош формаси ***тәйин, тәп*** шаклида учрайди[84].

***Тәйин*** қуйидаги эргаш гапларни бириктириш учун хизмат қилади:

### I. Мақсад эргаш гап

(28) *Будунығ игидәйин* ***тәйин,*** *...улуғ сў эки йәгирми... сўңўшдим...* Халқни кўтарайин деб, ўн икки (марта катта) қўшин билан урушдим (КТ, ктё). (19) *Ачўмиз апамыз тутмыс йәр суб идисиз*

---

[84] Ҳозирги замон тилида бу икки форма бир *деб* орқали ифодаланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*болмазун* ***тәйин*** *сиқлим кунчуйуғ бәртимиз...* — Боболаримиз тутган ер эгасиз қолмасин деб, синглим — Маликани (хотинликка) бердик (КТ, ктё).

Мақсад эргаш гапнинг кесими буйруқ феъли орқали ифодаланиб, асосан I ва III шахс формасида бўлади.

2) Қуйидаги конструкцияда сабаб муносабати англашилади: (38, 39) *Нәгә төзәр биз өкўш* ***тәйин****, нәгә қорқур биз аз* ***тәйин*** — (Уларни) кўп деб, нега қочамиз, (ўзимизни) оз деб нега қўрқамиз (Тоң).

Равишдошнинг ***тәп*** формаси т ў л д и р у в ч и э р г а ш г а п н и боғлаш учун хизмат қилган. Бу ҳолда эргаш гап кесими аниқлик феъли орқали ифодаланади ёки от кесим бўлади:

(51, 11) *...бәкләрим будуным көзи қашы йаблақ болтачы* ***тәп****, сақынтым* — Бегларим, халқимизнинг кўзи ёмон бўлмади деб, ғамға ботдим (КТ, ктё).

Бундан ташқари ***тәйин, тәп*** формалари кўчирма ва автор гапини бир-бирига боғлаш учун ҳам қўлланади; бу ҳолатда у мустақилликни сақлайди.

Сўнгги давр ёдномаларида ***деб*** юқорида кўрсатилган тўрт функцияда келади[85]:

1. Мақсад муносабати:

*Сақынч, қазғу бағын бўрӓйин* ***тәйў*** (ҚБ, 292) *Қонуққа аш отру қойуб өзи ташқары чиқар әрди қонуқ бәдаҳшат аш йәсўн* ***дәб*** (ҚА, қё, 177). *Андын йана өлтўрўр аны кизӓрлӓр аны гөрдӓ қурт қуш йәмӓсўн* ***тәйў*** (Тф., Л. 125, 12). *Танбалға қошулмасун* ***дәб*** *аралай атландук* (Бн., 93). *...Әран сары йуруб-турур ман нәчӓ йыллық ғамлардын йәсўнлар* ***тәб*** (ШТм, 23).

2. Сабаб муносабати:

*Қорқтум қарындашларым мәни өлтўргӓйлар* ***тәб*** (ҚА, қё, 231). *Бу ким турур тәйў тилӓйў барды* (Тф., 31 *б*, 23). *...Ирақдайавуқта әшитур, көрарга йахши болғай* ***дәб*** *кәлиб, Шаҳруҳийадин ташқари Ҳайдарбәк салған бағда хонға мулазамат қылдым* (Бн., 49). *Қорқа турурман дўнйалик ўчўн ағызларыңыз ала болур* ***лур тәб.*** (ШТм, 30).

3. Тўлдирувчилик муносабати:

*Дуа қылды, ...арығ салиҳлар қобсунлар* ***дәб*** (ҚА, қё, 160). *Анлар айдылар раша болғай* ***деб*** (Тф., XVIII сура). *Әшиттиким Абулханда Усары байның Мама атлық көркли йахшы қызы бар әрмиш* ***теб.*** *Киши йыбарыб көб мал бәрӓйин* ***теб*** *тилӓнди бай бәрмӓди* (ШТм., 74).

Шуниси характерлики, ***дәб*** ёрдами билан тузилган конструкция «Қиссасул анбиё»да кўп учраса ҳам, Навоий асарларида ва «Бобирнома»да кам қўлланади; «Шажараи тарокима»да ва ундан

---

[85] «Қиссасул анбиё» ва бошқа асарларда *деб* орқали боғланган қисм кўпинча изоҳланмиш бош гапдан сўнг келади ва асосан *деб* формасида қўлланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сўнгги давр асарларида, ҳозирги замонда унинг қўлланиши ортади.

***Нәчўк ким (-ки), нә чўн ким, нә ўчўн ким, зәрā (-ки), чўнким (-ки).***

***Нәчўк ким, нә ўчўн ким, нәчўн ким*** элементи боғловчи вазифасида келади ва дастлаб „Қиссасул анбиё“да учрайди. Бу восита ёрдами билан тузилган қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабни ифодалайди:

*Пычāқ ағрығын билмäди* ***нәчўк ким*** *Миср хатунлары Йўсўфниң жамāлы нуриниң хушлығындын әликлäрин кәсиб тўймäдилäр* (ҚА, қё, 157). *Бу мақāмдур сāлықның аъзам мақāматйу арфаъ дäрäжäти.* ***нәчўнким*** *сāлық бидāйатда масканату ҳақāрат мақамидадур* (Н., Мқ., 86)[86]. *Мазыйу мустақбал аҳвалын такаллум айлаким,* ***нә ўчўн ким*** *дам бу дамдур, дам бу дамдур...*(Н., Мқ., 164). *Аксäр қушының гўзäри Барāн йақасыдур* ***нә ўчўнким,*** *шарқий тäрäфи тағлардур* (Бн., 167). *Иш тадбирдин өтўб эди.* ***Нәчўнким,*** *икки-уч миң йарақлық киши аркта, бир йўз-икки йўз киши таш қорғанда* (Бн., 135).

Кўрсатиб ўтилган боғловчилар, «Шажараи тарокима»да учратилмади, ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам бу боғловчилар қўлланмайди.

„Шажараи тарокима“да сабаб муносабатини ифодалаш учун ***ул сäбäбдин, бул сäбäб*** бирикмаси қўлланади (бу бирикма ҳозирги замон адабий тилида ишлатилади). Бу типдаги қўшма гапларнинг биринчи қисми сабабни ифодалайди;

*Қара әвлилäр йарлы болуб әрдилäр* ***ул сäбäбдын***...*кәлиб айтдилäр* (ШТм, 79). *Ажäө йахшы йәр турур тәб* ***бу сäбäбдин*** *хан оттуз әвли сарбанны көчўрўб Абулхан тағықа йибарды* (ШТм., 77).

Сўнгги давр ёзма ёдгорликларида сабаб муносабатини ифодалаш учун тожик-форсча ***зәрāки, чўнким*** боғловчилари қўлланади. Бу боғловчилар ҳам сабаб муносабатини ифодалайди:

...*Германийä мамлакатыға ҳәч бир зäрäр болмайдур* ***зәрāки*** *әрāн мамлакатының қувваты ва пулы йоқ* (ТВГ, № 1, 1900) *Бул вақъа ниҳāйатда äфсуслик вақъадур,* ***чўнки*** ... (ТВГ, № 1, 1900).

Ҳозирги замон тилида ***чунки*** боғловчиси кенг қўлланади, ***зероки*** ишлатилмайди.

Ҳозирги замон тилида ***чунки*** боғловчиси ёлғиз сабаб муносабатини ифодалайди ва бир боғловчи сифатида уқилади. Аммо тарихий ёдномаларда, хусусан Навоий тилида, бу боғловчи сабаб муносабатидан ташқари бошқача — шарт, пайт муносабатларни

---

[86] Навоийда ва Бобирда ***нәчукки*** нисбий олмош вазифасида ҳам келади: ***Нәчўнким*** *андын барыға бийим ва умид бāр заруратдур ким көргўзгäй өзин бандавāр* (Н., Мқ., 121). ***Нәчукким*** *пайдā қылур эди, йахши ҳам харж қылур эди* (Бн., 45).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодалаш учун ҳам хизмат қилган. Бу ҳолда *чунки* боғловчиси икки боғловчига (*чун* ва *ки*) айрилиши сезилиб туради:

*Нәчӓ ким тонны риайат бирлӓ кийсӓң әскирӱр, чӱн ки кийдӱрдӱң йалаңға афрамас тон ул әрӱр* (Н., Мқ., 161).

## Чӱн боғловчиси

*Чӱн* боғловчиси тожик-форс тилидан олинган бўлиб, эргаш гапли қўшма гап тузишда хизмат қилган. *Чӱн* боғловчиси пайт, шарт, сабаб, ўхшатиш ва натижа муносабатларини ифодалаш учун қўлланади.

«Қиссасул анбиё» ва «Тафсир»да бу боғловчининг қўлланиши анча чегараланган. Уларда бу боғловчи натижа, сабаб, пайт муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади:

...*Чӱн әвниң төрт бурчы зāҳыр болды* (ҚА, қё, 154). *Сāлиҳны өлтӱрӓлиң чӱн азāбқа сазāвар болдуқ* (ҚА, лит., 71). *Чӱн кәчӓ бирлӓ йатдылар ол қасд бирлӓ ким әртӓ бирлӓ балчуқ кәтӱргӓйлӓр* (Тф., 100*б*, 8).

*Чӱн* боғловчиси Навоий тилида жуда кенг қўлланади ва турли-туман семантик муносабатларни ифодалайди:

а) пайт муносабати:

*Чӱн сиҳӓт тāпты бойныға тумāр қылды* (Н., Мқ., 97);

б) сабаб муносабати:

*Йоқ ӓжӓб чӱн иккисидӓ йоқтурур ақл ва ҳайā* (Н., Мқ., 61).

Навоий тилида *чӱн* боғловчисининг қўшма гапдаги муносабати бу билан чегараланмайди.

«Бобирнома»да ҳам *чӱн* боғловчисининг қўлланиш доираси анча кенгдир. Унда ҳам бу боғловчи пайт, сабаб, ўхшатиш, натижа в. б. муносабатлари учун ишлатилади:

*Чӱн Самарқанд ва Ҳисāр ва Қундуздын қалын әл ва улуғ Кабул вилайатыға кәлиб әдилӓр, маслаҳат андāқ көрӱлдиким...* (Бн., 170). *Султāн Али мирзā разū болмады, чӱн ӓжӓл йәтиб әди, қутулмады* (Бн, 99). *Чӱн аҳд қылылыб әди (Узун Ҳасанга) жāн ва мāлыға зӓрӓр ва нуқсан тәгӱрмӓй...*(Бн., 83).

*Чӱн* ҳатто тўлдирувчи эргаш гапни ҳам бириктирган:

*Қāсимбәк мубāлағалар билӓ арзға йәткӱрдиким, чӱн бу киши бāрадур, Жаҳāнгир мирзāға маҳсусан өз кийгӓниңизни йубāриң* (Бн., 117).

*Чӱн* боғловчиси сўнгги давр ёзма адабиётида жуда кам учрайди («Шажараи тарокима»да учрамайди), ҳозирги замон ўзбек тилида бутунлай қўлланмайди.

## Тā боғловчиси

*Тā* боғловчиси ҳам тожик-форс тилидан қабул қилингандир. Бу боғловчи эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Пайт эргаш гап. Бу хил эргаш гаплар бош гапдан олдин келади ва кесими мустақил формада бўлади:

*Тā буйруғучыда силā ва инъāм бāр, алар мулāзимдурлар ва хизматкāр* (Н., Мқ., 37). *Ва анга* ***тā*** *āжāл қафасы эшиги ачылмас, саййāд дāму дāнасыға мāйл қылмас* (Н., Мқ., 129). *Бисйāр шāққ ва душвāр кэлди. Нэ ӱчӱнким, тā пāдшāҳ болуб эдим, бу навъ навкар ва вилāйаттын айрилмāйдӱр эдим,* ***тā*** *өзимни билиб эдим, бу йусунлуқ, рāнж ва машаққатны билмāйдӱр эдим* (Бн. 73). *Тā тирикмиз ушбу айтылған сөзлāрдин қайтмас биз* (ШТм, 38).

Бу хил эргаш гапларда шарт оттенкаси ҳам бўлади.

*Тā* боғловчиси ***-ким*** боғловчиси билан бирикиб, пайт муносабати ифодаланиши мумкин; бундай конструкция кўпроқ сўнгги давр ёзма адабиётига тааллуқлидир:

*Сақла ишқың,* ***тāким*** *жāнлар тāндāдӱр* (Муқимий).

2. Мақсад эргаш гап:

*...тилāгāйким анга жāн фидā эткāй,* ***тā*** *шафқаты ҳуқуқын адā эткāй* (Н., Мқ., 53). *Тоққуз улум гӱзāрлāрни йахши эҳтийāт қылың,* ***тā*** *бу нэчā йил өзбэк тафриқасидин дилшикāстā болған эллāрнинг көңли қавий болуб, умидвāр болғайлар эри* (Бн., 146). *...Қылыч бирлā чапыб икки бөлāк қылмāқ кэрāк* ***тā*** *көргāнгā көз ва эшитгāнгā қулāқ болғай* (ШТм, 37).

*Тā* ёрдами билан тузилган мақсад эргаш гапнинг кесими келаси замон феъли (*-гай*) ёки буйруқ феъли орқали ифодаланади ва бу хил эргаш гаплар бош гапдан сўнг келади.

Ҳозирги замон тилида *тā* ёрдами билан тузилган эргаш гапли қўшма гаплар кам қўлланади[87].

Юқоридагилардан ташқари, Навоий тилида аниқловчи эргаш гап билан бош гапни боғлаш учун ёйи ишорат восита сифатида қўлланилган:

*Масидур āлтун билā рокаш, тāшы хуш* (Н., Мқ., 59).

## -Ким (-ки) боғловчиси

Боғловчи вазифасидаги ***-Ким*** (***-ки***) нинг эргаш гаплар тузишда ва бош гапга боғлашда роли каттадир. Бу боғловчи ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўп эргаш гапли қўшма гапларда қўлланади. *-Ким(-ки)* боғловчиси тарихий ёдномаларда катта ўринни эгаллайди. Бу боғловчи ***ким*** шаклида дастлаб «Қутадғу билик» асарида учрайди, сўнгги даврларда, айниқса, Навоий тилида ва ундан сўнгги ёдномаларда ҳам ***-ким***, ҳам ***-ки*** тарзида учраб, тилда жуда кенг қўлланади ва эргаш гапларнинг деярли ҳамма турларини бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Ҳозирги замон тилида эса асосан бу боғловчининг ***ки*** шакли қўлланиб,

---

[87] Юқорида кўрсатиб ўтилган боғловчилардан ташқари, Навоий ва Бобирда эргаш гап учун *бавужуди (улким)* бирикмаси қўлланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг вазифа ва қўлланиш доираси, олдинги даврларга нисбатан чегаралангандир*.

Аммо озарбайжон ва турк тилларида бу боғловчи ҳозир ҳам кенг қўлланади, турли-туман қўшма гап конструкцияларини ташкил этади.

***-Ким*** (*-ки*) боғловчиси турли-туман эргаш гапли қўшма гапларни ва айрим ҳолларда боғланган қўшма гапнинг баъзи турларини шакллантиришда воситалик қилиши билан бирга, турлича мураккаб боғловчилар яратишда ҳам хизмат қилади: ***кимки, тāки(м), нәгäки, нәчäки, ҳäр кимки, ҳäр нәчäки, қачāнки, қайәрдаки, ҳäр замāнки, ҳäр неки(м), ҳäр кимки, мäгäрки, чўнки, ҳäр ким, кимсä в. б.***

***-Ким*** ва ***-ки*** нинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуддир. ***-Ким*** нинг асли туркча эканини олимлар тан оладилар. Аммо ***-ки*** нинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Кўп текширувчилар ***-ки*** ни форс-тожик тилидан қабул қилинган деб ҳисоблайдилар[88]. Аммо баъзи олимлар ***-ки*** боғловчисининг ***-ким*** дан келиб чиққани, асли туркча эканини қайд этадилар[89]. Т. И. Грунин ***-ки*** боғловчисининг турк тилида икки хил функциясига тўхтайди: бир ўринда ***-ки*** асли туркчадир, бошқа бир ўринда (туркча конструкция билан алмаштириш мумкин бўлмаган конструкцияларда) бу боғловчи форс-тожикникидир[90].

Ҳозирги замон ўзбек тили материаллари ва тарихий ёдномалар тилининг таҳлили ***-ким*** боғловчисининг асли ўзбекча (туркий) ва ***-ки*** боғловчисининг форс-тожик тилидан қабул қилинганини эътироф этишга олиб келади. Урхун ёдномалари ва ҳатто сўнгги XIII—XIV аср ёдномаси «Қиссасул анбиё»нинг қўлёзмасида ҳам ***-ки*** боғловчиси учрамайди, кейинги давр қўлёзмаларида ***-ки*** кенг ишлатилади ва ***-ким*** боғловчисига функциядош бўлади ёки турли сифатдош ва бошқа конструкциялар ўрнида қўлланади. Ҳозирги замон тилида эса ***-ки*** боғловчиси кам қўлланади ва у тамоман ***-ким*** формасини сиқиб чиқаргандир. Эски ўзбек ва ҳозирги замон тилидаги ***-ки*** туркча ***-ким*** ва форс-тожикча ***-ки*** боғловчисининг функцияларини ўзида бирлаштиради.

---

* А. И. Абражеевнинг текширишича, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесасида *-ки* ёрдами билан тузилган эргаш гапли конструкция 3—4 ўринда учрайди, холос. А. И. Абражеев, К вопросу о сложноподчиненном предложении в узбекском языке, Труды УзГУ, вып. 79, Сам., 1957, 14-бет.

[88] А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого лит. яз., § 1077; А. Рустамов, Ўзбек тилида *-ким (-ким)* боғловчисининг синтактик вазифаси, САГУ илмий асарлари, II, Т., 1957, 185-бет; А. Рустамов, А. Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асаридаги баъзи бир грамматик хусусиятлар, канд. дисс., Т., 1958, 135-бет ва сўнгги бетлар.

[89] Ф. Е. Корш, Способы относительного подчинения. Глава из сравнит. синтаксиса, М., 1877, 36—37-бетлар; С. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Т., 1959, 124-бет.

[90] Т. И. Грунин, Предложения с *-ки* в турецком языке, Учебно-методический бюллетень, № 2, М., 1951; А. М. Щербак, «Сказание об Огузе», канд. дисс., Л., 1951, стр. 117—118.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Урхун ёдномаларида *-ким* боғловчи вазифасида қўлланиши билан бирга, *-ким* ўзининг асосий лексик маъносини сақлаб қолади[91].

«Девон»да ва «Қутадғу билик» асарларида ҳам *-ким* нинг боғловчи вазифасида ишлатилиши жуда чегараланган (ҳозирги замон тили нуқтаи назаридан *-ким* ишлатилиши зарур бўлган ўринларда боғловчисиз конструкциялар ишлатилади):

*Нэни* ***ким*** *тилäди кылды* (ҚБ, сўз боши). *Сөз ол сөз турур* ***ким*** *ол аймыш, дэмиш* (ҚБ, 521). *Бақа көр бу сөзлäр* ***ким*** *айдым сақа* (ҚБ, 341).

Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асарида *ким* олмоши боғловчи вазифасида кенг қўлланади[92].

*-Ким (-ки)* турли-туман эргаш гапларни бош гап билан боғлаш учун хизмат қилади. Биз кузатган ёдномаларда бу боғловчининг энг кўп ва характерли қўлланиш ўрни тўлдирувчи эргаш гапни бош гапга боғлашдир (бу ҳолат ҳозирги замон тили учун ҳам характерлидир).

Бундай конструкцияларнинг энг оддий типи бош гап кесимининг хабар билдирувчи феъллар ( ***айтмоқ, демоқ, сўрамоқ*** в. б.) орқали ифодаланишидир. Бу ҳолда эргаш гап кўпинча кўчирма гап шаклида бўлади (бу хил конструкция «Қиссасул анбиё» ва «Тафсир»да кўпроқ қўлланади). Бош гап кесимининг бирор нарсани тушуниш ёки кишининг психик ҳолати ва фикрлаш процессини англатувчи феъллар орқали ифодаланиши «Қиссасул анбиё» ва «Тафсир»да озроқ, сўнгги давр адабиётларида кўпроқ учрайди. «Бобирнома» ва «Шажараи тарокима»да бу типдаги қўшма гапларнинг яна бошқа бир турлари учрайди: бу хил конструкцияларнинг бош гапи таркибида тўлдирувчи вазифасидаги олмошлар қўлланади, эргаш гап ана шу олмошларнинг маъносини конкретлаш йўли билан бош гапдан ва унинг кесимидан англашилган мазмунни тўлдиради. Ҳозирги замон тилида тўлдирувчи эргаш гапнинг ҳар уч тури кенг қўлланади.

Мисоллар; 1) *Исмаил атасыға* ***айтты ким***, *бир-бир кэлиб мақа ташвиш бэра турар* (ҚА, қё, 147). *Битикдä андақ* ***дэди ким***...(ҚА, қё, 19). 2) *Анларны тилäди ким, өлмäсäлäр. Дақйану смäликкä* ***айдиким,*** *булар мирзадалар турурлар*...(Тф., XVIII сура), *Андағ* ***айдилар ким,*** *бирäкў кэлмиш турур мундағ сөз сөзлäр тэб* (Тф., XVIII сура). 3) *Бу васила билä хийал қыл-*

---

[91] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, 155-бет; Э. Р. Тенишев, Грамматический очерк древнеуйгурского языка, автореф., Л., 1953, 15-бет.

[92] А. И. Абражеев ҳисоблашича, фақат биргина «Хāруд ва Мāруд ҳикайаси»да ҳамма конструкцияларга нисбатан *-ким* ёрдами билан тузилган конструкция 13 процентни ташкил этади. Қаранг: А. И. Абражеев, кўрсатилган мақола, 127—131-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ды* ***ким*** *ул алий мақсадға йәтилгәй* (Н., Мқ., 16). *Бир түрк бу маънида* ***дәбдур ким,*** *дәм бу дәмдүр* (Н., Мқ., 164). 4) *Андақ ривайат* ***қылдыларким,*** *бир қырғавулны ускүнәсини төрт киши йәб түгата алмайдур* (Бн., 18). *Заҳирда муны санад* ***қылдыким,*** *Хәлифә ва Ибраҳим Хажа қазының ҳавадарлары дур* (Бн., 91). ***Дәдиким, мунча ғавға*** *ва уруш* ***болуб,*** *нә эътимад бала бараи* (Бн., 140). 5) *Андақ айтыб* ***турурлар ким...***(ШТм., 34). *Мунга* ***қойдылар ким*** *Оғузны...өлтүргәйләр* (ШТм., 16). 6) *Агар* ***сорсаларким...***(ТВГ, № 1, 1903)... *алардын илтимас* ***қылдым ки,*** *халқларны өзләриңиз тарқатмақны тадаракини қылыңлар* (ТВГ, № 85, 1913).

***-Ким*** (***-ки***) боғловчисининг тил тарихида қўлланишидаги яна бир характерли хусусият шундаки, бу боғловчи аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғлашда хизмат қилади. *-Ким* (*ки*) боғловчиси бош гап таркибидаги изоҳланаётган сўзга қўшилади, бу сўз гапнинг бош ёки иккинчи даражали бўлаги бўлиши мумкин.

Бу типдаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар икки хил кўринишга эга.

1) Аниқловчи эргаш гап бош гапдан олдин, ўз аниқланмишидан сўнг келади ва аниқланмишнинг белги-хусусиятини кўрсатади: *Бу* ***ишләр ким*** *маным ҳақымда қылдыңыз өзгәләр ҳақында қылмаңыз* (ҚА, қё, 225)...*қайсы* ***йәмәк-ичмәк ким*** *маңа сәвиклүкрәк турур аны өзүмга ҳарам қылғай мән* (ҚА, қё, 185).

Аниқловчи эргаш гапнинг бу типи ҳозирги замон ўзбек тилида асосан қўлланмайди, аммо баъзан унга яқин бўлган конструкция шеъриятда учраб қолади:

*Кўрган замониёқ* ***мени элтди*** *жалб, Ёқут* ***доналарким,*** *серсув ва бўла,* ***Гўё юборибсан*** *ҳароратли қалб,* ***Гўё бир қути ким,*** *лаълилар тўла* (Уйғун).

2) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапнинг иккинчи хил конструкциясида эргаш гап бош гапдан сўнг келади ва аниқланмиш бўлакни изоҳлабгина қолмай, у ҳақда қўшимча маълумот ҳам ифодалайди:

*Дәрд әҳлиниң нәфәси бир* ***отдур ким,*** *қаттық көңүлни йүмшәтүр ва қуруғ көзни йығлатур* (Н., Мқ., 118).

Аниқловчи эргаш гапнинг бу типи ҳозирги замон тилида қўлланади.

Аниқловчи эргаш гапнинг ҳар икки тури, айниқса, биринчи тури, ёзма ёдгорликларда кенг ишлатилади. Аммо XIX аср материалларида аниқловчи эргаш гапнинг биринчи тури деярли учрамайди.

Мисоллар: *Ул* ***гуруҳлар ким,*** *Иса йалаwач дини ўзә эрдиләр анлар айдилар* (Тф., XVIII сура). *Аламда ҳәч киши* ***йоқтур ким*** *бир навъ мурады болмағай* (Н., Мн., 20). ***Шаирки***



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ҳäрзäси кўлмäккä лайыҡ өз хайалида Саъдий ва Хисравға фа. йыҡ* (Н. Мҡ., 100). *Алмалыҡ ва Алмату ва* ***Йаҡи ким,*** *кутубларда Отрар кәнт битирлар, моғул ва өзбәк жиҳатдин бу тарихда бўзўлибтўр, асла маъмура ҡалмабдур* (Бн., 17). *Тәмурбәк салған алий иматратлардин бири Көк* ***сарайдурким,*** *Самарҡанднинҡ аркида ваҡи болубтур* (Бн., 54). *Аҳмадбәкким, ханнинҡ оғлы султан Муҳаммаднинҡ бәк аткасы ва ханнинҡ улуғ риайат ҡылған бәги эди, Танбалнинҡ туҡған абағасы эди, Бәк* ***тәлбäким,*** *ханнинҡ әшик ағасы әди Тäнбäлнинҡ туҡҡан ағасы әди...* (Бн., 91). *Йай ва* ***оҡны ки*** *тапыб кәлтўрдиҡизлäр ул кишидин болмады* (ШТм., 28)...*хатун нә йәрдин* ***тапылурки*** *кәлиб атаҡнынҡ орнын тутғай* (ШТм., 52)[93].

-***Ким***(-***ки***) боғловчиси эга эргаш гапни бош гапга боғлайди. Бу хил конструкция ҳам икки хил кўринишга эга бўлган (ҳозирги замон тилида ҳар икки конструкция ҳам ишлатилади):

1) Эргаш гап бош гапга нисбатан эга функциясида келади:

*Мал бәргил ул малларны харж ҡылайын* ***болғай ким*** *тилäгиҡгä йәткäй сән* (ҚА, қё., 245).

2) Эргаш гап бош гап таркибидаги эганинг мазмунини изоҳлайди:

*Арабнуҡ адаты* ***бäр ким...*** (ҚА, қё., 143). ***Болғай ким*** *идиси кәлгäй ҡолғай* (Тф., 28 б, 23).... ***болғай ким*** *ол пäнд алынғай ҡорҡҡай* (Тф., 30, 24). *Аны дәсä* ***болғай ким*** *валийи мутлаҡдур* (Н., Мҡ., 18). ***Муҡаррарким*** *нийаз ва ҳакисарлығлари... көпрäк кәрäк* (Н., Мн., 20). *Султанали мирза билä көрўшгўндä андаҡ* ***муҡаррар болуб эдиким,*** *йаз ул Бухарадын, мән Андижандин кәлиб, Самарҡандны муҳасара ҡылғайбыз* (Бн., 56) ***Хайалыға бу кәчиб тўрким,*** *Султан Аҳмад мирза улуғ падшаҳдур, ҡалын чәрик билä кәлсä, бәклäр мәни ва вилайатни тапшурғуларыдур* (Бн., 31). ***Нәчä жиҳäттин мумкин эмäс эдиким,*** *аларға бәрилгäй* (Бн., 70). ***Рäсм турур ким*** *ҡара улуснынҡ барчасы сөзни бутун айта билмäс* (ШТм, 34).

-***Ким*** (-***ки***) боғловчиси кесим эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади (бу ҳолат ҳозирги замон тилида ҳам кенг қўлланади):

*Бири* ***ол турур ким*** *мәнинҡ әлким айағымны бирик бағлағыл* (ҚА, қё, 147). ...*ул* ***болур ким...*** (Тф., Л., 47 б, XVIII сура). *Таҡы айтылды* ***ол му*** *әрур* ***ким*** *сиз муддаъ алык ҡылур әрдиҡиз анынҡ бирлä* (Л. 98 б, 160). ...***Бири улким*** *илм öргäнўргä ранж тартты ва äмäл ҡылмады* (Н., Мҡ., 60). ***Мурады***

[93] Бу қўшма гапда натижа мазмуни ҳам бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*бу* ***ким*** *жāныны āстанадағы итлāр āлдида фидā қилғай* (Н., Мн.). ***Айби будурким****, улуғ суйи йӯқтур* (Бн, 66). *Мунасыб* ***ул тӯрур ким*** *пāдшаҳлықны анға бәриб...* (ШТм, 49).

***-Ким****(-ки)* боғловчиси натижа эргаш гапни бош гапга боғлаши мумкин (Бу хил конструкция ҳозирги замон тилида ҳам қўлланади).

Бу типдаги қўшма гаплар эргаш гапининг кесими буйруқ феъли формасида бўлади:

*....анча мāл* ***бәрӓйин ким*** *уруғуң уруғунға йәтсӯн* (ҚА, қё, 174).

Бу хил эргаш гапларнинг кесими аниқлик феъли орқали ҳам ифодаланади (бу хил конструкция кам учрайди):

*Йāрлық* ***болдыким*** *қанāты бирлӓ...урды* (ҚА, қё, 192). *Мәниң қолдашларым андāғ* ***сақынғайлар ким****, Дақйанус кәлди әрки тәб қорқарлар* (Тф., XVIII сура). *Мубталаға балāйи* ***тӯшгӓйки****, өлӯмни көзӥга тотыйā қылғай* (Н., Мқ., 103) *...зāлымға андақ сийāсат* ***қылылса ким*** *өзгӓ зāлымларға...* (Н., Мн., 21). *Ахир āталиқ оғуллуқ āрасыда бу гӯфтӯ гөлӓр ӓнчӓ мунжар* ***болдыким****, āтасы оғлы ӯстигӓ Балх ва Астрабāдқа чәрик тāрттылар* (Бн., 59).

***-Ким*** *(****-ки****)* боғловчиси пайт эргаш гапни бош гапга боғлашда хизмат қилади. Бу хил конструкция ҳозирги замон тилида кам қўлланади («Шажараи тарокима»да ҳам учрамади).

Бу хил конструкцияларнинг эргаш гапи бош гапдан олдин келади ва кесими одатда аниқлик феъли орқали ифодаланади (одатда эргаш гапнинг таркибида пайт англатувчи сўзлар иштирок этади):

*Саксан йил* ***болды ким*** *мәни бу умид илӓ тутар әрдиң* (ҚА, қё, 136). *Бизкӓ ӱч йӱз йил артуқрӓқ* ***болмуш ким****, бир* (биз) *мунда әрмишмиз* (Тф., XVIII сура). *Ҳӓр* ***қатла ким*** *быравны тартыб* ***чықарғайлар*** *анда қалғанлар өзлӓридин барғайлар* (Н., Мқ., 43). *Таң* ***āтиб эдиким****, рабāти Хожадын қуйырāқ Коҳӓқ суйини кәчиб йана йәр йайлāқ кәлдук* (Бн., 102). *Бāрғāн киши кәлиб* ***дәдиким, мӯддатидӯрким****, Жаҳāнгир мирзā чықыб кәтибтур* (Бн., 135).

*-Ким (-ки)* боғловчиси сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланади. Эргаш гап бош гапдан сўнг келади (бу хил конструкция ҳозирги замон тилида айрим ҳоллардагина қўлланади):

*Нәчӱк хушнуд* ***болмайын ким*** *пайғамбарлар уруғы турур* (ҚА, лит., 54). ***Қорқарман ким*** *мәни өлдӱргӓйлӓр* (Тф., 29 *б*, 26). *Ишиңиз эҳтийāтын андын йāхшырāқ* ***қылыңыз ким****, нахуш иш вāқъе болса пушаймāнлығдын суд йоқтур* (Н., М., 15). *Душман фирибин йәмӓ ва маддāҳ хушāмадын чин* ***дәмӓ ким*** *аның арзи өз мақсудыға камдур* (Н., Мқ., 135). *Нәчӓ*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*маҳал Ташканд ва Сайрам ҳам Мирзāниң тасаввуфида эдиким,* *ағаси Султāн Аҳмад мирзā бэриб эди* (Бн., 24). ***Нэфāйдаким,*** *иш андын өтӱб эди* (Бн., 82).

«Шажараи тарокима»да ***-ким*** *,* ***-ки*** боғловчисининг бу функцияси учратилмади.

***-Ким*** (***-ки***) боғловчиси мақсад эргаш гапларни бош гапга боғлашда хизмат қилиши мумкин. Бу хил конструкцияларда эргаш гап бош гапдан олдин ёки сўнг келади. Эргаш гапнинг кесими ёки боғловчи вазифасидаги ***деб*** равишдоши билан бирикади, ёки буйруқ феъли орқали ифодаланади (ҳозирги замон тилида иккинчи ҳолат баъзан қўлланади):

*...қонуқ кэлишин билсӱнлäр* ***дэб*** *от йақты* (ҚА, қё, 180). *Икки миң тäңä бэрди ким буларны āтаңызға бэриң* (ҚА, қё, 190). *Толун Хожани* ***йӱбāрилыб эдиким,*** *элгä нäсиҳäт қылыб таваҳҳумни хāтыраларыдын чықāрғай, тā эл қорқунчтин сäр бабāд бэрмағайлар...* (Бн., 71).

Мақсад эргаш гапнинг бу типи ёдномаларда кам қўлланади. Кейинроқ бу хил эргаш гап бош гап таркибидаги бирор бўлакни (одатда мақсадни ифодаловчи бўлакни) изоҳлайди: ... *шунға мāнäнд ҳäр навъ хäбäрлäрни газетимизға шул арз илäн* ***таҳрир айлäрмиз ким...*** (ТВГ, № 10, 1899).

*-Ким* (*-ки*) боғловчисининг функцияси эргаш гапларнигина бош гапга боғлаш билан чегараланмайди[94]. Бу боғловчи эргаш гаплар билан боғланган қўшма гапларнинг орасида турган айрим конструкциялар тузилишида ҳам хизмат қилади. Бу хил конструкцияларни ташкил этган қисмларнинг иккинчиси биринчи қисм таркибидаги айрим бўлакларни аниқламайди, изоҳламайди, мазмунини тўлдирмайди, балки биринчи қисмнинг умумий мазмунига оид бўлиб, бу умумий мазмунни изоҳлайди, тўлдиради:

*Иккисидин икки қыз* ***болыб эдики,*** *мäзкур болди* (Бн., 45). *Алқысса, мирзā таҳāратга киргäн ӱйиниң арқа тäрäфидä хишт билä тыға қопāрған эшиги бāр* ***экäндӱрким,*** *ҳāвлыдын ташқари чыққан экäндур* (Бн., 54). *Дäрäниң пэшгāҳидä қорғāны бир тумшуқның ӱстидä* ***тушубтурким,*** *икки тäрäфидин рудтур* (Бн., 157). *Қāнигил Сийāҳāб* ***йāқасыдадурким,*** *бу қара сувны Āбираҳмат ҳам дэрлар* (Бн., 66).

***-Ки*** боғловчиси қиёслаш муносабатини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади (*қаттық нāла* ***қылгынки*** *йäр эшитмäй өтӱб кэтäди*).

---

[94] А. Рустамов Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарида ***-ким/ ки*** ёрдами билан шарт, ўхшатиш эргаш гапларнинг бош гапга боғланиши ҳақида маълумот беради (Қаранг: А. Рустамов. кўрсат. дисс., 144—145, 148-бетлар). Бундан ташқари, ***-ким/ки*** нисбий олмошлар билан бирга қўлланиб, турли эргаш гапларни бош гапга боғлашда ишлатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу хил конструкциялар ёдномаларда кам учратилди, у асосан «Бобирнома» ва XIX аср тилида учрайди. Ҳозирги замон тилида, айниқса, ёзма нутқда бу хил конструкция кўп қўлланади.

-*Ким* (-*ки*) боғловчисининг тарихий тараққиёти ўзбек тили эргаш гапларининг шаклланиш ва такомилланиш тарихи билан жипс боғлангандир. Бу боғловчи -*ким* шаклида маълум бир доирада қўлланган бўлса ҳам, сўнгра форс-тожикча -*ки* нинг қабул қилиниши ва шундай конструкцияларга тақлид қилиниши билан унинг функцияси кенгайди ва ҳатто бошқа конструкциялар ўрнини ҳам эгаллади. Бу ҳолат айниқса, Навоий ва Бобир асарларида аниқ кўзга ташланади. «Шажараи тарокима» ва XIX асрнинг охирида нашр этилган, халқ тилига яқин бўлган ёзма ёдгорликлар тилида -*ким*(-*ки*) боғловчисининг қўлланиш доираси чегаралангани ва айрим соф тожикча конструкциялар қўлланишдан чиқа бошлагани кўринади[95], ҳатто проф. А. Н. Кононов «Шажараи тарокима» — да -*ким*(-*ки*) боғловчисининг икки функциядагина — аниқловчи, тўлдирувчи функциясида келишини кўрсатади[96].

Эргаш гапларни бош гапга боғлашда кўмакчилар, келишик қўшимчаларининг катта роль ўйнаши кўриб ўтилди. Бу воситалар эргаш гапни бош гапга боғловчи ягона восита бўлмасдан, улар бириктириб келаётган эргаш гап кесимларини ҳамда эргаш гапни шакллантиришда ва бош гапга боғлашда хизмат қилади; бундай кесимлар вазифасида сифатдош, шарт феъли ёки буйруқ феъли формалари келади.

Шу билан бирга, кўмакчилар, келишик қўшимчалари ёлғиз ўзлари эргаш гапни шакллантиришлари ва бош гапга боғлашлари ҳам мумкин. Масалан: ...*улуғ көтäл билä Парвāн āрасыда йәтти көтäл бāр учун Ҳäфтбäччä дәрлäр* (Бн., 154). Бу қўшма гапнинг биринчи қисми «*улуғ көтäл билä Парвāн āрасыда йәтти көтäл бāр* бўлиб, у иккинчи гапга *ӱчӱн* кўмакчиси ёрдами билан боғланади ва унга нисбатан сабаб эргаш гап бўлади. Агар бу кўмакчи бўлмаса эди, биринчи қисм алоҳида мустақил гап бўлар эди. Кўмакчи биринчи гапни эргаш гапга айлантиради, иккинчи (бош) гапга боғлайди.

Кўмакчи ёрдами билан боғланиш Урхун ёдномаларида ва сўнгги давр ёзма адабиётида ҳам қўлланади (бундай вазифада *ӱчӱн* кўмакчисидан бошқа кўмакчи учрамади):

(6) *Бәклäри будуны тӱзсиз ӱчӱн*, ...*тӱрк будун иллäдӱк илин ычғыну ыдмыс*... — Беклари, халқи тўғри бўлмагани учун, турк халқи ўз давлатини (С. Е. Малов: племанной союз) емириб ташлади (КТ, ктё). (29) ...*Қутым бар ӱчӱн ӱлӱгим бар*

---

[95] Баъзи бир тилларда -*ки* боғловчиси иштирок этган конструкциялар, аксинча, кенгайиб бормоқда. Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, 271; М. М. Гаджиев, Синтаксис сложного предложения лезгинского языка, докт. дисс., 153- ва бошқа бетлар.

[96] А. Н. Кононов, «Шажараи тарокима», 172.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ўчўн өлтäчи будунығ тиригрӳ игитим* — Бахтим бор учун, ўладиган халқни тирилтирдим (КТ, ктё). *Султан қабры анда ўчўн Равза дәрлäр* (Бн., 163). *Тәмурбәкниң заду буды Кәштин ўчўн, шäҳр ва пайтахт қылурыға көп сäй ва әҳтимамлар қылды* (Бн., 67).

Келишик формаси *-да* ҳам эргаш гапни шакллантиришда ва бош гапга боғлашда хизмат қилган:

(47) (7) *...Тоңра бир оғуш алпағу он эриг, Тоңа тәгин йоғынта, әгирип өлӳртимиз* — Тонгра қабиласига қарашли ўн баҳодирни, Тонга тегинни кўмишда (кўмганда), қувлаб, ўлдирдик (КТ, ктё). *Огуз киши йоқда, қызға айтды* (ШТм, 198).

Бу типдаги эргаш гапларнинг кесими *бор* ёки *йӯқ* сўзи орқали ифодаланади.

Келишик қўшимчасининг боғловчилик функцияси ҳақида проф. В. М. Насилов шундай деб ёзади:

«Тюркские языки в историческом развитии сложного предложения в начале не обладали соединительными и подчинительными союзами... Однако это не мешало развитию в тюркских языках как сложносочиненного, так и в особенности сложно-подчиненного предложения, ...формантами подчинительной связи явились аффиксы падежей»[97].

Шундай қилиб, келишик қўшимчаси янги функция ва сифатга эга бўлиб, эргаш гапнинг ўзига хос кесим формаси келиб чиқади. Келишик қўшимчаси, проф. В. М. Насилов фикрига кўра, эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситага айланади. Унинг бундай функцияси кесими сифатдош формасида бўлган эргаш гапларни бош гапга бириктирганда ҳам кўринади.

Бундан ташқари, эргаш гапни шакллантиришда ва бош гапга боғлашда турли лексик элементларнинг роли катта бўлган.

Масалан: *Йусунлуқ: Сув ӳзä өрдäк ӳзӳб йӯриғäн йусунлуқ йувунғыл* (ҚА, лит., 45). *Жиҳäтдин: Ата-ағасыдын умидварлығы бäр жиҳäтдин дäрäң қылур әди* (Бн., 150).

Шундай қилиб, тобе боғловчилар тил тараққиётининг сўнгги даврларида вужудга келди. Унинг вужудга келиши ички имкониятлари асосида (мавжуд мустақил сўзларнинг боғловчига ўтиши) ва чет тиллардан (асосан, форс-тожик ва араб тилидан) қабул қилиш йўли билан рўй берди; қабул қилинган боғловчига янги вазифалар юкланди.

Дастлаб мустақил сўзлар (олмош ёки равишдош) ўз вазифаларига кўра боғловчи вазифасида ҳам қўллана бошлади (*аниң ўчўн*), шу билан бирга бу сўзлар ўз маъно ва функциясида ҳам ишлатилган. *Деб* равишдоши эса бизга маълум ёдномаларда

---

[97] В. М. Насилов, Аффикс включения, Учен. записки ИМО, вып. I, М., 1958, 42. А. М. Шчербак ҳам шундай фикрни баён этади. Қаранг: А. М. Щербак, «Сказание об Огузе», канд. дисс., Л., 1951, 113—115.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(урхун ёзувлари) боғловчига ўтган, у ўз маъно ва функциясида кам қўлланади.

Тарихий тараққиёт натижасида баъзи бир боғловчи ва шу вазифадаги воситалар ишлатилмай қолиб кетди (***нәчўкким, нәчўнким, зәрāки, чўн, бāвужуди улким, ёйи ишāрат***), баъзилари, формаларини бироз ўзгартиб, яна қайта мустақил сўз сифатида ҳам қўллана бошладилар (***аның ўчўн—шунинг учун***), баъзи бирларининг функцияси кенгайди (***деб***), айримларининг функцияси эса торайди (***чунки, -ким, -ки, то***).

Эргаш гапни бош гапга боғлашда айрим кўмакчилар ва келишик формантлари ҳам хизмат қилган. Бу усул ҳозирги замон тилида кенг қўлланади.

Тобе боғловчилар тарихини ўрганар эканмиз, ҳар бир даврда ўзига хос боғловчи воситалар бўлганини кўрамиз[98]. Қадимги туркий тилда шарт боғловчилар (***қалты, қалы, апам, абам, бирўк***), сабаб (***аның ўчўн, антағыңын ўчўн***), мақсад (***тәб, тәйин***), қиёс (***тәк, нәтäк***) боғловчилари мавжуд бўлиб, улар эргаш гапларни бош гапга бириктиришда хизмат қилган.

Эски туркий ёдномалар тилида тобе боғловчилар кенгроқ қўлланади. Шарт боғловчилардан ***қалты*** ишлатилмай қолиб кетади, ***қалы*** кам қўлланади, буларнинг ўрнини ***äгäр*** эгаллайди, айниқса сўнгги даврга оид эски туркий ёдномалар тилида (айниқса ҚА. да) асосан ***äгäр*** ишлатилади. Сабаб боғловчиларининг доираси ҳам бироз кенгайди: ***аның ўчўн*** боғловчиси кўпроқ ***ким*** боғловчиси билан қўллана бошлади, ***нә ўчўн (ким***), ***нә ўчўн, нәчўк (ким)*** боғловчилари келиб чиқди, камроқ бўлса ҳам ***чун*** боғловчиси қўллана бошлади (ҚА да). Мақсад боғловчиси асосан ***дәб*** шаклида бўлиб,қўлланиш доираси кенгайди, ***тāки*** боғловчиси келиб чиқди (ҚА да). Қиёс боғловчилари ***тәк/дәк, нә тәк*** қўлланиши билан баробар, ***аның тәк ким, андағ ким*** боғловчилари келиб чиқди.

Эски ўзбек тилида шарт боғловчиси ***äгäр*** бўлиб, у кенг қўлланади ва эски шарт боғловчиларини (***қалты, қалы***, ***бирўк***) тамом сиқиб чиқаради. Шарт боғловчиларининг янги вариантлари ***мäгäр, мабāдā, мāдāмики, башарти*** келиб чиқади, ***äгäр*** нинг бошқа боғловчилар билан бирга қўлланиши кўринади: ***ва äгäр нә, вäрнä***. Янги ***тўсиксиз*** боғловчилари келиб чиқади (***äгäрчи, гäр, ҳäрчäнд, бāвужуди/ким***).

Сабаб боғловчилари ҳам бирмунча кенгайди. Эски туркий боғловчилар қўлланиш билан бирга ***чун, чунки, нәчўкким, нәгäки, зәрā, зәрāки, чу, нә сäбäбдин*** боғловчилари келиб чиқди. Эски ўзбек тилида ***дәб*** мақсад боғловчиси қўлланиш билан бирга, ***тāки*** кенг қўллана бошлади. Бу даврда қиёс боғловчиларининг ҳам доираси кенгайди, ***тәк*** (***дәк***) боғловчисидан

---

[98] Бу масала А. Матғозиевнинг «Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи» номли кандидатлик диссертациясида (Тошкент, 1966 йил) анча мукаммал ёритилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари, янги *гөйā* (*ким*), *бойлаким* (*ойлаким*) боғловчилари қўллана бошлайди.

Эски ўзбек тилида пайт муносабатини ифодаловчи боғловчилар характерлидир. Бунга энг аввало *эрсä* (*эр* + *сä*) феъл формаси киради. Бу боғловчи восита мустақил кесим формаларига қўшилиб келади ва пайт (баъзан шарт-пайт) эргаш гапларни ташкил этади: ***йағың болды эрсä усал болмағыл*** (КБ, XLII, 198/4. W. Radloff) — Душманинг бўлгандан кейин, сен бефам бўлмагин. *Эрса* боғловчиси қадимги туркий тилда ***эринч, эркан, эрки*** шаклида учрайди, бу боғловчи *эрсä* шаклида дастлабки эски туркий обидалар тилида камроқ, эски ўзбек тилида кўпроқ қўлланади.

Эски ўзбек тилида пайт муносабатини ифодалаш учун яна ***чу***, *тā*(*ки*) боғловчилари ва *қачāн*, *ҳāрнэчā* нисбий сўзлари ҳам ишлатилади.

Тобе боғловчиларнинг тараққиётида *-ким*/*-ки* боғловчисининг тарихи характерлидир. Туркий бўлган *-ким* боғловчиси аслда сўроқ олмоши бўлиб, қадимги туркий тилдаёқ нисбий олмошга ўтган эди[99]. Эски туркий тилда *-ким* тамоман боғловчига ўтади ва илк ёдномалар тилида кам ишлатилади. У аниқловчи, тўлдирувчи, кесим, эга эргаш гапларни бош гапга бириктириб келади. ҚБ ва ҲҲ асарларида *-ким* ёрдами билан тузилган конструкция жуда кам учрайди холос. ***Бу сөз ким сэн айдың бағырсақлығ*** *ол* (КБ, XLII, 194/1, W. Radloff) — Сен айтган бу сўз илтифотдир. ***Ол эрким*** *улуғсынды мэн мэн дэди* (ҲҲ)[100] — у кишики, манман деб катталик қилади. ... ***Айур ким*** *эй Өгдўлмиш* (ҚБ, Наманган нусхаси, 70а/з) — ***Айтдики***, о *Өгдўлмиш... Бу аз сөз ол* ***ол ким*** *айытмышқа өз, жэваб бэрсä* — (ҚБ, XVI, 172/29. W. Radloff) — *Оз сўз* шуки, айтилган саволга (бевосита) жавоб берилса (Айтилган саволгагина жавоб берилган сўз қисқа сўз ҳисобланади). *Улуғлар* ***кэрäк ким*** *кичигкä салам, Ашундурға* (ҚБ, IX, 142/35 W. Radloff) — Керакки, улуғлар (катта амалдорлар) кичикларга (халққа) салом қилса.

Эски туркий тилнинг сўнгги намунаси бўлмиш «Қиссасул анбиё»да *ким* ёрдами билан тузилган конструкция кенг қўлланади. Эски ўзбек тилида эса *-ким* ва асосан *-ки* боғловчиси жуда кенг қўлланади. Бу даврда тожик тилининг таъсири билан *-ки* боғловчили бутун конструкциялар ўзбек тилига кўчади, тожикча конструкцияларга ўхшаш ўзбекча моделлар ясалади.

*Ки*-боғловчиси деярли бутун эргаш гапларни, баъзи боғланган қўшма гапларни, кўчирма гапли конструкцияларни тузишда

---

[99] A. von Gabein, Alttürkische Grammatik... Leipsig, 1956, § 450—451, 189—192-бетлар; Э. Р. Тенишев, Грамматический очерк древнеуйгурского языка, Автореферат канд. диссертации, Л., 1963.

[100] Мисол Қ. Маҳмудовдан олинди. Қаранг: К. Махмудов, Фонетические и морфологические особенности языка «Хибатул хаканк», 26-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кенг фойдаланилади[101]. *-ки* боғловчиси ёрдами билан тузилган тожик тилига хос баъзи конструкциялар халқ тилига сингмади, ҳатто кейинги давр ёзма адабиётда ҳам бу хил конструкцияларнинг қўлланиши камая борди: халқ тилига яқин бўлган «Шажараи тарокима» асарида А. Н. Кононовнинг кўрсатишича, *-ки* боғловчиси асосан аниқловчи ва тўлдирувчи эргаш гапларнигина бош гапга боғлаган[102]. Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам *-ки* боғловчиси ёрдами билан тузилган эргаш гаплар жуда кам қўлланади. Аммо ҳозирги замон турк ва озарбайжон ёзма адабиётида *-ки* боғловчиси анча кенг қўлланишини кўрамиз (профессор М. Мирзаевнинг кўрсатишича, Бухоро шевасида ҳам *-ки* ёрдами билан тузилган конструкциялар, ўзбек тили ва бошқа шеваларга нисбатан, кўпроқ учрайди).

Шундай қилиб, боғловчили эргаш гапларнинг шаклланиши тобе боғловчиларнинг келиб чиқишига боғлиқ. Тобе боғловчилар мустақил сўзлардан келиб чиқади. Мустақил сўзлар ўз лексик маъносини тўлиқ ёки қисман йўқотиб сўзларни ва гапларни бир-бирига бириктирувчи грамматик воситага айланади. Боғловчига айланувчи сўзлар олмошлар, равишлар ҳамда ўрин, пайт, восита ва модаль муносабат ифодаловчи сўзлар бўлади. Баъзи боғловчилар бошқа тиллардан тайёр ҳолда олинади. Айрим сўроқ олмошларининг боғловчига ўтиши учун у аввал нисбий олмошга ўтиши керак (*-ким//-ки боғловчиси*). Баъзан айрим сўзларгина ўз лексик маъносининг сусайиши натижасида боғловчига ўтиб қолмай (*деб, болыб, қылыб, эрсӓ, эсӓ*), бутун бир бирикма ва гаплар ҳам гапларни бириктирувчи воситага айланадилар (*нэгӓ дэсӓңиз, йоқса, болмаса, шундай болса-да*).

Боғловчиларнинг қўлланиши гап таркибидаги айрим коррелятив сўзларни қўллашни чегаралади, натижада жумла анча ихчамлашади. Пайдо бўлган биринчи боғловчиларнинг функцияси жуда кенг ва турли-туман бўлади. Янги боғловчи ва боғловчи воситалар келиб чиқиши билан боғловчининг функциясига дифференциаллашади, конкретлашади, маълум бир мазмун билангина боғланади. Бу процесс доимо рўй беради, узлуксиз давом этади.

---

[101] Қаранг: А. Рустамов, Ўзбек тилида *-ки (ким)* боғловчисининг синтактик вазифаси, УОДУ илмий асарлари, вып. CIV, книга II, Тошкент, 1959; А. Рустамов, Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асаридаги эски ўзбек тилига хос баъзи бир синтактик хусусиятлар, сб. Труды аспирантов САГУ, вып. 4, 1958; А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка, 207-бет.

[102] А. Н. Кононов, Шажараи тарокима, 172-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

I. Қўшма гап маълум бир фикрни ифодалаш учун бирдан ортиқ предикатив бирликлар бирикмасидан тузилиб, грамматик, семантик интонацион жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади.

Қўшма гап содда гапдан ўзининг семантикаси, грамматик қурилиши ва интонацион хусусиятлари билан фарқланади. Қўшма гапда фикр мукаммалроқ, тўлароқ ифодаланади, албатта мураккаб фикр ёйиқ содда гапларда ҳам ифодаланиши мумкин. Аммо қўшма гапда мураккаб фикр ифодаланиши билан бирга, шу фикр, мақсадлар орасидаги семантик муносабатлари ҳам кўрсатилади.

Қўшма гапнинг содда гапдан фарқланиши, айниқса, унинг структурасида аниқ кўринади. Қўшма гап таркибида ўз эга ва кесими мавжуд бўлган предикатив бирликлардан тузилади (агар бу қисмлар бир составли ёки тўлиқсиз гаплар шаклида бўлса, грамматик эга ёки кесим бўлмаслиги ҳам мумкин).

Қўшма гапни ташкил этган гапларнинг оддий мустақил содда гаплардан фарқи айниқса сифатдош ёки равишдош конструкциясидан ташкил топган эргаш гапли қўшма гапларда яққол кўринади. Таркибида ўз эга ва кесими бўлган сифатдош ва равишдош конструкциялари мустақил қўлланмайди.

Бундай ҳолда, айниқса, қўшма гап қисмлари ўзаро жипс боғланади. Ўзбек тили (умуман туркий тиллар) қўшма гаплари ана шу хусусияти билан Ҳиндиевропа тилларидан фарқланиб турадилар. Ўзбек тилида Ҳиндиевропа тилларидаги каби боғловчили конструкциялар кам. Уларнинг ўрнини сифатдош, равишдош конструкцияли специфик қўшма гаплар ташкил этади.

II. Қўшма гап бошқа бир ўринда содда гапларнинг бирикиши йўли билан тузилади. Қўшма гапни ташкил этган содда гапларнинг семантик, грамматик ва интонацион хусусиятлари ўзгаради, улар умумий фикрни ифодаловчи мураккаб конструкциянинг бир бўлаги бўлиб қолади.

Содда гапларнинг қўшма гапни ҳосил қилишда ўзаро бирикиши, қўшилиши турли грамматик воситалар — ёрдамчи сўзлар, келишик формантлари, феъл формалари орқали бўлади. Аммо



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшма гап тузилишини ана шу воситаларнинг ўзига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Қўшма гап тузишда интонациянинг роли каттадир. Интонация ҳар қандай қўшма гап конструкциясини ташкил этишда хизмат қилади. Бундан ташқари, қўшма гап тузишда қўшма гап қисмлари таркибидаги айрим гап бўлакларининг ва махсус лексик элементларнинг семантикаси ва кесимларнинг замон муносабатларининг роли каттадир. Ана шу лексик ва грамматик воситалар қўшма гап қисмлари орасида маълум семантик муносабатларни белгилайдилар. Бир хил боғловчи орқали турли хил қўшма гап типларининг яратилиши ана шу лексик ва грамматик воситалар орқали бўлади.

III. Ҳозирги замон ўзбек тили қўшма гаплари узоқ йиллик тарихий тараққиёт маҳсулидир. Қўшма гап конструкциялари кўп асрлар мобайнида тараққий этди, такомиллашди. Бу процесс ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онгнинг ривожланиш таъсири билан бўлди. Қўшма гап тараққиётида бошқа тиллар билан — форс-тожик ва араб тили билан бўлган муносабат, ўзаро таъсир катта роль ўйнади. Қўшма гапнинг такомили айниқса Октябрь революциясидан сўнг яққол кўзга ташланади. Бунинг сабаби — ижтимоий ҳаётдаги улуғ ўзгариш онгга, тилга таъсир этди. Революциядан сўнг ёзувчи ва шоирлар эски форс-арабча ёзма адабий тил традициясидан воз кечиб, халқ тилидаги жонли конструкциялардан кенг фойдаландилар. Ёзма тилнинг турли жанрлари вужудга келди.

Бундан ташқари, ўзбек тили синтаксисига рус тилининг таъсири жуда баракали бўлди. Рус тилини бевосита ўрганиш, рус тилида ёзилган турли асарларни ўзбек тилига таржима этиш қўшма гап структурасини янги, ихчам конструкциялар билан бойитди, тилда мавжуд бўлган айрим конструкциялар янада мукаммаллаштирилди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили қўшма гаплари ҳақида гап борар экан, унинг тарихий такомилини ҳисобга олмаслик, ана шу тарихий жараёндан ажратиб текшириш масалани тўла англаш ва изоҳлаш имкониятини бермас эди[1]. Шунинг учун ҳам маълум даврларга оид бўлган энг машҳур ёдномалар олиниб, улар тилидаги қўшма гап конструкциялари текшириб чиқилди ва қўшма гап тараққиётига тааллуқли баъзи умумий масалаларга тўхтаб ўтилди. Қўшма гапларнинг тарихий тараққиёти масаласи алоҳида масаладир. Ҳатто ҳар бир ёднома тилидаги қўшма гаплар алоҳида илмий текшириш ишларини талаб этади.

IV. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг ҳар уч тури, айниқса, боғловчисиз қўшма гаплар кенг қўлланади.

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапнинг алоҳида бир тилини ташкил этади. Улар боғловчили қўшма гапларнинг вариант-

[1] В. И. Ленин ҳозирги замон масалаларини унинг тарихи билан боғлаб ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Қаранг: Соч., том 29, изд. 4, 456-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари бўла олмайди, чунки кўп ўринда уларни боғловчили конструкция билан алмаштириб бўлмайди. Қўшма гапларнинг бу типи ўзининг мазмун муносабати, интонация ва структураси билан ўзига хосликка эгадир.

Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар ўзаро уч хил логик муносабатга киришадилар: 1) пайт муносабати, 2) қиёслаш муносабати, 3) изоҳлаш муносабати. Бу семантик муносабатларнинг ҳар бири бир қанча оттенкаларга эга. Ҳар бир оттенка махсус интонация, айрим лексик элементлар, баъзи гап бўлакларининг семантикаси, кесимларнинг замон муносабати орқали ифодаланади.

Бу семантик муносабатлар ва унинг ички оттенкалари бизга маълум бўлган биринчи ёдномалардаёқ маълум эди (VIII, XI аср ёдномалари). Аммо бу муносабатларнинг бир тури (пайт муносабати) кўпроқ, бошқаси озроқ қўлланар эди. Шу билан бирга, қўшма гап қисмларининг тузилиши, кесимларининг формаси ва замон муносабатида, қўшма гапнинг умумий структураси ҳамда қисмлар орасида ифодаланган баъзи бир оттенкаларда фарқ сезилади. Қадимги ёзма ёдгорликлар тилидаги қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, ҳозирги замон тилида қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатлар шу қисм таркибидаги айрим гап бўлакларининг орасидаги семантик муносабатларга асосланса, қадимги ёдномалар тилидаги қўшма гапларда семантик муносабат қисмларнинг умумий мазмуни орасида бўлади. Бундай муносабат ҳозирги замон тилида бўлса ҳам, у асосий ўринни эгалламайди. Қўшма гап қисмлари таркибидаги айрим бўлакларнинг маъносини қиёслаш орқали қўшма гап қисмлари орасида маълум семантик муносабатларнинг ўрнатилиши ҳозирги замон тилида бирдан келиб чиқмади. Бундай усул қисман Н., Бн., ШТм асарлари тилида ҳам учрайди, унинг баъзи элементлари VIII—XI аср тилида ҳам қўлланади.

Умуман, боғловчисиз қўшма гаплар қадимги ёдномаларда асосий ўринни эгаллайди. Бу ёдномалардаги боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан анча мураккаб семантик муносабатларни ифодалайди. Кейинроқ боғловчисиз қўшма гап конструкцияси боғланган қўшма гаплар учун, эргаш гапли қўшма гаплар учун асос бўладилар: шу билан бирга, боғловчисиз қўшма гаплар ўз тараққиёт йўлига эга бўлиб, янги семантик группаларга ажралади, янги грамматик-структурал белгиларга эга бўла боради[2].

Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабат ҳозирги замон тилида анча зич бўлса-да, қадимги ёдномаларда (айниқса VIII—XI аср ёдномаларида) бундай зичлик бўлмаган: ҳар бир қисмнинг семантик мустақиллиги кучли бўлган. Шунинг учун ҳам бу хил қисмларни қўшма гап қисмларини ташкил этмаган мустақил содда гаплар деб тушуниш ҳам мумкин (КТ, Тоң). Бу типдаги қўшма гап қисмларининг кесимлари кўпинча от кесим бўлади,

[2] Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, 271-бет; Грамматика кумыкского языка, 194-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатдош ва равишдошларнинг от характери ҳам кучли бўлади, ҳатто равишдошлар мустақил гапларни ташкил эта олади. Бора-бора қўшма гап қисмларининг кесимлари феъл кесим шаклида кўпроқ қўлланади. Бу ҳол равишдош ва сифатдошнинг феъллик характери кучли бўла бориши билан изоҳланади.

Бундан қадимги ёдномаларда феъл кесимлар қўлланмас экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг кесимлари феъл кесим шаклида ҳам бўлган. Аммо кесим вазифасидаги феъллар асосан конкрет ҳаракат, ҳолатларни ифодаловчи дарак-хабар маъносида бўлган сўзлардир.

Ҳозирги замон тилида боғловчисиз қўшма гапнинг турли семантик турлари кенг қўлланади. Аммо қадимги ёдномаларда бу семантик турларнинг кўплари жуда кам учрайди ёки асосий мазмун муносабатлари пайт ва қиёслаш билан боғланади. Урхун ёдномаларида сабаб, шарт-пайт, изоҳлаш муносабатларининг айримлари (қисмлари эга, ҳол функциясида бўлган ва умумий изоҳ муносабатлари) кам учрайди; маълум бир семантик турнинг ҳамма вариантлари ва формалари ҳам қўллана бермайди. Айниқса, қўшма гапнинг бир кўриниши бўлган кўчирма гапларнинг айрим вариантлари (автор гапининг кўчирма гап орасида ёки ҳар икки томонида келиши) сўнгги давр ёдномалари (Бн., ШТм)да ҳам учрамайди.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг айрим турларининг қўлланиши тобора ортиши билан баробар, бу типдаги қўшма гапларнинг айрим турлари кам қўллана бошлади (Масалан: пайт муносабати, айниқса, унинг тобе муносабат ифодаловчи варианти).

Ҳозирги замон ўзбек тилида боғловчисиз қўшма гапларнинг тузилиши турли-туман усуллар ёрдами билан бўлади. Қисмларнинг ҳеч қандай грамматик боғловчисиз бирикиши турли интонация, айрим лексик элементлар, гап бўлакларининг маъноси, гапларнинг структураси ёрдами билан бўлади; боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасида маълум семантик муносабатнинг белгиланишида шу қисм кесимларининг замон муносабати ҳам катта роль ўйнайди.

Боғловчисиз қўшма гап тузишда хизмат қилган бу усуллар қадимги ёдномаларда ҳам қўлланади, аммо фарқ шу ердаки, қўшма гап тузишда хизмат қилган усулларнинг айримлари кенгроқ қўлланган бўлса, айримларининг қўлланиши жуда чегарали бўлган. Бундай кенг қўлланувчи воситаларга энг аввало интонация ва гапларнинг умумий мазмун муносабатлари киради. Шунингдек баъзи ҳолларда гаплар таркибида айрим лексик элементларнинг қўлланиши ёки айрим гап бўлакларининг семантик муносабати ҳам гапларни бириктириб, қўшма гап тузишда, қўшма гап қисмлари орасида маълум мазмун муносабатларининг ўрнатилишида хизмат қилади. Аммо қадимги ёдномалар (КТ, КБ, ДЛТ) тилида қўшма гапни тузишда асосан содда гапларнинг мазмун муносабати асосга олинади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир даврга оид бўлган ёзма



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёдгорлик тилида (урхун ёдномаларида ҳам) архаик конструкциялар билан баробар, янги, ҳозирги замон тилида қўлланувчи конструкцияларга яқин бўлган конструкциялар ҳам мавжуддир.

V. Боғланган қўшма гап конструкциялари, қўшма гапнинг бошқа турларига нисбатан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида камроқ қўлланади. Бу типдаги қўшма гапларни тузишда асосан тенг боғловчилар ва айрим юкламалар (*-у//-ю-да;фақат,ҳатто*) ишлатилади. Боғланган қўшма гап қисмлари орасида маълум семантик муносабатлар ўрнатилишида бошқа қўшимча лексик ва грамматик воситаларнинг ҳам роли катта. Бундай воситаларга қўшма гап таркибидаги айрим гап бўлакларининг семантикаси, баъзи лексик элементлар, кесимларнинг замон муносабати киради. Бу грамматик ва лексик воситалар орқали қиёслаш, пайт, айирув, сабаб-натижа, изоҳлаш каби мазмун муносабатлари ифодаланади.

Бу мазмун муносабатлари бизга маълум бўлган энг қадимги (VIII, XI аср) ёзма ёдгорликларида ҳам мавжуд эди. Аммо бу мазмунларни ифодалаш усули, ички семантик гуруҳ ва оттенкаларда маълум даражада фарқ бўлган. Бу фарқ кўпроқ қўшма гап қисмларини бириктириш — боғланган қўшма гап тузиш усулида кўринади. Ҳозирги замон тилида боғланган қўшма гап тузишда хизмат қилган тенг боғловчилар кўпдан бери қўлланиб келса ҳам, уларнинг функцияси торайган ёки айримлариники кенгайган. Масалан *ва* боғловчиси ҚБ (XI аср) тилида икки функцияда (пайт ва пайт-қиёс) қўлланса, Навоий ва Бобир тилида (XV, XVI аср) функция доираси жуда кенгайиб, 6 дан ортиқ функцияда қўлланади (пайт, қиёс, изоҳ, сабаб-натижа, қўшимча маълумот, ишора)[3]. Шуниси характерлики, *ва* боғловчисининг функция доираси ҳозирги замон тилида чегараланган.

Ҳозирги замон тилида ***аммо, лекин, бироқ*** боғловчилари қўшма гап тузишда кенг қўлланса ҳам, ёзма ёдгорликларда унинг қўлланиши бирмунча тор бўлган, шунингдек, айирув ва инкор боғловчисининг қўшма гап тузишдаги роли жуда чегарали бўлган, ***балки*** боғловчиси бу вазифада қўлланмаган. Юкламаларнинг қўшма гап тузишдаги функциясини деярли учратмаймиз. Шу билан бирга қадимги даврга оид ёзма ёдгорликлар тилида айрим лексик элементлар ҳам бўлганки, улар боғланган қўшма гапга яқин конструкцияларни тузганлар. Бундай элементларга ***азу, йәмә, тақы, аб...аб*** элементлари киради[4]. Бу элементларнинг ичида ***тақы//дағы*** элементининг функцияси айниқса кенг бўлиб, унинг қўлланиши XX асрнинг бошларигача давом этади.

---

[3] Маълум фикрларнинг ўзаро яқин муносабатини кўрсатувчи бир ишора сифатида қўлланиши *ва* боғловчисигагина эмас, *аммо* боғловчиси ва *яна* элементига ҳам тааллуқлидир.

[4] Бу боғловчилар умумтурк элементларидир. Шу сабабдан ўзбек тили боғловчиларининг келиб чиқишини, А. М. Шчербак ўйлаганидек, «Чиғатой адабиёти» давридан бошлаш тўғри бўлмаса керак (Қаранг: А. М. Щербак, «Сказание об Огузе», канд. дисс., Л., 1951, 116).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон тилида кўрсатиб ўтилган элементлар ёрдами билан тузилган қўшма гаплар бошқа боғловчили (*ёки, на.. на, ва*) боғланган қўшма гаплар билан ёки боғловчисиз қўшма гап конструкциялари билан алмашади. Қўшма гап қисмлари орасида конкрет семантик муносабатларни ифодалашда бошқа, янги воситалар ҳам қўлланади, бундай воситаларга *бўлса, эса, бўлмаса* феъл формалари киради. Шу билан бирга аввалдан ишлатилиб келган баъзи боғловчиларнинг (*аммо, лекин, бироқ, ёки, гоҳ, на*) қўлланиши ортади.

Умуман олганда, ҳозирги замон тилида боғланган қўшма гаплар, аввалги даврларга нисбатан, кенгроқ қўлланади. Бунинг асосий сабаби қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатларни аниқроқ ва дифференциация қилиб ифодалашга интилишда, деб тушунмоқ керак. Маълум конкрет тенг боғловчи ёрдами билан қўшма гап қисмлари бириктирилса, улар орасидаги семантик муносабат ҳам конкрет бир тур билан чегараланади ёки бирор семантик муносабат етакчи бўлиб қолади.

Бунинг бошқа бир сабаби шуки, қўшма гап қисмлари орасидаги маълум семантик муносабатлар қадимги ёзма ёдгорликлар тилида турли лексик элементлар, ҳатто айрим бирикма ва гаплар орқали ифодаланган бўлса, сўнгги даврларда аста-секин бу мазмун муносабатларини айрим боғловчиларни қўллаш орқали ҳам ифодалаш мумкин эканлиги уқила борди. Бунинг натижасида мавжуд тенг боғловчилар кенг қўлланди ва яна янги воситалар топилди.

Бунинг яна бир сабаби шуки, боғланган қўшма гап тузувчи тенг боғловчилар асосан форс-тожик ва араб тилидан қабул қилингандир; маълумки, бошқа бир тилдан қабул қилинган воситаларнинг, айниқса грамматик воситаларнинг она тилига сингиши жуда ҳам аста-секинлик билан бўлади.

Шу билан бирга, қўшма гап қисмлари орасида семантик муносабатларнинг янада зичланиши, ўзаро семантик боғлиқликнинг ортиши улар орасида маълум боғловчиларнинг ишлатилишига йўл очди.

VI. Эргаш гапли қўшма гапларни, қисмларини ташкил этган гапларнинг структурасига кўра, 3 хил группага бўлиш мумкин:

1. Қисмлари маълум тобе боғловчилар ёрдами билан бириккан қўшма гаплар. Бу хил қўшма гапларнинг қисмлари маълум мустақилликка эга, грамматик жиҳатдан, оддий гап структурасига ўхшайди.

2. Эргаш гапнинг кесими шарт феъли формасида бўлган қўшма гаплар. Бу типдаги эргаш гапларнинг эга ва кесими шахсда мослашади. Аммо шарт конструкцияси (шарт мазмунини сақлаган ҳолда) мустақил қўлланмайди.

3. Эргаш гапнинг кесими сифатдош ёки равишдош формасида бўлган қўшма гаплар. Бу типдаги эргаш гапларнинг эга ва кесими шахсда мослашмайди, бу хил конструкциялар мустақил равишда қўлланмайди. Шунга қарамасдан, улар эргаш гапни таш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қил этади, чунки уларнинг таркибида ўз эга, кесими ва уларда нисбий фикр тугаллиги бўлади. Таркибида ўзининг алоҳида эга ва кесими бўлган бу хил сифатдош, равишдош конструкциялари сўз бирикмасини эмас, эргаш гапни ташкил этади.

Шундай қилиб, эргаш гапли қўшма гаплар, структура жиҳатидан, қўшма гапнинг бошқа турларига ўхшаб, бир хил бўлмайди.

Ҳозирги замон ўзбек тили эргаш гапли қўшма гаплар асосини сифатдош, шарт феъли, равишдош бошқарган конструкциялар, тобе боғловчили ва нисбий олмошли конструкциялар ташкил этади. Эргаш гапли қўшма гаплар шаклланиш жиҳатидан қўшма гаплар ичида энг мураккаб қўшма гаплардир. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти қўшма гапларнинг ана шу бобида яққол кўринади. Шунинг учун ҳам ўзбек, умуман туркий тилларнинг синтаксисига оид асарларда асосий диққат эргаш гапли қўшма гапларга қаратилгани бежиз эмас.

Ҳозирги замон тилида сифатдош конструкциясининг асосини *-ган//-кан//-қан* формали сифатдош тури ташкил этади. Бу ҳолат қипчоқ группаси тилларининг кўпига хос бўлиб, бу тиллар ўғуз группа тилларидан шу хусусиятлари билан фарқланадилар.

Сифатдошнинг *-ган//кан//қан* формаси кейинги даврлардагина тараққий этган. Бу форма урхун ёдномалари тилида учрамайди. XI аср тилида бу форма кам қўлланади. М. Кошғарий *-ған //-ган* формали феълларни ва иш-ҳаракатнинг давомийлигини, предметдаги мавжуд доимий хусусиятни ифодаловчи форма — исми фоил сифатида таърифлайди (ДЛТ, II, 44-бет). Сифатдошнинг бу формаси кейинги давр ёзма ёдгорлиги тилида (ҚА, Н., Бн, ШТм) кўмакчилар, келишик формантлари билан бирикиб, бирмунча кенг қўлланади. Бу форманинг турли-туман воситалар билан бирикиб, кенг қўлланиши, айниқса, ҳозирги замон ўзбек тилига тааллуқлидир: агар А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида бу хил конструкциялар 370 марта қўлланса, «Бобирнома»нинг ана шунча ҳажмдаги қисмида фақат 136 марта ишлатилади.

Шуниси характерлики, *-ган* формали сифатдошнинг ҳеч қандай бошқа формасиз, бош келишикда, аниқловчи эргаш гап махсус типининг кесими сифатида қўлланиши, сифатдошнинг маълум формалари билан бирикиб келганига қараганда ёдномаларда анча кўп учрайди.

Бу сифатдош формасининг турли-туман воситалар билан бирикиш имконияти ва қўлланиш доирасининг кенгайиши билан бирга (ва шуларнинг таъсири билан), унинг семантикасида ҳам ўзгариш рўй берди. Бу форма, М. Кошғарий изоҳлагандек, исми фоилга мойил формагина бўлиб қолмасдан, маълум позицияда, унинг ҳаракат-феъллик хусусияти биринчи планга ўтмоқда.

Сифатдошнинг *-ган* формали турининг кенг қўллана боришининг сабаби — бу форма семантикасида феъллик хусусиятининг ортиб бориши, демак, маълум гап конструкцияси, айниқса, эргаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

гап конструкциясини қўллашга бўлган имкониятнинг яратилишида деб билмоқ зарур. Ёзма адабиётларда сифатдошнинг бу формасининг кенг қўллана боришига бошқа бир сабаб — ёзув тилининг халқ тилига яқинлашиши, форсий-арабий конструкциялар ўрнига, халқ тилида кенг қўлланувчи сифатдош конструкцияларни ишлатишга бўлган интилишда бўлиши керак.

Сифатдошнинг бошқа формалари эргаш гап кесими вазифасида ҳозирги замон тилида жуда кам қўлланса ҳам, ёзма ёдгорликларда эргаш гап кесими вазифасида сифатдошнинг *-ган*//*-кан*—//*-қан* формаларидан бошқа формалари анча кенг қўлланади. Бунга аввало сифатдошнинг *-дук*//*-тук* формаси киради. Бу форма КТ ёдномаларида бош келишик, ўрин-пайт келишиги формасида ва турли воситалар билан (*ўчўн, тэп, эринч*) бирикиб, аниқловчи эргаш гапнинг махсус типи, сабаб, пайт, тўлдирувчи эргаш гап вазифасида келади. Сифатдошнинг бу формаси Тф. ва ҚА асарларда ҳам учрайди, аммо унинг функцияси бу ёдномаларда чегараланган. Ундан сўнгги ёдномаларда (Н., Бн, ШТм в. б.) бу форма учратилмади. Сифатдошнинг *-миш*//*-мыш* формасининг қўлланиши КТ, Тоң ёдномаларида торроқ бўлса-да, ҚА ва Тф. да унинг функцияси анча кенгаяди. Аммо ундан кейинги ёдномаларда бу форма эргаш гап кесими вазифасида жуда кам қўлланади. Ҳозирги замон тилида бу вазифада ишлатилмайди.Сифатдошнинг *-ўр*//*-ир* формасининг ҳозирги замон тилида эргаш гап кесими вазифасида келиши жуда чегараланган. Бу формали сифатдошнинг турли грамматик воситалар (*-да, учун, экан*) билан бирикиб, эргаш гап кесими вазифасида келиши ҚА ва айниқса Бн тили учун характерлидир.

Шундай қилиб, кўринадики, ўзбек тилида, умуман, қипчоқ группаси тилларида, сифатдошнинг турли формаларини *-ган*// *-кан*//*-қан* формаси сиқиб чиқаради ва уларнинг функцияларини ҳам эгаллайди[5], бу формаларнинг баъзилари ҳозирги замон тилида бутунлай қўлланмайди (*-дук*//*-тук* ва қисман, *-миш*//*-мыш*, баъзисининг қўлланиши жуда чегаралангандир (*-ўр, ир*)[6]:

Ҳозирги замон тилида равишдош ҳам эргаш гапларнинг кесими вазифасида анча кенг қўлланади. Равишдошнинг *-(и)б* *-гач*,*-гунча*, *-ма* + *й* формалари пайт, равиш, қиёслаш, шарт, тўсиқсиз эргаш гапларнинг кесими вазифасида келади.

Равишдошларнинг ичида энг характерлиси *-(и)б* формали равишдошдир. Бу равишдош конструкциясида семантик мустақиллик анча кучлидир. Шунинг учун ҳам бу форма қисмлари тенг муносабатда бўлган қўшма гап конструкцияларини ҳам ташкил эта олади. Ҳатто мустақил содда гапни ҳам туза олади.

---

[5] Агар «Синчалак»да сифатдошнинг *-ган* формали туридан бошқа формаси 13 марта учраса, шунча ҳажмдаги «Бобирнома»да 63 марта қўлланади.

[6] Сифатдошнинг *-гма* формаси ҳозирги замон тилида сифатдош ясамайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги ёдгорликлар тилида *-(и)б* формали равишдош конструкциясининг мустақиллиги янада кучли бўлган. У мураккаб функцияларни бажарган (КТ, Тоң. да пайт-шарт-сабаб; ДЛТ— ҳолат-пайт). Аста-секин равишдошнинг бу конструкциясининг функцияси дифференциаллаша боради, шу йўл билан унинг функция доираси ҳам кенгаяди («Бобирнома»да 7 хил функцияда келади). Бу форманинг семантикасидаги мураккаблик айрим ҳолларда ҳозирги замон тилида ҳам сақланади ва баъзи бир функциялари (шарт, тўсиқсиз, қиёслаш) қўлланмайди. Бунинг сабаби бу функцияларни ифодалаш учун янги ва бошқа мувофиқроқ воситаларнинг қўлланишидир.

Равишдошнинг *-гунча//-кунча//-қунча* формаси ҳозирги замон тилида пайт ва қиёслаш эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланади. Унинг бундай функцияси қадимдан (Тф., ҚА) маълум. Қадимги ёдномаларда (XII—XIV) унинг шакли ***-ынча//-ғынча// //-ганча; -дукча,-мишча́*** шакллари ҳам учрайди (Тф., ҚА). Равишдошнинг ***-гач, -май*** шакли ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Шу билан бирга, равишдошнинг баъзи формалари ҳозирги замон тилида қўлланса ҳам, улар аввалдагидек, эргаш гап тузмайди ***(-а;-гали***[7] формалари), эргаш гап кесим вазифасида қўлланган баъзи равишдош формалари эса ҳозирги замон тилида бутунлай ишлатилмайди ***(-у//-йу, -мадин)***. Ҳозирги замон тилида бу формаларнинг вазифасини равишдошнинг бошқа формалари ёки бошқа бир воситалар ўтайди.

Ҳозирги замон тилида шарт феъли ёлғиз ўзи ёки нисбий олмошлар билан бирга турли эргаш гапларнинг кесими вазифасида анча кенг қўлланади.

Бу феъл формаси ёзма ёдгорликларда учраса ҳам, ҳозирги замондаги каби кенг қўлланмаган: «Синчалак»да 253 марта қўлланганда, шунча ҳажмдаги «Бобирнома»нинг бир парчасида 66 марта қўлланади, холос. Бунинг сабаби — аввало айрим мазмун муносабатлари учун шарт формасидан бошқа воситалар қўлланган бўлса, иккинчидан, шарт феъли функциясини аниқлик феъли ҳам бажара олган ***(тāпди ҳäм ... кәлди әрсä)***.

Шарт феъли бошқарган конструкциялар қадимда мазмунан ҳозирги даврдагига нисбатан мустақилликка эга бўлган.

Шарт феъли бошқарган конструкцияларнинг мазмуни дастлабки ёдномаларда анча мураккаб бўлган: айниқса, шарт ва пайт мазмуни бир-биридан ажралмайди, бирликда ифодаланади.

Кейинроқ шарт феъли орқали пайт муносабатини ифодалаш иккинчи планга ўтади.

Шарт феъли тўсиқсизлик муносабатини ифодалаш учун хизмат қилган. Кейинроқ ***ҳам*** ёрдамчисини келтириш йўли билан тўсиқсизлик мазмуни янги формага эга бўлади.

---

[7] М. Кошғарий *гали//ғалы* равишдош формасининг функциясини бошқачароқ тушунади (Қаранг: ДЛТ, II том, 132-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эргаш гапларнинг шаклланишида нисбий олмошларнинг ҳам роли катта бўлган. Нисбий олмош иштирок этган қўшма гапларнинг шаклланишида боғловчисиз қўшма гаплар асос бўлди. Қўшма гап қисмлари орасидаги логик алоқа айрим сўроқ ва кўрсатиш олмошларини ва баъзи равишларни нисбий олмошга айлантирди.

Ҳозирги замон тилида нисбий олмошлар турли-туман эргаш гаплар тузишда қўлланади. Бу хил эргаш гапларнинг кесими шарт феъли формасида бўлади. Нисбий олмошларнинг айримлари бизга маълум бўлган энг ибтидоий ёдномалардаёқ (КТ, Тоn) шаклланиб етган эди. Аммо улар жуда кам бўлиб, асосан коррелятивсиз қўлланади. Кейинги давр ёдномаларида нисбий олмошларнинг сони орта боради ва коррелятив сўзлар билан бирга қўлланиши кўп учрайди. Ҳатто Навоий тилида нисбий олмошларнинг қўлланиши ҳозирги даврга нисбатан ҳам кўпроқдир. Бунинг сабаби қўшма гап қисмлари орасида мазмун муносабатларини конкретроқ ифодалашга интилишдир. Нисбий олмошларнинг қўлланишидаги бошқа бир хусусият шундаки, бу хил олмош иштирок этган конструкцияларнинг кесими ДЛТ, ҚБда шарт ва аниқлик феъли формасида бўлса, Н., Бн тилида асосан аниқлик феъли шаклида бўлади. Фақат ШТм га келиб, бу хил конструкцияларнинг кесими асосан шарт феъли орқали ифодаланиб, ҳозирги замон тилига яқинлашади (кесим аниқлик феъли бўлганда, тобе муносабатни кўрсатувчи асосий белги нисбий олмош бўлиб қолади).

Нисбий олмошларнинг форма, семантика ва функциясида ҳам маълум ўзгаришлар рўй беради (***қач→қачон; нәң, нә → нимä; нәтäк → қандай; андāқ →шундай; бу, ул*** олмошлари *шундай* олмоши маъносида ҳам қўлланган); нисбий олмош иштирок этган эргаш гап конструкцияларининг миқдори ҳам орта боради.

Тобе боғловчи ёрдами билан шаклланган эргаш гаплар ҳозирги замон тилида унча катта ўринни эгалламайди. Агар «Синчалак» повестида бу хил эргаш гап конструкциялари 81 марта учраса, «Бобирнома»да шундай ҳажмдаги текстда бундай конструкциялар 837 марта қўлланади. Бунинг сабаби — форс-тожикча ва қадимги туркча айрим боғловчилар истеъмолдан чиқиши (***чўн, нәчўнким, бāвужуды, бирўк, абаң, қалы***) ва айрим боғловчиларнинг функция доираларининг торайиши (***-ки***, ***-тā***, ***чўнки***) бўлди. Истеъмолдан чиққан ва функция доираси торайган боғловчилар тузган конструкциялар ўрнига асл ўзбекча конструкциялар (сифатдош конструкциялари, боғловчисиз конструкциялар) қўлланади. Айрим боғловчиларнинг эса функционал қиммати сусаяди; ***äгäр, äгäрчи***, *мäгäр* боғловчиси ёзма ёдномаларда кенг қўлланиб, бу хил конструкцияларнинг кесими мустақил формада бўлади (аниқлик феъли, от кесим). Бу ҳолда қўшма гап қисмлари орасидаги шарт, тўсиқсизлик, қиёслаш каби муносабатларни кўрсатиб турувчи белги шу боғловчилар бўлади. Кейинроқ, ШТм дан бошлаб, ***äгäр, äгäрчи, мäгäр*** боғловчилари иштирок этган эргаш гапнинг кесими шарт феъли формасида бўлади. Бу ҳолда қўшма гап қисмлари орасидаги шарт, тўсиқ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сиз, қиёслаш каби муносабатлар шарт феълининг ўзи орқали ҳам ифодаланади. Бу ҳол кўрсатилган боғловчиларнинг функционал қимматини сусайтиришга олиб келади.

-*Ким*//-*ки* боғловчисининг тарихий тараққиёти характерлидир. Бу боғловчи дастлабки ёдномаларда тор функцияда қўлланган бўлса-да, кейинроқ, асосан Н. ва Бн тилида унинг функция доираси ниҳоятда кенгайиб, ёлғиз ўзи 11 хил функцияда ишлатилади. Форс-тожикча -*ки* боғловчисининг ҳам функциясини ифодалай бошлайди.

Агар «Бобирнома»даги текширилган бир қисмда -*ким*//-*ки* конструкция 678 марта қўлланса, «Синчалак» повестида ҳаммаси бўлиб 11 марта қўлланади, холос.

Кейинги ёзма ёдгорликларда, асосан ШТм да ва айниқса ҳозирги замон тилида бу боғловчининг функция доираси жуда чегараланган.

Бунинг сабаби—форс-тожикча конструкциялардан воз кечилиб, ёзма адабий тилнинг халқ тилига яқинлаштирилиши, халқ тилида қўлланувчи конструкциялар билан алмаштирилишидир. -*Ким*//-*ки* иштирок этган форс-тожикча конструкциялар ўрнини асосан сифатдош конструкцияли қўшма гаплар ва айрим ҳолларда боғловчисиз қўшма гап конструкциялари эгаллайди.

***Деб*** феъли формаси энг қадимги ёзма ёдномалардаёқ қўшма гап қисмларини бириктирувчи бир восита сифатида қўлланади (***тәп***, ***тәйин; тәйӯ*** шаклларида). Бу воситанинг қўлланиши тобора ортиб боради ва ҳозирги замон тилида кенг қўлланади (***деб***, ***дея***, ***деса***, ***деган***, ***деганни***, ***деганга***, ***деганда***, ***дегандан*** ва бошқа формаларида).

Текшириш, бир томондан, тобе боғловчиларнинг функцияси кенг бўлганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, тобе боғловчили (шунингдек, нисбий олмошли) конструкцияларнинг кесими мустақил формада қўлланганини кўрсатади. Фақат сўнгги ёдномаларда ва ҳозирги замон тилида бу хил конструкцияларнинг кесими тобе формада (сифатдош, равишдош, шарт феъли)да бўлади. Бу ҳол аввало қўшма гап қисмларининг мазмунан анча мустақил бўлгани, бора-бора иккинчи бир гапга тобе бўлиб, унинг изоҳловчисига айланиб, мустақиллигини йўқота борганини ва шу мазмунига мувофиқ, тобе формага эга бўлганини кўрсатади.

Эргаш гапларнинг шаклланишида келишиклар (асосан, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари) ва кўмакчиларнинг ҳам роли бўлган. Ҳозирги замон тилида бу воситалар жуда кам қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЛОВА

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# I. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ»НИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТИ

## I. ГАП БЎЛАКЛАРИ

«Ҳибатул ҳақойиқ» тилида гап бўлаклари ўзининг грамматик ва семантик хусусиятлари билан, бир томондан, «Қутадғу билик» ва «Девону луғотит турк» тилида қўлланган гап бўлакларига ўхшаса, иккинчи томондан, ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларига ўхшайди.

Гап бўлаклари мустақил сўз туркумлари орқали ифодаланади.

**Эга.** Эга бош келишик формасидаги от, олмош, отлашган сўзларни ифодалайди. Кесим составида I ва II шахс формантлари бўлганда, эга ифодаланмайди: *Илāҳы өкÿш ҳāмд айурман саңа* (CXVIII, 40 *б*).

Эга сифатдош ёки ҳаракат номи орқали ифодаланганда (бундай конструкциялар кўп учрайди), бундай эгалар асосан кенг составли бўлиб, ўз таркибида тўлдирувчи ёки ҳол (ҳамда уларга оид гап бўлаклари) ни бошқариб келади. Шунинг учун ҳам бундай мураккаб составли эгалар мураккаб тушунчаларни ифодалайдилар:

*Әрчи отқа йÿзин отқучы тил ол...* (CXXXII, 53).
*Қазāлāр йӧритгāн йаратқан мāлик* (CLI, 76 б).
*Олардын усанмақ қачан ол маңа* (CXXI, 43 б.).
*Сәнин барлығыңга дāлил арқаған,*
*Булур бир нәң ичрā дāлиллāр миң-а* (CXVIII, 40).

**Кесим.** Кесим гапнинг асосий ташкил этувчи қисми бўлиб, турли сўз туркумлари билан ифодаланади (от, феъл ва унинг функционал формалари, сифатдош, олмош, равиш, сон в. б.).

Кесимни ифодаловчи асосий гап бўлаги отдир. Кесимнинг шаклланишида ҚБ дан фарқ шу ердаки, ҲҲ тилида от билан ифодаланган кесим учинчи шахсда кўпинча шахс белгисини (*ол, әртурур* в. б. )олмайди, от кесим ўзи аниқловчи ва изоҳловчи бўлаклари билан кенгайиб келади:

*Раъиййатқа машфық сāлимдин* (Н. О. *сāлим тил) ҳāлим, Вāләкин бушарда шәри арслāний* (CXXIII, 45 *б.*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кесимнинг ҳаракат номи билан ифодаланиши ҳам ҚБга нисбатан кўпроқ қўлланади: *Әмӓл дәмишим дост ӳзӳн санмақ ол* (CXLVI, 64 *б.*).

Кесим функциясида кишилик олмошларининг қўлланиши кўринмайди, аммо ўзлик, айниқса сўроқ олмошларининг кесим вазифасида ишлатилиши характерлидир:

*Ажунқа бу сөкӳш маламат нәлӳк* (CLX, 76 б.).
*...олардын усанмақ қачан ол манга* (CXXI, 43 б.).

Макон келишиги формасидаги ёки кўмакчи билан бириккан отлар ҳам кесим вазифасида қўллана бошлайди:

*Қатығлық манга* (CXXII, 44 б.).
*Биликлик бирингӓ биликсиз миңин* (CXXVII, 48).
*Қамуғ тәгдӓчи нәң қазадын әрӳр* (CLXI, 77).
*Кӧни сөз асал дәк бу йалған басал* (CXXXIII, 53).

Учинчи шахс от кесимнинг шаклий белгиси бўлмиш ***ол*** ва ***әр—бол-***, ***тур*** (*ур*) — ёрдамчи сўзлари ҚБ га нисбатан камроқ қўлланади. ***кәрӓк*** модал сўзи бу вазифада қўлланмай, мустақил кесим бўлиб келади; *әр-*, ***бол-***, ***тур*** (*ур*) ёрдамчилари ўзига хос грамматик маъноларни (замон, майл в. б.) ҳам ифодалайди:

*Биликсизгӓ... насиҳат асығсыз* ***әрӳр*** (CXXVIII, 42).
*Йигит хожа болур...* (CXXXVI, 56).
*...арта* ***турур*** (CLVI, 73).

*Әр* тўлиқсиз феълининг кесим функциясида келиши характерлидир:

*Нәчӓ дана* ***әрди*** *нәчӓ файласуф* (CXXXVII, 56).

Кўрсатиб ўтилган воситалар уюшиб ёки умумлашиб келиши мумкин:

*Бу тилдин ким эзгӳ ким әсиз әрӳр* (CXXXII, 52). Кесимларнинг уюшиб келиши ҳам мумкин:

*Бахил накӓс отсиз* (Н. О.: отун) *тавар пасбани,*
*Йығар йәмӓс учмӓс тутир бәрк аны* (CXLIII, 61).
*Бу кӳч бар йарын йоқ бу дунйа нәңи* (CXXXVII, 56).

**Тўлдирувчи.** Тўлдирувчи, бош бўлаклар билан баробар, нутқда катта ўрин тутади ва асосий қўлланувчи бўлаклардан бири (кесимдан сўнг) ҳисобланади. Тўлдирувчининг бу муҳим хусусияти унинг шаклига ҳам таъсир этади: тўлдирувчи асосан бош келишик шаклида — белгисиз формада бўлади.

ҲҲ тилида воситали тўлдирувчига нисбатан воситасиз тўлдирувчи кўпроқ қўлланади (умуман воситасиз тўлдирувчи асар тилида ҳамма бўлакларга нисбатан ҳам кўпроқ ишлатилади).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлдирувчи асосан от билан ифодаланади. Воситали тўлдирувчини кўпроқ от ва сифат, воситасиз тўлдирувчини феъл бошқаради (бу ҳақда келишик ва кўмакчили конструкция бобига қаранг).

**Ҳол.** Субъектнинг ҳаракат ёки ҳолатини турли томондан характерлаш учун қўлланадиган ҳолнинг ҳамма турлари ҳам ҲҲда учрамайди, асосан ўрин, пайт, равиш ҳоли ва баъзан шарт ҳоли учрайди. Сабаб, мақсад, тўсиқсиз, ҳоллар қўлланмайди. Бунинг сабаби ҳолнинг бу турларини ифодаловчи сўз туркумларининг (махсус равишлар, ҳаракат номлари, шарт феълининг юклама билан бириккан кўриниши) мазкур функцияда ишлатилмаганлигидир.

Ҳол вазифасида қўлланувчи асосий сўз туркумлари — равишлар, отлар, равишдошлардир. Равишдош орқали ифодаланган ҳоллар кўпинча ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келади ва ярим ҳукм (полупредикативность) ифодалайди. Бундай функцияда равишдошнинг ***-(и) б*** формаси қўлланади:

***Улуғларны бушруп саңа*** бу ***мазаҳ*** (مَزَاحْ), ***кичикләрни устаҳ*** (Н. О.; ***(küstah) қылур бил йақын*** CLI, 68 б).

*Көнилик тонын кий қойуб әгрилик* (CXXXIV, 53).

Ҳол функциясида турли келишик ёки кўмакчили отларнинг қўлланиши тобора кенгаяди:

*Тилиң бәктä тутғыл... халы чықса бәктин* (CXXX, 51).

***-дәк/-тәк*** кўмакчиси билан бириккан отнинг ҳол функциясида қўлланиши кўпроқ учрайди:

*Йазар қол қучар **-дәк**...* (CXXXIX, 57 б.).

Сон билан ифодаланган ўлчов-даража ҳоли нумератив сўзсиз қўлланади:

***Икинч*** *бäр қылур сан...* (CXIX).

*Бир ол йаңшар әрсä ...* ***Икинч*** *йалған әрсä* (CXXXIII, 52).

Бир неча ўринда тожикча ***бäз*** сўзининг ҳол функциясида қўлланганини кўринади:

*Тўнўң кәтирип* ***баз*** *йарутур тäң-а* (CXIX, 42).

**Аниқловчи:** ҲҲ тилида аниқловчилар ифодаланиши, маъно группалари, ўринлашишлари ва бошқа хусусиятларига кўра ҚБ да қўлланган аниқловчилардан фарқланмайди. Сифатловчи аниқловчи вазифасида сифат, сифатдош, сон ва баъзи олмошлар қўлланиб, қаратқичли аниқловчи эса от ёки олмошлар орқали ифодаланади. Кишилик олмоши орқали ифодаланган аниқловчилар белгили бўлиб, от орқали ифодаланган аниқловчилар асосан бел-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гисиз бўлади (белгисиз аниқловчи ҚБ га қараганда, ХХ кўпроқ учрайди).

Аниқловчи вазифасида келган сифатдош ва баъзи сифатлар мураккаб составга эга бўлади, бундай аниқловчилар орқали маълум бир мақсад англашилиб, мазмунан эргаш гапга тенг бўладилар:

*Йығыб көңли тоймас көзи суқ бахил қул ол мāлға...* (CXLII, 60 б).

Аниқловчилар шеърият талаби билан аниқланмишдан кейин қўлланиши ёки ажратилиши ҳам мумкин.

## Гап бўлакларининг тартиби

ҲҲда гап бўлакларининг тартиби ҳозирги кунда ёзилган шеърий асар тилидан кам фарқланади, шу билан бирга, бу тартиб ҚБ тилига ҳам жуда яқиндир. Бу шеърий асарда ҳам гап бўлакларининг жойланиш тартиби ва бу тартибнинг ўзгариши (инверсия) ҚБда қўлланган қонун ва қоидалар асосидадир ҲҲда ҳам от кесим бўлган ўринларда эганинг кесимдан сўнг қўйилиши фикрни қоронғилаштиради:

*Абадāнниң ҳарāб ол сөңи* (CXXXVII, 56).
*Ӑмӓл асрасыңда бусуғлы ажал* (CXLVI, 64).
*Кичиклӓрни устаҳ қылур тил йақын* (CLI, 68).

Гап бўлакларининг тартиби соҳасида ҲҲнинг ҚБдан фарқи шу ердаки, ҲҲда *қамуғ* в. б. белгилаш олмошининг ёки белгили қаратқич аниқловчининг аниқланмишдан сўнг келиши учрамайди, сифатловчи аниқловчининг ҳам аниқланмишдан сўнг келиши 1,2 мисолларда учрайди холос (*ажунда ат әзгӳ қозуб*, CXL, 59).

## Ажратилган гап бўлаклари

Гап бўлакларининг ажратилиши мазмун талаби билан (маълум гап бўлаги маъносига диққатни жалб этиш, маънони кучайтиш) рўй беради. Ажратилган гап бўлаклари одатда инверсияга учрайди. ҲҲ тилида ҚБ дагидек ажратилган гап бўлакларининг ҳамма турлари ҳам учрамайди (бу ва шунга ўхшаш ҳолат ҲҲнинг кичик ҳажмга эга бўлиши билан ҳам изоҳланади). Сифат ёки равиш орқали ифодаланган ажратилган бўлаклар кўпинча ёлғиз ҳолда, от ёки сифатдош орқали ифодаланган ажратилган гап бўлакларининг состави кенг бўлади:

Ажратилган аниқловчи:

*Анын ӳз әрӳр бу китāб бир сӳзӳк* (CLXIII, 78).
*Бу ажун рабāт ол тушуб көчгӳлӳк* (CXXXV, 54).
*Әшит бӳт бу сөзгӓ қамуғ таңда таң* (CXXXII, 52).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажратилган изоҳловчи:

*'Али тәртиләнчи ол әрсиг тоӊ-а* (CXXI, 44).

Ажратилган ҳол:

*Тиләкчә тирил инч фараҳ қазғусиз* (CLII, 73).

Ажратилган равишдошли конструкциялар:

*Сөз ол дур тәкәббурни бāшдын сāлыб,*
*Тавāзъни бәрк тут* (CXLIII, 61).

ҲҲда ажратилган бўлакнинг ўзига хос бир конструкцияси учрайди. Бундай ажратилган бўлакнинг бош сўзи от бўлиб, макон келишигида бўлган от билан бирикади.

*Йаған болса йўклўк ўзәсиндә зар...* (CLXIV, 79).

## ГАП БУЛАКЛАРИ ВА ГАПЛАР БИЛАН ГРАММАТИК ЖИҲАТДАН АЛОҚАГА КИРИШМАГАН СУЗ ВА ГАПЛАР

**Киришлар.** ҲҲ тилида кириш сўзларнинг ҳам қўлланганини кўрамиз. ҚБда кенг ишлатилган ***көр*** ва ***кәл*** кириш сўзи ҲҲда учрайди:

*Ахы әр биликни йәтә билди* ***көр***
*Аньн сатты мāлын санā āлды* ***көр*** (CXL, 59).
*Биликлик киши* ***көр*** *билўр иш өдин* (CXXIX, 49).

Бундан ташқари, асар тилида ***қаны*** сўзининг кириш сўз вазифасида қўллана бошлашини кўрамиз:

*Мадҳ өтўнгил* ***қаны*** (CXXII, 44).
*Бахылликны* ***қаны*** *әгәр тил қайу* (CXL, 59).

Фикрнинг тартибини билдириш учун ***бир*** (биринчидан), ***икинч*** (иккинчидан) кириш сўзлари қўлланади:

***Бир*** *ол йаӊшар әрсә кәрәксиз сөзин,*
***Икинч*** *йалған әрсә ол әрниӊ тили* (CXXXIII, 52).

**Ундалмалар.** Ундалма нутқ қаратилган шахсни ифодаловчи сўзлардир. Нутқ қаратилган объект шу асарнинг умумий мазмунига, конкрет ситуация ва контекстга боғлиқдир: ҚБ, ҲҲ каби дидактик асарларда нутқ кўпроқ худога, пайғамбарларга, шоҳларга, контекстга кўра, умуман кишиларга қаратилади.

*Илāхи өкўш ҳамд айурмāн* ***саӊа*** (CXVIII, 40).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ундалмалар орқали маълум мақсад, маълум фикр ҳам ифодаланиши мумкин, асосий гап мазмуни ана шу мақсад ёки фикрга муносабат билдиради. Бундай мақсад учун ундалмага кенг ва ёйиқ аниқловчилар тиркалади (бундан мураккаб составли аниқловчининг бош сўзи кўпинча сифатдош ёки от, сифат орқали ифодаланади):

*Айа мāл әзиси ахы әзгӱ әр...* (CXLI, 60).

ҲҲ асарида ундалманинг гап орасида келиш ўринлари ҳам учрайди. Бундай ҳолда сўзловчининг нутқ қаратилган шахсга бўлган эмоциональ муносабати англашилади:

*Биликликкä йа дост өзӱңни ула* (CXXVI, 47)
*Әмäл дәмишим дост ӱзӱн санмақ* (CXLVI, 64).

ҲҲ тилида ундалма вазифасида кўпроқ *дост, илаҳи* сўзлари келиб, улар ***йа***, ***айа*** каби ундов сўзлар билан бирикади.

## II. СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ВА НУТҚ ОБОРОТЛАРИ

### Битишув

ҲҲ тилида ҳам сўзларнинг ўзаро алоқага киришида энг кенг қўлланувчи грамматик усул битишув алоқаси бўлиб қолади. Сўзларни битишув алоқасида қўллаш шунчалик кенгки, кўпинча маълум жумлаларнинг мазмуни, сўзларнинг алоқаси жуда қийинлик билан аниқланади (бу ҳол айниқса отларнинг ўзаро алоқага киришган ўринларида яққол кўринади; от қатнашган сўз бирикмалари, маълумки, ҲҲ тилида — бошқа асарларда ҳам — асосий ўринни эгаллайди):

*Баҳāлық динāр ол биликлик киши,*
*Бу жäҳыл биликсиз баҳāсыз биши,*
*Биликлик биликсиз қачан тәң болур,*
*Биликлик тиши әр жāҳыл әр тиши* (CXXVI, 47).

ҚБдаги каби ҲҲ ҳам битишув алоқасининг бутун типлари (сифат — от, сифатдош — от, сон — от, равиш — феъл, равишдош — феъл, олмош — от, олмош — феъл, от — от в. б.) кенг қўлланади. Баъзи бир мисоллар:

*Бирäр айб болур* (CLIII, 70).
*Икинч бар қылур сан* (CXIX).
*Тӱркчä китаб* (CLXII, 78).
*Айа мāлға суқ әр йақын бил бу мāл.*
*Бу кӱн қазғу сақынч йарын йӱк вäбал* (CLVIII, 74).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Келишикли конструкция

ҲҲ тилида бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш ва восита келишиклари қўлланади. Бу келишиклар ичида бош ва тушум келишиклари энг кўп қўлланувчи, восита келишиги эса жуда кам ишлатилувчи келишиклардир[1].

Келишикларни бошқарувчи асосий сўз отдир. Шундай қилиб от бошқарган конструкция асосий ўринни эгаллайди.

**Бош келишик.** Бу келишикнинг асосий вазифаси эга, кесим, баъзан ҳол вазифасини бажаришдир (бошқа келишикларнинг белгисиз формаси бош келишик ҳисобланмайди); бундан ташқари бош келишикдаги сўз ундалма ҳам бўлиб келади:

*Бу қудрат әзиси улуғ бир байат* (CXX, 42).
*Мән артут қылайын* (CXXII, 44).
*Айа дост биликлик изин изläгил* (CXXXIX, 58).

Бош келишикдаги сўзнинг ҳол функциясида келиши характерлидир.

*Саҳāват самāқат тутар Усмāни* (CXXIII, 45).
*'Адл әшит уқ муны* (CXXIV, 46).

Бош келишик шаклида от ёки олмошларгина эмас, отлашган сўзлар ҳам келади:

*Биликсиз йиликсиз сөнгäк тәк...* (CXXVI, 48).
*Саның бырлығыңға дäлил арқаған,*
*Билур бир нәң ичрä дäлиллар миң-ä* (CXVIII, 40).

Бош келишикдаги сўз эгалик, кўплик билан турлана олади, ёки кўмакчи билан бирикади:

*Яратты оғаным тӱнӱң кӱндӱзӱң* (CXIX, 42).
*Анлар қызыл әң* (CXX, 43).
*Шāхым мäдҳи бирлä бәзäйин китāб* (CXXII).
*Умар дәк āриф* (CXXIII, 45).

Бош келишикдаги сўзнинг кўмакчи феъллар билан келиши жуда оз учрайди.

**Қаратқич келишиги.** Қаратқич келишигининг формалари асосан ***-ниң//-ның, -нӱң//-нуң, -(и) (ы)ң*** бўлиб, кўпинча лаб гармонияси бузилади.

Қаратқич келишиги асосан қарашлилик ифодалайди, кўпинча белгиси тушиб қолади, кишилик олмошларида эса белгиси доим сақланади (бу ҳақда изофа бўлимига қаранг).

Қаратқич келишигидаги сўзнинг кесим вазифасида қўлланиши ҲҲда ҳам учрайди (1-мисол):

---

[1] Келишик категорияси ҳақида қаранг: Қ. Махмудов, Фонетические и морфологические особенности «Хибатул хакаик», Автореферат канд. диссертации, Ташкент, 1964, стр. 12—15.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Улуғ бир байат: Улуғлуғ* ***манының,***
*Сиз* ***алынмаң*** *дәди* (CXLV, 63).

Қаратқич келишигидаги сўзнинг эга вазифасида келиши характерлидир:

*Әрӓн көрки оқи ол сөнгӓкниң йилик* (CXXVI, 48).

**Тушум келишиги.** ҲҲда тушум келишигининг шакллари ***-ни//-ны, -(и//ы)н*** дир; келишикнинг ***-и*** || ***ы*** ва ***ун*** формалари жуда кам учрайди.

Тушум келишиги асар тилида жуда кенг қўлланувчи категориядир. Бу келишик маълум ҳаракат ёки ҳолатни (физик ёки психик ҳаракат ёҳуд таъсир) ўзига қабул қилган объектни кўрсатади. Бундай объект от, олмош ёки отлашган сўзлар орқали ифодаланиб, асосан феъл ёки унинг функционал типлари билан алоқага киришади:

*Көни сөзлӓ тилиңни бәзӓ* (CXXXIII, 52).
*Битидим китаби* (CLXII, 77).
*Көнилик тонын кий* (CXXXIV, 53).

Тушум келишигининг белгисиз шакли ҳам ҲҲда кенг қўлланади. Тушум келишигидаги сўз конкрет тушунчани ифодалаб, ўз аниқловчиси билан келса, ёки эгалик аффикси билан турланса ёхуд конкрет шахс англатувчи отлашган сўз орқали ифодаланса, бундай сўз белгисиз тушум келишигида бўлади (худди шу хусусиятларга эга бўлган сўз ҳозирги замон тилида ҳар вақт белгили бўлади):

*Бу китаб чықардым* (CXXV, 46).
*Йықықлы йари бәр кәсӱкли ула* (CLI, 68).
*Сөзӱң бошлуғ әтмӓ* (CXXXI, 51).
*Йӱл отдын өзӱң* (CXXXII, 53).

Контекст, мазмун ва шеър талаби билан кўрсатиб ўтилган қоида бузилиши ҳам мумкин:

*Тӱнӓтӱр тӱнӱңни кӱнӱң кәтӓрип* (CXIX, 42).

Тушум келишиги бошқа келишиклар ўрнида ҳам кела олади.

Қаратқич келишиги ўрнида:

*Өкӱшрӓк кишиниң ичи ʻадр әрӱр,*
*Көни достуң әрсӓ тӓшы бил* ***муни*** (CLV, 71).

Жўналиш келишиги ўрнида:

*Ахы әр биликни йәрӓ билди көр* (CXL, 59).

Тушум келишигидаги сўзнинг субъект функциясида келиши характерлидир:

*Санга ҳадийа қылдым бу таңсуқ сөзӱм,*
*Маңа ҳадийа қылсу дуъа дәб саны* (CXIII, 78).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Жўналиш келишиги.** Бу келишик *-қа//-ға//-гä* шаклларига эга бўлиб, унинг *-а//ä, -ғар//-гäр* шакллари кам қўлланади.

Жўналиш келишиги от, олмош, ҳаракат номи, феъл, сифатдош формаларига қўшилиб, бирор белги ёки ҳаракат, ҳолатнинг йўналиш ўрни, оидлиги, ким ёки нимага аталгани, мақсад, тенглик, эвоз каби маъноларни ифодалайди:

*Йўрўр əң сөнгä* (CXIX, 42).
*Бу ол йўзгä көз* (CXX, 43).
*...Ҳатāлық қул əрсäм санга* (CXXI, 44).
*Татурмас əсāнында тўз достына* (CXLIII, 61).
*Ангар панд насиҳат асықсиз əрўр* (CXXVIII, 40).
*Сəниң бāрлығыңға тануғлуқ бəрўр...* (CXVIII, 40).
*Йоқ бил анга тўш тəң-ä* (CXX, 43).

Шуниси характерлики, ҲҲ тилида жўналиш келишигини кўпроқ от ёки сифатлар бошқаради:

*Бу ол йўзгä көз* (CXX, 43).
*Бу əңгä мəң-ä* (CXX, 43).
*Биликсизгä ҳақ сөз татығсыз əрўр* (CXXXVIII, 49).
*Умунчқа оруп* (CXXXVIII, 57).
*Ҳунарлыққа ажун вафāсызрақ ол,*
*Ҳунарсызға мундын жафā āзрāқ ол* (CLIX, 76).

Асар тилида жўналиш келишигининг белгисиз формаси ҳам учрайди:

*Йықықлы(ға) йари бəр кəсўкли ула* (CLI, 68).
*Йоқар йоқлади* (CXXVII, 48) — юқорилади.

**Ўрин-пайт келишиги.** Бу келишикнинг шаклий белгилари *-да//-дä//-та* аффиксларидир. Бу келишик ҳам от, сифат ёки феъл, сифатдош орқали бошқарилади. Айниқса от ва сифат билан бошқарилиши кўпроқ учрайди (от ёки сифат билан бошқариш оғзаки тилга хос хусусият бўлиб, феъл билан бошқаришда бундай конструкциянинг сунъийлиги сезилиб туради. Демак, мазкур масалада ҲҲ тилини халқ тилига яқинлашиш тенденцияси сезилади).

Ўрин-пайт келишигидаги сўз билан бириккан конструкцияларда асосан белги-хусусиятнинг рўй бериш ўрни ёки пайти, баъзан бутундан бўлак ёки тўдадан қисм, қиёс каби грамматик маънолар ифодаланади:

*Ажунда āт əзгў қозуб* (CXL, 59).
*Бахыл āлды анда өкўнчдин ўлўш* (CXLI, 59).
*Бушарда шəра арсланы* (CXXIII, 45).
*Татурмас əсанында тўз...* (CXLIII, 61).

Ўрин-пайт келишиги кўп ўринларда чиқиш келишиги вазифаси ўрнида қўлланади. Аммо ўрин-пайт келишигининг бу вазифаси ҲҲ тилида чекланиб, қуйидаги уч ўриндагина қўлланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1) бутундан бўлак ёки тўдадан қисм:

*Миңиндä бири* (CXXXVII, 56).
*достта бири* (CLV, 71).
*Әликлäрдä қутлуғ бәрикли әлик* (CXLII, 60—2).

*Қылықларда әзгÿ қылық* (CXLIII, 62).
*Қамуғ тангда танг* (CXXXII, 52).

2) қиёслаш, даражалаш:

*Қамуғ қызда қизрақ ол* (CLX, 76).

3) маълум белги-хусусият ёки ҳаракатнинг (рўй бериш ўрни) ёки пайти ифодаланиб, белги-хусусият ёки ҳаракат шу ўринда бошланиши англашилади; бундай формани ўрин-пайт келишигида ҳам, чиқиш келишигида ҳам қўллаш мумкин.

*Төрÿтмишдä йоқ бил анга туш тәң-ä* (CXX, 43).
*Иш әзгÿсиндä өкÿси хайир кәлÿр* (CLV, 71).
*Бу дунйа сөңида йÿгÿрмäк нәчä* (CXXXV, 55).

**Чиқиш келишиги.** Чиқиш келишиги *-дан*//*-дын*//*-тин*//*-тын* шаклларига эга. Чиқиш келишиги ҳам юқоридаги мулоҳазалар сабабли, кўпроқ от ёки сифат билан, камроқ феъл билан бошқарилади.

Чиқиш келишикли конструкция белги-хусусият ёки ҳаракатнинг келиб чиқиш ўрни ёки манбаи, қиёслаш, бутундан бўлак каби грамматик маъноларни ифодалайди:

*Симäкдин* (سيمكدين) *әдизрäк* (CXXXIII, 45).

*Дәңиздин каримрäк шäхим* (CXXXIV, 46).
*Билиқтин айурман* (CXXXVI, 47).
*Көңÿлдин чиқарғил* (CXXXV, 55).
*Йиғди ҳарāмдин* (CXLI, 59).
*Мундин жāфä азрāқ ол* (CLIX, 76).

**Восита келишиги.** Восита келишигининг ХҲ да учраган формалари *-ын*//*ин*, *-ун*//*ÿн* аффиксларидир. Восита келишиги жуда кам—7-9 сўзда учрайди, холос. Шунинг учун унинг ифодалаган маънолари ҳам чегаралидир, бу келишик асосан восита, баъзан ҳаракат, ҳолат ёки белги-хусусиятнинг рўй бериш равиши ёки ҳолатини ифодалайди:

*Йаңшар әрсä кәрäксиз сөзÿн* (CXXXIII, 52).
*Бир әлгин тутуб шäхд бирин зäҳäр қатар* (CXXXVII, 56).
*Бирин кәлсä рāҳат кәлÿр рäнҗ онун* (CXXXVIII, 57).
*Тирил әзгÿ феълин* (CLIV, 70).

Жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари олдидан қўлланувчи *-н* товуши («вставочное « *н* »») ХҲ тилида систематик ишлатилмайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бу дунйа сөңидä* (CXXXV, 55).
*Бу динйа* ***нәңидин*** (CXXXVI, 55).

Аммо:

*ичиндä* (CXXXVIII, 57).
*Әшингä* (CXXI, 43).

**Кўмакчили конструкция.** ҲҲ тилида ҳам кўмакчиларнинг ҳар икки тури — кўмакчи равишлар, яъни ҳам кўмакчи, ҳам равиш вазифасидаги сўзлар ва асл кўмакчилар қўлланади. Кўмакчи равишлар сифатида ***ўзä, ўзäлä, ара, оза, кәзин, ичрä, ичиндä*** сўзлари, асл кўмакчилар сифатида ***бирлä*** (***билä***), ***ўчўн, таба, дәк*** (***тәк***) ёрдамчилари қўлланади.

Кўмакчилар от, олмош ёки сифатдошларга боғланади.

Кўмакчили конструкцияларнинг бош сўзи кўпроқ от ёки сифат бўлиб, феъл камроқ қўлланади. Кўмакчили конструкциялар орқали турли грамматик маънолар реаллашади.

## I. Кўмакчи равишлар

*Ўзä* кўмакчи равиши бош келишикдаги сўз билан бирикиб, ҳаракат, ҳолат ёки хусусиятнинг қандай равишда рўй беришини ифодалайди; бундай ҳолда ***ўзä*** конкрет ўрин эмас (бу унинг асл маъноси ва функцияси), балки абстракт тушунчани ифодалаб, абстракт маъноли от билан бирикади:

*Кәчўр умруң сан ма көнилик ўзä* (CXXXIII, 52).

***Ара*** кўмакчи равиши бош келишикдаги конкрет от билан бирикиб, ҳаракат ёки хусусиятнинг рўй бериш ўрнини кўрсатади (бу кўмакчининг ***арала*** варианти ҲҲда йўқ):

*Кишилäр* ***ара*** *...таңсуқ әдиз болсун тәб* (CXXV, 47).
*Улўш болды малы кишилäр* ***ара*** (CXLI, 59).

***Оза*** кўмакчи равиши пайт муносабатини реаллаштириш учун хизмат қилади. Бу кўмакчи чиқиш келишигидаги отни бошқаради:

*Ары заҳри татқу асалдин* ***оза*** (CLIX, 75).

***Кәзин*** кўмакчи равиши ҳам пайт муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу кўмакчи олмош ёки отларга қўшилади, бошқарилувчи сўз шаклан ўрин-пайт, мазмунан чиқиш келишигида келади: ***манда кәзин*** (CLXIII, 78).

***Ичрä*** кўмакчи равиши бош келишикдаги отни бошқариб келади ва бошқа бир от билан муносабатга киритади. Бу кўмакчи маълум хусусиятнинг нима соҳада, нима бўйича эканлигини ёки ўрнини кўрсатади:

*Салāбат* ***ичинда*** *Умардак āриф* (CXXIII, 45).
*Бир нәң* ***ичрä*** *дäлиллäр миң-ä* (CXVIII, 40).
*Тўгäтти он төрт бāб ичрä сөзи* (CLXIII, 78).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II. Асл кўмакчилар

***бирлä//билä*** кўмакчиси бош келишик формасидаги отни ёки қаратқич келишиги формасидаги олмошни бошқаради ва бошқарилувчи сўзни феъл билан муносабатга киритади. Бу кўмакчи ҚБ тилида асосан кўмакчи равиш ва равиш функциясида келади. Унинг равишлик функцияси ҲҲда ҳам бир ўринда учрайди:

*Асал қайда әрсä* ***билä*** *арысы* (CLIX, 75).

***бирлä//билä*** кўмакчи вазифасида биргалик, восита усул маъноларида қўлланади:

*Қалып әр* ***билä*** (CXLIV, 62).
*Аның мадҳы* ***бирлä*** *тäтир бу тилим* (CXX, 43).
*Мадҳы* ***бирлä*** *бәзäйин* (CXXII, 45).

***Учўн*** кўмакчиси от билан бирикиб, унинг бош келишикда бўлишини талаб этади ва бу отни феъл билан бириктириб, мақсад, аташ маъносини ифодалайди:

*Дад ыспаҳсалар бәк* ***ўчўн*** *бу китаб чиқардым* (CXXV, 46).

***Таба, табару*** кўмакчилари бир ўринда учраб, бош келишикдаги от билан бирикади ва белги-хусусиятнинг йўналиш томонини кўрсатади:

*Ажун* ***таба*** *өггўчи* (CLX, 76).
*Улуғлуғ* ***табару*** *әлик сундуғуң* (CXLУ, 63)

***дәк//тәк*** (دَاكْ تَاكْ) кўмакчиси ҲҲ тилида анча кенг қўлланади ва бош келишикдаги от билан бирикиб, кўпинча, уни бошқа от билан бириктиради. Бу кўмакчили конструкцияда ўхшатиш муносабати ифодаланади:

*Нә нәң бар билик* ***тәк*** *асығлық өнгин* (CXXVII, 48).
*Қурт* ***дәк*** *оқуң кәзлäгил* (CXXXIX, 58).

*Тәк* кўмакчиси қиёслаш ёки ўхшатиш эргаш гапларнинг кесими таркибида келиб, эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Бундай эргаш гапнинг кесими одатда от кесим бўлади:

*Сөнгäккä йилик* ***тәк*** *әрäнга билик*
*Биликсиз йиликсиз сөнгäк тәк халы,*
*Йиликсиз сөнгäккä сунулмас әлик* (CXXVI, 48).

### Сифатдош конструкцияси

Сифатдош категорияси ҲҲ тилида актив қўлланувчи категориялардан бири бўлиб қолади. Сифатдошнинг ***-гў, -р, -миш, -гäн, -тачы, -дуқ, -ықлы*** формалари (ва уларнинг фонетик вариантлари) асар тилида қўлланади. ҚБ тилидаги айни форма-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг қўлланишидан фарқ шу ердаки, сифатдошнинг *-ған* ва *-ықлы* формаси кенг қўлланса, *-миш* ва *-гў*, айниқса *-дуқ* формалари озроқ ишлатилади (*-миш* формаси ўрнида ўтган замон феълининг *-ди* формаси қўлланади), сифатдошнинг *-р* шакли кўпроқ ҳозирги замон давом феъли функциясида келади (Бу сифатдошнинг инкор формаси асосан *-мас* шаклида, айрим ҳоллардагина *-ма + з* шаклида). Сифатдошнинг ҚБ тилида қўлланган *-ди, -чи, -игсäк*, *-ма* шакллари асар тилида бу вазифада ишлатилмайди.

Сифатдошнинг ёлғиз қўлланиши кам учрайди, у асосан маълум гап бўлакларини (тўлдирувчи, ҳол ҳамда уларга оид бўлакларни) бошқариб келиб, кенг ва ёйиқ конструкцияларни ташкил этади. Шунинг учун ҳам сифатдош конструкцияси мураккаб фикрни ифодалашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади (шунга кўра, сифатдош конструкцияли гап мазмунан қўшма гапга тенг бўлади):

*Айа шāҳым эрдäмлäрин санаған,*
*Санарму эдиз қум ушақ таш саны* (CXXIII, 46).
*Айа эзгӯ умған эсизлик қылып,*
*Тикäн тарыған эр өзӯм* (Н. А. üzüm) *бичмäз ол* (CLV, 70).
*Бу бир 'айибдин өтрӯ башын кэсгӯчи,*
*Ажунда тирилгӯ кишисиз қалур* (CLIII, 70).

## Бош келишик формасида бўлган сифатдош конструкцияси

Ёлғиз ёки ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келган сифатдошнинг синтактик функцияси қуйидагичадир:

1) **аниқловчи.** Бу функцияда кўпроқ сифатдошнинг *-гäн, -қлы* формалари, камроқ *-р* (*-мас//-маз*), *-гӯ*, *-тäчи*, *-миш* формалари келади:

*Оқуған кишиниң* (CXXII, 45).
*Учгäн йӯгӯргäн нэң* (CXVIII, 40).
*Китāбымны көргäн эшитгäн киши* (CXXV, 46).
*Такаббур тутар эрни кэмшӯр қозы* (CXLIV, 83).
*Өгä билмäс эргä* (CXXII, 45).
*Тирилгӯ киши* (CLIII, 70).
*Кэзинги кэликли кишилäр ара...* (CXXV, 47).
*Қамуғ тэгдäчи нэң қазāдын эрӯр* (CLXI, 77).
*Озағы урулмыш масал* (CXXXIII, 53).

Эгалик аффикси билан турланган *-миш* формали сифатдошнинг аниқловчи функциясида келиши характерлидир:

*Маның дэмишиң нэң адынлар өңи* (CXXXVII, 56).



www.ziyouz.com kutubxonasi

2) **эга.** Эга функциясида кўпроқ, ***-гäн*** ва ***-қлы*** формалари келади; шунингдек ***-гўчи*** ва ***-дуқ*** сифатдошининг асосий функцияси ҳам эгадир:

*Сэның бирлигиңгä дäлил арқа**ған**, булур...* (CXVIII, 40).
*Саңа рäнж анга гäнж бэрик**ли** уған* (CLXI, 77).
*Бақы**ғлы**, оқу**ғлы** асығ алсу дэб...* (CXXV, 47).
*Бу бир 'айыбдыч өтрў башын кэс**гўчи**,*
*Ажунда тирил**гў** кишисиз қалур* (CLIII, 70).
*Сэның малың ол мал ашынтурду**ғуң***
*Саңа ҳасрат ол бэк тутуб турду**ғуң*** (CLIX, 75).

3) ***-ған*** сифатдош формаси кўпинча ўзига оид сўзлар билан кенгайиб ундалма бўлиб келади:

*Айа шахым эрдäмлäрин сана**ған**,*
*Санарму эзиз қум ушақ таш саны* (CXXIII, 46).

4) **кесим.** Бу функцияни асосан *-р* формаси сифатдош, камроқ сифатдошнинг бошқа ***-гäн, -миш, -қу, -гўлўк, -дуқ (уң)*** формалари бажаради:

*Айурман, умарман* (CXVIII, 40).
*Ғалат маънисини айыт**мыш** йана* (CXVI, 81).
*Айыт**мыш** Адиб рыққаты тил билä* (CXV, 80).
*Тавар бирлä эрсä улуғсын**дуғуң***
*Улуғлуғ табару элик сун**дуғуң*** (CXLV, 63).

Сифатдошнинг *-гäн* формаси отлашгандагина кесим вазифасида келади:

***Йирилгäн сөкўлгäн тэриб бэрмäгäн*** (CXLI, 60).

***-гў*** ва ***-гўлўк*** формали сифатдошлар бир составли гапнинг кесими бўлиб келади:

*Асал заҳри тат**қу** асалдын оза* (CLIX, 75).
*Йилан оқла**ғу*** (CXXXVIII, 57) — *илонни отиш керак*
*Бу дунйа нэҳиндин йэгў кэз**гўлўк*** (CXXXVI, 55).

5) ҳол. Бу функцияда сифатдошнинг *-**гўлўк*** формаси келади:

*Рабатқа тўшукли тўшäр көч**гўлўг*** (CXXXV, 54).

6) бош келишик формасидаги сифатдош конструкцияси боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг бирининг ёки ҳар иккисининг кесими вазифасида келади. Бу вазифада кўпроқ сифатдошнинг ***-р*** формаси келади:

*Навадир сўзўк аз болур ҳазил өкўш,*
*Жўз атлас болур қыз ўжўзи бөзöк* (CLXIII, 78).

7) бош келишик формасидаги сифатдош аниқловчи эргаш гапнинг махсус типининг кесими бўлиб келади; бу вазифада ***-ма + з//с*** ва ***-гў*** шаклли сифатдошлар келади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Нәчӓ йэр бар әрди сығышмаз әри* (CXXXVII, 56).
*Сөкӱнч кәлгӱ йолны ахылық тийӱр* (CXL, 58).

Шуниси характерлики, бундай сифатдош конструкциясининг эгаси қаратқич келишигида бўлиши ҳам мумкин (Бу билан ҲҲ тили ҳозирги замон ўзбек тилига яқинлашади):

*Агӓр билсӓ Қашғар тылын ҳар киши,*
*Өз ол Адибнинг нә ким аймышы* (CLXV, 80).

**Келишик формасини олган сифатдош конструкциялари**

Сифатдош турли келишик формалари билан турланиб келиши ҳам мумкин:

1) сифатдош кўпроқ жўналиш келишиги билан турланади. Бу келишик форманти асосан *-р* ёки *-тачы* формали сифатдошга қўшилиб, составли тўлдирувчи ёки ҳол функциясини бажаради:

*Бу ажун көрӓргӓ көрӱмлӱк тāшы* (CXXXVIII, 57).
*Көрӓрдӓ төзӱ бөрклӱк ол* (CXLVIII, 66) (Яна CXXXVIII, 57; CXLVIII, 66).
*Әлик тутттачымға әгирсӓ соң-а* (CXXI, 43).
*Жафā қылдачиңға йанут қыл вафā* (CIL, 67).

2) сифатдошнинг *-қлы* формаси тушум келишиги билан турланиб, составли тўлдирувчи функциясини бажаради:

*Тавāзи қылықлыны көтрӱр әзи* (CXLIV, 63).

Тушум келишиги формасидаги сифатдош эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаради:

*Билӱр ман дәсӓ айыб өзи билмӓсин* (CLXV, 80).

3) сифатдошнинг *-р* ёки *-мыш* формаси ўрин-пайт келишигида келиб, тўлдирувчи ёки пайт ҳоли вазифасини ўтайди:

*Вӓләкин бушарда шәрӓ арсланы* (CXXIII, 45).
*Төрутмиштӓ йоқ бил анга туш тәң-ӓ* (CXX, 43).

Сифатдошнинг *-гӓн* формасида ўрин-пайт келишиги билан турланиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиши мумкин:

*Өкӱш сөзлӓгӓнда өкунгӓн тилим,*
*Тилин бәклӓганда өкӱнгӓн қаны* (CXXXII, 51).

Чиқиш келишиги формасида сифатдошнинг *-гӓн* формаси келади ва равиш ҳоли вазифасини бажаради:

*Билӓ билмӓгӓндин улар өзини* (CLXV, 80).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Бошқа формалар билан бириккан сифатдош конструкцияси

1) Сифатдошнинг *-р* формаси тўлиқсиз феъл билан бирикиб, шарт-пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади:

*Бир ол йаңшар эрсä...* (CXXXIII, 52).

2) ***эркäн*** тўлиқсиз феъли сифат билан бирикиб, тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаради:

*Биликсиз тирик **эркäн** аты өлӱк* (CXXVII, 48).

3) ***-гäн*** сифатдоши ***бол—(болур)*** боғламаси билан бирикиб, кесим вазифасида келади:

*Биликлик биликни **äдäргäн*** (اَدَارْگَانْ) ***болур.*** (CXXVIII, 49).

4) сифатдошнинг *-р* ва баъзан ***-миш*** формаси ***-дэк***//***тэк*** кўмакчиси билан бирикиб, ўхшатиш ҳоли ёки ўхшатиш эргаш гапнинг кесими бўлиб келади:

*Кэчäр йил кэчäр **дэк** маза муддати* (CXXXVI, 55).
*Йазар қол қуча **дэк** йана тэрк қачар* (CXXXIX, 57).
*Татыр тыл йэ**миш** **дэк** асал* (CLXII, 77).

## Ҳаракат номи конструкцияси

ҲҲ тилида ҳаракат номининг ***-мäк***//***мақ*** формаси учраб, у бош, жўналиш ёки чиқиш келишиклари билан турланади. Маъносига кўра ҳаракат номининг бу формаси феълга яқин туради.

Ҳаракат номи, феъл маъно ва хусусиятига кўра, маълум сўзларни бошқариб келади ва мазмунан мураккаб фикрни ифодалашда хизмат қилиб, кенг составли эга ёки тўлдирувчи вазифасини ўтайди:

*Өлӱклäрни тиргӱз**мäк** āсāн анга* (CXX, 42).
*Ҳунар бирлä давлат бирикил**мäги***
*Болунмаз қамуғ қызда ол қызрақ ол* (CLX, 76).
*Нэчä малға мунча көңӱл бағла**мақ*** (CXXXV, 55).
*Көңӱл бағла**мақ** бил хатāлар башы* (CXXXVIII, 57).
*Йилāн дэк бу ажун йилāн оқлағу,*
*Йоқа**мақ**қа йумшақ ичи пур ағу* (CXXXVIII, 57).

Асар тилида ***-мäк*** формали ҳаракат номининг инкор формаси ҳам қўлланиб, чиқиш келишиги қўшимчасини олади:

*Билик билмä**мäкдин** анча будун*
*Өз элгин бут этиб эзим бу дэди* (CXXX, 50).

## Нисбий олмошлар

ҲҲ тилида нисбий олмошлар эргаш гапларни бош гапга боғловчи лексик-грамматик восита ролини бажаради. ҚБ тилида



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланган нисбий олмошли конструкциялардан ҲҲда қўлланган ана шундай конструкцияларнинг фарқи қуйидагича:

1) ҲҲ тилида нисбий олмошлар камроқ қўлланади (бу ҳолат балки ҲҲнинг кичик ҳажмда эканлиги билан ҳам изоҳланиши мумкиндир).

2) нисбий олмош иштирок этган эргаш гапларнинг кесими фақат шарт феъли формасида бўлади.

3) ҲҲ да ***ҳäр*** олмоши ёрдами билан тузилган ***ҳäр ким***, ***ҳäр киши*** каби нисбий олмошлар қўлланади.

4) ҲҲ тилида нисбий олмошларнинг коррелятив сўзлар билан қўлланиши икки ўринда учрайди холос:

*Ким ол малсыз әрсä ол әрни көрӱб,*
*Йӱз әвруб қачарлар* (CLVIII, 74).
*Нә иш отру кәлсä саңа кәт йақын,*
*Ол ишниң өңини сөңини сақын* (CLIV, 70).

ҲҲ тилида эргаш гапни тузишда хизмат қилган нисбий олмошлар қуйидагилар:

1) ***ким*** олмоши бош ёки ўрин-пайт келишигида келади ёки ***әрсä*** боғламаси билан бирикади (***ким, ким әрсä, кимдä, кимдä әрсä; ким әрсä*** бир олмош сифатида ўқилади):

*Билик* ***кимдä әрсä*** *сиз арқаң дәди* (CXXVII, 48).
*Кäрäм* ***кимдä*** *болса аны әр дәгил* (CIL, 66).
***Ким*** *әрсä әътиқāд, тутар әрсä лаън* (لعن) *айурман ан͡га* (CXXI, 44).

2) бош келишик формасида ***ҳäр киши, ҳäр ким*** олмошлари қўлланади:

*Äгар билсä Кашғар тилин* ***ҳäр киши***
*Өз ол Äдибнинг* ***нәким*** *аймиши* (CLXV, 80 б).
*Билим тутса* ***ҳäр ким*** *Äдибниң сөзин,*
*Ҳалāйық ара ол гӱзинлäр өзин* (CLXVI, 81).

3) ***нә*** нисбий олмоши аниқловчи ёки эга эргаш гапни ташкил этади. Тўлдирувчи эргаш гап таркибида нә олмоши ***ким*** тобе боғловчиси билан бирикади (***нә ким***):

***Нә*** *иш отру кәлсä санга кәт йақын,*
*Ол ишниң өңини сөңини сақын* (CLIV, 70).
***Нә ким*** *кәлса әргä тилиндин кәлӱр* (CXXXII, 52).

4) ***нәчä*** нисбий олмоши ёлғиз ёки ***ма*** юкламаси билан тўсиқсиз эргаш гапни ташкил этади. Бунда нисбий олмош отга ёки феълга боғланади:

*Арымаз* ***нәчä*** *йувса қāн бирлä қāн* (CIL, 67).
*Илāҳи кәчӱргäн әзим сан кәчӱр,*
***Нәчä*** *ма хаталық қул әрсäм санга* (CXXI, 44).



www.ziyouz.com kutubxonasi

5) ***қайда*** нисбий олмоши ўрин эргаш гапни ташкил этади: ‘*Асал* ***қайда*** *эрсä билä арысы* (CLIX, 75).

Юқоридагилардан ташқари, ҲҲ тилида ***қач*** (CXX, 42), ***қанда*** (CLVI, 72), ***нэрäк*** (CXLVIII. 65), ***қайу*** (CXL, 59), ***нэгўгä*** (CLX, 76), ***нэлўк*** (CLVIII, 74) нисбий олмошлари ҳам учрайди, аммо улар эргаш гапни тузишда иштирок қилмайдилар, содда гап таркибида қўлланадилар.

## Равишдош конструкцияси

ҲҲ тилида равишдошнинг ***-(и)б, -а, -(й)у, -бан, -мадын, -(дўгўнчä/-дуғуңча)*** шакллари учрайди.

Бу равишдош формалари ичида энг кўп қўлланадигани ***-(и)б*** формали равишдошдир.

Бу равишдош формаси қуйидаги функцияларда келади:

1) ёлғиз ёки кўпинча ўзига оид сўзлар билан бирикиб ҳол вазифасини ўтайди ва ҳаракат ёки ҳолатнинг пайти, равиши, составини кўрсатади:

*Йана йоқ* ***қылып****, иккинч бар қылур сан...* (CXIX).
*Эшит эмди қач байт ҳäбиб фазлидин,*
*Уқуш ҳуш* ***йэтитиб*** *сөзўмни унга* (CXX, 42).
*Басал* ***йэб*** *ачытма ағыз* (CXXXIII, 53).
*Хäсислäрни* ***көтрўб*** *нäфäсни чалыб,*
*Эзу қутсуз ажун қарыбму муңар* (CLX, 76).

2) равишдош конструкцияси кўпроқ эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаради. Бундай эргаш гап мазмунан анча мустақил бўлиб, бутун конструкция боғловчисиз қўшма гапга яқин туради:

*Вафā көли суғлуб* ***қуруб*** *йоллары,*
*Жафā толды ташды дэңиздин эдиз* (CLVI, 72).
*Аның удды* (وُدّيِ) *бирлä көңуллäр* ***толуб****,*
*Аның йāды бирлä ачун толсу дэб* (CXXV, 47).

Қуйида равишдош тўсиқсизлик, зидлик, қиёслаш ифодаловчи гапнинг кесими вазифасида қўлланади:

*Ҳäрис тоймас ачун нэңини* ***тэриб***
*Ҳäрислық қарымас эдиси қараб* (CXLVII, 65).
*Тишиси қāлыб бир азын эр билä,*
*Ол анда* ***йатыбан*** *берўр саныны* (CXLIV, 62).

Қуйида эса равишдош сабаб ва унинг натижасини ифодаловчи қўшма гапнинг биринчи қисми (сабаб ифодаловчи қисм)нинг кесими вазифасида келади:

*Қамуғ йашру ишиң* ***болуб*** *āшкāра,*
*Бу көргäн эшитгäн саңа кўлмäсин* (CXXXIV, 54).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-дўкўнчä/-дуғунча* равишдош формаси пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади;

*Көни кəлдўкўнчä хайыр кəтгўлўк* (CLVI, 72).
*Улуғ болдуғуңча ...сылыҡ ҡыл сөзўң* (CLII, 69).

Равишдошнинг қолган формалари *(-а//-ä -мадын, -бан, -у (йу)* эргаш гап кесими вазифасида қўлланмайди:

*Биликсиз нə айса айур уҡмадын* (CXXIX, 50).
*Ол анда йатыбан бəрўр саныны* (CXLIV, 62).
*Улашу ҡынар* (CLX, 76).
*Баҡа көргил əмди уҡа синäйў* (CXXVII, 48).

## Шарт феълли конструкция

Шарт феъли ХҲ тилида *-са//-сä* шаклида учрайди ва фақат шарт майлини ясайди.

Шарт феъли шарт ҳоли ва кўпинча шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланади. Бу ҳолда бош гапнинг кесими келаси ёки ҳозирги замон маъносида бўлиб, шаклан *-р* формали сифатдош, феълнинг буйруқ майли ёки *-ғай* формали келаси замон феъли орқали ифодаланади:

*Нə тўрлўк арығсыз арыр йўдисä* (CXXVIII, 49).
*Киши тилни билсä билўр маънисин* (CLXV, 80).
*Кўдäзилсä бу тил кўдäзлўр өзўң* (CXXVII, 53).
*Сəриб синдä рāзиң синиб турмаса,*
*Сиңäрмў ишиңдä муни кəт саҡын* (CXXXIV, 54).
*Йаған болса йўклўк ўзäсиндä зар,*
*Аның тушы болғай бу сөзниң азы* (CLXIV, 79).

Бош гапнинг кесими ўтган замон феъли орқали ифодаланиши ҳам мумкин, бунда замон кўчирилади: ўтган замон келаси замон маъносида қўлланади:

*Маңа болса фазлиң ҡутулды өзўм* (CXXII, 44).

Тўлиқсиз феъл ёки боғлама ҳам шарт феъли формасида бўлиши мумкин. Бунда тўлиқсиз феъл ёки *болса* ёлғиз от кесим билан бирикиши ёхуд *эрсä* феъли ўтган замон феъли билан бирикиши мумкин (ёрдамчи феълли конструкциялар бобига қаранг).

## Такрор бўлакли конструкциялар

ХҲ тилида (ҳозирги замон тилида ҳам) маълум гапда фикр юритилаётган бўлак айнан такрорланади. Бундай бўлак одатда иш-ҳаракатни ифодалаб, бир томондан, кесим вазифасида келса,



www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи томондан шарт ҳоли ёки аниқловчи вазифасида қўлланади:

*Ахы эрни өгил өгäр эрсä сан* (CXXXIX, 58).
*Этäр болсаң ишни саныб сақныб эт* (CLIV, 70).
*Уған ҳукми бирлä кэлӱр кэлгäн иш,*
*Аның äмри бирлä тэгäр тэккӱчи* (CLX, 76).
*Ҳалāл бэрӱр эрсäң нэчä тэрсäң тэр* (CXLI, 60).

## Ёрдамчи феълли ва модал сўзли конструкциялар

**Кўмакчи феъллар.** ХҲ тилида кўмакчи феъллар ва улар орқали тузилган конструкциялар кам учрайди. Асар тилида учрайдиган кўмакчи феъллар қуйидагича:

***Бил*** — кўмакчи феъли *-ä* формали равишдош ёрдами билан бирикади ва имконият, бирор нарсага эришиш маъносини ифодалайди: *йэрä **билди*** (CXL, 59); ёки ***йоқ*** сўзи билан қўшилади (бу ҳолда ўз лексик маъносида — англаш билдиради): ***йоқ*** ***бил*** *анга туш тэң-ä* (CXX, 43).

***Бар*** — кўмакчи феъли **-ӯ** формали равишдош орқали боғланади: *көтрӯ **барды*** (CXLI, 59).

***Бэр*** — кўмакчи феъли **-у** формали равишдош орқали боғланади *айу **бэр*** (CXLVIII, 65).

***Боғлама*** феъллар ***тур-***, ***бол-***, ***эр-*** феълларидан иборат.

***Турур*** боғламаси асосан ***-а*** ёки ***-б*** формали равишдош билан бирикади ҳамда икки хил ***турур*** ва ***тур*** шаклларида қўлланади:

*āрта **турур*** (CLVI, 73).
*'айбқа қойуб **тур** ҳалāйық'āра* (CLXVI, 81).

*Эр-* боғламаси шарт феъли (*эрсä*) ёки сифатдош (*эркäн*) шаклида қўлланиб, I, II, III шахс формаларига эга бўлади ва содда гапда айрим гап бўлакларининг маъноси ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилса, қўшма гапда — маълум сўз билан бирикиб, тўлдирувчи, пайт, шарт, тўсиқсиз эргаш гапнинг кесимини ташкил этади;

***Эрсä*** *феъли от*, олмош, сифат, сифатдош ёки ўтган замон аниқ феъли билан бирикади:

*Сэвинч **эрсä** кэзин көңӱл тут анга,*
*Өкӱнч **эрсä** андын озарақ сақын* (CLIV, 70).
*Миң эр достуң **эрсä** өкӱш көрмäгил,*
*Бир эр душман **эрсä** аны āзлама* (CLIII, 69).
*Нэ тӱрлӱк иш **эрса** биликсиз өни, Өкунч ол...* (CXXIX, 49).
*Билик кимдä **эрсä** сиз арқаң дэди* (CXXVII, 48).
*Тāр эрсä кэң эрсä битилди розуң* (CXLVIII, 65).
*Бир ол йақшар эрсä кэрäксиз сөзиң,*
*Икинч йалған **эрсä** ол эрниң тили* (CXXXIII, 52).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сўчўк таттың* **эрсä** *ачықға анун* (CXXXVIII, 57).
*Байат бэрди* **эрсä** *саңа сан ма бэр* (CXLI, 60).
*Йилан йумшақ* **эркäн** *йавуз фэъл тутар* (CXXXVIII, 57).
*Биликсиз тирик* **эркäн** *аты өлўк* (CXXVII, 48).

ҲҲ тилида биринчи марта ***эрмиш*** тўлиқсиз феълининг қисқарган формаси ***-миш*** учрайди.

***Бол-*** боғламаси, шарт феъли ва бошқа формаларда қўлланиб, шахс ва замон билан тусланади. ҲҲ тилида ***бол-*** боғламаси ***эр-*** боғламаси ўрнида ҳам ишлатилади ва бу билан ҲҲ тили ҳозирги замон тилига яқинлашади (маълумки, ҳозирги замон тилида ***эрсä*** боғламаси ***эса*** шаклида жуда кам қўлланади, унинг ўрнида ***болса*** боғламаси ишлатилади). **Бол-** боғламаси шарт феъли формасида от, олмош, сифат билан бирикади:

*Ҳарāм эрсä мāлың ʻазāб ол сөңи,*
*Ҳисāб ол äгäр* ***болса*** *мāлың ҳалāл* (CLVIII, 74).
*Кäрäм кимдä* ***болса*** ... (CIL, 66).
*Этäр* ***болсаң*** *ишни саныб сақныб эт* (CLIV, 70).

Асар тилида ***кэрäк*** модал сўзи қўлланиб, от ёки олмош билан бирикади ва кесим функциясини бажаради:

*Шарāб āш* ***кэрäк*** (CXLVI, 64).
*Нэгўгä* ***кэрäк*** (CXLVIII, 65).

## Эга ва кесимнинг мослашиши
## Шахсдаги мослик

Эга билан кесим орасидаги грамматик алоқа, ўзаро мослик ва мосланмаслик ҲҲ тилида ҳам ўзига хос айрим хусусиятларни сақлайди.

Аввало от кесим бўлган ўринларда III шахсда эга билан кесим орасида мосликни кўрсатувчи махсус белгилар қўйилмайди, сўзлар маънолари, гапда тутган мавқеларига қараб алоқада бўладилар, шунга қараб у ёки бу сўзнинг эга ёки кесим эканлиги билинади.

*Бу қудрат эзиси улуғ бар байат* (CXX, 42).
*Биликлик тиши эр жäҳыл эр тиши* (CXXVI, 47).
*Бахил нāкас отун тавар пāсбāны* (CXIII, 61).

Шу билан бирга учинчи шахсда ***ол*** орқали боғланиш, ҚБ дагидек систематик бўлмаса ҳам қўлланади. ***ол*** ёрдамчиси гап охирида кесимдан сўнг, кесим билан эга ёки эга билан кесим орасида, иккинчи даражали бўлаклардан олдин, сўнг ёки улар орасида қўлланади:

*Бу ажун рабāт* ***ол*** ... (CXXXV, 54).
*Қамуғ āбāдāнның, харāб* ***ол*** *сөңи* (CXXXVI, 56).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Баҳāлық динāр* ***ол*** *биликлик киши* (CXXVI, 47).
*Ол ол халқда йəги киши қутлуғы* (CXX, 43).

***Ол*** ёрдамчиси сифатдош кесимли ёки составида ***эрсä*** тўлиқсиз феъли бўлган от кесимли гаплар таркибида ҳам қўлланади. Бундай ҳолда ***ол*** юклама функциясида бўлади:

*Ким* ***ол*** *йоллуқ эрсä аның йолы йоқ,*
*Ким* ***ол*** *йолсуз эрсä анга кəңрў йол* (CLVII, 73).
*Бир* ***ол*** *йаңшар эрсä...* (CXXXIII, 52).

III шахс от кесимларнинг шаклий белгиси сифатида ***бол-,тур-*** боғламалари, ***эр-*** тўлиқсиз феъли ҳам хизмат қилади. Аммо бу белгилар бошқа грамматик маънолар (замон, модаллик, майл в. б.)ни ҳам ифодалаб, ана шундай маънолар ифодалаш зарур бўлган ўринлардагина қўлланади:

*Ҳарāм эрсä мāлың азāб ол сөңи,*
*Ҳисāб ол äгäр болса мāлың ҳалāл* (CVIII, 74).
*Ағыз тил бəзäги көни сөз дурур* (CXXXIII, 52).
*Бу будун толусы ахы эр турур* (CXLII, 61).

I ва II шахс от кесимлар эга билан шахсда мослашадилар, шахс кўрсатувчи белги I ва II шахс олмошлари бўлади. Бу олмошлар от кесимдан сўнг келиб, шахс кўрсатувчи формал кўрсаткичга айланадилар. Шунинг учун ҳам бундай конструкцияларнинг эгаси ифодаланмайди:

*Илāҳи кəчўргäн əдим сан кəчўр* (CXXI, 44).

Феъл кесимлар ҳам эга билан I ва II шахсларда мослашади. Ўтган замон аниқ феъли бу шахсларда ***-им***, ***-(и)нг*** формаларига эга:

*Битидим китāбны* (CLXII, 77).
*Сўчўк таттың ...* (CXXXVIII, 57).

Кесимлар сифатдош орқали ифодаланганда ҳам I ва II шахсларга эга ва кесим шаклан мослашади — кесим шахс кўрсатувчи ***ман***, ***сан*** олмош-қўшимчаларни олади.

Кесим буйруқ феъли орқали ифодаланганда ҳар уч шахсда эга билан кесим орасида шаклий ва мазмуний мослик бўлади:

*Айа тил төрäт мадҳ өтўнгил қаны,*
*Ман артут қылайын шаҳымға аны* (CXXII, 44).
*Оқығлы кишининг сəвинсин жāны* (CXXII, 45).

Кесим шарт феъли орқали ифодаланганда эга ва кесим орасида I ва II шахсда шаклий мослик бўлади ва баъзан бунга амал қилмаслик ҳам кўринади:

*Илāҳи кəчўргäн əдим сан кəчўр,*
*Нəчä ма хатāлық қул эрсäм саңа* (CXXI, 44).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Калы сөзläсäң сөз билиб сьзлäгил* (CXXXIX, 58).
*Сәвилмäк тилäсäнг...* (CXLII, 61).

Шарт феъли орқали ифодаланган кесимнинг эга билан шаклан мосланмаслиги шарт феъли билан ифодаланган кесим бир хил феъллардан бўлган ўринларда кўринади. Бунда шарт феълидан сўнг шахсни конкретлаштириш учун кишилик олмоши такрорланиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин:

*Ахы әрни өггил өгäр әрсä сан* (CXXXIX, 58).
*Ҳалāл бәрўр әрсäң нәчä тәрсä тәр* (CXLI, 60).

ХҲ тилида *өз* олмошининг ўзига хос семантикаси билан боғлиқ бўлган грамматик хусусияти баъзи ўринларда сақланади, бу хусусият *өз* олмошининг эга билан муносабатида кўринади.

Бу хусусият шуки, олмош қандай шахсли эгалик билан турланган бўлмасин, III шахс кесимни талаб қилади:

*Қутулды өзўм* (CXXII, 44).

**Сондаги мослик.** Эга билан кесим орасида I ва II шахсда сондаги мослик мавжуд бўлади, бу мослик шахс қўшимчаларининг ўзларидан англашилиб туради.

III шахсда сондаги мослик кўпинча шаклан кўринмайди. Аммо эга ёки кесимни кўплик формаси (*-лар*) билан қўллаш ХҲ тилида ҚБ га нисбатан кўпроқ учрайди:

*Расуллар өрўң йўз ...йā анлар қызыл әң* (CXX, 43).
*Будун мāллығ әргä уруб йўзлäрин,*
*Төзў қул қылурлар āзāд өзлäрин* (CLVII, 74).

## Изофа конструкцияси

ХҲ тилида изофа конструкцияси (тобе сўзда қаратқич, ҳоким сўзда эгалик) ва унинг турли вариантлари мавжуддир.

Изофа конструкциясининг биринчи типи ($А_I$—$Б_I$) кам қўлланади. Сўз бирикмасининг ҳар икки элементида аффиксларнинг қўлланиши икки ўринда кўринади:

1) агар қаратқич кишилик олмоши орқали ифодаланса:

*Сәниң раҳматиңдин* (CXVIII, 40).
*Сәниң барлығыңға* (CXVIII, 40).
*Аның мадҳы, аның йāды* (CXX, 43).

2) агар қаратқич ўз аниқловчиларига эга бўлса:

*Ҳарыслық әгиниң әмин ким билўр* (CXLVII, 65).
*Көки көрклўг әрниң хуйи көрклўг* (CXLVIII, 66).

Баъзан атоқли от ҳам қаратқични олади:

*Āдибниң көзи* (CLXIII, 78).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲҲ тилида изофа конструкциясининг иккинчи группаси ($А_1+$ $+Б_0$) учрамайди.

Изофа конструкциясининг учинчи группаси ($А_0$—$Б_1$) асар тилида кўпроқ қўлланади. Қаратқич эгалик қўшимчасини олса ҳам, баъзан ўз аниқловчиси бўлса ҳам, белгисиз шаклда қўллана беради:

*Ā̄тāсы āты Маҳмуд* (CLXV, 80).
*Сафиҳ әр тили өз башы душманы* (CXXXI, 51).
*Мурувват йоли* (CXXXII, 52).
*Äдиблäр äдиби фазыллар бāшы* (CLXIV, 79).

Изофа конструкциясининг тўртинчи группаси ($А_0+Б_0$) ҳам асар тилида қўлланмайди (айрим сифатловчили аниқловчилардан ташқари).

Изофа конструкциясининг бешинчи группаси ($О+Б_1$) кўп учрайди:

*Ҳарāм әрсä мāлың азāб ол сөңи* (CLVIII. 74).
*Отуб бири биргä* (CXIX, 42).

Изофа конструкциясининг олтинчи группаси ($А_{11}+Б_1$) ҳам қўлланади. Бунда қаратқич таркибидаги ўрин келишиги чиқиш келишиги функциясини бажаради:

*Қаны бу кўн анлар миңиндä бири* (CXXXVII, 56).

Эгалик аффикси от ёки олмошларга қўшилиб келади, баъзан сифатдош ёки ҳаракат номига қўшилиб келиши ҳам мумкин. Сўнгги ҳолатда изофа конструкцияси орқали қарашлилик, олдликнинг эмас, предикатив муносабат ҳам англашилиб туради.

*Тавар бирлä әрсä улуғсындуғуң,*
*Улуғлуғ табару әлик сундуғуң* (CXLV, 63).
*Улуғ болдуғуңча сылық қыл сөзўң* (CLII, 69).
*Ҳунар бирлä давлат бирикилмаги*
*Болунмаз...* (CLX, 76).

Қаратқич ҳар вақт биринчи ўринда, ундан кейин қаралмиш келади ва улар кўпинча контакт ҳолатда қўлланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, эгалик қўшимчасига эга бўлган ҳамма сўзлар ҳам ўз қаратқичларига эга бўлавермайдилар. Айрим ўринларда эгалик (одатда, III шахс эгалик формаси *-и*(*-ы*) аниқлик, конкретлик учун қўлланади:

*Нәчä йәр бар әрди сығышмаз әри,*
*Әри барды қалды қуруғ тәк йәри* (CXXXVII, 56).

ҲҲ тилида тожикча изофа шакллари ҳам учрайди:

*Саҳиб ҳунар* (CLX, 76).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситалар

Гап бўлаклари ва гапларни ўзаро боглашда боғловчиларнинг роли катта. ҲҲ тилида тенг боғловчи ва тенг боғловчи вазифасидаги воситалар унчалик кўп эмас.

ҲҲ тилида қўлланган тенг боғловчи вазифасида ***кәрäк, йäна йәмä*** сўзлари қўлланади.

***Кәрäк*** сўзи содда гапда қўлланиб, айирув муносабатини ифодалайди: *Анын уш чықардым, бу түркча китаб,*

*Кәрäк қыл дәп* (دیب) *äй дост кәрäк қыл итāб* (CLXII, 78).

*Кәрäк қыл иҗāбат, кәрäк қыл 'итāб* (CLXVI, 81).

***Йäна*** ва ***йәмä*** сўзлари иккинчи қисми қўшимча маълумот ёки фикрнинг давомини ифодаловчи кенг составли қўшма гапларни тузишда хизмат қилади:

*...**Йäна** маҳд, мүрүввäт, фүтүввäт уған*
*Атā қылды шāҳыма бу жумлäни* (CXXIV, 46).
*... **Йәмä** төрт әшингä әдүрман салāм* (CXXI, 43).

Тожикча ***бāз*** сўзи ҳам боғловчи восита сифатида уюшиқ бўлакларни бириктиради:

*Ажун күлчирäр* (جیر آر کول) ***бāз*** (باز) *алын қашчäтäр* (جیتار) (CXXXVII, 56).

Асар тилида қуйидаги тенг боғловчилар ва шу вазифадаги юкламалар ишлатилади:

***Ма*** ёрдамчиси содда гап таркибида юклама функциясида қўлланиб, ўзи қўшилиб келаётган бўлакнинг (отнинг) маъносини кучайтириш учун хизмат қилади:

*Ҳарыслық **ма** әргä йавуз хислат ол* (CXLVI, 64).

***Ҳäм*** ёрдамчиси ҳам содда гап таркибида боғловчи сифатида қўлланиб, ёлғиз ёки мураккаб составли уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади:

*Биликликни өгди Аҗам **ҳäм**'Араб* (CXXX, 56).
*Өлүктин тирик **ҳäм** тирикдин өлүк*
*Чықарур...* (CXIX, 42).

***Ҳäм*** ёрдамчисининг иккинчи функцияси юкламаликдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йа* боғловчиси уюшиқ гап бўлаклари ёки гапларни бириктириб, айирув муносабатини ифодалайди:

*Расуллар өрўң йўз бу ол йўзгä көз,*
***Йа*** *улар қызыл эң бу эңгä мэң-ä* (CXX, 43).
*Кäрäм бир бинā тэк иңар ҳилм бунйāд ол,*
***Йа*** *майдāн дэк ол гўл кäрäм ал гўл ол* (CLI, 69).
*Йазынғы булут дэк* ***йā*** *тўш дэк* (CXXXIX, 58).

***Вäлэкин*** боғловчи составли мураккаб уюшиқ бўлакларни ёки қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилиб, қиёслаш, зидлаш, номувофиқлик мазмун муносабатларини ифодалаш учун хизмат қилади:

*Раийатқа мушфиқ салимдин ҳäлим,*
***Вäлэкин*** *бушарда шэрä (шарра?) арсланы* (CXXIII, 45).
*Бу ажун көрäргä көрўмлўк тāшы,*
***Вäлэкин*** *ичиндä ҳазāр нахуши* (CXXXVIII, 57).
*Бир эрдин бир эргä тафавут тäлим,*
***Вäлэкин*** *көрäргä төзи бөрклүк ол* (CXLVIII, 66).

*Нэ* боғловчиси инкор муносабати ифодаланган уюшиқ бўлакларни бириктиради:

*Аны* ***нэ*** *ҳалāйық сэвäр* ***нэ*** *ҳäлық* (CXLIV, 62).

***Бирлä*** ёрдамчиси ҳам уюшиқ бўлакларни бириктириши мумкин:

*Садық* ***бирлä*** *Фаруқ* (CXXI, 44).

Юкламаларнинг тенг боғловчи вазифасида қўлланиши ҲҲ тилида учрамайди.

### Тобе боғловчилар

ҲҲ тилида тобе боғловчилар қўлланиб, улар содда ёки қўшма гап таркибида турли тобе грамматик маъноларни ифодалаш учун ишлатилади:

***қалы***//***халы*** (бу боғловчининг диалектал варианти ***халы*** кўпроқ қўлланади) боғловчиси шарт-пайт муносабатини ифодалаш учун қўлланади. Одатда, ***қалы халы*** боғловчиси тобе қисм (эргаш гап) таркибида келиб, бу эргаш гапнинг кесими шарт феъли формасида бўлади:

***Қалы*** *болса атлас унутма бөзүң* (CLII, 69).
***Халы*** *чықса бэктин башыңны сийур* (CXXX, 51).
*Ики нэң бириксä бир эрдä* ***халы,***
*Тўгäнди ол эргä мурувват йолы* (CXXXII, 52).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуйидаги мисолда ***халы*** боғловчиси иштирок этган эргаш гапнинг кесими от кесим бўлиб, ***тәк*** кўмакчисини олади:

*Биликсиз йиликсиз сөнгäк* ***тек халы***
*Йиликсиз сөнгäкка сунулмас әлик* (CXXVI, 48).

***Калы//халы*** боғловчиси иштирок этган эргаш гап эргаш гапнинг кетма-кет эргашиш типини ташкил этиши мумкин:

*Битидим бу тансуқ турфа сөзлäрин*
***Халы*** *барса өзўм атым қалсу дәб* (CLXII, 78).

Маълумки, ***қалы//халы*** боғловчиси тожикча ***агар*** боғловчисига функциядошдир (кейинроқ тожикча боғловчи туркча боғловчини сиқиб чиқарди); шунинг учун ХҲ тилида ҳар икки боғловчи тенг, бир хил функцияда ишлатилади, ҳатто бу икки боғловчини кетма-кет ишлатиш ўринлари ҳам учрайди:

*Кўч әмгäк тәгўзмä кишигä* ***халы***
*Äгäр тәгсä әмгäк кишидин кәчўр* (CL, 67).

***Қалы//халы*** боғловчиси кўпроқ гап бошида, баъзан гап охирида ва гап орасида келади.

***Äгäр*** боғловчиси ҳам шарт-пайт муносабати ифодаланган тобе ва ҳоким бўлакларни бир-бирига боғлайди. ***Äгäр*** боғловчисининг содда гап таркибида қўлланиши кам учрайди:

***Äгäр*** *момын әрсäң тавāзуъ қылын* (CXLIV, 63).

***Äгäр*** боғловчиси асосан шарт-пайт эргаш гапни бош гапга боғлайди. Бунда эргаш гапнинг кесими феъл кесим ёки от кесим бўлиб, ҳар вақт шарт феъли формасини олади:

***Äгäр*** *йығдың әрсä умурлук тавар,*
*Бурун бошқа бөркни киййäр баш кәрäк* (CXLVI, 64).
***Äгäр*** *болса адлың қатығлық маңа* (CXXII, 44).
***Äгäр*** *кибр әдиси асыл ман дәсä,*
*Айайын ман анұң жавāбин кәсä* (CXLV, 63).

***Äгäр*** тобе боғловчиси кўпинча гап бошида, баъзан гап ўртасида келади:

*Ҳисāб ол* ***äгäр*** *болса мāлың ҳалāл* (CLVIII, 74).

***Ким//ки*** боғловчиси (ҳар икки шакл учрайди) ёлғиз ёки нисбий олмош билан қўлланади. ***Ким*** боғловчиси ***нә*** олмоши билан бирикиб, тўлдирувчи эргаш гапни бош гапга боғлайди, бу ҳолда эргаш гап кесими шарт феъли формасида бўлади:

***Нә ким*** *кәлсä әргä тилиндин кәлўр* (CXXXII, 52).

***-Ки*** боғловчиси тўлдирувчи эргаш гапни бош гапга боғлайди, бундай эргаш гапнинг кесими мустақил формада — аниқлик феъли орқали ифодаланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ол **эрки** улуғсында ман ман дәди,*
*Аны нә ҳалāйық сәвāр нә хāлық* (CXLIV, 62).

Кесими ***му*** юкламасини қабул қилган гаплар тўлдирувчи эргаш гап функциясини бажарадилар. Бундай эргаш гаплар мазмунан ва шаклан анча мустақил бўлади ва бош гапдан олдин келади:

*Әтāр болсаң ишчи саныб сақныб әт,*
*Кәрāк **му** кәрāксиз **му** киртӱ билиб* (CLIV, 70).

Тобе боғловчи вазифасидаги *дә-//тә-* феъли равишдош формасида ***(дәб//тэб, тәйӱ)*** содда ёки қўшма гап таркибида тобе сўз ёки бирикмани ёхуд эргаш гапни бош сўзга, бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

***Дәб тәб, тәйӱ*** кўпроқ содда гапда қўлланиб, айрим сўзларни бош сўзга тобелаштиради:

*Әшим **дәб** ынаныб сир айма* (CXXXIV, 54).
*Йўмшақ **дәб** ынанмағу* (CXXXVIII, 57).
*Өкӱш аз **дәб** аймас* (CXXIV, 46).
*Көни тәйӱ билсӱн халайық сани* (CXXXIV, 53).

***Дәб*** ёрдамчиси мақсад эргаш гапни бош гапга боғлайди:

*Дāд испәҳсāлар бәк ӱчӱн бу китāб*
*Чықардым ачунда аты қалсу **дәб*** (CXXV, 46).

## Тўлиқсиз гаплар

ҲҲ тилида мустақил қўлланувчи, кесими ифодаланмаган тўлиқсиз гаплар кўпроқ қўлланади:

*Сөнгāкка йилик тәк әрāнгā билик* (CXXVI, 48).
*Көңӱлдā ғамың ол тилиңдā сөзӱң* (CLVIII, 74).

Бош гапсиз қўлланган эргаш гап:

*Ҳарыслықны қойар ҳарыс эр қачан,*
*Өлӱб йатса тупрақ ичингā кириб* (CXLVII, 65).

## Бир составли гаплар.

ҲҲ тилида бир составли гапларнинг кўп турлари қўлланади:

**Шахссиз гаплар.** Шахссиз гаплар асар тилида энг кўп қўлланувчи бир составли гап туридир.

Шахссиз гапларнинг кесимлари қуйидагича шаклланади:

1) мажҳул даража формасидаги феъл орқали:

*Йиликсиз сөнгāккā сӱнӱлмāс әлик* (CXXVI, 48).
*Кӱдāзилсā бу тил кӱдāзлӱр, өзӱң* (CXXXII, 53).



www.ziyouz.com kutubxonasi

2) *-гў''-кў''-қу''-ғу* ёки *-гўлўк* формали сифатдошлар орқали:

*Йырақ* ***турғу*** *йумшақ дәб ынанмағу* (CXXXVIII, 57)
*Йилан* ***оқлағу*** (CXXXVIII, 57).
*Ары заҳри* ***татқу*** *асалдын оза* (CLIX, 75).
*Бу дунйа нәқиндин йәгӱ* ***кәтгўлўк*** (CXXXVI, 55).

3) ***кәрäк*** сўзи ***әрсä*** тўлиқсиз феъли бирикиб кесим функциясини ўтайди:

***Кәрäк әрсä*** *йиглик йоры йӱзчи бол* (CLVII, 73).

4) баъзи контекстларда *-миш* формали сифатдош ёки шарт феъли ҳам ўз семантикасига кўра шахссиз гапнинг кесими функциясини бажаради:

*Оқыса татыр тыл* ***йәмиш*** *дәк асал* (CLXII, 77).
*Арымаз нәчä,* ***йувса*** *қāн бирлä қāн* (CIL6, 67).

**Шахси номаълум гаплар.** Шахси номаълум гапларнинг кесими кўплик қўшимчасини олган *-р* формали сифатдош орқали ифодаланади:

*Ким ол мāлсыз әрсä ол әрни көрӱб*
*Йӱз әврӱб* ***қачарлар*** *йумуб көзлäрин* (CLVIII, 74).
*Барур сан бу мāлың ачунда қалур,*
*Уйатыб бәрўрлäр сарыңғу бөзӱң* (CLVIII, 74).

**Шахси умумлашган гаплар.** Шахси умумлашган гапларнинг кесими асосан иккинчи шахс буйруқ феълининг бирлик формаси орқали ифодаланади:

*Жафā қылдачыңға йанут* ***қыл*** *вафā* (CIL, 67).

**Инфинитив гаплар.** ҲҲ тилида инфинитив гаплар ҳам учраб, бундай гапнинг кесими *-мақ* формали ҳаракат номи орқали ифодаланади.

*Нәчä малға мунча көңӱл* ***бағламақ*** (CXXXV, 55).

## Боғловчисиз қўшма гап конструкциялари

### I. Пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар

ҲҲ тилида пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар анча кенг қўлланади (35 марта учрайди). Бу хил қўшма гапларни ташкил этган гапларнинг кесимлари асосан ҳозирги замон (27 та), келаси замон (5 та), турли, аралаш замон (3 та) шакли ва мазмунида қўлланадилар, ҳар икки қисми ўтган замон шаклида бўлган боғловчисиз қўшма гаплар учрамайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. *Мажӑз болды достлуқ ҳақиқат қаны,*

*Миң әр достда бири болунмаз көни* (CLV, 71).

2. *Йигит хожа болур йаны әскирӱр,*

*Қави әрсӓ қамлур қачан қувваты* (CXXXVI, 56).

3. *Бу кӱн тәксӱ мәндин дуруд ол йарын*

*Әлик тутточымға әгирсӓ сөң-ӓ* (CXXI, 43).

Пайт муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплардан англашилган мазмун бир пайтда ёки кетма-кет рўй бериши мумкин. Бу ҳолат қўшма гапнинг умумий мазмунидан, кесимларнинг формасидан ёки айрим лексик элементлар орқали (сўнгги мисолдаги ***бу кӱн, йарын, сөң*** сўзларига диққат қилинг) англашилади. Бир пайтда рўй берган воқеа, ҳодисаларни ифодаловчи ёки предмет, шахс табиат ва жамият ҳодисаларини тасвирловчи қўшма гаплар кўпроқ қўлланади.

## II. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар

Қисмларининг мазмуни бир-бирига қиёсланган боғловчисиз қўшма гаплар пайт муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларга нисбатан кўпроқ қўлланади (41 марта) ва ҲҲ тилида боғловчисиз қўшма гапларнинг асосини ташкил этади. Бу хил қўшма гапларни ташкил этган қисмларининг кесимлари ўтган замон (18 марта), ўтган замон (4 марта), келаси замон (4 марта) учрайди, кесимларнинг турли замон формасида ишлатиш жиҳатдан бу турли қўшма гаплар энг кўп қўлланувчи гап турларидир (15 марта).

ҲҲ тилида боғловчисиз қўшма гаплар асосан икки йўл билан тузилади: қўшма гапнинг ҳар икки қисмида маъносида бир-бирига зид ёки антоним сўзларни келтириш ёки қисмларнинг кесимларини турли замон шакли ва мазмунида қўллаш йўли билан (сўнгги ҳолатда кўпинча қиёсланаётган қисмлар орасида шарт эргаш гап келтирилади):

*Бу йалған сөз иг дәк көни сөз шифӑ* (CXXXIII, 53).

*Татурмаз әсӑнында тӱз достина*

*Өлӱр қалур ӑхыр йәйӱр душманы* (CXLIII, 61).

*Бӑрур сан бу мӑлың ачунда қалур* (CLVIII, 74).

*Бу кӱн кәндӱ сӱчӱк бу тәрмӓк саңа,*

*Ачық болғай йарын қойуб бӑрдуғуң* (CLIX, 75).

Бу хил қўшма гапларни ташкил этган қисмларнинг бири (одатда, биринчиси) риторик сўроқ гап шаклида бўлади ёки иккинчи қисмнинг кесими инкор формасида бўлади:

*Бахыллықны қаны өгӓр тил қайу,*

*Ахылықны ҳам хас төзӱ халқ өгӓр* (CXL, 59).

*Биликлик бирингӓ биликсиз миңин* (CXXVII, 48).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисмидан сўнг шарт эргаш гапнинг келтирилиши биринчи қисмда ифодаланган фикрга зид ёки мувофиқ келмаган ҳодиса ёки воқеа рўй бериши мумкин эканлигини англатади ва қўшма гапнинг иккинчи қисми ана шу зид ёки мувофиқ келмаган ҳодиса ёки воқеа нимага олиб келишини кўрсатади, шунинг учун ҳам қўшма гапнинг иккала қисмидан англашилган мазмун бир-бирига зид, номувофиқ бўлиб қолади ёки уларнинг мазмуни бир-бирига қиёсланади:

*Маңа болса фазлиң қутулды өзўм,*
*Агäр болса адлиң қатығлық маңа* (CXXII, 44).
*Тилиң бэктä тутғыл тишиң синмасун,*
*Халы чиқса бэктин тишиңни сийўр* (CXXX, 51).

Баъзан қисмларнинг мазмунини зид қўювчи эргаш гап тўсиқсиз эргаш гап бўлиши ҳам мумкин:

*Биликлик эр өлди āты өлмäди,*
*Биликсиз эсāн эркäн аты өлўк* (CXXVII, 48).

Сўнгги ҳолда қўшма гапнинг ҳар икки қисмидан англашилган мазмун бир вақтда мавжуд бўлади, шунинг учун ҳам ҳар икки қўшма гап қисмининг кесимлари бир хил замон формаси ва маъносида бўлади. Ҳар икки қисмни бириктирувчи гап шарт эргаш гап бўлган ўринда эса (1-ҳолат) қўшма гапнинг ҳар икки қисмидан англашилган мазмун турли вақтда рўй беради — агар биринчи қисмдан англашилган мазмун рўй бермаса, иккинчи қисмдан англашилган мазмун рўй бериши мумкинлиги англашилади. Шунинг учун ҳам бу хил қўшма гапларнинг (1-ҳолат) кесимлари турли замон формаси ва маъносида бўлади.

Қўшма гапнинг биринчи қисмининг кесими бирор шахс формасида бўлган ***эрди*** тўлиқсиз феъли билан бирикади, иккинчи қисмнинг кесими эса ҳозирги (ёки келаси) замонни кўрсатади ёки ўтган замон феълининг бошқа шаклида бўлади:

*Нэчä дāнā эрди нэчä файласуф,*
*Қаны бу кўн анлар миңиндä бири* (CXXXVII, 56).
*Йоқ эрдим йараттың* (CXIX, 41).

Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг лексик состави ва қисмларининг формал хусусиятлари шу қўшма гапда ифодаланган мазмунга бевосита боғлиқдир. Агар бу хил боғловчисиз қўшма гапларда зид қўйиш, номувофиқлик мазмунлари ифодаланмай, қисмларда ифодаланган мазмунни қиёслаш (баъзан тўсиқсизлик оттенкалари ҳам бўлган ҳолда) мазмуни англашилса, юқоридаги айтиб ўтилган икки ҳолат бўлмайди. Бундай ҳолда қиёслаш қисмларнинг умумий мазмунидан ёки айрим (антоним бўлмаган) гап бўлакларининг маъносини бир-бирига таққослаш орқали ифодаланади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тоға көрмäс эрди Äдибниң көзи,*
*Тўкäтти бу он дорт бāб ичрä сөзи* (CLXIII...).
*Айайын ман аны қулақ тут манга* (CXLII, 61).

## III. Сабаб ва унинг натижасини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар

Қисмларидан сабаб ва унинг натижаси англашилган боғловчисиз қўшма гаплар ҳам ҲҲ тилида катта ўрин эгаллайди (30 марта). Бу хил қўшма гап қисмларининг ҳар иккисининг кесимлари ўтган замон формаси ва маъносида қўлланмайди, келаси замонда қўлланиши бир марта, ҳозирги замонда қўлланишига 5 марта учрайди; сабаб ва унинг натижасини ифодаловчи қўшма гапларнинг кесимлари асосан турли замон формаси ва маъносига эга бўлади (23 марта). Бу ҳол табиийдир, чунки сабаб ифодаловчи гап бир хил замонда рўй берса, унинг натижасини ифодаловчи гап ундан сўнг, бошқа замонда рўй бериши керак:

*Биликтин айурман сөзўмгä ула* (CXXVI, 47).
*Биликлик сөзи пäнд насиҳат äдäб,*
*Биликни өгди Äжам ҳам 'Араб* (CXXX, 50).

Келтирилган иккинчи мисолда қўшма гапнинг иккинчи қисмининг кесими (***өгди***)да замон кўчирилган — умумий замонни ифодалайди. Бу хил қўшма гапларнинг кесимлари бир хил замон формасида бўлишлари ҳам мумкин, аммо бу ҳолда ҳам мазмунан ҳаракат-ҳолатнинг рўй беришида тафовут бўлади: қўшма гапнинг сабаб англатувчи биринчи қисми олдин рўй беради:

*Көни бол көнилик қыл атан көни,*
*Көни дэйў билсўн ҳалайық саны* (CXXXIV, 53).
*Унарча айайын йāры бэр маңа* (CXVIII, 40).

Сабаб ва натижа ифодаловчи боғловчисиз гапларнинг иккинчи хусусияти шуки, қўшма гапнинг биринчи қисмида умуман рўй берувчи, шубҳасиз бир ҳақиқат ифодаланиб, шунга асосан қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун рўй бериши зарурлиги (ёки рўй бермаслиги) ифодаланади (бу хил қўшма гап конструкциялари дидактик характердаги асарлар ҚБ ва ҲҲда кўпроқ учрайди):

*Көни сөз асал тэк бу йалған басал,*
*Басал йэб ачытма ағыз йэ асал* (CXXXIII, 53).
*Йылан йумшақ эркäн йавуз фэъл тутар*
*Йырақ турғу йумшақ дэб ынанмағу* (CXXXVIII, 57).
*Йэмишсиз йығач дэк кäрäмсиз киши,*
*Йэмишсиз йығачны кэсиб өртäгил* (CIL, 66).
*Бу ажун рабат ол тушуб көчгўлук*
*Рабатқа тўшўкли тўшäр кэчгўлўк* (CXXXV, 54).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сабаб ва натижа ифодаловчи қўшма гапни ташкил этган гаплар кўпинча дарак гап, баъзан буйруқ гап шаклида, баъзан сўроқ гап шаклида бўлади.

*Нә йазды ажунға бу сāҳиб ҳӱнäр,*
*Нәгӱгä бу аны улашу қынар* (CLX, 76).

### IV Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар

Бу типдаги қўшма гапларнинг бир қисми иккинчисидан англашилган мазмунни изоҳлайди. Бу изоҳлаш орқали қўшма гап қисмлари орасида қуйидагича мазмун муносабатлари ифодаланади:

1. **Шарт муносабати.** Қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчи қисмдан англашилган мазмун қандай шарт-шароитларда рўй бериши мумкинлигини кўрсатади (2 марта учрайди). Бунда қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг кесимлари қуйидагича шаклланади:

1) шарт ифодаловчи биринчи қисмнинг кесими II шахс буйруқ феъли орқали, иккинчи қисмнинг кесими келаси замон маъносидаги *-р* сифатдоши орқали ифодаланади:

*Тили йалған әрдин йырақ* ***тур*** *тәз-ä,*
***Кәчӱр*** *сан ма умруң кѳнилик ӱзä* (CXXXVII, 52).

2) қўшма гапнинг ҳар икки қисмининг кесими ўтган замон формаси ва маъносида бўлади. Аммо мазмунан бундай гап бошқа замонларга ҳам кўчирилади:

*Билик* ***билди*** *болды әрāн бәлгӱлӱк* (CXXVII, 48).

2. **Пайт муносабати.** Қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчи қисмдан англашилган мазмун қачон рўй беришини кўрсатади (бу хил гаплар 3 марта учрайди). Бу хил қўшма гаплар қуйидагича шаклланади:

1) қўшма гапнинг ҳар икки қисмининг кесими *-р* формали сифатдош орқали ифодаланади. Бу хил қўшма гапларда шарт муносабати оттенкаси ҳам англашилиб туради:

*Ѳлӱр қалур ахыр йәйӱр душманы* (CXLIII, 61).

2) қўшма гапнинг биринчи қисми сўроқ гап шаклида бўлиб, иккинчи қисми шу сўроққа жавоб бўлади (сўроқ гапда маълум ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй бериш пайти сўралади):

*Ҳарыслықны қойар ҳарыс әр қачан,*
*Ѳлӱб йатса тупрақ ичингä кириб* (CXLVII, 65).

3. **Сабаб муносабати.** Қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчисидан англашилган мазмуннинг рўй бериш ёки рўй бермаслик сабабини ёки асосини кўрсатади (бу хил гаплар 3 марта учрайди). Бундай қўшма гап қисмлари кесимларининг шаклланиши анча эркиндир:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1) биринчи қисмнинг кесими буйруқ феъли бўлиб, иккинчи қисмнинг кесими от кесим, *-р* формали сифатдош (доимий замон билдиради) ёки ўтган замон феъли бўлади.

*Иана пандым алғыл узатма ймӓл,*
*Ӓмӓл асрасында бусуғлы аҗал* (CXLVI, 64).
*Сўчўк таттың әрсӓ ачыққа анун,*
*Бирин кәлсӓ рāҳат кәлўр рӓнж онун* (CXXXVIII, 57).
*Кўдӓзгил тилиңни кәл āз қыл сөзўң,*
*Кўдӓзилсӓ бу тўл кўдӓзлўр өзўң* (CXXXII, 53).
*Улуғсынма зинҳāр улуғ бир байат,*
*Улуғлуғ мәниң, сиз алынмаң дәди* (CXLV, 63).

2) биринчи қисмнинг кесими ҳозирги ва умумий замон маъносидаги от кесим бўлиб (баъзан ***ёлғиз***, баъзан ***болур*** боғламаси билан бирга келади), иккинчи қисмнинг кесими ҳам от кесим ёки ўтган замон феъли ёхуд доимий замон маъносидаги *-р* формали сифатдош орқали ифодаланади:

*Кул ол мāлға мāлы анга әрклик ол* (CXLII, 60).
*Ҳырāдлық болур тили бош киши,*
*Тәлим бāшны йәди бу тил сөз бошы* (CXXXI, 51).
*Сафиҳ әр тили өз башы душманы,*
*Тилиндин төкўлди тәлим әр қāны* (CXXXI, 51).
*Иши әзгў болса әр әзгў болур,*
*Әр иш әзгўсиндӓ өкўш ҳайир кәлўр* (CLV, 71).

4. **Мақсад муносабати.** Қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун биринчи қисмдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нима мақсадда рўй бериши кераклигини ифодалайди (бундай гаплар 4 марта учрайди). Қўшма гапнинг мақсад ифодаловчи қисмининг кесими келаси замон ифодаловчи мақсад майли феъли орқали, биринчи қисмнинг кесими келаси ёки доимий замон ифодаловчи буйруқ феълининг II шахси ёки I шахси орқали ифодаланади:

*Тилиң бәктӓ тутғыл тишиң сынмасун* (CXXX, 51).
*Қатығ кизлӓ разың киши билмӓсўн* (CXXXIV, 54).
*Ахы бол саңа сөз сөкўнч кәлмӓсўн* (CXL, 58).
*Айа тил төрӓт мадҳ өтўнгил қаны,*
*Ман артут қылайын шāҳымға аны* (CXXII, 44).

5. **Тўсиқсизлик муносабати.** Боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисмида иккинчи қисмда ифодаланган мазмунга зид бўлган ҳаракат, ҳолат рўй беради, аммо шу зидликка қарамай, қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун рўй беради. Бундай қўшма гапларнинг ҳар икки қисмининг кесими ўтган замон шаклида бўлади (аммо мазмунан умумзамонга оид бўлади):

*Биликлик әр өлди аты өлмӓди* (CXXVII, 48).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. **Тўлдириш муносабати.** Бир қисмдан англашилган мазмун иккинчи қисмидан англашилган мазмунни тўлдирувчи боғловчисиз қўшма гаплар турли-туман мазмун муносабатини ифодалайдилар:

1) **объектив муносабат.** Қўшма гап қисмларида объектив муносабат ифодаланиб, қўшма гапнинг бир қисми иккинчиси таркибидаги феъл-кесимдан англашилган мазмунни тўлдиради ёки тўлдирувчи функциясидаги олмошнинг маъносини изоҳлайди:

а) *Баҳа көргил әмди уҳа сынайу,*
*Нә нәң бар билик тәк асығлыҳ өнгүн* (CXXVII, 48).

Бу хил гаплар кўпроқ кўчирма ва автор гапидан ташкил топади (6 марта учрайди).

Кўчирма гап автор гапидан сўнг, ундан олдин ёки автор гапининг ўртасида қўлланади:

*Айур сан кийим тон шарāб āш кәрäк* (CXLVI, 64).
*Биликсизлик ичрä хайыр йоҳ дәди* (CXXIX, 50).
*Ман ман дәди* (CXLIV, 62).
— *...бил ҳаҳ расул: Биликлик кимдä әрсä сиз арҳаң дәди* (CXXVII, 48).
*...бир анча будун өз әлкин бут̄ әтиб әдим бу дәди* (CXXX, 50).
*Расул әрни отҳа йӱзин атҳучы*
*Тил ол дәди* (CXXXII, 53).

б) қўшма гапнинг бир қисми таркибидаги ***аны, муны, мунга*** олмошларини ва шу орқали бутун гап мазмунини қўшма гапнинг иккинчи қисми тўлдиради (6 марта учрайди):

*Иккинч бāр ҳылур сан муҳыр ман мунга* (CXIX, 40).
*Сиңäрму әшиңдä муны кәт саҳын* (CXXXIV, 54).
*Айайын ман аны ҳулаҳ тут маңа* (CXLIII, 61).

Бу хил қўшма гапнинг етакчи, изоҳланаётган қисмининг кесими одатда, ***саҳын, ай (айайын)*** феъллари билан ифодаланади.

2) **аттрибутив муносабат.** Қисмлари орасида аттрибутив муносабат ифодаланган қўшма гапнинг бир қисми, таркибидаги от, олмошнинг ёки сифатнинг мазмуни иккинчи қисм томонидан изоҳланади (14 марта учрайди).

Бу хил боғловчисиз қўшма гаплар икки группани ташкил этади:

а) қўшма гапнинг биринчи қисми таркибида бўлган кесим вазифасидаги олмош, сифат, турли функциядаги от изоҳланади (8 марта учрайди):

Олмош-кесим изоҳи:

*Сөз ол дур тäкäббӱрни бāшдын сāлыб,*
*Тавāзъни бәрк тут йапуш кәт анга* (CXLIII, 61).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи қисм таркибидаги от изоҳланганда, шу отнинг маъноси изоҳланиши билан бирга, у билан боғлиқ бўлган изоҳ характеристика ифодаланади:

*Адибниң йәри āты йўкнāк әрўр*
*Сафāлыҡ аҗаб йәр көңўллāр йарур* (CLXIV, 80).

Биринчи қисмнинг сифат билан ифодаланган кесими изоҳланади:

*Нәлўк мāлға мунча суқ ол бу өзўң,*
*Көңўлдā ғамың ол тилиңдā сөзўң* (CLVIII, 74).

б) аттрибутив муносабат ифодаловчи боғловчисиз қўшма гапларнинг катта қисмини махсус предикатив конструкцияли қўшма гаплар ташкил этади. Бундай қўшма гапларнинг аниқловчи гап қисми биринчи ўринда — аниқланмиш отнинг бевосита олдидан келади ва ундан пауза билан ажралмайди.

Бу хил аниқловчи гапларнинг кесими сифат, равиш ёки сифатдош орқали ифодаланади (6 марта учрайди):

*Ҳирадлыҡ му болур тили бош киши* (CXXXI, 51).
*Тили йалған әрдин йырақ тур* (CXXXIII, 52).
*...Көзи суқ бахил қул ол мāлға* (CXLII, 60).
*Көки көрклук әрниң ҳуйи көрклук ол* (CXLVIII, 66).
*Сөкўнч кәлгў йолны аҳылыҡ тиийўр* (CX, 58).

3) **субъектив муносабат.** Боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчиси таркибидаги эга функциясида бўлган ***бу*** олмошининг мазмунини изоҳлайди, мазмунан унга тенг бўлади, демак иккинчи қисмга нисбатан биринчи қисм субъект (эга) ролини ўйнайди (1 марта учрайди):

*Әсиз қылған әргā сан әзгў қыл-а,*
*Кāрāмниң бāшы әрўр кәт бил-ā* (CL, 67).

## V Қўшимча маълумот ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар

Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисм таркибидаги айрим бўлакларнинг маъноси билан ёки умумий мазмуни билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумот ифодалайдилар (21 марта учрайди).

1) қўшма гапнинг биринчи қисми таркибидаги айрим гап бўлакларининг (одатда отларнинг) маъноси билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумот ифодаланади:

*Йаратты ол уған тўнўң кўндўзўң,*
*Отун бири биргā йурир өң сөнгā* (CXIX, 42).
*Анын уш чықардым бу тўркчā китāб,*
*Кәрāк қыл дәп* ( دَرْيَب ) *ай дост кәрāк қыл итāб* (CLXII, 78).



www.ziyouz.com kutubxonasi

2) қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмнинг кесимидан англашилган ҳаракат билан ёки ундан кейин, унинг натижасида нима ўқилиши, нима содир бўлишини кўрсатади:

*Бақа көргил әмди уқа сынайу*
*Нә нәң бāр билик тәк асығлық өңин* (CXXVII, 48).

3) қўшма гапнинг биринчи қисмидан англашилган умумий мазмунни (ёки эга ҳамда кесимдан англашилган фикрни) қўшма гапнинг иккинчи қисми изоҳлайди:

*Нә ким кәлса әргä тилиндин кәлўр,*
*Бу тилдин ким әзгў ким әсиз әрўр* (CXXXII, 52).
*Өң арқыш узады қопуб йол тутуб,*
*Өңи қопмыш арқыш нәчä көчгўлўк* (CXXXV, 54).

4) қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмдан англашилган мазмунга авторнинг муносабатини (ишончи, ишончсизлиги, баҳоси, огоҳлантириши в. б.) ифодалайди:

*Йәмä төрт әшингä әдўрман салāм,*
*Олардын усанмақ қачан ол маңа* (CXXI, 43).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## II. «ЎҒУЗНОМА»НИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТИ

«Ўғузнома»[1] XIII асрнинг охири ёки XIV асрнинг бошларида Турфанда ёзилган асардир. Бу асар прозаик йўл билан ёзилган асар бўлиб, айрим ўринларда шеърий жумлалар ҳам учрайди. Асар прозаик асар бўлгани учун ҳам унда ўзига хос хусусиятлари сўзлашув тилига хос оборот ва жумлалари билан ажралиб туради, поэтик тилга хос традицион форма, конструкция ва оборот ҳамда жумлалар учрамайди.

### ГАП БЎЛАКЛАРИ

Гап бўлакларининг ифодаланишлари, маъно хусусиятлари, функциялари ва маълум жумлада мавжуд бўлиш ёки бўлмасликларига кўра айрим хусусиятларга эга бўлган.

**Эга.** Эга от, олмош ёки отлашган сўзлар орқали ифодаланади, отлашган сўзлар орқали ифодаланиши кам учрайди: *ўчӓгўсў тўн сарыға бардылар* (38—V—VI).

ҚБ ва ҲҲ тилидан фарқланиб, асар тилида эганинг мураккаб составли ҳаракат номлари ёки сифатдошлар орқали ифодаланиши учрамайди. Сифатдош орқали ифодаланган ёлғиз эга қўлланади: *болды урушғу* (18—IX).

Асар тилининг хусусиятларидан бири шуки, унда кўплик аффикси (*лар* -*лӓр*) кўп қўлланади; эгалар ҳам кўпинча ана шу аффиксни олади (бундай ўринда кўплик аффикси фақат кўплик эмас, бошқа маънолар — давомлилик, маънони кучайтиш в. б. ни ҳам ифодалайди): *кӧб мўрӓнлӓр кӧб ӧгўзлӓр бар ӓрди* (3—II).

«Ўғузнома»да жумлалар бир-бири билан мазмунан боғланади, ва ҳар субъектнинг ҳар бир ҳаракати ёки ҳолати янги жумла билан бошланади, бундай жумлалар бир субъектга оидлиги мазмунан ва олдинги жумладан маълум бўлиб тургани учун ҳам эга

---

[1] Мазкур илмий текшириш учун «Ўғузнома» нинг А. М. Шчербак томонидан эълон қилинган нусхаси асосга олинди. Қаранг: А. М. Щербак, «Огуз-наме», «Муҳаббат-наме», Изд-во восточной литературы, М., 1959.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар бир жумлада қайтариб ўтирилмайди. Натижада бир-бири билан мазмунан боғланган конструкциялар ҳосил бўлиб, уларнинг эгаси бир ўринда (одатда биринчи жумлада) ифодаланади холос:

*Ошул орман ич(и)ндä бэдÿк бир қыат (?) бар эрди. Йылқыларны, эl кÿнläрни йэр эрди. Бэдÿк йоман бир кик эрди. Бэркä эмгäк бирlä эl кÿнни басуб эрди* (3—IV—VII) *(қырық қулач йығачны тиктÿрди. Ануң) башыда бир алтун (тағуқ қойды, адағы)да бир ақ қойун бағлади (ч) оң йағыда қырық қулач й(ы) ғачны тиктÿрди. Ануң башыда бир кÿмÿш тағуқ қойды, адағыда бир қара қойунны бағлады* (41—I—IV)[2].

Эгаси умумий жумлалар орасига бошқа бир жумла кириб қолиши ҳам мумкин:

*Оғуз қаған кöрди ким эркäк бöри чэрикнинг татуқларыда йÿрÿгÿдä турур С(э)в (и)нди, иlгäрÿ кэтти* (29—VII—IX).

Умуман, асар тилида эга кам ифодаланади. Айрим ўринларда унинг ифодаланиши (айниқса, кишилик шахс олмоши орқали ифодаланганда) унинг маъносини таъкидлаш учун хизмат қилади:

*Мэн кöрдÿм* (42—III). *Сэнläр болуң* (40—IV). *Мэн кÿlдÿрдÿм* (42—V—VI).

**Кесим.** Кесим мазкур асар тилида кенг қўлланувчи, гапни шакллантирувчи асосий гап бўлагидир. Кесим от, олмош ёки сифатлар ҳамда сифатдошлар, равишдошлар, ***бор, йӯқ*** сўзлари ёки феъллар орқали ифодаланади. Феълдан ташқари сўз туркумлари билан ифодаланган кесимлар кесимлик белгилари — боғлама, тўлиқсиз феъл билан бирга қўлланади.

Феъл билан ифодаланган кесимлар маълум субъектнинг бир вақтда ёки кўпинча кетма-кет рўй берган ҳаракати ёки ҳолатини ифодалайди, шунинг учун ҳам улар уюшиб келади. Уюшган феъл кесимлар ўзаро бирор грамматик воситасиз, ёлғиз интонация ёрдами билан бирикади:

*бэдÿклäди, йÿрÿди, ойнады* (2—III). *Қылыч бирлä башын кэсти, алды, кэтти* (4—IV). *Оғуз қаған аны кöрдÿктä öзи қалмады, кэтти, сэвди, алды ануң бирла йатты, тилäгÿсин алды* (7—VIII—18—8—I), *маъно узоқлаб ҳам: йығачларда йатты, кэнти* (24—IV—V). *Оғуз қазан аны басты, йуртын алды, кэтти* (34—VII—VIII), *(бэнгä кöк) тэңри бэрди тÿшÿмдä, кэlдÿрсÿн* (37—I—II).

Бундай феъл кесимлар анча мустақил маъно ифодаласа ҳам, ҳозирги замон тилидаги каби ораларига бирор богловчи қўйилмайди ёки иккинчи даражали бўлак билан кенгайтирилмайди.

---

[2] А. М. Шчербак ишлатган тиниш белгиларини айнан сақладик. Бунда қаерда нуқта қўйилса, шу ерда жумла тугалланиб, сўнгра янги жумла бошланади, деб тушуниш хато бўлар эди. Ўзаро нуқта билан ажралган жумлалар қўшилиб, қўшма гапни ташкил этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда гапларнинг мазмун муносабати масалани равшанлаштиради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо бу хил кесимларнинг сўнггиси кенг составли мураккаб жумла олдидан келса, бундай феъл кесим олдида ***тақы*** боғловчиси қўлланади:

*Оғуз қаған й(и)гитниң сӧзӱн й(а)қ-шы кӧрди, сэвинди, кӱlди, тақы айтти ким...* (22—IX—23—I).

### Кесимлик боғламалари

*Турур.* Ҳозирги замони ёки мавжудлик маъносини ифодалаш учун ***турур*** боғламаси қўлланади. Бу боғлама от, олмош, ҳаракат номи, сифат, кўпроқ равишдош, сифатдош билан ифодаланган кесимлардан сўнг қўйилади:

*Ӧшӓ ӱстӱндӓ тоң тақы муз бар* ***турур*** (26—V—VI). *Ануң башы соғуқтан ап ақ* ***турур*** (26—VII—VIII). *Ануң аңағусу ошбу* ***турур*** (1—1—11), *йэмӓктӓ* ***турур*** (5—II), *бир йэр бар* ***турур*** (33—VIII), *кӱlӓ* ***турурлар*** (9—VIII), *кӧңӱlӱм авни тиlӓб* ***турур*** (37—IX). *Тэңри сэнгӓ йэр бэриб бужурмуш болуб* ***турур*** (22—IV—V), *эркӓк бӧри... йӱрӱгӱдӓ* ***турур*** (25—VIII—IX).

***Турур*** боғламасининг қўлланиш доираси жуда кенг: у ***кэрӓк*** модал сўзидан кейин ҳам қўлланади, ҳатто ***-р, -с*** формали сифатдошдан кейин ҳам ишлатилади:

*йэрниң тӧрт булуңының қағаны болсам кэрӓк турур* (12—VIII—IX), *ағызумға бақар турур эрсӓ, ағызумға бақмас турур болса...* (13—II—IV).

***Бол*** боғламаси ҳар уч замонни ифодалаш учун қўлланади: ***болды, болмуш*** — ўтган замон, ***боламан*** (сан) — ҳозирги замон, ***болуң, болғыл*** — келаси замон ифодалаш учун қўлланади. Бу боғлама кўпинча от ёки олмош, сифатдош билан ифодаланган кесимга қўшилади:

*мэн уйғурның қағаны боламан* (12—VII). *Ай ай оғуз тапуғуңларда мэн йӱрӱр боламан* (17—I—II). *Урум ӱстигӓ сэн атлар боласан* (16—VIII—IX). *Бизниң қут(ы) быз сэнниң қутуң болмуш...* (22—I—II), *йӱкlӓмӓккӓ ат ...уд азлық болды* (31—III—IV), *сэн бэг болуң* (24—VII). *Оқлар дӓг сэнlӓр болуң* (40—14—IV). *Сэн ...болғыл бошлығ* (28—11).

***Эрди*** — тўлиқсиз феъли ўтган замонда рўй берган ҳолат ёки хусусиятларни ифодаловчи кесимларга қўшилиб келади. «Ўғузнома» ўтган замонда рўй берган воқеани ҳикоя қилувчи асар бўлгани учун ҳам унда бу тўлиқсиз феъли кўпроқ отларга қўшилади. Бунда чиқиш келишиги ёки кўмакчи билан бириккан отнинг кесим функциясида келиши ва ***эрди*** тўлиқсиз феъли билан бирикиши характерлидир:

*Бу уйнуң тағамы* ***алтундан*** *эрди* (28—V—VI). *Сачы мӱрӓн усуғы дӓг ануң тиши ӱнжӱ дӓг эрди* (9—IV—V). *Алтун қазуқ дӓг эрди* (7—V).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Эрди* тўлиқсиз феъли сифат, сифатдош ёки *бар* ҳамда *йоқ* модал сўзлари билан ифодаланган кесимларга қўшилиб келади:

*...қыз ...көрўгlўг эрди* (7—V—VI). *Кўндўн айа (н) айдан қугулгулуграқ эрди* (6—VII—VIII). *Ошул айғыр атны бэк чоқ сэв(ä) йўр эрди* (26—11). *Мунга жўржит дэдўрlăр эрди* (29—IX). *Бир қыз бар эрди* (7—I—II). *Ачқыч йоқ эрди* (28—VIII).

*Эрўр* ва *эрсä* формали тўлиқсиз феъллар ҳозирги ва келаси замон учун қўлланади:

*Атам чамат атуб эрсä мэнуң тапум эрўрмў?* (21—VII—VIII).

Асар тили учун кесимлик белгиларининг қўшалоқ ёки такрор келишлари характерлидир. Бунда *турур* боғламаси билан *эрди* тўлиқсиз феъллари (*ä* формали равишдошдан ёки сифатдошдан сўнг) ёки *турур* боғламасидан сўнг *эрди* феъли такрорланиб келиши мумкин. Сўнгги ҳолатда *турур* боғламасидан сўнг келган *эрди*, эганинг сонига мос ҳолда, кўплик шаклида бўлади. Бундай конструкциялар ўтган замон давомли руй берган ҳаракат, ҳолат ёки хусусиятларни ифодалаш учун қўлланади:

*Атқа минä турур эрди* (26—I), *Кўмўш оқ тўн йаңғаққа кэтä турур эрди* (36—V—VI), *ол бөриниң артларын қатағлаб йўрўгўдä турур эрдиlăр эрди* (17—XII—IX), *ағызы аташ қызыл эрди, қашлары қара эрдилар эрди* (1—VI—VII), *сöз бэрä турур эрдиlăр эрди* (32—III—IV).

Ёрдамчи феъллар «Ўғузнома» тилида жуда кам ишлатилади. Бу вазифада *турди* (равишдош билан давомлилик ифодалайди) ва *қылды* (от билан бирикиб, биргаликда кесим функциями бажаради).

*Бөри йўрўмäин турды* (29—VI—VII). *Йақшы бэги бирlä дост-луқ қылды* (14—V—VI).

Кесимлик белгилари уюшиқ кесимларнинг энг сўнггисида бўлиб, умумлашиб ҳам келади.

Айни бир кесим умумлашиб, бир ўринда бўлиши ёки такрорланиб келиши ҳам мумкин. Такрорланиш эга ва иккинчи даражали бўлакларнинг маъноси бир-бирига зид ёки бошқача бўлган ўринларда руй беради.

*(Оң) йақта бузуқлар олтурды,*

*Чоң йақта ўчоқлар олтурды* (41—VII—VIII).

«Ўгузнома»да жумлалар қисқа, содда ва равон, мураккаб составли гап бўлаклари, кесимлар ҳам жуда кам учрайди.

## Гап бўлакларининг тартиби

«Ўғузнома» асарида гап бўлаклари маълум нормал тартиб билан жойлашади. Инверсия айрим шеърий иборалар да учрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оддий, прозаик жумлаларда эга кесимдан олдин, кесим гапнинг охирида, аниқловчи аниқланмишдан олдин, ҳол ва тўлдирувчи кесимдан олдин келади. Бу тартибнинг бузилиши қуйидаги ўринларда учрайди:

1) айрим кўчирма гапли конструкцияларда ўрин ҳоли кесимдан олдин келади:

*Калық(а) ачғуңдун соң кӓl ордуға дӓб дӓди* (29—II—IV).

2) кўп ўринларда ***турур*** боғламаси кесим вазифасидаги равишдошнинг шахс қўшимчасидан олдин ёки кесим вазифасидаги ***бар*** сўзидан олдин қўлланади[3].

*Сӓнlӓрдӓн баш чалунғулуқ тиlӓб мӓн турур* (12—IX—13—I), *тиlӓб ман турур* (13—I). *Оғуз қағаннуң җаныда ...бир қарт киши турур бар эрди* (35—V—VII).

3) айрим ўринларда равишдош оборотининг ўзи онд бўлган феъл-кесимдан сўнг келиши учрайди:

*Ошул ким мӓниң ағызумға бақар турур болса тартғу тартыб дост тутарман* (13—I—III). *Ошбу ким ағызумға бақмас турур болса чамат чақыб чӓриг чӓкиб душман тутарман* (23—III—V).

4) ***кöб*** ўлчов-даража ҳолининг эгадан олдин келиши:

*ай(оғ) уллар* ***кöб*** *мӓн аштум, урушғулар* ***кöб*** *мӓн кöрдӱм җыда билӓ* ***кöб*** *оқ аттум* (42—III—IV).

5) асар тилида аниқловчининг аниқланмишдан сўнг келиш ўрни ҳам бор: *тоң ӓртӓ чақта* (4—IV).

Сифатдош билан ифодаланган аниқловчи билан аниқланмиш орасида эга қўлланган ўрин ҳам учради: *қыпчақ дӓгӓн сӓн бӓг болуң* (24—VII).

Гап бўлакларининг ўрнини ўзгартиб ифодалаш маълум стилистик мақсадни кузатган.

## Гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан алоқада бўлмаган сўзлар

«Ўғузнома» тилида кириш сўз ва кириш гаплар учрамайди.

Ундалма ёлғиз ёки ундов сўз билан бирга қўлланади; бунда ундалманинг гап охирида келиши ва жонсиз предмет ( ***орман*** ) нинг ундалма функциясида қўлланиши ҳамда уюшиб келиши характерлидир:

*Эмди чӓриг бирlӓ мундун атла оғуз* (25—III), *тӓмӱр җыдалар бол орман* (11—IX—12—I), *ай, ай Оғуз Урум ӱстигӓ атлар боласан* (16—VIII—IX), *ай қағанум сӓнгӓ җаш(а)ғу болс(ун)ғыл узу(н)* (36—VIII—IX), *кӱн Ай йулдуз таң сарыға сӓнlӓр баруң* (38—I—II).

---

[3] Бу ҳолатни А. М. Шчербак ҳам кўрсатиб ўтади (А. М. Щербак, Кўрсатилган асар, 75-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарда *ай* ундов сўзи учраб, у ундалма вазифасида келади ёки гапнинг умумий мазмунига эмоционал муносабат ифодалайди:

*ай мэниң қағаным сäн* (21—II—III), *ай мэниң көңÿлÿм авны тиläб турур* (37—VIII—IX).

### Битишув муносабати

«Ўғузнома» тилида синтаксисни ташкил этган асосий конструкциялардан бири ўзаро битишув муносабатига киришган сўз бирикмаларидир. Битишув муносабатида сифат, сон, олмошлар от билан алоқага киришадилар, айрим ўринларда от билан от ҳам битишув муносабатида бўлади:

*Бэдÿк бир қиат* (3—IV). *Санағулуқсиз нэмäläр йылқылар алды* (34—II—III). *Кÿндÿнки булуңда* (33—VII). *Кöб мÿрäнläр кöб öгÿзläр* (3—II). *Ошул оғул* (I—VIII), *ошу (й)ығачның* (5—I). *Йалғуз өлтурур эрди* (9—I). *Қаршу кэлдиläр* (30—IV—V). *Оғуз қазан* (6—V). *Итиl мÿрäн* (19—III).*Урус бэг* (20—III).

Битишув муносабатига сифат билан сифат ёки олмош билан сифат киришиши ҳам мумкин. Бу ҳолда биринчи сифат ёки олмош сўнгги, иккинчи сифатнинг маъносини изоҳлайди:

*Кöк җаллуғ бэдÿк бир эркäк бöри чықты* (16—V—VI), *й(а)қшы бэрик балуққа йумшады* (20—V). *Йақшы кöрÿклÿг бир қыз эрди* (7—II—III). *Кöб исығ бир йэр турур* (33—IX—34—I). *Андағ кöрÿкlÿг эрди ким* (9—V—VI).

«Ўғузнома» тилида *дэган* сифатдош формаси ёрдами билан ўзаро бириккан от ва от бирикмаси учрайди:

*Мунда Итил мÿрäн дэгäн бир талай бар эрди* (18—IV—V). *Итиl дэгäн мÿрäн* (23—V).

От билан отнинг битишув муносабатида ўзига хослик бор. Маълумки, бундай от билан муносабатда қарашлилик эмас, сифатдош мазмун алоқаси ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай бирикманинг биринчи тобе қисми бир ўринда бош келишик формасидаги от бўлса, бошқа ўринда у ясама сифат формасида ифодаланади:

Қиёсланг:

а) *ағызы аташ қызыл эрди* (I—VI), *тэмÿр җыдалар* (II—IX), *ав йэрдä* (12—I).

б) *баш(ы)нда аташлуғ йаруқлуғ бир мэңи бар эрди* (7—III—IV), *алтунлуг бэлбағы* (4—VI—VII), *ақ сақаллуғ муз сачлуғ узун узлуғ бир қарт киши* (35—VI—VII).

Кейинги давр адабиётларида ва ҳозирги замон тилида бундай составли отлар таркибидаги ***-луғ*** аффикси туширилади.

От феъл билан ҳам битишув муносабатига киради:

*Кÿн туғ болғыл* (12—II), *дост тутарман* (13—III), *душман тутарман* (13—V), *иккинчисигä Ай ат қойдылар* (8—IV—V), *бу чэбäр бир қанға чапты* (31—VI—VII).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Битишув муносабатига киришган сўзларнинг семантик ва грамматик хусусиятида бўлган кейинги даврдаги ўзгаришлар бундай бирикмаларни ташкил этган сўзларнинг семантикасида рўй берган ўзгаришлар сабаблидир:

*Эркäк оғул* (1—IV), *бэдўк йаман бир кик* (3—V—VI), *болс(ун)-ғыл узун (н)* (36—VIII—IX), *кöб чағы* (27—I), *м(э)ңlӓб сэнгӓ ат болсун Қағарлығ* (28—III).

Ҳозирги замон тилида қўшма сўзга айланган *яхши турмоқ* сўзи «Ўғузнома» тилида ўзаро грамматик муносабатини сақлаган:

*Улуғ Тўрўкнўң сöзўн й(а)қшы кöрди* (37—IV—V).

«Ўғузнома» тилида **кöб** ва **тэlим** синонимлари бирликда бош сўз билан битишув муносабатида бўлади: *кöб тэlим алтун кўмўш* (14—II), *кöб тэlим болды урушғу* (18—IX).

## Келишик конструкцияси

«Ўғузнома» тилида бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўлланади. ҚБ ва ҲҲ тилида ишлатилган восита келишиги мустақил келишик сифатида учрамайди. Бу келишик равишга айланган айрим сўзлар таркибида ва *ташқарун (ташқарун қалмасун* (33—VI) сўзи таркибида учрайди холос.

Аввалги давр ёзма адабиёт тилидан яна бир фарқи шуки, макон келишикларидан олдин *-н* товуши («вставочный *-н-*»)нинг қўлланиши кам учрайди.

**Бош келишик.** Бош келишик функциясида турли сўз туркумлари келиб, от, феъл, сифат каби сўз туркумлари томонидан бошқарилади ҳамда гапда эга, кесим, ҳол, ундалма функцияларини бажаради.

**Қаратқич келишиги.** Бу келишик аффикси от ёки олмошларга қўшилиб, улар отга тобе бўладилар ва туркча изофа конструкциясини ташкил этадилар[4]. Қаратқич келишигидаги сўзнинг ёлғиз келиши ва кесим функциясида қўлланиши ҳам учрайди: *йа болсун сэнlӓрниң* (39—III).

**Тушум келишиги.** «Ўғузнома»да тушум келишигининг ***-(и,ы) н*** формаси кўпроқ қўлланади. Бу келишик ўтимли феъллар томонидан бошқарилади: *оғуз қалқаныын урды* (5—II), *башын кэсти* (5—IV).

Тушум келишигида келган сўз маъноси ва грамматик хусусияти ва бошқараётган сўзнинг маъносига кўра, белгили ёки белгисиз шаклда бўлади. Белгисиз шакли тушум келишигидаги сўз бошқарувчи феъл билан умумий бир ҳаракат ёки ҳолат ифодаланганда қўлланади; бунда тушум келишигидаги сўз билан феъл ёнма-ён туради:

*Ширӓ бэндан чаптурды* (11—I—II), *йиг эт, аш, сўрмӓ тиlӓди* (2—I—II), *сўттӓн қумуз бола турурлар* (9—VII—VIII).

---

[4] Изофа конструкцияси бобига қаранг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай белгисиз тушум келишигида келган отлар уюшган бўлиши (юқоридаги мисоллар) ёки кўплик билан турланган бўлиши ёхуд ўз аниқловчисига эга бўлиши мумкин: *ошул йығачлар кэсти* (24—III—IV).

Асар тилида тушум келишигидаги сўз кўпроқ белгили бўлади. Бундай сўз маълум иш-ҳаракатни ўзига қабул қилган, алоҳида объект ифодаловчи сўз бўлади. Бундай сўз эгалик ёки кўплик аффиксини олиши мумкин[5]:

*Эl кунин алды қағанлуғын алды* (19—VII—VIII), *балуқны бэнга сақлаб кэlгuІ* (20—VII—VIII). *Қырық қулач й(ы)ғачны тиктӱрди* (41—IV—V), *йылқыларны эл кӱнlӓрни йэр эрди* (3—V).

Тушум келишигидаги сўзни бошқариб келаётган феълнинг маъносидаги рўй берган ўзгариш бошқарилаётган отнинг шаклланишига ҳам таъсир этади. Ҳозирги замон тилида *яхши кўрмоқ* феъли бир феълдир. «Ўғузнома» тилида бу икки сўз ҳали бир феъл тарзида уқилмайди, ораларида релятив муносабат сезилиб туради. Шунинг учун ҳам бошқарилаётган сўз белгили тушум келишиги шаклида бўлади: *Оғуз қаған й(и)гитнинг сöзун й(а)қшы кöрди* (22—VIII—IX).

Ҳозирги замон тилида *ёлбармоқ* феъли жўналиш келишигидаги сўзни бошқаради. «Ўғузнома»да бу феъл (унинг сифатдош формаси) тушум келишигини бошқарган: *бир йэрдӓ тэңрини җалбарғуда ӱрди* (6—V—VI).

Шунингдек, *тоғурды* феълининг ўзига хос маъноси бошқарилаётган сўзнинг белгили тушум келишиги шаклида бўлишини талаб қилади: *ӱч эркӓк оғулны тоғурды* (8—III). Бу феъл ҳозирги замон тилида *туғди* шаклида қўлланади ва бошқарилаётган сўз *оғул* билан умумий бир ҳаракатни ифодалайди ва шунинг учун ҳам *оғул* сўзи белгисиз тушум келишиги шаклида бўлади: *Ўғул туғди.*

«Ўғузнома» тилида тушум келишигининг жўналиш келишиги ўрнида келиш ўрни ҳам учрайди: *оғуз җыда бирlӓ қыатның башын урды* (5—II—III). Бу ҳол феъл билан тушум келишигидаги сўзнинг грамматик маъно муносабатида кейин рўй берган ўзгариш билан изоҳланади (ҳозир мазкур ибородаги объект иш-ҳаракатни ўзига қабул қилган предмет эмас, балки иш-ҳаракат йўналган объект сифатида уқилади).

**Жўналиш келишиги.** Жўналиш келишиги асосан феъл томонидан бошқарилади, иш-ҳаракат йўналган объект, восита, аташ каби маъноларни ифодалайди:

---

[5] Тушум келишигида келган сўзнинг феъл билан бирикиб, умумий тушунча ифодалаши ёки бундай сўзнинг алоҳида объект бўлиши баъзан маълум маъно ифодалаш мақсадига ҳам боғлиқ бўлади (қиёсланг: ҳозирги замон тилида: овқат қилди — овқатни қилди): *(адағы)да бир ақ қойун боғлады* (41—II—III), *адағыда бир қара қойунны боғлады* (41—VI).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*атларға минä турур эрди* (2—VII), *йығычқа бағлады кэтти* (4—VI—VII). *Биринчисигä Кун ат қойдылар* (8—III—IV), *оқларны ӱчӱгä ӱläштӱрди* (39—IX—40—I).

Асар тилида жўналиш келишигининг эски формалари *-ғару -ру* учрамайди, фақат айрим равишлар таркибида сақланади холос: *ulгäрӱ кэтти* (25—IX).

**Ўрин-пайт келишиги.** Ўрин-пайт келишиги иш-ҳаракат ёки белги-хусусиятнинг қайси соҳа ёки нима бўйича рўй бериши, унинг ўрнини, пайтини ифодалайди ва кўпинча от кесимлар ва феъллар билан бошқарилади ёки мустақил равишда кесим вазифасини ўтайди:

*Бу чақта бу йэрдä бир улуғ орман бар эрди* (3—I). *Чоң җанақыда* (14—VII), *баш(ï)нда ...бар эрди* (7—III—IV), *йығачларда йатты кэчти* (24—IV—V), *җалбарғуда эрди* (6—V—VI).

«Ўғузнома» тилида ўрин-пайт келишигини қўллашдаги хусусиятлардан бири шуки, ҚБ, ҲҲ тилига нисбатан бу асар тилида ўрин-пайт келишигининг чиқиш келишиги вазифасида қўлланиши бир ўринда учрайди: ***Кӱнлäрдä*** *бир кӱн авға чықты* (3—VIII—IX). Аммо бошқа аналогик ўринда чиқиш келишигининг ўзи қўлланади: *кӱнlärдäн бир кӱн* (I—III).

Иккинчидан, «Ўғузнома» тилида ***-уб*** равишдоши ўрин-пайт келишиги формасини олиб, кесим вазифасини бажариши кўринади: *Андан соң эртä болубда...* (37—VI—VII).

«Ўғузнома» тилида ўрин-пайт келишигининг жўналиш келишиги формаси ўрнида қўлланиши ҳам мумкин:

*Қанға ӱстӱндä ölӱг барғуны қойды* (31—VII—VIII). *Ануң башыда бир кӱмӱш тағуқ қой-ды, адағïда бир қара қойунны бағлады* (41—V—VI).

Бундай хусусиятнинг бўлишига сабаб ўрин-пайт келишиги формасини олган сўзда жўналиш келишиги маъноси ҳам, яъни иш-ҳаракат йўналган объект маъноси ҳам бўлади.

**Чиқиш келишиги.** Чиқиш келишиги иш-ҳаракатнинг келиб чиқиш ўрни, манбаи, қиёслаш, узоқлашиш, нимадан қилинганлик каби грамматик маъноларни ифодалайди.

Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг келиб чиқиш ўрни ифодаланганда, чиқиш келишигидаги сўз асосан феъл томонидан бошқарилади: *кöктӱн тӱшти* (6—VI—VII), *кöгӱзӱндӱн оғузны ичиб* (1—IX).

Феъл томонидан бошқарилган чиқиш келишигидаги сўз орқали сабаб ёки узоқлашиш грамматик маънолари ҳам ифодаланади:

*бэг қағардан сарунмыш эрди* (27—IX). *Мундын анга қалач ат қойды* (29—IV), *достлуқтан чықмас тур(урмäн)* (22—VII).

Феъл билан бошқарилган чиқиш келишиги ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй бериш ўрнини ифодалайди (шунинг учун ҳам бундай ҳолда чиқиш келишигини ўрин келишиги билан алмаштириш мумкин бўлади):



www.ziyouz.com kutubxonasi

*кöl арас(ы)нда алындан бир й(ы)ғач кöрди* (8—VIII—IX).

Чиқиш келишигидаги сўзни маълум даража кўрсатган сифат бошқариши мумкин. Бундай ҳолда қиёслаш мазмуни англашилади:

*Йақшы нäпсикилäрдäн кöрÿклÿгрäк эрди* (I—VII—VIII). *Мундун артығрақ ичмäди* (I—IX—2—I). *Ануң кöзу кöктÿн кöкрäк эрди* (9—II—III), *соғуқтан апақ турур* (26—VI—VII).

Чиқиш келишигидаги сўз кўпинча ёрдамчи от *соң* сўзи томонидан бошқарилади. Бунда ҳаракат ёки хусусиятнинг рўй бериш пайти ифодаланади:

*Андан* ***соң*** (4—IV), *мундун* ***соң*** (4—VIII), *кÿнлäрдäн* ***соң*** *кэчäлäрдäн* ***соң*** *й(и)гит болды* (2—VIII—IX).

Чиқиш келишигидаги сўз бошқарилмаслиги, мустақил кесим вазифасида келиши мумкин. Бундай функцияда чиқиш келишигидаги сўз маълум нарса нимадан қилинганини ифодалайди:

*тунлуқлары тақы кÿмÿштÿн эрди* (28—VI—VII).

Равишдошнинг **-уб** формаси чиқиш келишигида келиши ва сабаб маъносини ифодалаб, кесим функциясини ифодалаши характерлидир:

*Муз тағларда кöб соғуқ болубдан ол бэг қағардан сарунмыш эрди* (27—VII—IX).

## Кўмакчили конструкциялар

«Ўғузнома» асарида кўмакчилар ва шу вазифада қўлланувчи ёрдамчи отлар қўлланади.

**Ёрдамчи отлар.** Асар тилида ёрдамчи от вазифасида ***сары (ға), жаны, ўст (ўндä), ара(сы)*** сўзлари келади. ***Сары*** ва ***ўст (ўндä), ич (индä)*** ёрдамчи отлари бош келишикдаги от ёки олмошни феъл ёки от кесим билан бириктиради:

*Урум* ***ўстига*** *атлар боласан* (16—VIII—IX). *Оша ўстÿндä... муз бар турур* (26—V—VI). *Қанға ўстÿндä... қойды* (31—VII—VIII). *Таң сарыға; тÿн сарыға бардылар* (38—V—VI). *Ошул орман ич(и)нда* (3—IV).

***Жаныда (йаныда)*** ёрдамчи оти қаратқич келишигидаги отни от кесимга боғлайди:

*Оғуз қағаннуң жаныда ...бар эрди* (35—V—VII).

***Арасыда, арасында*** ёрдамчи отлари бош ёки қаратқич келишигидаги отни феъл ёки от кесимга бириктиради:

*Тэрäң мÿрäн арасыда й(а)қшы бэрик балуққа йумшады* (20—IV—V). *Йаруқнуң арасында... бар эрди* (7—I—II).

Юқоридаги кўмакчи отлар ҳаракат ёки хусусиятнинг рўй бериш ўрнини кўрсатади. Булардан ташқари, *соң* ёрдамчи сўзи қўлланиб, у пайт маъносини ифодалашда хизмат қилади. Бу ёрдамчи сўз чиқиш келишиги формасидаги от ёки олмошни феъл кесимга боғлайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Кўнlардäн соң, кэчälардäн соң йаруды* (8—II—III). *Қушлар авлағуларыдан соң ...йаны чаптылар* (38—VII—IX). *Андан соң эртä болубда...* (37—VI—VII).

Асл кўмакчи вазифасида ***бирlä билä, дäг, ўчўн, кöрä*** ёрдамчилари келади.

***Бирlä*** кўмакчиси (бир ўринда ***билä*** шаклида учрайди) бош келишикдаги отни ёки қаратқич келишигидаги олмошни феъл кесимга бириктиради. ***Бирlä*** кўмакчиси ёрдамчи билан тузилган бирикмада восита ва биргалик грамматик маънолари ифодаланади:

*Қанға қанға бирlä ölўгни тириг йўрўгўрсўн* (32—VI—VII), *жыда билä кöб оқ аттум* (42—IV), *айғыр б(и)рlä кöб йўрўдўм* (42—IV—V), *анұң бирлä йатты* (7—IX—8—I), *аның бирlä амырақ болды* (14—VI). *Бэркä эмгä(к) бирлä эл кўнни басуб эрди* (3—VI—VII).

***Бирlä*** кўмакчили бирикманинг уюшиб келиши, ***бирlä*** кўмакчисининг такрорланиб келиши характерлидир:

*Йа бирлä оқ бирлä шұңқарны öлтўрди* (5—VI—VII), *жыда бирлä йа оқ бирлä тақы қылыч бирлä қалқан бирла атлады* (3—IX, 4—I—II), *оқ бирlä жыда бирlä қылыч бирlä уруштылар* (18—VII—VIII).

***Дäг*** кўмакчиси ўхшатиш муносабатини ифодалашда восита бўлиб, бош келишик формасидаги отларга қўшилиб келади ва ўзи қўшилиб келаётган сўзни феълга ёки отга боғлайди ёхуд ўша сўз билан бирликда кесим вазифасини ўтайди:

*Йа* ***дäг*** *оқларны кöккäчä атун* (39—III—IV). *Адағы уд адағы* ***дäг,*** *бэллäри бöри бэллäри дäг... эрди* (2—IV—V). *Сачы мўрäн усуғы* ***дäг,*** *анұң тиши унжў дäг эрди* (9—IV—V). *Кўн* ***дäг*** *бир жаруқ кирди* (16—III—IV).

***Ўчўн*** кўмакчиси қаратқич келишигидаги олмошни феъл-кесимга боғлайди ва сабаб муносабатини ифодалашда хизмат қилади:

*Анұң* ***ўчўн*** *анларға қанға ат қойдылар* (32—IV).

«Ўғузнома» тилида ***кöрä*** равишдошининг кўмакчига ўтган шакли қўлланади. Бу кўмакчи ўзи бирикиб келаётган отнинг жўналиш келишигида бўлишини талаб қилади ва уни феъл-кесимга боғлайди. Бундай конструкция орқали асослаш, маълум ҳаракатнинг нима асосида бўлиши маъноси англашилади: *Огўдўгä* ***кöрä*** *қылды* (37—VI).

## Сифатдош конструкцияси

„Ўғузнома“ асарида сифатдошнинг ***-гў, -р, -гäн, -миш, -дуқ, -ғулуқ*** формали турлари қўлланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## I. Бош келишик формасидаги сифатдош

Бош келишик формасидаги сифатдош қуйидаги функцияларда келади:

1) кесим вазифасида *-мыш, -(у)р, -ған* формали сифатдошлар қўлланади. Бунда *-мыш* формали сифатдош *ӓрди* тўлиқсиз феъли билан, *-ған* формали сифатдош *ӓрди* тўлиқсиз феъли ёки *турды* кўмакчи феъли билан бирга қўлланади; *-ур* формали сифатдош шахс қўшимчасини олади ёки *турур* боғламаси шаклида бўлади:

*ол бӓг қағардан сарунмыш ӓрди* (27—IX). *Қурыҡан тӱшкӱрӓ турған турды* (29—VII—VIII). *Аты Тӧмӱрдӱ қағул дӓгӓн ӓрди.* (29—I). *Улуғ барғулуғ бир йурт турур* (33—VIII—IX). *Мӓн сӓнгӓ бошлаб йолны кӧргӱрӱрмӓн* (25—V—VI).

2) тўлдирувчи функциясида *-ғу* ва *ғулуқ* формали сифатдошлар қўлланади:

*Қатағлағу бармас ӓрди* (15—II—III), *анга атлағу тиlӓди* (15—VI). *Сӓнlӓрдӓн баш чалунғулуқлуқ тилӓб мӓн турур* (12—IX—13—I).

3) аниқловчи ва изоҳловчи функциясида сифатдошнинг *-гӓн* ва *-р* формали тури ишлатилган. *-гӓн* формали сифатдош *дӓгӓн* феъли таркибида изоҳловчи билан изоҳланмишни (бундай конструкция кўп қўлланади), *-ур* формали сифатдош *-турур* боғламаси шаклида аниқловчили конструкцияни ташкил этади:

*Алтун қаған дӓгӓн бир қаған бар ӓрди* (13—VIII—IX). *Муз таға дӓгӓн тағнуң адағыға кӓlди* (15—VIII—IX). *Барака дӓгӓн бир йӓр бар турур* (33—VIII). *Талай турур йӓрни уруғуңға бӓрдӱрсӱн* (37—II—III).

Сифатдошнинг *-ғу* формаси кўпинча отга кўчади, от ҳукмида бўлади: бундай сифатдош формаси эга вазифасида ҳам келади: *Сӓнгӓ жқаш(а)ғу бол-с(у)нғыл узу(н)* (36—VIII—IX), *урушғу тутулды* (18—VII).

## II. Бошқа келишик формасидаги сифатдошлар

1. **Тушум келишигида.** *-гӓн* ёки *-гӱ* формали сифатдошлар келиб, улар тўлдирувчи функциясини ўтайди. Бундай конструкция орқали мураккаб фикр ифодаланади, тушум келишиги орқали икки хил ҳаракат ёки ҳолат бириктирилади:

*Тӱштӓ кӧргӓнин Оғуз қағанға бilдӱрди* (36—VI—VII), *тилӓгӱсин алды* (8—I).

2. Ўрин-пайт келишиги формасидаги сифатдош қуйидаги функцияларда келади:

1) **кесим** функциясида *-ғу*, *-миш* формали сифатдошлар келиб, улар *ӓрди* тўлиқсиз феъли билан бирикади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Җалбарғуда* ***ӓрди*** (6—VI—VI), *бuldӱргӱlӱктӓ битилмиш* ***ӓрди*** *ким...* (12—VI—VII).

Сифатдошнинг ***дуқ -дӱк*** формали тури пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланади:

*Оғуз қаған аны* ***кӧрдӱктӓ*** *ӧзи қалмады* (7—VIII—IX). *Таң ӓртӓ* ***болдуқта*** *оғуз қағаннуң қурықаныға кӱн дӓг бир җаруқ кирди* (16—I—IV). *Таң ӓрта* ***болдуқта*** *оғуз қазан кӧрди ким* (25—VI—VII).

2) сифатдошнинг ***-ғу*** формаси тўлдирувчи функцияни бажаради:

*Йӱрӱгӱдӓ соғурғуда оңа, ӓр ӓрди* (27—IV—V).

3) чиқиш келишигида ***-ғу*** формали сифатдош қўлланиб, у ***соң*** ёрдамчи сўзи билан бирикади ва пайт ҳоли вазифасини ўтайди. Бундай пайт ҳоли мазмунан эргаш гапга тенг бўлиб, состав жиҳатдан кенг бўлади. Шуниси характерлики, бундай вазифадаги сифатдош таркибида эгалик аффикси мавжуд бўлади:

*Қалық (а)* ***ачғундун соң*** *кӓl ордуға дӓб дӓди* (29—II—IV). *Кӱн Ай Йулдӱз кӧб кикlӓр кӧб қушлар* ***авлағуларыдан соң*** *җолда бир алтун йаны чаптылар* (38—VI—IX).

Чиқиш келишигидаги ***-ғу*** формали сифатдош тўлдирувчи функцияда келиши мумкин. Бундай функцияда ҳам мураккаб мазмун ифодаланиб, сифатдош таркибида эгалик аффикси бўлади:

*Қары* ***болғумдан*** *мӓниң қағазлуғум йоқ турур* (37—IX—38—I).

## III. Боғлама билан бириккан сифатдош

Сифатдош ***турур*** ва ***бол*** боғламаси билан бирикиб, кесим функциясида қўлланиши мумкин. Бу ҳол сифатдошнинг мазкур давр тилида унинг белги ифодалаш хусусияти, асосий хусусият бўлиши сабаблидир. Ҳозирги замон тилида сифатдош феълга мазмунан яқинлашгани туфайли, ана шундай воситалар билан сифатдош қўлланмайди.

Сифатдошнинг ***-р, -с*** ёки ***-мыш/-муш*** формалари ***турур*** ёки ***бол*** боғламаси билан бирикиши мумкин.

*Бӓргӱ бӓриб достлуқтан чықмас тур(урман)* (22—VI—VII). *Чалаң булаңдан қуруқмас турур ӓрди* (27—III—IV). *Урум ӱстигӓ сӓн атлар боласан* (16—VIII—IX). *Ошул ким мӓниң ағызумға бақар турур болса ...дост турарман* (13—I—III). *...ағызумға бақмас турур болса ...душман тутарман* (13—IV—V), *бизниң уруғ(ы)быз сӓнниң (й)ығач(у)ңнуң уруғы болмуш болуб турур. Тӓңри сӓнгӓ йӓр бӓриб буҗурмуш болуб турур* (22—II—V).

Сифатдошнинг ***-ғу*** формали тури бир составли гапнинг кесими функциясида ***кӓрӓк*** модал сўзи билан бирикиши мумкин: *балуқны қатағлағу* ***кӓрӓк*** (20—VI).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Ҳаракат номи конструкцияси

«Ўғузнома» тилида ҳаракат номининг *-мäк*/*-мақ* формаси қўлланади. Ҳаракат номи феъл ёки отга тобе бўлади ва ўз семантикасига кўра феълга яқин бўлиб, маълум даражада ҳукм ифодалайди, шунга кўра, мазмунан эргаш гапга яқин бўлган конструкцияни ташкил этади. Ҳаракат номи конструкцияси объектив муносабатни ёки агар таркибида алоҳида эгаси бўлса, ҳақиқий эргаш гапни ташкил этадилар (учинчи мисолга қаранг).

*Бу қыатны авла**м**(**а**)**қ** тиläди* (3—VIII). *...йӱкlä**мäккä** кэlдӱр**мäккä** ат қағатыр уд азлық болды* (31—III—IV). *Мунлар қанға йӱрӱ**мäк**тä қанға қанға сöз бэрä турур эрдилäр эрди* (32—II—IV)

Ҳаракат номи кесим функциясида ҳам келади. Бунда у ***турур*** боғламаси билан бирикади:

*бир шунқар ... **йэмäктä турур*** (5—V—VI).

Ҳаракат номининг ***-уш -ыш*** формаси айрим фразеологик бирикма таркибида учрайди, холос:

*Бу алтун йа кӱн тоқушыдан дä кӱн батышығача (тэ(к)кäн эрди* (36—II—IV).

## Кўрсатиш олмошли конструкциялар

Кўрсатиш олмоши эргаш гапни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бундай вазифада ***андағ*** ва ***ошул, ошбу*** олмошлари қўлланади. ***Андағ*** кўрсатиш олмоши натижа ёки аниқловчи эргаш гапни ташкил этиб, бундай эргаш гапнинг кесими от ёки феъл кесим бўлиб, бош гапга ёлғиз интонация ёхуд ***ким*** боғловчиси ёрдами билан боғланади:

***Андағ** йаман урушғу болди. Оғуз қаған башты, масар қаған қачты* (34—VI—VII). *Тутулунч урушунч **андағ** йаман болды **ким** Итиl мӱрäннуң суғы қып қызыл сып сыңгар дäг болды* (19—II—V). *Ошул қыз **андағ** кöрӱклӱг эрди **ким** кӱлсä кöк тэңри кӱлä турур* (17—V—VII).

***Ошул*** ва ***ошбу*** кўрсатиш олмошлари ***ким*** боғловчиси билан бирикиб, тўлдирувчи эргаш гапни ташкил этади, бундай эргаш гапнинг кесими шарт феъли формасида бўлади:

***Ошул ким** мэниң ағызумға бақар турур болса таратғу тартыб дост боларман...* (13—I—III). ***Ошбу ким** ағызумға бақмас турур болса чамат чақыб чэриг чэкиб душман тутарман* (13—III—V).

## Равишдош конструкцияси

„Ўғузнома“ тилида равишдошнинг ***-иб*** / ***-уб, -а*** / ***-йа, -майн, -ў*** формали турлари учрайди. Булардан кенг қўлланувчи равишдош формаси ***-иб -уб*** бўлиб, қолган формалар бошқа формалар билан бирга қўлланадилар, мустақил равишдош сифатида ишлатилмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Равишдош ёлғиз қўлланганда равиш ҳоли функциясини бажаради, бундай равишдош кўпроқ феълдан олдин ёки у билан дифтонг ҳолатда бўлиши мумкин:

*кэlиб кэңашиб олтурды(л)ар* (40—VII), *қыат кэлиб башы бирлä Оғуз қалқаныын урды* (5—I—II).

Ўзига оид сўзлар билан бириккан равишдош маълум оборотни ташкил этиб, бирикмали ҳол функциясини бажаради:

*ошул оғул анасының кöгӱзӱндӱн оғузны ичиб мундун артыграқ ичмäди* (I—IX—2—I). *Эl кӱнгä jарлық jарлаб кэңäштiлäр* (10—IX—II—I). *Кöб тэlим алтун кӱмӱш тартыб кöб тэlим қыз йақут таш алыб кöб тэlим эрдäнiлäр йэбäриб йумшаб оғуз қағанға с(о)йурқаб бэрди* (14—II—V).

Бундай равишдош оборотларининг баъзилари фразеологик бирикмани ташкил этади:

*Оғуз қаған чамат атуб анға атлағу тiläди* (15—V—VI), *айғыр ат кöздäн йитӱ қачты, кэтти* (20—III—IV). *Кöзӱ йарыб бодады* (I—IV).

Равишдошнинг асосий функцияларидан бири кесимликдир. Бу вазифада қўлланган равишдош ***турур, болды*** боғламасини олади ёки ***турды*** кўмакчи феъли билан бирикади:

*йылқылар* ***кӱтäйä турур*** *эрди, атларға минä турур эрди, кiк авлайа турур эрди* (2—VI—VIII). *Алыб турур* (4—V—VI). *Балуқны бэриб турур* (21—IV). *Ордусыға кöб... барғу тушӱ болды* (19—IX—20—I). *Эркäк бöри йӱрӱмäин турды* (29—VI—VII). Шу билан бирга кесим вазифасидаги равишдош ***турур*** боғламасиз, бевосита шахс қўшимчасини ҳам олган ўринларини ҳам кўрамиз: *болиман* (17—II), *боласан* (16—IX).

Равишдош сабаб ва пайт эргаш гап кесими вазифасида ҳам қўлланади. Бунда равишдошнинг ўрин-пайт ёки чиқиш келишиги қўшимчасини олиши характерлидир:

*Муз тағларда кöб соғуқ* ***болубдач*** *ол бэг қағардан сарунмыш эрди* (27—VII—IX). *Андан соң эртä болубда акаларны, инiлäрни чарлаб кэlдӱрди* (37—VI—VIII).

Асар тилида, равишдошнинг равишга ўтган маълум турларидан ташқари, ***башлаб*** равишдошнинг ҳам равиш вазифасида қўлланганини кўрамиз: *мэн сäнгä* ***башлаб*** *йолны кöргӱрӱрмäн* (25—V—VI).

## Шарт феълли конструкциялар

«Ўғузнома»да шарт феълининг белгиси *-са -сä* бўлиб, кам қўлланади. Шарт феълли конструкция шарт-пайт эргаш гапни ташкил этади:

*Кӱlсä кöк тэңри кӱlä турур, й(ы)ғласа кöк тэңри й(ы)ғлайа турур* (7—VI—VIII). *Аны кöрсä ай ай ах öлäр биз дэб, сӱттäн қумуз бола турурлар* (9—VI—VIII).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарт феъли *эрсӓ* шаклида равишдош билан бирикиб, шартпайт эргаш гапни ташкил этади:

*Атам чамат* ***атуб эрсӓ*** *мэнӱң тапум эрӱрмӱ?* (21—II—VIII).

«Ўғузнома» тилида шарт феълининг ўзига хос конструкцияни ташкил этган ўрни бор. Бунда кесими шарт феъли формасида бўлган гап боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисмини ташкил этади. Бундай қўшма гапларнинг иккинчи қисми биринчидан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг хулосасини ифодалайди, бу хулоса авторнинг тахмини бўлгани учун ҳам кесим шарт феъли орқали ифодаланади:

*Жыдам ölтӱрди, тэмӱр болса. Қыатны (?) шуңқар й(э)ди. Йа оқум ölтӱрди, й(э)l болса дэб дэди* (5—IX—6—I—II).

Шарт феъли ***ошул, ошбу (ким)*** кўрсатиш олмоши ёрдами билан берилган эргаш гапларнинг кесими функциясида келиши юқорида айтиб ўтилди.

## Такрор бўлакли конструкциялар

«Ўғузнома»да айни бир ўзакли сўз турли формада такрорланади. Бунга энг характерли мисол ***дэб*** ва ***дэди*** феъл формаларининг ёнма-ён келишини кўрсатиш мумкин. Асар тилида кўчирма гапларнинг автор гапи шу ***дэб дэди*** билан тугалланади: *Болсунғыл дэб дэдиlар* (1—I). *Тақы дэди ким ай ай оғуз, тапуғуңларға мэн йӱрӱр боламан* ***дэб дэди*** (16—VIII—IX—17—I—II).

Бу ўринда *дэб* кўчирма гапни автор гапига боглаш учун бир восита ҳам бўлади.

Маълум маънони таъкидлаш ёки давомлилик маъносини ифодалаш учун қуйидаги от ёки феълларнинг ўзаги турли формада такрорланади:

*Тӱг тӱлӱклӱг эрди* (2—VI). *Ав авлайа турар эрди* (2—VIII). *Бöри туруб турды* (18—III).

## Мослик

«Ўғузнома» тилида эга билан кесим, қаратқич билан қаралмиш (изофа конструкциясига қаранг) орасида ш а х с д а м о с л и к мавжуддир.

ҚБ тилидаги каби ***öз*** олмошининг ўзига хос маъноси билан боғлиқ бўлган мослик «Ўғузнома» тилида фақат бир ўринда кўринади: ***öзи*** *қалмады* (7—IX).

Учинчи шахс белгиси *ол* элементи шу функцияда «Ўғузнома» тилида қўлланмайди.

Утган замон феъли ва сифатдош формалари I ва II шахсда мослашади: *мэн аштум, мэн кöрдӱм* (42—III), *кэчӓрбиз* (23—VIII) *тиlӓб ман турур* (инверсия, 13—I).

Буйруқ феълининг II шахсида мослик баъзан бузилади: *Сэнlӓр баруң* (38—I—II), — *сэн мунда бэг болуң* (24—VI—VII).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Сондаги мослик

«Ўғузнома»нинг ўзига хос хусусияти эга билан кесим ҳамда қаратқич билан қаралмиш орасидаги сонда бўлган мосликда яққол кўринади. Бу асар тилида сонда тўла мосликка интилиш сезилади.

Кўплик шаклида келган эгалар, маъносига кўра кўплик ифодалаган эгалар, уюшган эгалар кесим билан сонда асосан мослашадилар; кесим кўплик аффиксини олади:

*Мунлар ...сӧз бэрӓ турур эрдіӓр эрди* (32—II—IV). *...бузуқлар, ӱчоқлар қырық кӱн қырық кэчӓ аш(а)дылар и(ч)тилӓр, сэвинч таптылар* (41—IX—42—I). *Ӱчӓгӱсӱ таң сарыға бардылар* (38—IV—V). *Мунда Жӱрҗит қағаны эl кӱни оғуз қағанға каршу кэlдіlӓр* (30—III—V). *Нӱкӓрlӓрнуң эl кӱннӱң қамағы муны кӧрдіlӓр, шаштылар* (32—I). *Кӧк тағ Тэңиз ...җолда ӱч кӱмӱш оқ(ны) чаптылар, алдылар, атасыға бэрдіlӓр* (39—V—VIII).

Айрим ўринларда эргаш гапнинг сифатдош билан ифодаланган кесими билан эга орасида ҳам сонда мосликка риоя қилинади:

*Кӱн Ай Йулдуз кӧб кикlӓр кӧб қушлар авлағуларыдан соң* (38—VI—VIII).

Эга кўпликда келганда, кесимдаги кўплик маъноси **-лар** аффикси билан эмас, балки бошқа бир усул билан, масалан ўзакларни такрорлаш йўли билан ҳам ифодаланади: *Ошбу қағаннуң чэриги кӧб кӧб... эрди* (14—VIII—IX).

Шуниси характерлики, шахс билдирувчи эгаларгина эмас, жонсиз предмет ёки кишининг аъзосини англатган эгалар кўплик формасига мос келади:

*...алтун кӱмӱшlӓри кӧб эрдӓниlӓри кӧб эрдіlӓр эрди* (30—II—III). *Ағызы аташ қызыл эрди, кӧзлӓри ал, сачлары, қашлары қара эрдилӓр эрди* (I—VI—VII). *Бэллӓри бӧри бэллӓри дӓг эрди* (2—III—IV). *Туңлуқлары тақы кӱмӱштӱн, қалық(а)лары тэмӱрдӱн эрдіlӓр эрди* (28—V—VIII).

«Ўғузнома»да айрим ўринларда сифатловчи аниқловчи билан аниқланмиш ҳам сонда мослашади. Қуйидаги мисолда мазмунан кўплик ифодалаган аниқловчига мос ҳолда аниқланмиш от кўплик аффиксини олади: *кӧб тэlим эрдӓниlӓр йэбӓриб* (14—III).

Асар тилида бир ўринда кўплик аффикси эгага эмас, унинг сифатдош орқали ифодаланган аниқловчисига қўшилади:

*Бунда кэлгӓнлӓр кік кӧб кӧб, бунда учқанлар қуш кӧб кӧб эрди* (3—II—III)[6].

Сондаги мослик изофа конструкцияси таркибида (қаратқич ва қаралмиш орасида) ҳам кўринади: *Чэрикlӓрниң араларыда кӧб тэlим болды урушғу* (18—VIII—IX). *Эl кӱнlӓрниң кӧңӱllӓридӓ кӧб тэlим болды қайғу* (19—I—II).

---

[6] Бу ҳақда қаранг: А. М. Щербак, Кўрсатилган асар, 67-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Изофа конструкцияси

Изофа конструкцияси «Ўғузнома» тилини ташкил этган асосий синтактик конструкциялардан биридир. Бундай конструкцияни ташкил этган қисмлар шаклланишига кўра қуйидагича бўлади:

1. Изофа конструкциясининг биринчи группаси ($А_1$—$Б_1$) асар тилида анча кенг қўлланади, ҳар учала шахс бўйича қаралмишда эгалик аффикслари, қаратқичда қаратқич келишиги аффикси мавжуд бўлади.

Бундай конструкцияни ташкил этган қисмлар қуйидагича хусусиятга эга:

1) қаратқич кишилик олмоши билан ифодаланади:

*Мэнниң қағанум* (21—II—III), *сэнниң қутуң* (22—I—II), *сэнниң (й)ығач(у)ңнуң уруғы* (22—III—IV), *аңуң көзӱ* (9—II—III), *мэниң ағызумға* (13—I—II), *мэниң көңӱlум* (37—VIII—IX).

2) қаратқич отоқли от билан ифодаланади:

*Улуг тӱрӱкнӱң сӧзӱн й(а)қшы кӧрди* (37—IV—V), *ай қағаннуң кӧзӱ* (1—III, IV).

3) қаралмиш **қамағ** олмоши билан ифодаланади:

*Бэдӓнинӱң қамағы* (2—V), *эl кӱннуң қамағы* (32—I).

4) қаратқич олмош орқали ифодаланган ўз аниқловчисига эга бўлади:

*Ошул оғулнуң öңлӱги* (I—V). *Бу ӱйнӱң тағамы* (28—V—VI).

5) баъзан қарашлилик мазмунини таъкидлаш учун изофа конструкциясининг ҳар икки қисмида аффикс сақланади: *Талнуң чубуғы* (4—II—III), *қыатның ичӓгӱсин* (5—V).

Шу билан бирга айрим ўринларда кўрсатиб ўтилган қоидадан четлашилади.

2. Изофа конструкциясининг иккинчи группаси ($А_0$—$Б_1$) «Ўғузнома» тилида қўлланмайди, учинчи группаси ($А_1$—$Б_0$) ишлатилади:

*Уд адағы, бӧри бӭллӓри, киш йағры* (2—III—IV). *Оғуз қалқаның* (5—II). *Тағ башыда* (20—III). *Ӧз оғызыға* (30—VIII).

3. Изофа конструкциясининг тўртинчи группаси ($А_0$—$Б_0$) умумий тушунча ифодаловчи бирикмада кўринади: муз таг (26—VII).

4. Изофа конструкциясининг бешинчи группаси (О—$Б_1$) асосий диққат аниқланмишга қаратилиб, ундан қаратқич ҳам англашилиб турган ўринларда ёки субъект умумий бўлган жумлаларда, қаратқич олдиндан маълум бўлган ўринларда қўлланади:

*Жыдам öлтӱрди* (5—IX—6—I), *эртӓ* ***болубда акаларини, иниlӓрни*** *чарлаб кэlдӱрди* (37—VI—VIII). ***Кӧк, Тағ, Тэңиз...*** *ӱч кӱмӱш оқны чаптылар, алдылар, атасыға бэрдилӓр* (39—V—VIII). ***Биринчисигӓ*** *кӧк ат қойдылар* (10—IV—V).

5. Асар тилида изофа конструкциясининг олтинчи группаси қаратқичнинг чиқиш келишиги формасида бўлиши ҳам қўлланган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

бундай конструкциянинг қаралмиши таркибида эгалик аффикси тушиб қолади:

*Кўнläрдäн бир кун* (1—III).

«Ўғузнома» тилида изофа конструкциясининг бошқарувчи сўзи от билан ифодаланади.

### Боғловчи ва боғловчили конструкциялар

«Ўғузнома» тилида боғловчилар жуда кам қўлланади. Тенг боғловчи вазифасида ***тақы*** ёрдамчи сўзи ишлатилади. Бу лексик-грамматик восита уюшиқ бўлакларни ва боғланган қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.

Уюшиқ бўлакларни боғлаганда ***тақы*** бундай бўлаклар орасида келиб, бириктирув ва қўшимча маълумот маъноларини ифодалашда хизмат қилади:

*Оқ* ***бирлä тақы*** *қылыч бирлä қалқан бирла атлади* (1-I-II). ***Йа тақы*** *қалқан* (II—VII) *Ав йäрдä йўрўсўн* ***қулан тақы*** *талуй тақы мўрäн* (12—I—II). *Тоң* ***тақы*** *муз* (26—V). ***Сынду тақы*** *таңғут тақы шагам йанғақларыга атлаб кэтди* (33—II—III). *Кўнläрдä бир кўн уйқуда бир алтуп йа* ***кöрди тақы*** *ўч кўмўш оқ кöрди* (36—I—II).

***Тақы*** ёрдамчиси кўпроқ қўшма гапни ташкил этади. Бундай қўшма гапларда қуйидагича мазмун муносабатлари ифодаланади:

1) қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчисидан англашилган ҳаракат ёки ҳолатдан сўнг нима рўй беришини ёки қўшимча маълумот ифодалайди:

*...й(э)л болса дэб дэди, кэтти. Тақы қыатның аңуғусу ошбу турур* (6—I—II—III). *Бу алтун йа кўн тоқушыдан дä кўн батушығача тэ(к)кäн эрди, тақы бу ўч кўмўш оқ тўн йанғаққа кэта турар эрди* (36—II—VI).

Бу хил қўшма гапларнинг иккинчи қисми кўпинча кўчирма гапли конструкцияни ташкил этади:

*Ошул бöри огуз қағанға сöз бэриб турур эрди. Тақы дэди ким...* (16—VI—VIII). *Уруг бэг оғулун ...бэрик балуққа йумшады. Тақы дэди ким...* (20—III—VI). *Огуз қаған аны кöрди, тақы дэди ким Итiлниң усуғыдан нэчўк кэчäрбиз дэб дэди* (23—VI—VIII). *тағамы алтундан эрди, тунлуқлары тақы кўмўштўн... эрди* (28—VI—VIII).

2) қўшма гапнинг ҳар икки қисмидаги бир бўлакнинг маъноси қиёсланади, маъноси қиёсланаётган бўлак қўшма гапнинг бошланишида бўлади ва бундай бўлакдан сўнг ***тақы*** боғловчиси қўлланади:

*Эркäк бöри туруб турды, Огуз тақы чэриг бирлä туруб турды* (18—III—IV). *...бöри йўрўмäин турды, Огуз қаған тақы турды* (29—VI—VII). *Ўчäгўсў таң сарыға бардылар, тақы ўчäгўсў тўн сарыға бардылар* (38—IV—VI).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тақы* сўзи боғловчи сифатида эмас, балки ўзининг асл хусусияти равиш ёки юклама вазифасида ҳам қўлланади:

*Тақы ulгäрÿ кэтти* (23—VIII). *Сэн* ***тақы*** *урушғулардан соң балуқны бэнгä сақлаб кэlгul* (20—VII—VIII). *Қанғалар тақы чаптылар* (32—11).

«Ўғузнома» тилида тобе боғловчилардан ***ким***, боғловчи вазифасида ***дэб*** равишдош формаси қўлланади. Асар тилида ***ким*** боғловчиси анча кенг қўлланади, Бу боғловчи қуйидаги эргаш гапларни бош гапга боғлашда хизмат қилади:

**1. Тўлдирувчи эргаш гап.** Бундай эргаш гап кўчирма гап бўлиб, автор гапи бош гапни ташкил этади, ***ким*** боғловчиси автор гапининг кесимидан сўнг қўлланиб, эргаш гап ундан сўнг келади:

*...дэди* ***ким*** *шунқарнуң аң(а)ғусы ошбу турур* (5—VIII—IX). *Дэди* ***ким*** *мэн сэнläргä болдум қаған...* (II—VI—VII). *Тақы дэди* ***ким*** *балуқны қатағлағу кэрак турур, ...балуқны сақлаб кэlгul, дэб* ***дэды*** (20—V—VIII).

Тўлдирувчи эргаш гапнинг иккинчи турининг бош гапи ***кӧрди*** феъли бўлиб, эргаш гап нима кўрилгани, нима уқилганини ифодалайди ҳамда бош гапдан сўнг келади; ***ким*** боғловчиси бош гап кесимидан сўнг қўлланади:

***Кӧрди ким*** *қыат* ***буғуны алуб турур*** (4—V—VI). ***Кӧрди ким*** *қыат* ***адуғны алуб турур*** (4—IX). ***Кӧрди ким*** ***бир шунқар*** *қыатның ичäгусин й(э)мäктä турур* (5—V—VI). ***Кӧрди ким*** *ошбу йаруқнуң арасында бир қыз бар эрди* (6—IX—7—I).

**2. Эга эргаш гап.** Эга эргаш гап ҳам бош гапдан сўнг келади ва бош гапнинг мазмунини тўлдиради:

*Қэнä ташқарун қалмасун биllÿг болсун ким кÿндÿнки булунда Барака дэгäн бир йэр бар турур* (33—VI—VIII). *Қэнä ташқарун қалмасун* ***ким*** *биllÿг болсун* ***ким*** *оғуз қағаннуң жаныда ақ сақаллуғ муз сачлуғ ...бир қарт киши турур бар эрди* (35—IV—VII).

Бундай эга эргаш гаплар кўчирма гап шаклида бўлиши ҳам мумкин:

*Ошбу биldÿргÿlÿктä битиlмиш эрди ким мэн уйғурның қағаны боламан...* (12—VI—VII). *Анга жарлық қылды ким сэн мунда қал, ач. Қалық(а) ачғуқдун соң кэl ордуға дэб дэди* (29—I—IV).

**3. Натижа эргаш гап.** ***Ким*** боғловчиси ***андағ*** олмоши билан бирга натижа эргаш гапли қўшма гапни ташкил этади:

... ***андағ*** *улуғ ӧlÿг барғу тÿши* ***ким*** *йÿкlämäккä ...уд азлық болды* (31—II—IV).

***Ким*** боғловчиси қиёслаш мазмунини ифодалаган боғланган қўшма гапни ҳам ташкил этади;

*Мэн уйғурның қағаны боламан* ***ким*** *йэрниң тӧрт булуңынуң қағаны болсам кэрäк турур* (12—VII—IX).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тобе боғловчи вазифасида *дэб* формали равишдош ҳам қўлланади. Бу форма кўчирма гаплардан сўнг келган автор гапидан олдин қўлланиб, кўчирма ва автор гапини бириктириш учун хизмат қилади:

*Болсунғыл* **дэб** *дэдilӓр* (1—I) *...дост тутарман* **дэб** *дэди* (13—III).

Бундай конструкция асар тилида кенг қўлланади, ***дэб*** ҳар вақт ***дэди*** феъли билан ёнма-ён келади.

***Дэб*** ёрдамчи сўзи ***дэди*** феъли билан эмас, бошқа феъл билан ҳам келиши, улар орасида бошқа гап бўлаклари ҳам бўлади:

*Муны сӧз сӧзни тутмас мэн турурман* ***дэб*** *йарлыққа бақмады* (15—III—V).

***Дэб*** ёрдами билан бириккан гап тўлдирувчи гап шаклида бўлади.

Тобе боғловчи вазифасида қўлланувчи иккинчи восита ***ануң ӱчӱн*** олмошидир. Бу олмош сабаб эргаш гапни бош гапга боғлайди:

*...балуқны йақшы сақлабсан дэб дэди,* ***ануң ӱчӱн*** *анга сақлаб ат қойды* (23—II—III). *Ануң башы соғуқтан апақ турур,* ***Ануң ӱчӱн*** *ануң аты Муз тағ турур* (26—VI—VIII).

## Бир составли гаплар

«Ўғузнома» тилида бир составли гапнинг икки тури — шахси номаълум ва шахссиз гаплар учрайди.

Шахси номаълум гаплар анча кенг қўлланади. Бу хил гапнинг кесимлари ўтган замон феъли билан ифодаланиб, кўплик аффиксини олади, бу иш-ҳаракатнинг бажарувчиси умум, кўпчилик бўлади:

*Болсунғіл дэб дэдilӓр эl кӱнгӓ жарлық жарлаб кэңӓштilӓр, кэlдилӓр* (10—IX—II—I). *Мунга Җуржит дэдӱрlӓр эрди* (29—IX). *Биринчисигӓ Кӱн ат қойдылар, иккинчисигӓ Ай ат қойдылар, ӱчӱнчӱсӱгӓ Јулдуз ат қойдылар* (8—III—VI), *анларға қанға ат қойдылар* (32—IV—V).

2. Шахссиз гапларнинг кесими ***кэрӓк*** модал сўзи билан бириккан ***-ғу*** формали сифатдош бўлади:

*Балуқны* ***қатағлағу кэрӓк*** *турур* (20—VI).

## Боғловчисиз қўшма гаплар

«Ўғузнома»нинг асосини ўзаро интонация ёрдами билан бириккан конструкциялар ташкил этади. Бундай конструкцияларнинг ҳар бирида маълум даражада алоҳида фикр, мақсад, ҳаракат, ҳолат ифодаланади (бундай конструкцияларнинг кесими кўпинча феъл орқали ифодаланади), аммо уларнинг эгаси умумий бўлиб, у биринчи гап таркибида бўлса ҳам, сўнгги конструкция ва конструкциялар таркибида бўлмайди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ошул орман ич(и)ндä бэдÿк бир қиат бар эрди, йылқыларны, эл кÿнлäрни йэр эрди. Бэдÿк йаман бир кик эрди. Бэркä эмгä(к) бирлä эл кÿнни басуб эрди* (3—IV—VII). *Оғуз қаған бир эриз қағаз киши эрди. Бу қиатни авламақ тилäди* (3—VII—VIII)[7].

Бу хил конструкцияларда эгалар битта бўлгани учун грамматик жиҳатдан қўшма гапни ташкил эта олмайди, аммо улар мазмунан алоҳида бир мақсад, хабар ифодалаганликлари учун қўшма гапга яқин конструкцияларни ташкил этадилар.

Қўшма гапни ташкил этувчи гапларни бириктириш учун боғловчилар қўлланмагани учун ҳам айрим гаплар орасидаги мазмун муносабатини аниқлаш қийинлашади, мазмун муносабати умумий контекстдан англашилади:

*Қанғалуғ сэнгä ат болғулуғ қанға биlгÿрсÿн* (32—VII—IX). Бу чақта бу йэрдä бир улуғ арман бар эрди. *Қöб мÿрÿнлäр кöб öгÿзлäр бар эрди.* (3—I—II).

Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган қисмлар ўзаро интонация ёрдами билан боғланадилар, бунда гапларнинг таркибидаги бўлакларнинг маъно муносабатлари, кесимларнинг замон муносабати ҳам катта роль ўйнайди. Булардан ташқари, «Ўғузнома» тилида боғловчисиз қўшма гап қисмларини бириктириш учун алоҳида лексик элементлар ҳам хизмат қилади. Бундай лексик элемент сифатида кўпроқ ***кэнä, андан соң, кэнä андан соң*** сўзлари қўлланади:

*Кэнä:*

*Кöб эрдäни сойурқады, илгäрÿ кэтти.* ***Кэнä*** *йолда бэдÿк бир уй кöрди* (28—IV—V) *...ÿчÿнчÿсÿгä Тэңиз ат қойдылар* ***Андан соң*** *оғуз қаған бэдÿк той бэрди* (10—VI—IX). *...кöккäчä атуң дэб дэди.* ***Кэнä*** *андан соң кöк, тағ, Тэңиз кöб кикläр, кöб қушлар авлағуларыдан соң эҗолда ÿч кÿмÿш оқ(ны) чаптылар* (39—IV—VIII). *...йығачқа боғлады, кэтти.* ***Андан соң*** *эртä болды* (4—III—IV). *...йығачқа бағлады, кэтти.* ***Мундан соң*** *эрта болды* (4—VII—VIII). *...шунқарны öлтÿрди, башын кэсти.* ***Андын соң*** *дэди ким...* (5—VII—VIII).

Боғловчисиз қўшма гап қисмларини боғлаш учун ***анда*** олмоши қўлланади:

*Йÿкlämäккä кэlдÿрмäккä ат, қағатыр, уд азлық болды.* ***Анда*** *оғуз қағаннуң чэригидä узлуғ ышай бир чэбäр киши бар эрди* (31—III—V).

Баъзи ўринларда қўшма гапнинг биринчи қисмида бирор шахс ёки предметнинг мавжудлиги айтилиб, иккинчи қисмда шу шахс ёки предметнинг хусусиятлари баён қилинади. Бундай қўшма гапларнинг иккинчи қисмида биринчи қисм таркибидаги эга так-

---

[7] Айни конструкциялар 3—IX—4—I—III; 8—I—VI; 14—I—VII; 18—IV—VI: ва бошқа кўп ўринларда кўплаб ва систематик равишда қўлланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

рорланади ёки у олмош билан алмашади. Шу йўл билан гаплар бир-бирига мазмунан боғланади ва атрибутив муносабат ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар тузилади:

*...эркäк Оғул тоғурды. Ошул оғулнуң öңlÿги чырағы кöк эрди* (1—IV—VI) *...бир қыз бар эрди. Ануң баш(ы)нда аташлуғ йаруқлуғ бир мэңи бар эрди* (7—III—IV).

Боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасидаги мазмун боғланиши эгаларнинг таркибидаги эгалик аффикси орқали кўринади:

*Ошул оғулнуң öңлÿги чырағы кöк эрди, ағызы аташ қызыл эрди, кöзлари ал, сачлары, қашлары қара эрдилар эрди* (1—V—VII).

Боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасида қуйидагича мазмун муносабатлари ифодаланади:

**I. Пайт муносабати.** Боғловчисиз қўшма гап қисмлари маълум бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа, ҳодисаларни ифодалайди ёки мавжуд ҳодиса, хусусиятларни тасвирлайди: *Ошул оғулнуң öңlÿги чырағы кöк эрди, ағызы аташ қызыл эрди, кöзläри ал, сачлары, қашлары қара эрдilär эрди* (I—V—VII). *Алалың йатақы қалқан, тамға бизгä болсун* (II—VII—VIII). *Ошбу қағаннуң чэриги кöб кöб, балықлары кöб кöб эрдilär эрди* (14—VIII—IX—15—I).

Асар тилида пайт муносабатини ифодалаган қўшма гапларнинг кесимлари кўпроқ ўтган замон шакли ва мазмунида бўлади, бу ҳол асарнинг жанр характеридан келиб чиқади. Кесимлари турли замонга оид боғловчисиз қўшма гап конструкциялари учрамайди.

**II. Қиёслаш муносабати.** Бу хил боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган гапларнинг кесимлари ҳам асосан ўтган замон шаклида бўлиб, ҳозирги замон шакллари учрамайди, келаси замон шакли икки ўринда қўлланади:

*(шунқар) Буғу й(э)ди, адуғ й(э)ди. Жыдам öлтÿрди* (5—IX—6—I). *Оғуз қаған башты, Урум қаған қачты* (19—V—VI). *Атлаб эl кÿнlärни бэгlärни кэldÿргiul, мэн сэнгä башлаб йолни кöргÿрÿрмäн* (22—IV—VI).

**III. Сабаб ва унинг натижаси.** Бу хил боғловчисиз қўшма гапга ўзига хос конструкцияли бир мисол учрайди:

*(шунқарны) жыдам öлтÿрди, тэмÿр болса* (5—IX—6—I).
*(шунқарны) Йа оқум öлтÿрди, й(э)л болса дэб дэди* (6—II).

**IV. Изоҳлаш.** Қисмларининг бири иккинчисини изоҳлаган боғловчисиз қўшма гап конструкцияларининг қуйидаги турлари «Ўғузнома» асарида учрайди:

**1. Пайт муносабати.** Қўшма гапнинг биринчи қисми иккинчи қисмдан англашилган мазмуннинг рўй бериш пайтини ифодалайди:

*Кэнä кÿнлäрдä бир кÿн Оғуз қаған бир йэрдä тэңрим жалбарғуда эрди. Қараңғулуқ кэлди* (6—IV—VI).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Ўхшатиш муносабати.** Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган мазмун биринчисидан англашилган хатти-ҳаракатга ўхшатилади:

*Йа атты оқны. Оқлар дäг сэнläр болуң* (40—III—IV).

**3. Атрибутив муносабат.** Боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисми таркибидаги эганинг хусусияти, ҳаракати, фаолияти иккинчи қисм орқали изоҳланади:

*Урум қағаннуң бир қарундашы бар ӭрди. Урус бӭг дӭгäн ӭрди* (20—I—III). *Чӭригдä бир й(а)қшы бӭг бар ӭрди. Ануң аты Улуғ Орду бӭг ӭрди. Узлуғ уқғулуғ бир ӭр ӭрди* (23—VIII—IX—24—I). *Чӭригдä бир бӭдӱк қағаз ӭр бӭг бар ӭрди. Чалаң булаңдан қурумас турур ӭрди. Йӱрӱгӱдä соғурғуда оңа ӭр ӭрди. Ошул бӭг тағларға кирди, йӱрӱдӱ* (27—I—VI). *Оғуз қағаннуң җаныда... бир қарт киши турур бар эрди, уқғулуқ тӱзӱн бир ӭр ӭрди, тӱшимäl ӭрди. Ануң аты Улуғ Тӱрӱк эрди* (35—V—IX).

Бу хил қўшма гап конструкциялари «Ўғузнома» тилида систематик равишда қўлланади, биринчи гапдаги субъектнинг бутун характери сўнгги гапларда изоҳланади.

Боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи қисмининг кесими кўрсатиш олмоши орқали ифодаланиши ҳам мумкин, бу ҳолда изоҳловчи иккинчи қисмнинг логик қиммати, зарурияти яна ортади:

*Шунқарнуң аң(а)ғусы ошбу турур. Буғу й(ӭ)ди, адуғ й(э)ди, җыдам öлтӱрди* (5—VIII—IX—6—I).

**VI. Қўшимча маълумот.** Атрибутив муносабат ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларга иккинчи қисми қўшимча маълумот ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар яқин туради: сўнгги хил конструкцияларда маълум шахс ёки предметнинг хусусиятлари таърифланмасдан, шу шахс ёки предметнинг ҳаракати ифодаланади, у билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумот берилади:

*Алтун қаған дэгäн бир қаған бар эрди. Ошбу Алтун қаған оғуз қағанға ӭlчи йумшаб йӭбäрди* (13—VIII—IX—14—I—II). *Чоң җаңақыда Урум дӭгäн бир қаған бар ӭрди. Ошбу қағаннуң чӭриги кöб кöб, балықлары кöб кöб ӭрдиläр ӭрди* (14—VII—IX).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## III. «ЎТГАН КУНЛАР»НИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТИ

XX асрининг 20-йилларида қўшма гаплар структурасидаги ўзгариш ва такомиллашиш айниқса кўзга яққол ташланади. Бу даврда бир томондан традицион классик стил учун характерли бўлган форсий конструкциялардан воз кечилса, иккинчи томондан, халқ тилида қўлланиб келаётган айрим конструкциялар адабий тилга киритилади. Бу қонуний процесс бир неча ўн йилликларни ўз ичига олади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг тили бу жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Унда традицион классик стилга оид айрим конструкцияларни сақлаш билан бирга, ёзувчи халқ тилининг бой хазинасидан самарали фойдаланади, бундай конструкциялар асарнинг асосини ташкил этади.

Бу асарда қўлланиб, кейинроқ (асосан, 30-йиллардан сўнг) истеъмолдан чиқиб кетган конструкциялар қуйидагилардан иборат:

1. ***Эмоқ//эрмоқ*** ёрдамчи феълининг шарт формаси ***(эса//эрса)*** қўлланади. Бу форма эргаш гапга тўсиқсизлик мазмунини беради (традицион стилда бу форма кўпинча пайт мазмунини берар эди). Шунинг учун ҳам *эса эрса* феълидан сўнг ***-да*** ёки ***ҳам*** юкламаси қўлланади.

Бу вақт Отабекнинг тусига ҳалигидек ўзгариш ***чиқди эрса-да,*** лекин сездирмасликка тиришиб жавоб берди (12).

Қумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидин ёқутдек иринлари[1] остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб ***кетди эрса-да***, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундликка алишинди (30).

Ҳасаналининг келиш мажбурияти ва нима учун келганлиги Зиё акага яхши англашилди эрса-да, яна сўради (38):

Энди унинг умиди ортиғи билан узилган ***эса-да,*** юрагининг ёниши босилурлик эмас эди (217).

*Эса//эрса* формаси, классик тилдаги каби, ўтган замон ҳикоя феълига ҳам қўшилади; бунда икки ёрдамчи феъл кетма-кет қўлланади:

---

[1] А. Қодирий, Ўтган кунлар, Тошкент, 1958.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунинг қочиши гарчи бу шаҳодатнинг бирор адоват юзасидан бўлган сиёсат эканини *англатар эди эрса ҳам,* мен яна ҳануз Отабекни кафолатда сақлар эдимки, жаноби олийдан бу хабар етди; (116). У бир томондан, шундай орзу-ҳавас учун бола ўстирган ота-онани мукофотлантирмакчи ва отаси айтган хижолат чектирмайтурган ўғиллардан бўлмақчи *эди эрса ҳам*, иккинчи ёқдан ўзини асир этган шаҳло кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар... (133).

...Марғилонга қайтиш қуруқ туҳматга қолиш билан фарқсиз эканлигини яна бир қат *тушунган эди эса-да,* Ҳомидни майдонда музаффар ҳолда қолдириб кетишни ҳеч бир турли юрагига сиғдира олмаган... (239).

*Эса//эрса* от кесимлар составида ҳам сақланади: Гарчи ўзининг нажоти ҳали *қоронғу эрса-да*, қўрбошини бир синаб кўриш учун, ҳамма кучини икки кўзига йиғди-да, унга қаради (96).

2. Равишдошдаги функционал мустақиллик айрим ўринларда сақланади:

Ўзини улардан яшириш учун Қутидорнинг йўлагини мўлжаллаган ҳам эди, йигитлардан биттаси: «Бу ерда Содиқ нима қилиб юрибди» деб юборди, иккинчи йигит «Содиқбой. Содиқбой!» билан чақиришга *тутуниб,* шунинг ила Содиқ бурилган жойида тўхтаб қолишга мажбур бўлди (178).

Классик адабий тилда қўлланувчи баъзи бир форс-тожикча боғловчилар сақланади:

а) *зеро//зероки:*

Аммо бу мулоҳазаларининг биттасига ҳам ўзи қаноатланмади, *зеро* савдо тўғрилари ундан яширин эмас, оғриганда ҳам, албатта, шикоят эшитар эди (20). Биродари азиз, сиз меним бу сўзларимдан хафа бўла кўрмангиз, *зероки* фақирингиз бу сўзларни бир йўсини келиш важидин ёзиб ўтдимиз (140). Лекин киши сиғадиган бўлиб тешилганда ҳам, мени айблай олмас эдилар, *зероки*, уйимиз остини тешган муттаҳамлар, албатта, яхши ният билан тешмаган бўлиб, молимиз ва жонимиз қасдида эканликлари маълум эди (250).

б) *магар:*

Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даккисини еб келган, *магар* уламо халқи ундан жуда рози, зероки, Мусулмонқулнинг биринчи суянчиғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчиси уламолар эди (265). Душман ўзи нима деган сўз? — деди. — Мен сенга боя ҳам айтдим; кишининг дунёда дўсти йўқ, *магар* нафсига ўзи дўст; кишининг дунёда душмани йўқ, *магар* нафсига ўзи душман! (355).

в) *нечунким:*

*Нечунким*, Отабекнинг кўп умри Марғилонда ўтиб, бизларни ҳам сиз ўйлаган оғирлиққа солмоқдадир (140).

г) *ва лекин:*

Отам Азизбекнинг мушовури ва яқин мусоҳиби саналса ҳам, *ва лекин* бу жузъий ишлардагинадир (14).



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қипчоқ оғайнилар! Бизнинг ҳамма адоватимиз Мусулмонқулга эди! Сиз оғайнилар илгари хон ёнида қандоғ хизматда бўлган бўлсаларингиз, энди ҳам ўша вазифада қола берасизлар *ва лекин* Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин! (269). Отабек унинг ҳасратини диққат билан эшитди, ҳаётнинг зарбаси ҳар кимнинг ўз даражасига қараб *ва лекин* истисносиз бўлганлигини тушунди (281). Мирзакаримнинг ёзганига қараганда, бирмунча янглишлик ундан ҳам ўтган кўринадир *ва лекин* сенинг болалигинг олдида уники ҳолвадир (292). Шундоғ ҳам бўлса бу жанжаллар гоҳо унинг қулоғига етиб қолар ва биз икки ёв унинг олдига чақирилиб насиҳатини эшитар *ва лекин* яна ёмонлигимиздан қолмас эдик (358).

д) *ки/ким* боғловчисининг традицион стилга оид айрим қўлланиш ҳолатлари сақланади:

Комилбекка бериладир ва нима учундир тўйлари бир неча вақтга кечикиб қоладир-да, орадан бирор йилни ўтказиб, ниҳоят кеча уларнинг тўй ва никоҳ кунлари *эканки*, Комилбекнинг ҳаммомда ўлдирилган хабарини эшитиб турибмиз (225).

*Шундоқ* олмоши билан:

...*шундоққи* унинг қошини, кўзини, тусини, қўғирчоқдек қаддини кўз ўнгимда тута-тута тамом бир йиллик билишлардек бўлиб қолибман (189).

3. Сифатдош айрим ҳолларда, маълум бир келишикда бўлишига қарамай, у келишикнинг формантини қабул қилмайди:

Зеро, ўзининг бу ўтинчини қуш *учган сўнг*, отилмоқчи бўлган сопқон қабилидан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди (107).

4. *-Да* юкламаси гапларни бириктириш учун кенг қўлланади, у ҳатто *ҳам* ёрдамчисининг ўрнида ҳам ишлатилади:

Қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари *чимирилган-да* нимадир бир нарсадан чўчиган *каби* ..., тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликка *айланган-да*, кимдандир уялган *каби*... (27). Иккинчи томондан, кутилмаган бу совчиликка *ишонишни-да* , *ишонмасни-да* билмай шошиб ўтирган қутидор ҳам ўзининг оғзига тикилиб турувчи икки кишига қандай жавоб айтиш учун гарангсиган эди (41). Бу иш учун ёлғиз ўзим қабул жавоби *берсам-да*, онаси бир четкада қолдирилса, эҳтимол, пухта иш қилмаган бўлармиз (41). ...Бунга қолганда, сизни *билмасам-да* , аммо менинг бундай жудоликка сира тоқатим йўқдир (44). У турган жойида қозиқдек қоқилиб қолган эди, Қутидорнинг олдига *юришни-да* билмас, сўзлашга ҳам тили келмас эди (180).

5. *Ва* боғловчиси ёрдами билан тузилган кўп конструкциялар кейинроқ боғловчисиз *(ва* сиз*)* конструкциялар билан алмашади:

Бухоро зиндонларидан бирини ҳис этилур *ва* қоронғу йўлакнинг ниҳоятидаги ёруғликка томон ошиқилур (26). Саҳнининг туп *ва* кун ботар жиҳатлари кичкина ҳужралар билан ўралган *ва*



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу ҳужраларнинг барча эшиклари ёпиқ *ва* қулифланган ҳолда бўлиб, моллар билан бандлиги *ва* уй эгасининг давлатли киши бўлганлиги билинур (26).

Офтоб ойим ҳам сўнг чекда хўрланган эса-да, лекин унга бу хўрликдан бурун у-бу билан қизини овутиш, унинг кўнглини очиб, бу совуқ уят гапни унутдириш, ҳар ҳолда кўзининг оқу қораси бўлган Кумушни бирор касалга чалинмаслиги йўлида тиришиш муҳимроқ эди. Ва икки гапнинг бирида «ортиқ ўйлама, қизим... Эсингдан чиқар, энди хафа бўлганинг билан сира фойдаси йўқ!» дер эди (168). Бошда бу ҳаракат, албатта, «енг ичида» бўлди ва бу ҳаракатнинг бошида Худоёрнинг ўзи турди (266). Отабек ўйлаб қолди. Чунки бу «қачон бориш» масаласини яхшилаб ешмак керак эди ва уни ешмак ҳам қийин эди, узоқ ўйлагандан кейин: — Маълум эмас, — деди (292). Отабек оғир ҳолга тушди, бу тўғри сўз уни тамом эсанкиратди ва бу ҳақиқатга қарши бориш, яъни ёлғонлаш яна оғир эди (301).

6. ***Йўқ эрса*** боғловчиси йўқса билан алмашади (кейинроқ ***йўқса*** ҳам тамоман истеъмолдан чиқади).

— Кечирингиз, бек ака! — деди Раҳмат. — Мен сизнинг Марғилон келганингизни бугун отамдан эшитдим, ***йўқса*** албатта, сизни зериктирмас эдим! (8). Менингча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўгирди... келса, бу жуда яхши, ***йўқса*** мунчалик оғир гап дунёда бўлмас (9) — Мен ҳам шунисига ҳайрон бўлиб қолдим! — деди. — ***Йўқса***, ўзи айни биз қидирган, ҳар тўғрида ҳам етук бир йигит эди (42).

7. Традицион стилга оид айрим морфологик белгилар ҳам сақланади, қўшма гапни ташкил этувчи гапларнинг кесимлари улар билан шаклланади: 1264 ҳижрия, далв ойининг еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитила***дир*** (5). — Шаҳримизда Мирзакаримбой отлиғ бир савдогар киши бор, бу шунинг қизи***дир*** (10). Чақирилганда ҳам, ўзимизга яқин ва аҳил кишилар ***булур*** (12). ...Орадан ўн беш-йигирма йил ўтиб, сиз ҳам катта йигит бўлгансиз, умр отилган ўқ ***эмиш*** (13). Зиё ака билан Раҳмат ҳам қўлга олиндилар ва Ҳасаналининг ўзи ҳам қидирила бошланди (73).

Юқорида қайд қилинганлар билан бирга, «Ўтган кунлар» асарида автор халқ тилига хос бўлган конструкциялардан фойдалангани, мавжуд тил материали асосида ўзи ҳам янги форма, конструкциялар қўллаганини кўрамиз.

***нимага, нега десангиз*** ёрдами билан тузилган қўшма гап:

— ***Нимага?***

— ***Нимагаки***, дадамнинг кўнглига гап келадир (324).

— ***Нимага?***

— ***Нимагаки,*** эринг сен тарафда, чин кундошлик ва чин душманлик Зайнаб тарафда! (341). ***Негаки***, сенинг дардингнинг давоси, менга қолса фақат шу! (355). ***Нега десанг***, мазмунидан ҳам англашиладирким, бу иккинчи уйланишга Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу гап қудаларнинггина ишларидир (142).

***Эса*** ёрдами билан тузилган конструкция:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизлар нимаки ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу *эса* қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирларидир (52).

Қиёсий конструкциянинг турли вариантлари:

Биз ўзимизнинг бу келишимизда сизнинг учун дунёга арзигулик бир ўғил ҳадя этганимиздек, иншоолло қайтишимизда ҳам Отабек учун мужассамий иффат бир рафиқа туҳфа қилармиз (41). Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра, анови ҳужраларга кийиз тўшалгани ҳолда, бу ҳужрада қип-қизил гилам, уларда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, бунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларда қора чироқ сасиганда, бу ҳужрада шам ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиатли серчақчоқ кишилар бўлганида, бу ҳужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда: оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит! (5).

Оғзаки тилга мансуб гап конструкциялари: Чопар номани тиз букиб Худоёрга топширгач, орқасига қайтиб, ***кўзини деворлдаги безрайганга*** ташламасинми... (119). ***Ҳозир Отабек уйда бўлмагани учунми, нимадан бўлса ҳам,*** ҳар нучук Зайнаб ўз уйида уймаланишиб ётар ва меҳмонларни Ўзбек ойимнинг танҳо ўзига ташлаган эди (320). ...бу хат унга севинч берар ***эдими, даҳшатми***, ўзидан бошқага мажҳул эди (160).

Шу билан бирга автор томонидан қўлланган айрим конструкциялар ва формалар кейинроқ ишлатилмай қолиб кетди:

Марғилонни қандай топдингиз, бек ака, хушландингизми, ё? ...(8). Қарамоққагина эмас, сўзлашга ҳам даҳшат (75). Маълумингиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бирга отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас (11). Бу таъқиб Отабекдаги ҳалиги ўзгаришни пайқабми, ёки тасодифийми эди, бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш, албатта, мумкин эмас (11). Бу ошишлар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиш бағишлаган бўлсалар, бу гал уни нафратлантирадилар, бормай қайтиш фикри ҳалидан-ҳали кўнглига келиб турадир (136).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV. ҚЎШМА ГАП ТАРИХИГА ОИД ЖАДВАЛЛАР

Қўшма гап конструкцияларининг тарихий тараққиёти — унинг шаклланиши, қўлланиш даражаси, шаклий ҳамда семантик такомилланишини кўрсатиш учун жадваллардан фойдаланилди. Бу жадваллар икки хил:

1. Бобирнинг «Бобирнома» асаридан олинган қўшма гаплар А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидан олинган худди шундай ҳажмдаги (8 босма табақ) қўшма гап конструкцияларига қиёслаб берилди.

2. Қиёсий жадваллар. Бу жадваллар мазкур иш бўйича текширилган бутун фактик материалларнинг анализи асосида, уларнинг хулосаси сифатида майдонга келди. Бунда Култегин ва Тунюқуқ ёдномалари (VIII аср), «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билик» (XI аср) ёдномалари, «Тафсир» ва «Қиссасул анбиё» (XIII—XIV асрлар), Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» ва «Муншаот» (XV аср) асарлари, З. М. Бобирнинг «Бобирнома» асари (XVI аср), Абул Ғозининг «Шажараи тарокима» (XVII аср) асари, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида нашр этилган, жонли халқ тилига анча яқин бўлган «Туркистон вилояти газети» ва «Тараққий» газетаси тилидаги қўшма гап конструкциялари қиёслаб ўтилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1-жадвал

*а)* **Бобирнинг „Бобирнома“ асарида ва А. Қаҳҳорнинг „Синчалак“ повестида қўлланган қўшма гаплар жадвали**

**Содда ва қўшма гап конструкциялари**

| Конструкция | | Миқдори | |
|---|---|---|---|
| Тури | группа | „Бобирнома“ | „Синчалак“ |
| Қўшма ва содда гап конструкциялари | | 3957 | 3855 |
| Содда гаплар | | 1761 | 1487 |
| Қўшма гаплар | | 2196 | 2368 |
| | Боғловчисиз қўшма гаплар | 657 | 1222 |
| | Эргаш гапли қўшма гаплар | 1325 | 916 |
| | Боғланган қўшма гаплар | 239 | 230 |

2-жадвал

**Боғловчисиз қўшма гаплар**

| Мазмуни | Кесимларининг замон муносабати | | Миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Бн. | Синч. |
| I. Пайт муносабати | | | 131 | 127 |
| | 1. Бир хил замон | | 128 | 123 |
| | | Ўтган замон | 69 | 72 |
| | | ҳозирги замон | 54 | 47 |
| | | келаси замон | 5 | 4 |
| | 2. Турли замон | | 3 | 4 |
| II. Қиёслаш муносабати | | | 97 | 135 |
| | 1. Бир хил замон | | 94 | 125 |
| | | Ўтган замон | 58 | 81 |
| | | ҳозирги замон | 27 | 38 |
| | | келаси замон | 9 | 2 |
| | 2. Турли замон | | 3 | 14 |
| III. Сабаб-натижа муносабати | | | 159 | 74 |
| | 1. Бир хил замон | | 141 | 58 |
| | | Ўтган замон | 124 | 41 |
| | | ҳозирги замон | 17 | 8 |
| | | келаси замон | — | 9 |
| | 2. Турли замон | | 17 | 16 |
| IV. Сабаб-натижа-пайт муносабати Биринчи қисмнинг кесими *-иб; р/с эди* | | Ўтган замон | 32 | — |
| V. Иккинчи қисм — сабаб | | | 15 | 113 |
| VI. Изоҳлаш | | | 197 | 609 |
| VII. Шарт-пайт | | | 75 | 44 |
| VIII. Мақсад | | | 6 | 4 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Боғланган қўшма гаплар

| Восита | Функция | Миқдори | |
|---|---|---|---|
| | | Бн. | Снч |
| Тенг боғловчилар: | | 146 | 155 |
| *лекин, бирāқ, аммā,* | қиёслаш | — | 132 |
| *валэ* | қиёслаш | 30 | — |
| | а) зидлик, қиёс, номувофиқлик | 16 | — |
| | б) чегаралаш, баҳолаш | 14 | — |
| *бāлки* | қиёслаш | 4 | — |
| *ва* | | 24 | 17 |
| *йā, йāки* | айирув | 1 | 4 |
| *ҳам* | айирув | 84 | 1 |
| Нэ | пайт (инкор) | 3 | 1 |
| Боғловчи вазифасидаги воситалар | | 93 | 10 |
| эса, бўлмаса, бўлса, йўқса, нега десангиз | қиёслаш | — | 12 |
| *дāғи* | қиёслаш | 15 | — |
| Яна | | 74 | — |
| *Йоқ эрсā* | қиёслаш | 4 | — |
| Юклама *(-у* ‖ *-ю, -да)* | | — | 65 |

www.ziyouz.com kutubxonasi

4-жадвал

## Эргаш гапли қўшма гаплар

| Белгиси | Шаклланиши | Миқдори | |
|---|---|---|---|
| | | Бн. | Снч. |
| | I. Сифатдош кесимли эргаш гап | 215 | 284 |
| | 1. Бош келишик | 31 | 36 |
| *-гäн\|\|-кäн\|\|-ған\|\|-қан* | | 25 | 22 |
| *-(у) р* | | 6 | — |
| *дәгäн* | | — | 74 |
| | 2. Кўмакчилар билан | 17 | 55 |
| *-гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | *учун, бурун,* | 6 | 19 |
| | *билä* | 5 | — |
| | *бәри* | 1 | 6 |
| | *дәй* | 2 | 15 |
| | *сäри, сäйин, қарамай, көрä* | 2 | 11 |
| | *ча* | — | 4 |
| *-(у) р* | *ўчўн* | 1 | — |
| | 3. Ёрдамчи вазифасидаги сўзлар | 61 | 66 |
| *гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | *пайт, ҳāл, кўн* в. б | — | 28 |
| | *кәйин* | 25 | 37 |
| *гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | *маҳал, жиҳäт, бурун, фурсат, чāғ* | 20 | 1 |
| *-(у) р* | » » | 16 | — |
| | 4. Келишиклар билан | 105 | 119 |
| | а) Ўрин-пайт келишиги | 96 | 109 |
| *-гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | | 71 | 82 |
| *әкäн* | | 15 | 27 |
| *-(у) р* | | 10 | — |
| | б) Чиқиш келишиги билан | 9 | 10 |
| | *-гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | 9 | 8 |
| | *\|\|-масдан* | — | 2 |
| *-гäн\|\|-кäн\|\|-қан\|\|-ған* | эргаш гаплар | 171 | 272 |
| бошқа формалар | » » | 44 | 12 |
| | II. Равишдош кесимли қўшма гаплар | 133 | 87 |
| *-(и) б* | | 42 | 68 |
| | Сабаб-натижа-пайт муносабати | 11 | 29 |
| | Боғловчисиз қўшма гап (пайт муносабати) | 17 | 12 |
| | Қиёслаш эргаш гап | 3 | — |
| | Тўлиқсиз эргаш гап | 2 | — |
| | Равиш эргаш гап | 4 | 18 |
| | Пайт эргаш гап | 4 | 9 |
| | Шарт эргаш гап | 1 | — |
| *-гўнчä\|\|-кўнча\|\|-қунча\|\| -ғунча* | | 28 | 11 |
| | Пайт эргаш гап | 26 | 11 |
| | Қиёс эргаш гап | 2 | — |
| *-гäч\|\|-кäч\|\|-қач\|\|-ғач* | Пайт эргаш гап | 46 | 6 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| кесим белгиси | Шаклланиши | Миқдори | |
|---|---|---|---|
| | | Бн. | Снч. |
| *-ма+й* | Шарт-пайт эргаш гап | 2 | 2 |
| | Боғланган қўшма гап | 1 | — |
| *-а//ӓ* | Пайт эргаш гап | 13 | — |
| *-ғалы* | Сабаб эргаш гап | 1 | — |
| | III. Шарт феълли конструкция | 57 | 173 |
| *-са* | Шарт мазмуни | 27 | 84 |
| | Шарт-пайт мазмуни | 12 | 25 |
| | Қиёслаш мазмуни | 4 | 17 |
| | Умумий изоҳ | 7 | 45 |
| | Пайт мазмуни | 2 | 2 |
| | Тўсиқсизлик мазмуни | 5 | — |
| *-са ҳам* | Тўсиқсизлик мазмуни | 1 | 61 |
| *-са эди* | Ирреал шарт | 8 | — |
| | IV. Буйруқ феъли | | |
| | Тўсиқсизлик | 1 | 16 |
| | V. Ҳаракат номи | — | 16 |

12—12

www.ziyouz.com kutubxonasi

5-жадвал

## Эргаш гапли қўшма гаплар

| Тури | Қандай воситалар билан қўлланиши | Миқдори | |
|---|---|---|---|
| | | Бн. | Снч. |
| | II. Нисбий олмошлар | 111 | 38 |
| | Аниқлик феъли билан | 24 | — |
| Ҳäр ким | | 2 | — |
| Ҳäр кимниким | | | |
| Ҳар кимгаким | | 7 | — |
| Нэким | | | |
| Ҳäр нимäким | | 4 | — |
| Нэчўкким | | 1 | — |
| Андāқким, | | | |
| Андāқэ | | 8 | — |
| Ҳäр нэчä | | 3 | — |
| Ул мартабадаким | | 1 | — |
| | *-ким* боғловчиси билан | 62 | 16 |
| Андāқ, Андāқ болды | | 27 | — |
| Мундāқ | | 4 | — |
| Бу (*шундай* ўринда ҳам) | | 9 | — |
| Ул (*шундай* ўринда ҳам) | | 5 | — |
| Ошмунча | | 1 | — |
| Мунча, мунда | | 17 | — |
| | Шарт феъли | 25 | 22 |
| Ким—ул | | 1 | |
| Ҳäр ким | | 8 | |
| Ҳäр кимки | | 1 | |
| Ҳäр кимки | | 3 | |
| Ҳäр киши | | 1 | |
| Ҳäр нэ | | 3 | |
| Ҳäр қайсы | | 1 | |
| Ҳäр йэрдä | | 3 | |
| Ҳäр сāрыға | | 1 | |
| Ҳäр қачāн | | 2 | |
| Нимä | | — | 8 |
| Қанчалик, шўнчäлик, қачāн в. б. | | — | 14 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

6-жадвал

**Эргаш гапли қўшма гаплар**

| Тури | Қандай воситалар билан қўлланиши | Функцияси | Миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Бн. | Снч. |
| | III. Тобе боғловчилар ва воситалар | | | |
| Чўн | | | 819 | 240 |
| | | Сабаб эргаш гап | 51 | — |
| | | Тўсиқсиз эргаш гап | 2 | — |
| | | Пайт эргаш гап | 3 | — |
| Ӓгӓр, ӓгӓрчи, гӓрчи | | | 58 | 18 |
| Ӓгӓр | Шарт феъли | | 13 | 17 |
| | аниқлик феъли | Шарт-пайт | 10 | — |
| Ӓгӓрчи, гӓрчи | Аниқлик феъли | Тўлиқсиз эргаш гап | 35 | 1 |
| Нечукким | Аниқлик феъли | Иккинчи қисм—изоҳ | 22 | — |
| Нә ўчўнким | — | Иккинчи қисм—сабаб | 4 | — |
| Нәчўнким | — | | 1 | — |
| Нәгӓким | — | | 1 | — |
| Бӓвужиди ким | — | Тўсиқсиз эргаш гап | 12 | — |
| То | | | 5 | — |
| | -ғай//-қай//-кӓй//-гӓй | Мақсад эргаш гап | 3 | — |
| | Аниқлик феъли | Пайт эргаш гап | 1 | — |
| | Равишдош (*-гўнчӓ*) | Пайт эргаш гап | 1 | — |
| *-Ким* боғловчиси | Мустақил формадаги кесим | | 648 | 11 |
| | | Аниқловчи эргаш гап | 330 | 2 |
| | | Кесим эргаш гап | 37 | 2 |
| | | Эга эргаш гап | 31 | 5 |
| | | Тўлдирувчи | 93 | 1 |
| | | Мақсад „ „ | 56 | 2 |
| | | Пайт „ „ | 35 | — |
| | | Натижа „ „ | 22 | — |
| | | Сабаб „ „ | 17 | — |
| | | Тўсиқсиз „ „ | 2 | — |
| | | Шарт „ „ | 4 | — |
| | | Боғланган эргаш гап Қўшимча гап | 19 | — |
| **Ёйи ишорат** | Аниқлик феъли | Аниқловчи эргаш гап | 5 | — |
| **Деб феъли** | *-Ким* боғловчисисиз | Тўлдирувчи эргаш гап | 12 | 50 |
| *Де* ёрдамчисининг бошқа формалари | ләсә, дәгӓн, дәгӓндӓ, дәгӓнгӓ, дәйишни, дәгӓндӓй | Тўлдирувчи, пайт, аниқловчи, қиёс эргаш гаплар | — | 96 |
| От кесимли конструкция | *ўчўн, жиҳӓтдан* | Сабаб эргаш гап | 5 | 1 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

7-жадвал

**Боғловчисиз қўшма гаплар тараққиётига доир жадваллар**

| а/а | Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатлар | КТ, Тоқ. (VIII аср) хусусияти | ДЛТ, ҚБ (XI аср) хусусияти | Тф, ҚА (XII–XIV аср) хусусияти | Мқ, Ми (XV аср) хусусияти |
|---|---|---|---|---|---|
| I. | **Пайт** (тенг муносабат) | 1) қисмларда семантик мустақиллик кучли | 1. + | 1. сем. мустақ. сақланади | 1. семан. алоқа яқин |
| | | 2) сифатд. ёки бошқа сўз т. ифодаланган от кесим | 2) феъл кес. ҳам қўлланади. | 2) + | 2. От ва феъл кесим |
| | | 3) боғлов. лексик элемент: anta kisra, амты | 3. *әмди, андын кәзин* | 3) *анда, ул вақтда, әмди, андын кәйин* в. б. | 3. лексик элементлар кам |
| II. | **Қиёслаш** | 1) кам қўлланган; семан. мустақиллик | 1) семантик мустақиллик | 1) Семан. яқинлик | 1) + |
| | | 2) қисмлардаги умум мазмун қиёси | 2) + | 2) умумий мазмун ва айрим бўлаклар қиёси | 2) айрим бўлак қиёси ортади |
| | | | 3) боғловчи лек. элемент *әмди* | 3 *Йоқ әрсә*; буйруқ феъли | 3) тўлиқсизлик оттенкаси |
| III. | **Сабаб-натижа** | 1) кам қўлланади. Семантик мустақиллик | 1) + | 1) + | 1) кенг қўлланади |
| | | | Пайт муносаб. билан боғланган | Пайт ва мақсад билан боғланади | |
| | | | 2) натижа-сабаб муносабат | 2) + | 2) + |
| | | | 3) боғ. *әмди*, буй. феъли; сўроқ гап формаси. | 3) *аның үчүн* (ким), бу жиҳат. сабаб; сўроқ гап формаси | 3) + |
| IV. | **Шарт-пайт** | Кам қўлланади | Қўлланади | + | + |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| V. | **Пайт (тобе муносабат)** | 1) кам қўлланади | 1) кам қўлланади | 1) + | 1) қўлланади |
| | | 2) мураккаб | 2) бошқа семан. муносабати билан боғланади | 2) + | 2) ёлғиз ҳам ифодаланади |
| | | 3) боғ: *бунга*, аниқ феъли; интонация | 3, Аниқ феъли, интонация | 3) + | 3) + |
| VI. | Изоҳлаш | 1. Аниқлаш (от ёки олмош изоҳи) | 1. + | 1. + (кенг қўлланади) | 1. + |
| | | 2. Тўлдириш (кўчирма гап шаклида) | 2. Тўлдириш (кўчирма в. б. гап формалари) | 2. + | 2. + |
| | | 3. Боғланиш: хабар англатувчи феъл кесимлар | 3. Боғланиши: хабар англатувчи феъл, кесим ва сўроқ гап | 3. + | 3. + |
| | | — | — | 4. Эга функцияси | 4. + |
| | | | 5. Умумий изоҳ | 5. Ҳол (тор қўлланади) | 5. + Сўнгги иккиси тор қўлланади |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| а/а | Қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатлар | Бн (XVI аср) | ШТм (XVII аср) | ТВГ, Тқ (XIX–XX аср) | Ҳозирги замон тили | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | хусусияти | хусусияти | хусусияти | муносабати | эслатма |
| I. | **Пайт** (тенг муносабат) | 1) + | 1) + | 1) семан. алоқа зич | 1. Сем. алоқа зич | Бундай конструкцияларнинг қўлланиш доираси торайди |
| | | 2) + | 2) + | 2) + | 2. + | |
| | | 3. Баъзи маҳал, *йана, индын сөңра* в. б. | 3) *андын сөң, ул вақтда* ва б. | 3) + | 3. Лексик элементлар кам қўлланади | |
| II. | **Қиёслаш** | 1) + | 1) + | 1) + | 1) + | Айрим турлари боғловчили конструкция билан алмашади. Ички дифференция |
| | | 2) + | 2) + | 2) + | 2) + | |
| | | 3) + | 3) + | 3) + | 3) янги лексик элементлар | |
| III. | **Сабаб-натижа** | 1) + | 1) + | 1) кенг қўлланмайди | 1) + | Айрим турлари боғловчили конструкция билан алмашади |
| | | 2) + | 2) + | 2) + | 2) + | |
| | | 3) + | 3) лек. элемент кам | 3) + | 3) + | |
| IV. | **Шарт-пайт** | Кам қўллан. | Қўлланади | + | + | Кўп ўринда шарт ва пайт муносабатига ажралади |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| V. | **Пайт (тобе муносабат)** | 1) кенг қўлланади | 1) кам қўлланади | 1) кам қўлланади | 1) + | Сифатдош кесимли эргаш гаплар билан алмашади (асосан) |
| | | 2) + | 2) + | 2) + | | |
| | | 3) *унда, у фурсатда* | 3) + | 3) турли форма | 3) + | |
| VI. | **Изоҳлаш** | 1. + | 1. + | 1. + | 1. + | Кўчирма гапларнинг айримлари ўзлаштирма гап билан алмашади |
| | | 2. + | 2. + | 2. + | Кенг қўлланиги. Олмош турли функцияда | Бу типдаги гапларнинг ўринлашишида ҳам ўзгариш рўй берди. Кўчирма гапнинг янги типлари келиб чиқади. Эга, ҳол, аниқлаш функцияли қўшма гаплар тобора кенг қўлланади |
| | | 3. + | 3. Кўчирма гапдан бошқа формалар қўлланади | 3. + | 3. + | |
| | | 4. + | 4. + | 4. + | 4. + | |
| | | 5. + | 5. + | 5. + | 5. Олмош ва равиш изоҳи кенг | |
| | | Сўнгги иккиси тор қўлланади | | | | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

## I. Боғланган қўшма гаплар тараққиётига доир (боғловчи воситалар тараққиёти)

| а/а | Боғловчи воситалар | КТ, Тоц (VIII аср) | ДЛТ. ҚБ. (XI аср) | Тф. ҚА (XII–XIV аср) | Мқ. Мн. (XV аср) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | функцияси | функцияси | функцияси | функцияси |
| 1. | *Йәмӓ* | 1. Таъкид | 1. Қўшимча изоҳ | + | + |
| 2. | *Азу* | 2. Қўшимча изоҳ | | | |
| | | Қиёс—изоҳ | | | |
| | | айирув | + | — | — |
| 3. | *Йӓнӓ* | + | Қўшимча маълумот | + | + |
| 4. | *Тақы/дағы/тағы* | + | 1) қўшимча маълумот | 1) + | 1) 1) + |
| | | | 2) таъкид | 2) + | 2) 2) + |
| | | | | 3) мақсад | 3) тор қўлланади |
| | | | | 4) сабаб натижа | — |
| 5. | *Ва* | — | ҚБ: 1) пайт | 1) + | 1) + |
| | | | 2) пайт-қиёс | 2) + | 2) қиёс |
| | | | (*ләкин, билӓн*) тор | *валә, валәкин* | |
| | | | қўлланади | | |
| | | | | 2) қиёс | 3) изоҳ |
| | | | | | 4) сабаб натижа |
| | | | | | 5) қўшма-маълумот |
| | | | | | 6) ишора (жуда кенг) |
| 6. | *Ҳам* | — | ҚБ: 1) таъкид | 1) + (кам) | 1) + |
| | | | 1) қўш. маълумот | 5) + (кўп) | 2) + |
| 7. | *Ләкин, аммā, бирāқ* | — | ҚБ: *ләкин* | *Аммā* (асосан) | *Аммā, валә, ләкин* |
| | | | 1) зидлаш | 1) + | 1) + |
| | | | 2) номувофиқ; тор | 2) + | 2) + |
| | | | қўлланади | | |
| | | | | 3) қўш. маълумот | 3) + |
| | | | | | 4) тўсиқсиз |
| 8. | *Йā, йāки, йāҳуд* | | ҚБ: *Йā* | *Йā, йāҳуд:* | *Йā, йāҳуд, гāҳ* |
| | *гāҳ, гāҳа* | | 1) айирув | 1) + | |
| | | — | 2) қўш. маълумот | 2) — | 2) — |
| 9. | *нә-нә* | — | | | |
| | *аб-аб* (ДЛТ) | — | 1) шкор | + | + |
| 10. | *Йўқ эрса* | — | — | қиёс | + |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| а/а | Бн. (XVI аср) | ШТм (XVII аср) | ТВГ, Тқ (XIX–XX аср) | Ҳозирги замон тили | |
|---|---|---|---|---|---|
| | функцияси | функцияси | функцияси | муносабати | эслатма |
| 1. | — | — | — | — | Ҳам, тагин билан алмашади. |
| 2. | — | — | — | — | Қўлланмайди. |
| 3. | 1) +, ишора | 1) + | 1) +, жуда кам қўлланади | Қўшма гап тузмайди | Равишга айланган |
| 4. | 1) +<br>2) +<br>3) тор қўллаңади<br>— | —<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) изоҳ | — | — | |
| 5. | 1) +<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) +<br>6) +<br>(жуда кенг) | 2) +<br>3) —<br>4) +<br>5) —<br>6) +<br>(кенг қўлланади) | 1) +<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) +<br>6) +<br>(тор қўлланади) | Тор қўлланади. | Кўп ўринда боғловчисиз конструкция билан алмашади. |
| 6. | 1) +<br>2) +<br>3) ишора | 1) + (жуда кам)<br>2) + | 1) тор<br>2) + | Асосан 2-ҳолат | Жуда тор, баъзан *ҳамда* формасида қўлланади. |
| 7. | *Валә, аммā, бирāқ*<br>1) +<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) чегаралаш | *Аммā* (асосан)<br>1) +<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) + | *Ләкин, аммā*<br>1) +<br>2) +<br>3) +<br>4) +<br>5) + | *Ләкин, аммā, билан барāбар, бирāқ* кенг қўлланади | |
| 8. | +<br>2) — | Асосан *гāҳ*,<br>1) +<br>2) — | *Йā, гāҳ*:<br>1) +<br>2) —<br>кам қўлланади | Турли вариантлари қўлланади | Аввалги даврга нисбатан кенг қўлланади. |
| 9. | + | + | + | | *Йўқса* шаклини олади. |
| 10. | + | + | + | | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эргаш гапли қўшма гап
(сифатдош

| а/а | Форма | КТ, Тоң (VIII аср) | | ДЛТ. ҚБ (XI аср) | | Тф, ҚА (XII–XIV аср) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қандай восита билан | функция (эргаш гап) | қандай восита билан | функция (эргаш гап) | қандай восита билан | функцияси |
| 1. | *-Ма//-мä* | Бош к. к. | Аниқловчи | — | | — | |
| 2. | *-дук//-тук* | 1) бош к. к. | Сабаб | + | Аниқловчи | 1) + | + |
| | | 2) *әрінч* | Сабаб | — | | — | |
| | | 3) *ўчўн* | Сабаб | — | | 3) + | + |
| | | 4)*-да* | Пайт | — | | — | |
| | | 5) *тәп* | Тўлдирувчи | — | | 6) сўнг, сўнгра | Пайт |
| 3. | *-мыш//-миш* | 1. Бош к. к. | Аниқловчи | + | + | 1) + | + |
| | | | | | | 2) *ўчўн* | Сабаб |
| | | | | | | 3) *сөнг,* | Пайт |
| | | | | | | *Кәйин* | Пайт |
| | | | | | | 4) *да* | |
| 4. | *-ўр, -ир* | 1) бош к. к. | Шарт | 1) — | — | 1) — | — |
| | | | | 2) бош к. к. | Аниқловчи | 2) + | + |
| | | | | 3) әркäн | Пайт | 3) + | + |
| | | | | | | 4) *ўчўн* | Сабаб |
| | | | | | | 5) *-да* | Пайт |
| 5. | *-гäн//-қäн //-қан//-ған* | — | | 1) бош к. к. | Аниқловчи | 1) + | ÷ |
| | | | | | | 2) *ўчўн* | Сабаб |
| | | | | | | 3) *-да* | Пайт |
| | | | | | | 4) *-дин* | Сабаб |
| | | | | | | 5) *сөнг* ва бошқа | Пайт |
| | | | | | | 6)*-дәй-дәк* | Равиш Ўхшатиш |

www.ziyouz.com kutubxonasi

**лар тараққиётига доир конструкцияси)**

| Мқ. Мн (XV аср) | | Бн. (XVI аср) | | ШТм (XVII аср) | | ТВГ, Тқ (XIX–XX аср) | | Муносабат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| қандай восита билан | функция | қандай восита билан | функция | қандай восита билан | функция | қандай восита билан | функция | эслатма |
| — | | — | | — | | — | | Сифатдош ясамайди. Қўлланмайди. |
| — | | — | | — | | — | | |
| — | | — | | — | | — | | |
| — | | — | | — | | — | | |
| — | | — | | — | | — | | |
| — | | — | | — | | — | | |
| — | | — | | — | | — | | Эргаш гап кесими сифатида қўлланмайди. |
| — | — | — | — | — | — | — | | Аниқловчи ёки пайт эргаш гап кесими таркибида кам қўлланади. |
| + | + | + | + | + | + | + | | |
| + | + | + | + | — | | — | | |
| + | + | + | + | — | | — | | |
| + кам қўлланади | + | + кам қўлланади | + | + | + | + | | |
| 1) + | + | 1) + | + | 1) + | + | 1) + | + | Сифатдошнинг турли-туман формалари кесим вазифасида кенг қўлланади. |
| 2) + | + | 2) + | + | 2) + | + | 2) + | + | |
| 3) + | + | 3) + | + | 3) + | + | 3) + | + | |
| 4) + | + | 4) + | + | 4) + | + | 4) + | + | |
| 5) + | + | 5) + | + | 5) + | + | 5) + | + | |
| 6) + | + | 6) + | + | 6) + | — | 6) — | — | |
| | | 7) билä | Пайт | 7) — | — | 7) — | — | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

10-жадвал

**Эргаш гапли қўшма гаплар тараққиётига доир (равишдош конструкцияси)**

| а/а | Форма | КТ. Тоң (VIII аср) функцияси | ДЛТ. ҚБ (XI аср) функцияси | Тф, ҚА (XII–XIV аср) функцияси | Мқ. Мн. (XV аср) функцияси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | *-п//б, ибон* | 1) боғланган қ. г. | 1) + | + | + |
| | | 2) пайт-шарт-сабаб | 2) — | — | — |
| | | | 3) ҳолат-пайт | + | + |
| | | | 4) шарт | + | + |
| | | | 5) сабаб-натижа | + | + |
| 2. | *-у//-йу* | — | 1) равиш-сабаб-натижа | + | — |
| | | | 2) тўсиқсиз | — | — |
| 3. | *-ä//-a* | — | Равиш-пайт | + | — |
| 4. | *-мадын* | — | | равиш-сабаб натижа | — |
| 5. | *инчä//-гинчä//-гичä-//гÿнчä//-гäнчä (Тф,* ҚА:-*дÿкчä, -мишчä)* | — | 1) пайт-шарт | + | + |
| | | | 2) қиёс | + | + |
| 6. | *-гäли//-кäли//-қалы* | — | — | Мақсад | — |
| 7. | *-гäч//-кäч//-қач//-ғач* | — | — | Пайт | + |
| 8. | *(ма) й* | — | — | — | 1) пайт |
| | | | | | 2) сабаб-равиш |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| а/а | Форма | Бн (XVI аср) функцияси | ШТм (XVII аср) функцияси | ТВГ, Тқ (XIX–XX аср) функцияси | Ҳозирги замон тили функцияси | эслатма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | *-п\|\|б, ибон* | + | + | + | Бу хил равишдош конструкциясининг семантикаси дифференциялашади. | |
| | | — | — | — | | |
| | | + | + | + | | |
| | | + | + | + | | |
| | | + | + | + | | |
| | | 6) сабаб | + | + | | |
| | | | 7) пайт | — | | |
| 2, | *-у\|\|-йу* | — | — | — | Қўлланмайди. | |
| | | — | — | — | | |
| 3. | *-ä\|\|-а* | + | — | — | Қўшма гап тузмайди. | |
| 4. | *-мадын* | — | — | — | Қўлланмайди | |
| 5. | *-инчä\|\|-гинчä\|\|-гичä\|\|-гўнчä\|\|-гäнчä (Гф,* ҚА:*-дўкчä,-мишчä)* | + | + | + | Пайтга мойиллашади; қиёс кўпроқ қўлланади. | |
| | | + | + | + | | |
| 6. | *-гäли\|\|-кäли\|\|-қалы* | — | — | — | Қўшма гап тузмайди. | |
| 7. | *-гач\|\|-кäч\|\|-қач\|\|-гач* | + | + | + | Кенг қўлланади. | |
| 8. | *-(ма) й* | + | + | + | Нисбатан кенг қўлланади. | |
| | | + | + | + | | |
| | | | (кам қўлланади) | | | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Эргаш гапли қўшма гаплар тараққиётига доир**

| КТ. Тоң (VIII аср) | | ДЛТ. ҚБ (XI аср) | | Тф. ҚА (XII–XIV аср) | | Мқ. Мн. (XV аср) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| форма | функция | форма | функция | форма | функция | форма | функция |
| *=сар* \|\| *сäр* | Шарт-пайт тўсиқсиз қиёс | *са/сä* | + Шарт | + + | + + + | + | + + + Пайт |
| *-ди эрсä* | Шарт-пайт | + | + | + | Пайт | + | + |
| *қач, нәқ äнчä* (шарт феъли билан) | Тўсиқсиз Ўрин. Эга. Тўлдирувчи | 1. *Ким,* \|\| *киши, нә қай, қайда, қачäн, нәчä қанча* 2. Айримлари коррелятивли | + + + Пайт Миқдор Даража | 1. *Ким, нә қачäн, бир ул, андäқ ким эрсä, қай, қайда, қачäн, қанча нәчä* в. б. | + + + + + + | 1) + *ҳамманики, қайäн қайси* | + + + + + + |
| | | 3. Асосан шарт феъли ва аниқлик феъли билан | Равиш Ўхшатиш | 2. *Ҳар* ёрдами билан тузилган формалар | + + | 2) + | + + |
| | | | | 3. Айримлари коррелятивли 4. Шарт ва аниқлик феъли билан. | | 3) + 4) Асосан аниқлик феъли ёки от кесим билан | Аниқловчи Шарт |

www.ziyouz.com kutubxonasi

**(Шарт феъли ва нисбий олмошли конструкциялар)**

| Бн. (XVI аср) | | ШТм (XVII аср) | | ТВГ, Іқ (XIX—XX аср) | | Ҳозирги замон тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| форма | функция | форма | функция | форма | функция | муносабати |
| + | + | + | + | + | + | Мустақил ва нисбий олмошлар ҳамда бошқа воситалар билан кенг қўлланади. |
| | + | — | + | — | + | |
| | + | — | + | — | + | |
| | + | — | + | — | + | |
| + | + | + | + | — | — | Қўлланмайди. |
| 1) + | + | 1) + | + | 1) + | + | Айрим нисбий олмошларнинг семантикаси ва функцияси ўзгаради. Нисбий олмошлар аниқлик феъли ёки от кесим билан бирикади. Бу хил конструкциялар нисбатан кенг қўлланади ва коррелятив сўзлар кўпроқ ишлатилади. Нисбий олмошлар ва улар иштирок этган эргаш гапларнинг тури кенгаяди |
| — | + | *нэтак, шундақ нэчақли нэчўк, ҳäр нимäрсä* | + | — | + | |
| — | + | | + | — | + | |
| — | + | | + | — | + | |
| — | + | | + | — | + | |
| | + | | + | — | + | |
| 2) + | + | 2) + | + | 2) + | + | |
| | + | | | | + | |
| 3) + | | 3) + | + | 4) + | + | |
| 4) + | + | 4) асосан шарт феъли билан | | | + | |
| | + | | | | | |
| | + | | | | | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Эргаш гапли қўшма гаплар тараққиётига доир (тобе боғловчили конструкциялар)

| а/а | Форма | КТ, Тоң (VIII аср) | ДЛТ, ҚБ (XI аср) | Тф, ҚА (XII–XIV аср) | Мқ, Мн. (XV аср) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | функция | функция | функция | функция |
| 1. | *Бирөк* | Шарт | — | — | — |
| 2. | *Абаң* | | 1. Шарт | — | — |
| 3. | *Қалы* | | 2. Шарт-пайт | — | — |
| | | | 1. Шарт-пайт, | — | — |
| | | | 2. Шарт | | |
| 4. | *тәп, тәйин* (VIII), *тәйӱ* (XI, XII,) деб | 1. Мақсад | + | + | + |
| | | 2. Тўлдириш | + | + (кам) | + (кам) |
| | | 3. Сабаб | + | + | + |
| 5. | *аны ӱчӱн, антағықын* *ӱчӱн* (VIII) | 1. Сабаб | — | 1. Сабаб-натижа | + |
| | | | | 2. Натижа-сабаб (*-ким* билан) | + |
| | | | | | *не ӱчӱн (ким)* |
| 6. | *Ӓгӓр* (*ӓгӓрчи*), *мӓгӓр* (XIV...) | — | ҚБ: Шарт | + | + |
| | | | 2. Тўсиқсиз | + | + |
| | | | | | 3) Қиёс |
| | | | | | 4) Нисбий эрг. гаплар (асосан, аниқлик феъли билан) |
| 7. | *-ким*\|\|*-ки* | — | Аниқловчи | + | + |
| | | | Тўлдирувчи (кам қўлланади) | + | + |
| | | | | Эга | + |
| | | | | Кесим | + |
| | | | | Натижа | + |
| | | | | Пайт | + |
| | | | | Сабаб | + |
| | | | | Мақсад | + |
| | | | | Равиш | + |
| | | | | | Қиёс |
| | | | | | Изоҳ |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| а/а | Форма | Бн. (XVI аср) функция | ШТм (XVII аср) функция | ТВГ, Тқ (XIX—XX аср) функция | Ҳозирги замон тили муносабати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | *Бирөк* | — | — | — | Қўлланмайди. |
| 2. | *Абаң* | — | — | — | — „ — |
| 3. | *Қалы* | — | — | — | — „ — |
| | | — | — | — | — |
| 4. | *тәп, тәйин* (VIII), *тәйӱ* (XI, XII), деб | +<br>+(кам)<br>+ | +<br>+<br>+ | +<br>+<br>+ | *Деб*нинг бошқа формалари ҳам эргаш гапларни боғлашда кенг қўлланилади. |
| 5. | *аны ӱчӱн, антағықын* | + | + | Кам қўлланади | Шу формада ва шу вазифада қўлланмайди. |
| | *ӱчӱн* (VIII) | + | + | | |
| 6. | *Ӓгӓр* (*ӓгӓрчи*), *мӓгӓр* (XIV...) | + | Асосан, *агар* | + | *Мӓгӓр* формаси қўлланмайди. |
| | | + | Кам қўлланади | + | |
| | | + | + | | |
| | | | + | + | *Агар* шарт феъли билан ишлатилади. |
| | | + | | + | |
| | | + | Асосан, шарт феъли билан | + | |
| 7. | *-ким*‖*-ки* | + | + | + | *-Ки* формаси қўлланади; унинг функция доираси чегараланган. |
| | | + | + | + | |
| | | + | + | + | |
| | | + | + | + | |
| | | + | ÷ | + | |
| | | + | — | + | |
| | | + | — | + | |
| | | + | — | + | |
| | | + | — | + | |
| | | + | — | + | |
| | | + | + | — | |



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Эргаш гапли қўшма гаплар тараққиётига доир
(Тобе боғловчилар)

| а/а | Форма | КТ, Тоң (VIII аср) | ДЛТ ҚБ (XI аср) | Тф, ҚА (XII–XIV аср) | Мқ, Мн (XV аср) | Бн. (XVI аср) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | функция | функция | функция | функция | функция |
| 8. | *Нэчўкким* | | | Натижа-сабаб | + | + |
| | *Нэчўнким* | | | | | + |
| 9. | *Чўн* | | | Натижа | + | Изоҳ |
| | | | | Сабаб | + | + |
| | | | | Пайт | + | + |
| | | | | | ўхшатиш | + |
| | | | | | | Шарт-пайт тўлдирувчи |
| 10. | *Чўнки* | | | | Нисбий эргаш гаплар | + |
| 11. | *Тā//тāки* | | | Пайт-шарт | Пайт | + |
| | | | | | Мақсад | + |
| | | | | | Сабаб | + |

| а/а | Форма | ШТм (XVII аср) | ТВГ, Тқ (XIX–XX аср) | Ҳозирги замон тили |
|---|---|---|---|---|
| | | функция | функция | муносабати |
| 8. | *Нэчўкким* | ÷ | + | Қўлланмайди. |
| | *Нэчўнким* | Кам қўлланади | + | |
| 9. | *Чўн* | Кам қўлланади | + | Қўлланмайди. |
| | | | + | |
| | | | Кам қўлланади | |
| 10. | *Чўнки* | | | Сабаб вазифасида кенг қўлланади, 2-функцияси ишлатилмайди. |
| 11. | *Тā//тāки* | + | + | Аниқлик феъли билан бирикмайди; |
| | + | + | + | 2 вазифада қўлланади. |
| | | Кам қўлланади | + | |

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА


Сўз боши . . . . . . . . . . . . . . . . . 5
Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . 8
I боб. Боғловчисиз қўшма гаплар тараққиёти ҳақида . . . . . 12
II боб. Боғланган қўшма гаплар тараққиёти ҳақида . . . . . 25
III боб. Эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклланиш тараққиёти ҳақида. 40
Сифатдош . . . . . . . . . . . . . . . 43
Равишдош . . . . . . . . . . . . . . . 56
Шарт феъли . . . . . . . . . . . . . . 62
Нисбий конструкциялар . . . . . . . . . . . 68
Тобе боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги сўзлар . . . . . 73
Умумий хулосалар . . . . . . . . . . . . . . 93
Илова . . . . . . . . . . . . . . . .
I. «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг синтактик хусусияти . . . . . . 107
II. «Ўғузнома»нинг синтактик хусусияти . . . . . . . . 144
III. «Ўтган кунлар»нинг синтактик хусусияти . . . . . . . 168
IV. Қўшма гап тарихига оид жадваллар . . . . . . . . 173
Бобирнинг «Бобирнома» асарида ва А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида қўлланган қўшма гаплар жадвали . . . . . . 174
Боғловчисиз қўшма гаплар тараққиётига доир жадваллар . . . . 180


www.ziyouz.com kutubxonasi

*На узбекском языке*

Гани Абдурахманович Абдурахманов

# ИСТОРИЧЕСКИЙ СИНТАКСИС

*Фарғона Давлат Педагогика институти илмий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан нашрга тасдиқланган.*

Мухаррир *Ҳ. Саъдуллаева*
Рассом *Д. Файзираҳмонов*
Техмуҳаррир *Б. Мўминов*
Корректорлар *С. Раззоқова, М. Содиқова*

Р08268. Теришга берилди 25/XII-73 й. Босишга рухсат этилди 13/II-74 й. Формати $60 \times 90^1/_{16}$
Босмахона қоғози № 1. Қоғоз л. 6,125. Босма л. 12.52. Ҳисоб-нашриёт л. 13,0. Нашриёт № 734.
Тиражи 1500. Баҳоси 1 с. 40 т. Заказ 12.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси Тошкент, М. Горький проспекти, 21.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi